

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИД
Асаджон ХЎЖАЕВ
Наим КАРИМОВ
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЎЗАМ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Шухрат РИЗАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Баҳодир КАРИМОВ
Ҳилола УМАРОВА
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Олимжон ДАВЛАТОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
АДМИНИСТРАЦИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ
ВА ОММОВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР
АГЕНТЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

1997 йил июндан
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Аҳмаджон
МЕЛИБОЕВ

Таҳрир хайъати:

Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Орзикул ЭРГАШ
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА
Севара АЛИЖОНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. “Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни...” (Олим Давлатов шарҳи, инглиз тилига Қосимбой Маъмуров тарж.).....	3
--	---

НАСР

Антон ЧЕХОВ. Бўса. Ҳикоя. (Рус тилидан Ҳумоюн тарж.).....	9
Роттердамлик ЭРАЗМ. Нодонликка қасида. (Рус тилидан Шуккур Жаббор тарж.).....	80
Владимир КОРОТКЕВИЧ. Қўҳна афсона. (Рус тилидан Рисолат Ҳайдарова тарж.)....	94
Александр ЛЕВКОВСКИЙ. Инсон, уруш, муҳаббат. Ҳикоя. (Рус тилидан Хуришд Дўстмуҳаммад тарж.).....	125
Зеус ҚАБАДАЙИ. Мени ташлаб кетдинг. (Турк тилидан Бобоҳон Муҳаммад Шариф тарж.).....	138
Михаил ЗАДОРНОВ. Ҳаётий ҳажвиялар. (Рус тилидан Расулжон Мухторов тарж.).....	178

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Томас ЭЛИОТ. (Инглиз тилидан Шерзод Комил Халил тарж.).....	24
Султон Сулаймон МУҲИББИ. Мумтоз турк шеъриятидан. (Турк тилидан Эрпўлат Бахт тарж.).....	134

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

Эдвард РАДЗИНСКИЙ. Князь. Чақимчининг хотиралари. (Рус тилидан Жалолиддин Сафоев тарж.).....	31
---	----

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

АБАЙ. Китоби тасдиқ. (Қozoқ тилидан Баҳодир Карим тарж.).....	165
Салим АШУР. Сўз ва фикр ўз ўрнини топса... ..	178
Рустам МИРВОҲИД. Ғазал ва тахмис уйғунлиги.	201
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.	206



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

“АДАБ ЭРМАСДУРУР ҚИЛМОҚ ҲАР ИШНИ...”

*Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густох,
Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густох.*

*Не қувват бирла шаҳ густох сўзлашгай анинг бирла,
Ки ваҳм этгай бошига соя солмоқтин ҳумо густох.*

*Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох.*

*Бало ичра далир урма қадам то ошиқ ўлмайсен,
Самандар бўлмагунча кирса бўлмас ўт аро густох.*

*Не муҳриқ водий эрмиш ишқ кўйи даштиким, ул ён
Ўта олмас самум ўлмоқ ҳаросидин сабо густох.*

*Шужоат бирла кирмак кулбайи фақр ичра бўлмаским,
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густох.*

*Чу топмас ҳар неким, тақдирдур, бу дайр аро тағйир,
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.*

*Не нозук ҳўйи бор ул дилрабонингким, ниёз аҳли,
Шикоятқа не етгайким, дейолмаслар дуо густох.*

*Навоий ишқ истигносини то англади ваҳким,
Қила олмас фигон фориг, чека олмас наво густох.*

(“Ғаройиб ус-сизар”, 107-газал)



ЛУҒАТ:

Гадойи факр – дарвеш, тариқатдаги киши.
Густох – адабсиз, андишасиз, бетакаллуф; кўркмас.
Ваҳм этмоқ – кўркмоқ.
Хумо – афсонавий куш; давлат куши.
Уруж – юксалиш.
Малак – фаришта.
Далер – кўркмас, ботир.
Самандар – ўтда ёнмас афсонавий махлуқ.
Муҳриқ – алангали.
Самум – иссиқ шамол, гармсел.
Сабо – тонгги эпкин.
Шужоат – ботирлик, жасорат.
Тағйир – ўзгариш.
Ниёз – эҳтиёж.
Истиғно – ҳожатсизлик.
Фориғ – бемалол, эркин.

БАЙТЛАРНИНГ НАСРИЙ БАЁНИ

Олим ДАВЛАТОВ шарҳи

1. Тиланчи гадо шоҳ олдида бемалол сўзлай олмаслиги каби, подшоҳ ҳам факр йўлидаги дарвешнинг ҳузурида бетакаллуф гапиролмайди.
2. Бошига давлат куши – хумо соя солишдан кўркиб турган одамнинг ҳузурида шоҳ қайси қувват билан бемалол гаплаша олади?!
3. Бу дайр – дунё ичра юксалишни истар эсанг, фоний бўлгил. Фано аҳли фаришталар устидан ҳам хотиржам ўтиб бораверадилар.
4. Ошиқ бўлмагунча балолар гирдобига ботирлик билан қадам қўйма. Самандар бўлмагунча олов ичига бемалол кириб бўлмайди.
5. Ишқ дашти қандайин алангали водий эмишки, тонгги сабо самум – гармсел бўлиб қолишидан кўркиб, у томонга ўтолмайди.
6. Факр кулбасига шижоат – ботирлик билан кириб бўлмас. Бу вайронани дуч келган ҳар аждаҳо ўйламасдан ватан қилолмайди.
7. Бу дунёда нимаики тақдир қилинган бўлса, ўзгартириб бўлмайди, шунинг учун ҳамма нарсани ҳам дуо қилиб сўрайвериш одобдан эмас.
8. Ул дилрабонинг феъл-хўйи шу қадар нозикки, муҳтожлар шикоят қилиш у ёқда турсин, такаллуфсиз дуо ҳам қила олмайдилар.
9. Навоий ишқ ундан эҳтиёжсизлигини англагач, бемалол фиғон ҳам қилолмас, густохлик билан нола ҳам чекмас.

ҒАЗАЛНИНГ УМУМИЙ МАЗМУН-МАЪНОСИ

Мазкур ғазалда ҳам дарвешона маънолар шоирона кайфият билан омухта ҳолатда берилган. Девоннинг юзинчи рақамли ғазалида шоҳларнинг дарвешларга муҳтожлиги (Фақр аҳлига подшо муҳтож...) баён этилган бўлса, бунда шоҳлар дарвешлар ҳузурида бошқалар билан бўлгани каби муомала ва муносабатда бўлолмаслиги очикланган. Тасаввуф намояндалари ҳаётидан ҳикоя қилувчи маноқиб ва тазкираларда бу фикрни қувватлантирувчи мисоллар талайгина. Жумладан, “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Бобо Ҳасан Турк номли мажзуб (илоҳий ишқ жазбаси етганидан девонасифат бўлган) дарвеш ҳаётидан ажиб бир воқеа келтирилган. Бобо Ҳасан Турк қишнинг бир кечаси жазба етган ҳолида ҳаммомнинг гўлаҳида исиниши учун гўлаҳчидан рухсат сўрайди. Гўлаҳчи кўнмай уни ҳайдаб солади. Бобо Ҳасан уни бир мушт уриб, ўлдириб кўяди. Хабар давр подшоҳи – Шоҳрух Мирзога етиб боради. “Шоҳрух Мирзо сўрубдурки, Бобо, сени дейдурларки, биравни ўлдурубсен? Андоқмудур? Дебдурки, хов, андоқдур. Мирзо сўрубдурки, не учун ўлдурдунг? Дебдурки, мунчани сен ўлдурдунг, биравни дағи мен ўлдурдум”. Шоҳрух Мирзо бу гапдан кейин хомуш тортиб, даъвогарларни дият (қон пули) олишга кўндириб, ўз ҳисобидан тўлаб юборади. Бобо Ҳасанни эса ўз ҳолига қўяди.

Манбаларга кўра, Шоҳрух Мирзо тасаввуф аҳлини унчалик хуш кўрмасди. Ҳатто Шайх Сойиниддин Турка деган бир тасаввуф назариётчиси ўзи ёзган китобдан тониб, бу китобни Шоҳрух Мирзо замонидан анча олдин ёзгани мазмунида раддия берган экан. Маълум бўладики, бу даврда тасаввуф мавзусида китоб ёзиш расман манъ этилган. Шундай қалтис пайтда ҳам кўрқмасдан гапирган Бобо Ҳасан султонни ҳақ гаплари билан навбатдаги ҳарбий юришдан қайтариб, ноҳақ қон тўкилишининг олдини олган.

Султон Ҳусайн Бойкаро замонида келиб, вазият тубдан ўзгаради. Устозимиз Нажмиддин Комилов таъкидлаганларидек, “Ҳиротда тасаввуфнинг турли тоифадаги тариқати амал қилган, кишилар хоҳлаган, кўнгли чопган шайхга мурид тушган. Бундай эркин танлаш Ҳирот маънавиятининг икки буюк пешвоси – Жомий ва Навоийда ҳам кўзга ташланади”. Султон Ҳусайннинг табиатан дарвешликка мойиллиги ҳам бундай эркин муҳит яралишида муҳим омил ўйнаганини алоҳида таъкидлаш керак. Шунинг учун, Навоийнинг куйидаги сатрларини шунчаки муболағали тавсиф эмас, балки воқеликнинг бадиий ифодаси ўлароқ қабул қилиш мақсадга мувофиқ:

*Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густох,
Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густох.*

*Не қувват бирла шаҳ густох сўзлашгай анинг бирла,
Ки ваҳм этгай бошига соя солмоқтин ҳумо густох.*

Учинчи байтда уруж – юксалиш ҳақида сўз боради. Уруж – меърож сўзи билан ўзакдош. Сўфийлар талқинига кўра, меърожда охирзамон пайғамбари ҳам жисман, ҳам руҳан Ҳақ таоло ҳузурига юксалган бўлса, чин ихлос билан адо этилган ҳар бир намоз ва ибодат мўминнинг руҳий меърожидир (“Кашф ул-махжуб”, 339-бет). Инсонни фаришталардан ҳам юксакроқ мақомга эриштирадиган нарсa – Аллоҳ таолонинг ўзини кўрмасдан, қудрати ва нишонларини мушоҳада этиб, Унга чин ихлос ва муҳаббат билан қўйган эътиқодидир:

*Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох.*

Бу мақом ва мартабага эришиш учун фақат эътиқод ва билимнинг ўзи камлик қилади. Муҳаббат ва иштиёқ оловида тобланган маърифат, синовлардан ўтган чин ихлос соҳиби бўлган кишигина намоз пайтидаги қалб ҳузурига эриша олади. Жомийнинг “Силсилат уз-заҳаб” достонида келтирилишича, тариқат йўлига энди кирган мурид намоз пайтидаги хуш-шув ва ҳузув (кўнгилда Ҳақ таолонинг кўркуви ва муҳаббатидан бошқа нарсa йўл топмаслик ҳолати)ни тополмай, бир неча марта намозини бузиб, қайта ўқишга киришади. Пири буни сезиб, танбеҳ беради ва айтадики, йўлнинг охирида ҳосил бўладиган нарсани аввалбошда талаб қилиш ақлсизликдир. Ишқ даштидаги ўз имконидан ортиқ бўлган балоларни талаб қилиш – самандарлик хислатини касб этмай туриб, оловга оёқ қўйиш билан баробар:

*Бало ичра далир урма қадам то ошиқ ўлмайсен,
Самандар бўлмагунча кирса бўлмас ўт аро густох.*

Ишқ водийсининг оташи шунчалик шиддатлики, тонг чоғи эсадиган сабо ҳам у томонга ўтса, самум – гармселга айланиши хавфи бор. Мажоз тилида сабо – хушхабар, ёрнинг лутфу марҳаматидан мужда, самум эса ёрнинг итоблари ва ишқ балоларини англатади. Демак, сабодек ёқимли ва жонга ҳузур бағишловчи бир хушхабар ҳам ишқ ўтининг шиддатидан самумдек ҳалокатли бўлиши мумкинлигини андиша қилиб, ёр ўз ошиғига хабар жўнатмаяпти экан. Ишқ даштида ёрдан бир мужда келмаслиги ҳам меҳрибонликнинг бир кўриниши эмиш:

*Не муҳриқ водий эрмиш ишқ кўйи даштиким, ул ён
Ўта олмас самум ўлмоқ ҳаросидин сабо густох.*

Ганж – хазинани одатда ҳеч ким яшамайдиган вайроналарда кўмилиши ҳақида олдинги шарҳларда айтиб ўтгандик. Олтиннинг яна бир хосияти – илонлар кўмилган хазиналарни тез топиб, уни қўриқлаб ётишаркан. Хазинани қўлга киритмоқчи бўлган одам жасорат кўрсатиб, олдин бу қўриқчи, яъни аждаҳога айланган илонни ўлдириши лозим бўлади. Аммо фақр кулбасида яширинган хазинани жасорат ва ботирлик билан эмас,

балки қалби синиклик, ризо, қаноат ва шукроналик, тавозе ва адаб билан қўлга киритиш мумкин. Бу кулбага густохлик билан қадам қўйиб бўлмас. Машойих айтганларидек, тасаввуф – жумла одобдир:

*Шужоат бирла кирмак кулбайи фақр ичра бўлмаским,
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густох.*

Кейинги байтларда “гадойи фақр”ларга хос бўлган хислатлар – ҳар неки келса, тақдирдан рози бўлиш ҳамда инон-ихтиёрини буткул Ҳақ таоло иродасига мувофиқ этиш ҳақида сўз боради.

“Насойим ул муҳаббат”да берилишича, бир куни Хожаи жаҳон Абдулҳолиқ Гиждувоний хузурида бир дарвеш деди:

– Агар Худованд таоло менга жаннат ва дўзахдан қайси бирини танлаш имконини берса, мен дўзахни ихтиёр қиламан. Чунки мен ҳеч қачон нафсим муроди билан яшамагаймен. Бу ҳолда жаннат нафс муродидир ва дўзах Ҳақ муроди.

Ҳазрат Хожа дарвешнинг сўзини рад қилиб, дедилар:

– Бандага ихтиёр билан нима иши бор, ҳар қаён бор деса, борурмиз ва қаёнда бўл, деса, бўлурмиз. Бандаликнинг шарти ушбудир, сен айтганингча эмас.

Мазкур байтларни Абдулҳолиқ Гиждувоний ғояларининг шоирона ифодаси десак, адашмаймиз. Зотан, орифона ғазалларда Алишер Навоий энг аввало, нақшбандийлик ғояларидан илҳомланган ва ўз ирфоний қарашларини шу таълимот асосида курганига ушбу байтлар ҳам асос бўла олади:

*Чу топмас ҳар неким, тақдирдур, бу дайр аро тағйир,
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.*

*Не нозук хўйи бор ул дилрабонингким, ниёз аҳли,
Шикоятқа не етгайким, дей олмаслар дуо густох.*

*Навоий ишқ истигносини то англади ваҳким,
Қила олмас фигон фориғ, чека олмас наво густох.*

ҒАЗАЛНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИ

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

“IT IS NOT POLITE TO PRAY ...WITHOUT FEAR”

*As in front of a shah a beggar cannot speak without fear,
So can't shah talk in the presence of dervish without fear.*

*With what power can the shah speak with a person,
Who is empowered by a bird of luck without fear!*

*If you want to rise in this world, try to be mortal,
Over angels mortal people pass calmly without fear.*

*Until you fall in love don't step into an evil whirlpool,
Until you wear fireproof you can't enter fire without fear.*


*The love affair of the desert is said to be a flaming valley,
The dawn will become bitter if one can't cross it without fear.*

*It is impossible to enter bravely the hut of the poor,
Even a dragon cannot make this ruin its home without fear.*

*What is destined to happen in this world cannot be changed,
That's why it is not polite to pray for everything without fear.*

*What a delicate behavior that beauty has in her character,
Let alone the needs' complaints they can't pray without fear.*

*Alas, when Navoi realizes that love is not in need of him,
He can't easily complain with pleasure or moan without fear.*





Антон ЧЕХОВ

(1860–1904)

БЎСА

*Рус тилидан
ЎУМУОУН
таржимаси*

Йигирманчи май куни кеч соат саккизларда қароргоҳ сари йўлга чиққан заҳирадаги N-артиллериячилар бригадасининг олти батареяси Местечка қишлоғида тунаб қолиш учун тўхтади. Олағовур авжига миниб, бир тўда зобитлар замбарак атрофида уймаланаётган, қолганлари черков майдонига йиғилиб, квартирьерлар¹ буйруғини кутаётган пайтда черков томондан ажойиб тулпор минган оддий уст-бошдаги киши пайдо бўлди. Думи калта, чиройли ёли текис, қоп-қора, чаққон тулпор гўё кимдир оёғига хипчин билан савалагандек, тўғри юрмай, ўйноқлаб, ёнламасига йўрғалаб келарди. Чавандоз зобитларнинг қаршисига яқин қолганда шляпасини қўлига олиб, деди:

– Муҳтарам зобитларни шу ерлик помещчик, жаноб олийлари, генерал-лейтенант фон Раббек ўз хонадонига бир пиёла чой ичгани марҳамат қилишларини сўрайдилар...

Тулпор узун олд оёқларини букиб таъзим қилгач, ёнламасига йўрғалаб ортига тисарилди: чавандоз яна бир бор шляпасини қўлига олиб ҳурмат бажо келтиргач, ажабтовур тулпорини илдамлатди-да, черковдан нарига ўтиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

– Жин урсин, қанақа чой! – тўнғиллади ўзлари учун ажратилган хоналарга бир-бир тарқалар экан айрим зобитлар. – Уйқу келяпти, у ёқда эса, мана бу фон Раббек чой берармишлар! Қанақа чойлигини жуда яхши биламиз!

Ўтган йилги чой воқеасини олтига батарея зобитлари ҳалигача унутганлари йўқ: бир истеъфодаги генерал, граф-помещчик қизғин ҳарбий ҳаракатлар вақтида, қўшни казак полки зобитларини қўшиб, шундай чойга таклиф этади; меҳмондўст, очикқўнгил граф уларни ҳўп сийлайди, едириб-ичиради, охири қўярда-қўймай, уйида тунаб қолишга қўндиради. Буларнинг барчаси, албатта, жуда яхши, бундан ортиғи-ортиқ, аммо

¹ **Квартирьер** – ҳарбийларга қароргоҳ топиш учун олдиндан юборилган ҳарбий хизматчи.

хамма бало шундаки, ёш зобитлар олдида истеъфодаги ҳарбийнинг меҳмондўстлиги қуёшқондан чиқиб кетади. У тонг оқаргунча зобитларга ширин хотираларини сўйлаб, кошонасини хонама-хона айлантриб, қимматбаҳо картиналар, қадимги суратлар, ноёб қуроолларини кўз-кўз қилади, юқори мартабали зотлар ўз қўли билан ёзган мактубларни ўқиб беради; бу даҳмазалар жонига теккан меҳмонлар ҳолдан тойиб, мезбон ортидан судралиб, базўр томоша қилишади, уйқусираб, эснаб, енгини ҳидлашади; ниҳоят, уй эгаси зобитларни кузатишга чиққанда аллақачон ухлаш вақти ўтиб кетган эди.

Бу фон Раббек деганлари ҳам шундай нусхалардан эмасмикин? Шундайми ёки шундай эмасми, барибир, бошқа қиладиган иш йўқ! Зобитлар обдон ювинишди, ясан-тусан қилишди, кейин тўдалашиб помешчикнинг ҳовлисини қидириб кетишди. Черков ёнидаги майдонда дуч келган кишиларнинг айтишича, жанобникига қуйи йўлдан борса ҳам бўлар экан – черковдан ўтиб, дарё ёқасига тушгач, қирғоқ бўйлаб боққача пиёда юрилса-ю, йўл охиридаги хиёбондан ўтилса, айтилган манзилга етилади ёки отда бориладиган бўлса – черков майдонидан бошлангувчи катта кўчадан тўғрига қараб ярим чақирим чопилса – тўппа-тўғри жанобнинг омборлари қаршисидан чиқилар экан. Зобитлар юқори йўлдан боришга аҳд қилишди.

– Бу қайси фон Раббек бўлди? – гурунглашди улар йўл-йўлақай. – Плевной остонасида N-отлиқ дивизияга қўмондонлик қилганмасми?

– Йўқ, у фон Раббек эмас, шунчаки Раббе эди, фонсиз.

– Ҳаво қандай яхши-я!

Хўжайиннинг биринчи омборига етганда йўл икки томонга бўлинди: бир шохобчаси тўғрига йўналиб, оқшомги ғира-ширада кўздан ғойиб бўлди, бошқаси – ўнгга, хўжайиннинг уйига олиб борарди. Зобитлар ўнгга бурилгач, шивирлаб гаплаша бошлашди... Йўлнинг икки четидаги қатор чўзилган қизил томли, тошдевор омборлар уезд шаҳарчасидаги казармаларга ўхшаб баҳайбат, метиндай мустаҳкам қурилибди. Олдинда хўжайин ҳовлисининг ёруғ деразалари кўзга ташланди.

– Жаноблар, бу – яхшилик аломати! – дея ҳазиллашди зобитлардан бири. – Тозимиз ҳаммадан илгари чопяптими, демак, ис олган, ўлжа бор!..

Бошқалардан олдинда ошиқиб кетаётган бўйдор, котмадан келган, аммо мўйлаби чиқмаган (ёши йигирма бешдан ўтган бўлса-да, унинг тўла, юмалоқ юзида негадир бир туки йўқ) поручик Лобитко бригадада сергаклиги, узокдан туриб бирон жойда аёллар бор-йўқлигини аниқ айтиши билан танилган эди, у ортига ўгирилиб деди:

– Ҳа, бу уйда қизлар бор. Кўнглим сезиб турибди.

Ҳайбатли уй бўсағасида зобитларни эғнида оддий кўйлак, истараси иссиқ, олтмиш ёшлардаги фон Раббекнинг ўзи қарши олди. Меҳмонларнинг қўлини сиқиб бирма-бир саломлашар экан, азбаройи Худо, ўзининг бағоят мамнунлиги, бахтиёрлигини таъкидлаб, жаноб зобитларни тунаб қолишга таклиф этолмагани учун чин кўнгилдан афв этишларини ўтиниб сўради; уйига икки синглиси болалари билан, яна ака-укалар, қўни-қўшнилар йиғилибди, шу боис биронта бўш хона қолмабди.

Генерал барча зобитлар билан қўл сиқишиб, яна бир бор афв этишларини сўраб жилмайди, аммо унинг юз-кўзидан ўтган йилги графчалик мамнун эмаслиги яққол кўриниб турарди; зобитларни уйига таклиф қилишининг сабаби шу эканки, унингча, азалий урф-одатларга амал қилиниши лозим экан. Зобитлар юмшоқ зинадан юқорига кўтарилар экан, генералнинг сўзларини эшитиб, уларни таклиф этмаслик ножониз бўлгани учунгина бу ерга келишганини англашди; пастдаги кириш йўлаги ҳамда юқоридаги дахлизда машъала ёқаётган малайларнинг чоп-чопини кузатиб, меҳмонлар бу уйга бир олам ташвиш келтирганига, уй эгаларини бемаврид безовта қилганига амин бўлишди. Нариди, эҳтимол, кимгадир бағишланган оилавий тантана ёки маросим ўтказиляпти шекилли, болаларини эргаштириб келган икки опа-сингил, ака-ука ва кўни-кўшнилари даврасига ўн тўққиз нафар бегона зобитнинг аралашуви хуш келармиди?

Меҳмонларни юқорида, залга кириш йўлагида баланд бўйли, келишган, қошлари қоп-қора, куйиб кўйгандай қиролича Евгенияга ўхшаш кампир қаршилади. Хушмуомала кампир киборларга хос табассум қилиб, ўз уйида меҳмонларни кўрганидан қувонганини айтгач, бу сафар жаноб зобитларни тунаб қолишлари учун эри ва ўзида имконият йўқлигини алоҳида таъкидлаб, узр сўради. Нимагадир андармон бўлиб, меҳмонлардан бошқа тарафга юзланганда чехрасидаги чиройли, улуғвор табассуми бир зумда ғойиб бўлгани кампиршо ўз даврида бундай зобитларнинг кўпини кўрганидан далолат берарди, энди-чи, имкон йўқ; уйига зобитларни таклиф этиб, узр сўрашининг боиси эса шу тахлит тарбия топгани, қолаверса, киборлар жамиятида тутган мавқеи шундай қилишни тақозо этаётгани эди.

Зобитлар кирган катта ошхона бурчагидаги узун столнинг бир қанотида ёшу қари бўлиб, ўнтача жаноб ва хонимлар ўтирарди. Улар жойлашган стуллар ортида, енгил тамаки тутуни ичида, бир тўда эркакнинг қораси кўринар; уларнинг орасида чакка соқоли сарғиш, қотмадан келган, тили чучук йигитча инглизчалаб нималарнидир маъқуллаарди. Тўда ортидаги ойнаванд эшикдан мовий жиҳозланган ёп-ёруғ хона кўзни қамаштирарди.

– Жаноблар, сиз шунчалар кўпсизки, бирма-бир таништиришнинг иложи йўқ! – дея қичқирди генерал ўзини хушчақчақ кўрсатишга уриниб. – Жаноблар, ўзингизча, шундай танишаверингиз!

Зобитлар – бирлари жуда сипо, ҳаттоки жиддий, бошқалари эса сохта табассум ила, аммо барчаси ўзини бениҳоя ўнғайсиз сезиб, ҳар қалай, таъзим бажо келтиргач, стол атрофига жойлашишди.

Бошқаларга қараганда елкаси туртиб чиққан, пакана, чакка соқоли силовсин тиканисимон, кўзойнакли зобит – штабс-капитан Рябович ўзини жуда ноқулай ҳис этарди. Ўртоқларидан бири жиддий, бошқалари сохта иршайганда унинг тиканакдек чакка соқоли ва кўзойнакли юзи гўё шу сўзларни айтиб тургандек эди: “Мен бутун бригада бўйича энг журъатсиз, энг камсуқум ва энг туссиз зобитман!” Ошхонага кириб дас-

турхон четига ўтиргач, у атрофига олазarak боқар экан, нигоҳини дабдурустдан бирор чехра ёки насада тўхтата олмасди. Чехралар, либослар, коньяк тўла киррали графинчалар, қадахлардан чиқаётган ҳовур, ганчли дарпардалар – ҳамма-ҳаммаси ягона ҳайбатли таассуротга айланиб, Рябовични ваҳима босди – бош тиқишга жой қидириб қолди. Томошабинлар қаршисига биринчи марта чиққан сўз устасига ўхшаб, кўз олдида неки бўлса, барчасини бирваракайига, якқол кўрди, аммо кўрганларини жамлай олмасди (физиологларда бундай ҳолат – субъект ҳамма нарсани кўради-ю, аммо англамайди – “рухий сўқирлик” дейилади). Бироз ўтгач, даврага кўника бошлаган Рябович ҳушини йиғиб, атрофидаги кишиларни зимдан кузата бошлади. Журъатсиз, кўпчиликка кўникмаган бундай кишиларга, аввало, ўзида ҳеч қачон кузатилмаган наса – айнан янги танишларнинг ғайритабиий мардоналиги якқол сезилади. Фон Раббек, унинг кампири, ёши ўтинқираган икки хоним, оч бинафшаранг кўйлак кийган ойимқиз, кейин сарғиш чаккасоқолли йигитча, яъни Раббекнинг кенжа ўғли, жуда муғамбир экан – барчаси зиёфатга олдиндан пухта тайёргарлик кўришгани кундай равшан бўлди; мезбонлар зобитларни оралаб ўтиришди-да, уларни қизиқарли мавзуда қизгин баҳс-мунозарага тортишди. Оч бинафшаранг кўйлакли ойимқиз артиллериячилар пиёда ва отлик аскарлардан яхшироқ ҳаёт кечиради, дея ўз фикрини зўр бериб исботлай бошлади, Раббек ва ёши ўтинқираган хонимлар қизнинг фикрини рад этишди. Ажойиб суҳбат бўлди-да. Ўзига мавҳум, аслида заррача қизиғи йўқ масалада қуйиб-пишиб баҳсга киришган оч бинафшаранг кўйлакли ойимқизга анграйиб қолган Рябович унинг чехрасида сохта табассумлар қандай тез пайдо бўлса, шундай тез ғойиб бўлаётганига ажабсиниб қараб ўтирди.

Фон Раббек ва унинг оила аъзолари зобитларни моҳирона баҳсга тортиб бўлгач, қадахлар тўлдирилганми, оғизлар чайналяптими, ҳамма ичяптими, ёзилишиб ўтиришибдими, ким бисквит емади, нега ёки ким коньяк ичмаяпти – сергак кузатув бошланди. Бу самимиятдан йироқ, сохта, аммо ўзгача интизомли оилани Рябович кузатгани сайин лолу асир бўларди.

Чойдан сўнг зобитлар залга чиқишди. Поручик Лобитконинг башорати рост чиқди: залда ойимқизлар, ёш хонимлар кўпчилик эди. Този поручик аллақачон қора кўйлак кийган малласоч қизнинг ёнида турли қилиқлар кўрсата бошлади – чакқон эгилиб, гўё кўринмас қиличга суянар, жилмаяр, елкаларини учирарди. Эҳтимол, у жуда қизиқарли сафсата сотаётган бўлса керакки, малласоч қиз уни назар-писанд қилмай тўладан келган юзига қаради-да: “Наҳотки?” деб сўради. Мана шу эҳтироссиз “наҳотки”ни эшитган този, агар фаҳм-фаросати бўлганда, унга “ол, кишт!” дея қичқиришлари дарғумон эканини тушуниб етган бўларди.

Рояль садоси янгради; ғамгин вальс оҳанглари залнинг ланг очик деразасидан чиқиб, кўкка парвоз қилди, энди негадир ташқаридан баҳор мўралаётгани сезилди, тароватли май оқшоми барчанинг тилига бол улашди. Даврадагилар янги ёзилган терак япроқчалари, гуллар ва сиреннинг хушбўйи таралганини ҳис этди. Рябовичнинг ўзими ёки мусиқа

жўрлигида тотилган коньяк тилга кирдимиз, дераза томонга нигоҳ ташлаб жилмайди-да, хонимларнинг хатти-ҳаракатларини кузата бошлади; унга гуллар, терак ва сирень ҳиди боғдан эмас, аёллар чехраси, нафис либосларидан таралгандек туюлди.

Раббекнинг ўғли қотмадан келган қизни рақсга таклиф этди ва бу жуфтлик даврани икки марта айланиб чиқди. Лобитко паркет полда сирғаниб бориб, оч бинафшаранг кўйлакли хоним қаршисида пайдо бўлди-ю, иккиси зал бўйлаб йўргалаб кетишди. Рақс бошланди... Рябович эшик ёнида тик турганлар сафида бошқаларни томоша қиларди. У умри бино бўлиб ҳалигача рақс тушмаган, ҳаётида бир марта бўлсин, келишган аёлни бағрига босмаган эди. У бир йигит бегоналар кўз ўнгида нотаниш қиз белидан тутиб, унга қўлини қўйиши учун елкасини учирганда бениҳоя ҳайратга тушди, аммо ўша йигит ўрнида ўзини сира тасаввур қилолмади.

У ўртоқларининг мардлик, шижоатига ҳасад кўзи билан қараган пайтлари бўлган, бу ҳолда кўнгли ўксир эди; ўзининг журъатсизлиги, букрилиги ва туссизлиги ҳақидаги тасаввури кучайиб, силовсинсимон чакка соқолидан, умуман, ўзидан ўзи нафратланарди, аммо аста-секин ҳаммасига кўникди, айни дамда рақс тушаётганлар ёки қичқириб гапирганларга қараб, ҳасад қилмади, балки қалби ғуссага тўлиб, меҳри ийиб кетди.

Кадриль бошланганда кичик фон Раббек рақс тушмай четда турганлар ёнига келиб, икки зобитни бильярд ўйинига таклиф қилди. Улар рози бўлиб, Раббекка эргашиб, залдан чиқишди. Нима қиларини билмай қаққайиб турган Рябович, ҳеч бўлмаса, қаторда борини кўрсатиб қўйиш мақсадида уларнинг ортидан эргашди. Залдан чиқиб, меҳмонхонага, ундан кейин тор ойнаванд йўлак бўйлаб, уларни кўриб, ўридан сапчиб турган уч малай гавдаси шарпадай ваҳимали кўринган хонага киришди. Ниҳоят, яна бир неча хоналардан ўтгач, кичик Раббек ва зобитлар унча катта бўлмаган бильярдхонага етиб боришди. Ўйин бошланиб кетди.

Қартадан бошқа ўйин ўйнамаган Рябович бильярд четида қаққайиб, икки рақибга маънисиз тикилди, улар эса, камзул тугмаларини ечиб, қўлда таёқни тик тутиб, наридан берига юришар, ҳазиллашар ҳамда тушуниксиз сўзлар айтиб қичқиришарди. Ўйинчилар Рябович борлигини унутган, фақат бирортасининг тирсаги ёки таёғи беҳос тегиб кетса, “Pardon!” деб кўярди. У биринчи партия ҳали якунига етмай зерикди, бу хонада ўзининг ортиқча экани, ўйинчиларга ҳалал бераётганини ҳис қилди... залга, ортга қайтмоқчи бўлиб, хонадан чиқди.

Қайтишда кичик бир саргузаштни бошидан кечирди. Ярим йўлдан ўтганда бошқа тарафга адашиб кетганини фаҳмлади. Учта бўшашган малай кўланкасига дуч келгани ёдида бор эди, аммо беш-олти хонадан ўтса ҳам улар, ер ютгандай, йўқ. У бошқа йўлакдан қайтганини пайқагач, бироз ортга чекиниб, ўнг тарафга бурилиб, нимқоронғи хонага кирди, бильярдхонага боришда бу ердан ўтмаган; хонада ярим дақиқача тургач, биринчи дуч келган эшикни журъатсиз очди-ю, зим-зиё хонага кириб

қолди. Кичкина тирқишдан тушаётган милтироқ нур қаршисида эшик борлигидан далолат берарди; эшик ортидан ғамгин мазурканинг бўғиқ овози эшитилди. Бу хонада ҳам худди залдагидек, деразалар ланг очик, терак, сирень ва гулларнинг хушбўй хиди анқирди...

Рябович қоққан қозикдек серрайиб қолди... Шу пайт кутилмаганда шошқин кадам товуши, кўйлак шалдираши, кейин кулоғига аёл кишининг бўғиқ овозда: “Ниҳоят-а!” дея шивирлагани эшитилди, шубҳасиз, ўша аёлники бўлган иккита юмшок, хушбўй қўл Рябовичнинг бўйнига осилди; юзига қайноқ юзини босиб, кетма-кет олинган бўсалар саси атрофга таралди. Аммо шу лаҳзадаёқ жўшиб ўпаётган аёл оҳиста қичқириб юборди ва, Рябович аниқ сездики, у жирканиб ўзини ортга тортди. Бечора зобит ҳам қичқириб юборай деди, ўзини тутолмай, ақлу хушини йўқотиб, нур милтираган тирқишга отилди...

У залга қайтиб келганда, юраги кўксини ёргудек дукиллар, қўли шунақаям қалтирардики, биров кўрмасин деб, шоша-пиша орқасига яширди. Аввалига кўрқув, уят ҳислари қийнади, гўё залдагиларнинг барчаси ҳозиргина уни аёл киши кучоқлаб ўпганини кўргандек эди, аммо атрофга хадиқсираб, олазарақ кўз ташлагач, ҳамма ўзи билан ўзи овора, рақсга тушиб, сафсата сотаётганини фаҳмлади, аммо унинг бутун борлиғи аввал ҳеч қачон ҳис этмаган янги туйғулар гирдобига ғарқ бўлган эди. Бечора ғалати бўлиб кетди... Ҳозиргина уни кучган хушбўй момик қўллар бўйнига мой суртгандек; чап кулоғининг қуйиси, нотаниш қиз бўса олган жойлари беозор титради, ўша нуқтада ялпиз томчиси тушгандек ёқимли яхлашни ҳис этди, яхни артган сари кўпайди; у бошидан товонигача янги, ажиб туйғуларга кўмилиб, ҳаяжони тобора зўрайди... У рақсга тушишни, суҳбат қуришни, боққа чиқиб чопишни, бор овозда қаҳ-қаҳ уришни хоҳларди... Ўзининг букри ва туссизлиги, силовсинсимон чакка соқоли ва “ноаниқ ташқи қиёфаси”ни (бир гал беҳосдан кулоғига чалинган: хонимлар даврасида унинг ташқи кўринишини шундай изоҳлашган эди) бутунлай унутди. Ёнидан Раббекнинг хотини ўтаётганди, унга шунчалик ёйилиб, эркаланиб жилмайдики, кампиршо беихтиёр тўхтаб, унга савол аломати билан назар ташлади.

– Сизнинг уйингиз менга бениҳоя ёқди!.. – деди у кўзойнагини тўғрилаб.

Генерал ойим табассум ҳадя этиб, бу уй отасидан мерос қолганини айтди, зобитдан ота-онангиз ҳаётми, кўпдан буён ҳарбий хизматдамисиз, нима учун бунчалик озғинсиз, дея сўраб бўлгач, яна нималарнидир суриштирди. Барча саволларига жавоб олгач, ўз йўлига равона бўлди. У эса, кампир билан гурунғидан сўнгра янада мулойим жилмайиб, ўта олижаноб кишилар даврасига тушиб қолгани ҳақидаги ўйларга берилди...

Кечки таом тановулида Рябовичга нимани таклиф этишса, қараб ўтирмай паққос туширди, еди-ичди, энди унинг кулоғига атрофидаги олағовур эшитилмас, яқиндагина бошидан ўтган саргузашт сабабларини аниқлашга уринарди... Бу воқеа қанчалик сирли тасодиф бўлмасин, унинг сабабини аниқлаш қийин кечмади. Эҳтимол, у ойимқиз ёки хонимдир,

коронғи хонада учрашишга ваъдалашгану, ошиғини соғиниб кетгани, кейин ҳаяжонга тушганидан коронғида Рябовични ўз ботири деб ўйлаган бўлиши мумкин; у ўша хонадан ўтаётганда бир лаҳза тўхтаб ўйланиб қолди, яъни ташқаридан қараганда кимнидир кутиб турганга ўхшарди... Рябович тасодифан тотган болдай бўса сабабини шу тариқа ўзига ўзи изоҳлади.

“У қиз ким экан-а? – деб ўйлади у залдаги аёлларнинг юзларига бир-бир бокиб. – Ёшгина, дуркунгинадир, чунки ёши ўтинқираганлар учрашувга чиқмайди. Иннайкейин, унинг таъби нозик, чунки кўйлагининг шитирлаши, ифори, овози шундай эканидан далолат беради...”

Унинг нигоҳи оч бинафшаранг кўйлакли ойимқизда тўхталди, чунки бу қиз кўнглига хуш келди; елкалари, қўллари хушбичим, ранг-рўйидан оқилалиги кўриниб турибди, овози тиниқ. Рябович қизни кузата туриб, бошқа эмас, айнан шу қиз нотаниш хоним бўлишини жуда-жуда истади... Аммо қиз қандайдир сохта жилмайиб, унга қараб, бурундан қолган қилиқ – узун бурнини жийирди; шундан сўнг Рябович нигоҳини қора кўйлак кийган малласоч қизга қадади. Бу яна-да ёшроқ, сипороқ, самимийроқ, қадахдаги лиммо-лим инглиз ароғини жуда чиройли ҳўплаб ўтирибди. Рябович энди ўша сирли қиз малласоч бўлишини хоҳлади. Аммо тез орада бу қизнинг юзи яссилигини кўриб, нигоҳини узди...

“Топиб олиш қийин, – дея ўйланди у орзуларга берилиб. – Агар бинафшарангнинг фақат елкаси ва қўлларини олсак, ёноқлар – малласочнинг, кўзлар эса – Лобитконинг чап томонидаги жононнинг кўзлари бўлса борми, шундагина...”

У қизларнинг барча ёқимли қирраларини хаёлида муштарак этгач, тасаввурида кўнглидагидек, аммо стол теграсидаги қизлар орасида бўлмаган, ўзидан бўса олган сирли ойимқиз сиймосини яратди...

Кечки таомдан сўнг қорни тўқ, ширакайф меҳмонлар хайр-хўшлашиб, уй эгаларига миннатдорлик билдира бошлади. Мезбонлар эса меҳмонларни тунашга қолдирмагани учун такрор-такрор узр сўрашди.

– Жуда, жуда мамнунман, жаноблар! – деди генерал бу сафар ҳақиқатан самимий (эҳтимол, меҳмонни қарши олишдан кўра уни кузатганда одамлар кўпроқ самимий, олижаноб бўлиб қолар). – Бошим кўкка етди! Оқ йўл, яхши боринг! Тортинманг! Сиз қаёққа? От миниб кетмоқчимисиз? Йўқ, боғ оралаб юра қолинг, яёв – шу йўл яқинроқ.

Зобитлар боққа чиқишди. Уларга кўзни қамаштирувчи чироқ нури-ю, олаговур шовқиндан сўнг хувиллаган боғнинг зим-зиё сукунати таъсир қилди. Улар эшик олдиғача дамани ичига ютиб боришди. Ширакайф, хушчақчақ, мамнун бўлсалар-да, зулмат сукути бир лаҳза ўйга толдирди. Ҳаммасининг хаёлига, худди Рябович сингари, битта фикр келди: қачон Раббекка ўхшаб данғиллама уй солиб, оила, бола-чақа қилади, сўлим боғлари бўлади, ҳаммасига етишганда, чин юракдан таклиф қилмаса-да, эшигига тўртта одам чорлаб уларни сийлармикан, меҳмонларини маст-аласт, хурсанд қиладиган, едириб-ичирадиган кунлар қачон келади?

Кўча эшигидан ташқарига чиққанда, шовқин-сурон солиб, ҳеч бир сабабсиз гуриллаб кулиб юборишди. Энди улар пастдан, дарё ёқалаб

сўқмоқ йўлдан яёв боришар экан, қирғоқни қоплаган буталар, сув ўйган жарлик, дарё юзига эгилган самбиттолларни четлаб-четлаб чоғиб кетишди. Қирғоқ ва сўқмоқ ғира-ширада аранг кўринар, нариги қирғоқ томонни қоп-қора зулмат қоплаган эди. Унда-бунда қорайган сув юзида юлдузлар жимирлайди; юлдузлар титраб, тебранади – шу манзарага боғиб дарё тезоқар эканини билса бўларди. Борлиқни сукунат қоплаган, нариги қирғоқда мудраётган балиқчи қушларнинг ғуриллаши эшитилса, бу қирғоқда қай бир дарахт шоҳида зобитлар тўдасининг шовқинига парво қилмаган булбул чаҳ-чаҳ урарди.

– Қанақа ўзи бу? – қушни олқишлаган овоз эшитилди. – Биз унинг ёнидан ўтяпмизу, у бўлса, парвойига келтирмайди. Муттаҳамлигини қаранг!

Сўқмоқ юқорилаб охирига борганда, черков яқинида катта кўчага туташди. Зобитлар шу ерга келгач, тоққа чиқиб чарчаган кишилардай ўзларини ерга ташлаб, тамаки тутатишди. Нариги қирғоқда хира қизил милтираган нур кўзга ташланди, улар бекорчиликдан бу гулханми ёки деразадаги оловми ёки бошқа нарсами, дея узоқ баҳслашишди... Рябович ҳам оловга қаради, шунда олов унга жилмайиб, қоронғи хонадаги учрашувдан хабардордай, шунга милтираб имо-ишора қилгандай туюлди.

Хонасига қайтиб келгач, Рябович тез ечиниб, ухлашга чўзилди. Унинг ҳамхоналари – Лобитко ҳамда ювош, индамас, бошқаларга ўзини ўқимишли зобит қилиб кўрсатувчи, қачон имкон туғилса, “Вестник Европа” журналининг варақлашга тутинувчи Мерзляков эди.

Лобитко уст-бошини ечиб, у бурчакдан, бу бурчакка узоқ юрди, афтидан, ичкиликка қонмаган кўринади, аскарни чақириб, пиво келтиришга жўнатди. Мерзляев ўрнига ёнбошлаб, бош тарафига шам ёқди-да, “Вестник Европа”сини варақлай бошлади.

“У қиз ким, ахир?” – хаёлга толди Рябович ис босган шифтга тикилиб.

Ҳамон унинг бўйнига мой теккандай, лаби атрофига эса ялпиз бўйли муздай томчи тушгандай ҳис қиларди. Бинафшаранг кўйлакли ойимқизнинг елка ва қўллари, кокиллари; қора либосли малласоч қизнинг чакноқ кўзлари; беллар, тўғноғичлар, кийимлар хаёлидан лип-лип ўтаверди. У диққатини мана шу тимсолларда тўхтатишга уринар, улар эса сакрар, сузар, липилларди. Ҳар қандай киши кўзини чирт юмгач, чексиз зулмат ичида тимсоллар ғойиб бўлади, Рябович шунда шошқин қадам товуши, кўйлак шалдираши, бўса сасини эшита бошлади, қандайдир фавқулодда қувонч туйғуси бутун вужудини қамраб олди... Бахтиёр лаҳзада қулоғига аскарнинг хонага қайтиб киргани ва пиво топилмагани ҳақида бақириб гапиргани эшитилди. Лобитко бирдан қутуриб кетди-да, яна тутоқиб наридан-бериға юра бошлади.

– Нима, бу довдир эмасми? – деди у дам Рябович, дам Мерзляков қаршисида тўхтаб. – Пиво тополмайдиган одам қанчалик тентак ёки галварс бўлиши керак! А! Нимайди, жин урсин?

– Бу ерларда пиво бўлмайди, – деди Мерзляков “Вестник Европа”дан кўзини узмай.

– Шундайми? Сиз шундай деб ўйлайсизми? – хиралик қилди Лобитко. – Худойим-ей, мени ойга отиб юборинг, ўша ердан сизга пиво ҳам, қиз ҳам топиб келаман... Агар тополмасам, одаммасман!

У сумаланиб узоқ кийинди, катта этигининг қўнжини чўзиб тортди-да, тамаки тутатиб, сўз демай хонадан чиқиб кетди.

– Раббек, Граббек, Лаббек, – ғўлдиради у дахлизда. – Жин урсин, бир ўзим боргим келмаяпти. Рябович, шамоллаб келишни хоҳламайсизми? А?

Жавоб бўлмагач, ортига қайтди, яна сумаланиб ечиниб, жойига чўзилди. Мерзляков ҳўрсиниб, “Вестник Европа”ни кўрпа қатига қистирди-да, шамни ўчирди.

– Ҳа-а... – дея ғўлдиради Лобитко, қоронғида тамакисини тортиб.

Рябович бошини кўрпага ўраб, ғужанак ҳолида, хаёлидан липиллаб ўтаётган парча-парча лавҳаларни жамлашга, бир бутун тасаввур ҳосил қилишга уринарди. Аммо уддасидан чиқа олмади. Тез орада ухлаб қолди, унинг хаёлидан ўтган сўнги фикрлар шу бўлди: кимдир уни эркалаб шодлантирди, ҳаётида ғалати, аҳмоқона, аммо фавқулодда ажойиб бахтли воқеа юз берди. Бу ўйлар уни тушида ҳам тарк этмади.

У уйғонганда бўйнидаги мой ва лаби атрофидаги ялпиз томчиси бахш этган кечаги туйғулар ғойиб бўлган, аммо ҳамон бахтиёрлик ҳисси жўш уриб турарди. Дераза ромига, олтиндай товланиб чиқаётган офтобга ҳайрат билан боқди, уйғонаётган кўчага – шовқин-суронларга қулоқ тутди. Дераза тагида кимдир шанғилларди. Рябовичларнинг батарея кўмондони, секин, хотиржам гапиролмайдиган Лебедецкий ҳозиргина бригадага етиб олибди. Айни дамда фельдфебель ҳисоботини тинглар эди.

– Яна нима бўлди? – деб кичкирди кўмондон.

– Кечаги от тақалашда, жаноби олийлари, Голубчикни майиб қилишди. Фельдшер унинг ярасига сиркали гилтупроқ суриб қўйди. Шу сабабли уни бир четда ўтлатяпмиз. Иннайкейин, жаноб олийлари, кеча уста Артемьев бўкиб ичди, уни поручик заҳирадаги тўпнинг оғзига боғлаб қўйишни буюрди.

Фельдфебель яна Карповнинг тўпга пилик, палаткаларга маржон олиб келишни унутгани ва кеча кечқурун генерал фон Раббекникига меҳмонга борганлари ҳақида ахборот берди. Сухбат асносида деразадан Лебедецкийнинг малласоқол калласи кўринди. У уйқусираган зобитларга кўз ташлади-да, хира кўрувчи кўзларини қисиб саломлашди.

– Ҳаммаси жойидами? – деб сўради у.

– Айил отнинг яғрини яра бўлибди, – жавоб берди кавшаниб Лобитко, – янги хомут таққандик.

Кўмондон чуқур ҳўрсинди, ўйланиб қолди ва баланд овозда деди:

– Яна Александра Евграфовнаникига бориб келиш керак, деган фикрдаман. Йўқлаб қўймасам бўлмайди. Майли, яхши қолинглар. Кечгача сизларга етиб оламан.

Чорак соатдан сўнг ўрнидан жилган бригада хўжайиннинг омборлари ёнидаги кўча бўйлаб ҳаракатланар экан, Рябович ўнгга, уй томонга тики-

либ қаради. Дераза пардалари туширилган. Афтидан, уйдагиларнинг барчаси ҳалигача уйқудан тургани йўқ. Кеча оқшом Рябовични ўпган қиз ҳам ором оляпти. У уйқудаги гўзални тасаввур қилишга уринди. Ётоқхонанинг ланг очик деразаси, деразага эгилган яшил новдалар, беғубор тонг, терак, сирень, яна турфа гулларнинг хушбўйи, каравот, стул, кеча шитирлаган кўйлак стулнинг устига ташланган, стол устида эса соат, туфличалар – бари-барини аниқ тасаввур қилди, аммо қизнинг чехраси, уйқусираб ширин жилмайиши, гўё бармоқ орасидан сизган симобдай, тасаввуридан аста сирғалиб, ғойиб бўлди. Ярим чақирим йўл юрилгач, у ортига назар ташлади: сарғиш черков, уй, дарё ва боғлар нур шаршараси остида; дарёнинг ёрқин-яшил соҳиллари гўзал, сув юзида мовий осмон, бир жойида қуёш қумуш рангда акс этар, бу жуда гўзал эди. Рябович сўнгги маротаба Местечка томонга қараганда худди яқин туғишгани билан видолашгандай кўнгли ғам-ғуссага тўлди, ўксинди.

Бирдан унинг кўз ўнгиди йўл бўйидаги алмисокдан қолган, кўравериб зериккан эскитдан таниш манзаралар пайдо бўлди... Ўнгу чапида янги чиққан жавдар ва маржумаклар орасида ҳақкалаб юрган гўнқарғалар; олға қарасанг – чанг-тўзон ичида кетаётган мудроқ аскарнинг энсасига кўзинг тушади, орқага қарасанг – яна ўша чанг-тўзон, яна башаралар... Карвоннинг бошида тўрт нафар аскар қўлида қилич тутиб дадил одимлаб боряпти – буни авангард дейдилар! Улардан сўнг қўшиқчилар тўдаси, қўшиқчилар ортида от минган карнайчилар. Авангард ва қўшиқчилар гоҳида дафн маросимидаги машъалабонлар сингари низомда белгиланган масофани сақламай, илгарилаб кетади... Рябович бешинчи батареянинг биринчи замбарагига биркитилган. Олдинда кетаётган тўрт батарея унинг олдида кетиб боради. Ҳарбийликдан йироқ кишига бу узун, залворли, турнақатор бригада тушунарсиз, олағовур, қийин даҳмазадай туюлади. Нима сабабдан биттагина замбарак гирдида шунча аскар оворай сарсон, нега замбаракни беўхшов эгар-жабдуқлар урилган аллақанча от судраб боради? Бу чинданам, ваҳимали ва машаққатли юмуш. Ахир, Рябовичга буларнинг барчаси беш қўлда маълум, шунданми, ҳаммаси жонига теккан. Ҳар бир батареянинг олд қисмида бораётган зобитга кўркем фейерверкер ҳамроҳлик қилади, негадир уни бурундаги дейишади; ўша фейерверкернинг ортидан тўпга қўшилган отни ҳайдаб боровчи биринчи аскар, кейин ўртадаги ва қўшимча тиркалган от келади; Рябовичнинг чап ёнидаги отлар, яъни ўзи ўтирган от ҳам эгарланган отлар дейилади, ўнгдагилари эса ёрдамчи отлар – ҳаммаси алмисокдан қолган, зерикарли! Эгарланган отлар ортидан иккита асосий от эргашади. Улардан бирида елкасидан кечаги чанг-ғубор кетмаган, тўпга қўшилган отларни ҳайдовчи, ўнг оёғига қулгили, бесўнақай ёғоч боғланган аскар ўтирибди; Рябович ёғоч нима учун боғланишини яхши билади, бу ҳазилмас. От ҳайдовчи аскарлар кўп бўлса ҳам беихтиёр қамчисини силтаб, аҳён-аҳёнда қичқириб қўйишади. Замбарак – бесўнақай матоҳ. Олд қисмида бир қоп сули ёрмаси ортилиб, устига презент ёпилган ва замбаракнинг турли жойларига чойнақлар, аскар халталари, тўрвалар осиб ташланган-

ки, гўё у одамлар қуршаб олган безарар махлуққа ўхшарди. Унинг ёнида, шамолдан пана тарафида қўлини силтаганча олти нафар хизматчи яёв кетяпти. Бу замбаракдан кейин яна бурундагилар, от ҳайдовчилар, асосийлар, ундан кейин худди ўзига ўхшаш хунук, унчалик катта эмасдай туюлувчи кейинги замбарак ғилдираб келади. Иккинчисидан кейин учинчиси, тўртинчиси: тўртинчиси ортидан яна зобит ва ҳоказо. Бригадада жами бўлиб олти батарея, ҳар бир батареяда эса тўрттадан замбарак бор. Улардан чиқаётган шовқин-сурон ярим чақирим ергача эшитилади. Карвонни энг охирида узунқулоқ калласини қуйи солганча келаётган олижаноб туркли махлуқ – қайсидир батарея қўмондони Туркиядан келтирган эшак Магар ва унинг араваси якунлайди.

Рябович олди-ортига, энсалар, башараларга беҳафсала назар ташлади; бошқа пайт бўлса мудраб юрарди, аммо ҳозир бутун борлиғи янги, ёқимли туйғуларга ғарқ бўлган. Бошида, бригада эндигина йўлга тушганида, у бўса воқеаси шунчаки сирли саргузашт бўлгани учун қизик, ўзи арзимаган гап, бу ҳақда ўйлаш бориб турган аҳмоқлик, деган фикрга ўзини ишонтирмакчи бўлди, аммо тез орада ҳаммасига қўл силтаб, хаёлга берилди... Гоҳ ўзини Раббекнинг меҳмонхонасида, бинафшаранг кўйлакли ойимқиз ёки қора либос кийган малласоч қизнинг ҳузурида тасаввур қилар; гоҳ кўзини чирт юмиб, бошқа, чехраси ноаниқ нотаниш қиз ёнида кўрарди; у хаёлида сўзлашар, эркаланар, гўзалнинг очик елкасига эгилар, ўзини жангда, ҳижронларда ҳис қилар, кейин висол, хотини иккиси кечки зиёфат устида ва болалари...

– Валларга! – ҳар сафар тоғдан энганда бериладиган буйруқ янгради.

У ҳам “валларга!” деб қичқирди ва бу қичқирик ширин хаёлимни қувиб юбормасайди, деб чўчиб тушди, чунки яна жонга теккан шу ҳаётга қайтишни истамас эди...

Қандайдир помешчикнинг мулкидан ўтаётганда Рябович тўсиқ ортидаги боққа назар ташлади. Узун, чизғичда чизилгандай тўғри йўлак, текис сариқ кум тўшалган хиёбонга оқ қайин ниҳоллари экилган... Орзуга берилган одамда бўладиган ташналик билан сариқ йўлакдан кетаётган қизнинг ингичка оёқларини тасаввур қилди-ю, кутилмаганда кеча кечкурун ундан бўса олган, оқшомги зиёфатда хаёлида пайдо бўлган нотаниш қиз чехраси тасаввурида яққол намоён бўлди. Мана шу чехра унинг миясига муҳрланиб қолди-ю, кейинчалик қайта тарк этмади.

Туш пайти карвон охиридан буйруқ янгради:

– Ростлан! Бошлар чапга! Жаноб зобитлар!

Бригада генералининг гижинглаган иккита оқ от қўшилган файтони кўринди. У иккинчи батарея яқинида тўхтаб, қичқириб алламбало деди, аммо уни ҳеч ким тушунмади. Бир неча зобитларни, Рябовични ҳам қўшиб генерал томонга югуртириб кетишди.

– Хўш, қандай? Нима? – деб сўради генерал, қизарган кўзлари пирпираб. – Касаллар борми?

Миқтидан келган пакана генерал ўз саволларига жавоб олгач, чайналди, ўйланди, сўнгра зобитлардан бирига юзланиб деди:



– Сизда учинчи замбаракнинг асосий от ҳайдовчиси тиззани ҳимоя қиладиган совутни ечиб, замбарак тумшугига илиб қўйибди, жин урсин! Бу нимаси, олиб ташланг!

У нигоҳини Рябовичга қадаб, давом этди:

– Сизнинг эса қайишларингиз чўзилиб кетибди...

Барчанинг жонига теккан қатор камчиликларни айтиб бўлган генерал Лобиткога қараб тиржайди.

– Сиз-чи, поручик Лобитко, бугун жуда хафа кўринасиз, – деди у. – Лопуховани соғиндингизми? А? Жаноблар, у Лопуховани соғиниб қолибди!

Лопухова тўладан келган, барваста, аллақачон қирқдан ошган хоним эди. Генерал ёшидан қатъи назар, дўндиқ аёлларга ишқибоз бўлгани учунми, ўз зобитларини ҳам шундай дидли, деб гумон қиларди. Зобитлар ҳурмат юзасидан жилмайди. Бригада генерали ўз кўнглида жуда масҳараомуз, заҳарханда гап айтганига ишонч ҳосил қилди шекилли, кўнгли тўлиб, хандон отиб кулди-да, извошчининг елкасига туртиб, қўлини паҳса қилди. Файтон олға кетди...

“Ҳамма нарса, мен орзу қилаётган, иложсиз, самовий туюлган нарсалар ҳам аслида жуда жўн, – деб ўйлади Рябович, генералнинг фойтони ортидан кўтарилган чанг булутига боқиб. – Ҳаммаси жуда оддий, барчанинг бошидан ўтади... Масалан, мана шу генерал: даври келганда севган, ҳозир уйли-жойли, бола-чақаси бор. Капитан Вахтер ҳам уйланган, гарчи унинг энсаси бесўнақай, бели йўқдай кўринса ҳам хотини севади... Салманов кўпол, бориб турган татар-ку, барибир, севиб-севилиб, охири уйланди... Мени ҳам эртами-кеч, бошимга тушади, эл қатори...”

У ўзининг оддийлиги, ҳаёти ҳам одатий экани ҳақидаги янги фикридан кўнгли кўтарилиб, ўзини руҳан тетик сезди. Энди дадилланиб, ўзи истаган қизни, порлоқ иқболини тасаввур этди ва бундан сира-сира уялмади...

Кечга яқин бригада манзилга етиб келгач, ўз палаткаларига тарқалган зобитлар ҳордиқ чиқарар экан, Рябович, Мерзляков ва Лобитко ҳам сандикни ўртага қўйиб, унинг устида овқатланишди. Мерзляков шошилмасдан, аста-секин, тиззасидаги “Вестник Европа”дан кўз узмай чайналарди. Лобитконинг чакаги тинмас, стаканга пиво қуяр, Рябович эса кун бўйи ҳаёл суравериб мияси айниган, жимгина ичиб ўтирарди. Учта қадах ичгач, сархуш бўлиб, эти бўшашди, шунда ўртоқларига янги ҳис-туйғуларини сўзламаса бўлмайдиган аҳволга тушди.

– Раббекларнинг уйига борганимизда ғаройиб воқеага дуч келдим... – дея гап бошлади у овозига бепарво, кулгили тус бериб. – Биласизми, мен бильярдхонага боргандим...

У бўса воқеасини жуда батафсил ҳикоя қилиб берди-ю, бир сония жимиб қолди... Мана шу бир сонияда бор гапини айтиб бўлганини ҳис қилди, бўса воқеасини ҳикоя қилиш учун шунчалик оз вақт кетганидан хайрон қолди. У тонг отгунгача ҳикоя қилсам керак, деб ўйлаган эди. Рябовичнинг гапини эшитгач, кўпинча ёлғон гапирадиган, шунинг учун ўзи ҳам ҳеч кимга ишонмайдиган Лобитко Рябовичга бир лаҳза ишонқирамай тикилиб қаради-да, айёрона иршайди. Мерзляков қошини чимириб, “Вестник Европа”дан кўз узмай деди:

– Ким билади, дейсиз!.. Бўйнига осилса-я, юзингда кўзинг борми демай... Қандайдир, руҳий касалликка чалинган бўлса керак-да.

– Ҳа, бўлиши мумкин, ақлдан озган, жинни... – маъқуллади Рябович.

– Бир марта менда ҳам шундай воқеа юз берган... – деди Лобитко, кўзларига ваҳимали тус бериб. – Ўтган йили Ковнога кетаяпман, денг... Иккинчи классга чипта олгандим... Вагон лик тўла одам, ухлаб бўлмайди. Аста кондукторга ярим сўм узатдим... У чопқиллаб бориб, юкимни алоҳида купега олиб кирди... Ёнбошладиму, кўрпачага буркандим... Қопқоронғи, тушунапсизми. Ногоҳ кимдир елкамга қўл теккизганини сездим, юзимга нафаси урилди. Шундай қўлимни қимирлатувдим, кимнидир тирсагига текканини ҳис қилдим... Кўзимни очсам – аёл! Тасаввур қила оласизми? Кўзлари қора, лаблари қизил, ўзи чиройлиқкина, қаттиқ ҳарсилларди, кўкрак – лаппаклари...

– Ижозатингиз билан, – гапни бўлди хушмуомала Мерзляков, – кўкрак масаласида-ку, майли ишонаман, аммо қоронғида лабнинг рангини қандай кўрдилар, ҳис қилдиларми?

Лобитко Мерзляковни аҳмоқ қилиб, устидан кулмоқчи бўлди. Бундан Рябовичнинг ғаши келди. У сандикдан нари бориб, жойига ёнбошлади ва бундан кейин ҳеч қачон бировга сиримни очмайман дея, ўзига ўзи сўз берди.

Қароргоҳда ҳаёт қизиди... Бир-бирига ўхшаш кунлар ғизиллаб ўтарди. Шу кунлар давомида Рябович ўзини бекарор ошиқлардай тутди, ҳис этди

ва хаёл сурди. Ҳар куни эрталаб юз-қўлини ювганда аскар унга сув келтирар, бошидан совуқ сув куйилганда ўз ҳаётида ҳам яхши, илиқ нималардир содир бўлганини ўйлайверарди.

Ўртоқлари муҳаббат, маъшуқалар ҳақида гап очган оқшомлари у жимгина қулоқ тутар, даврага яқинроқ сурилиб ўтирар, гўё ўзи қатнашган жанг тафсилотини эшитаётган аскар қиёфасига кирарди. Зобитлар този-Лобитко етакчилигида шаҳар атрофидаги қишлоқларга бўйдоқлар босқинини уюштирган кечаларда иштирок этгудек бўлса, Рябович хомуш тортар, ўзини айбдордай ҳис қилар, хаёлида бевафолиги учун ўша сирли қиздан афв этишини ўтиниб сўрарди... Бекорчиликда ёки уйқу келмас тунларда болалигини, ота-онасини, умуман, қариндош-уруғ, яқинларини эслаганда, албатта, Местечкани, ғаройиб йўрғани, Раббекни, унинг қиролича Евгенияга ўхшаш рафиқасини, зим-зиё хонани, эшик тирқишида милтираган нажоткор нурни ҳам... албатта, ёдга оларди.

31 август куни улар қароргоҳдан ортга қайтишди, аммо бутун бригада эмас, иккита батарея, холос. Рябович худди она юртига кетаётгандай йўл бўйи ҳаяжонланиб, ширин хаёлларга кўмилди. У яна ғаройиб йўрғани, черков, сохта мулозамат қилувчи Раббеклар оиласини, зим-зиё хонани кўриш иштиёқида ўртанди; севишганларни тез-тез алдовчи “ички овоз” нимагадир, албатта, ўша қизни кўришинг шарт, дея шивирларди... Сўнгра уни минг битта саволлар қийнади: ўша қизни қандай топади? Топганида нималар ҳақида суҳбатлашади? Қиз мендан бўса олганини унутмадими? Жуда бўлмаганда, деб ўйлади у, мабодо қиз топилмаса, ўша қоронғи хонадан яна бир маротаба ўтади, ўша кечани ёдга олади... шунинг ўзи ҳам ёқимли...

Оқшомга яқин уфқда таниш черков, оқиш омборлар қораси кўзга ташланди. Рябовичнинг юраги гурсиллаб ура бошлади... У ёнида келаётган зобитнинг нималар деётганини эшитмас, бу оламни унутиб, олисларда, қуёш нурида товланиб оқаётган дарёга, уйларнинг томларига, кабутарлар чарх уриб парвона бўлган каптархонага бесабр тикиларди.

Черковга етиб келгандан кейин квартирьер гапираётганда тўсикдан нарида чавандоз пайдо бўлиб, зобитларни чойга таклиф этишини бесабр кутди, аммо... квартирьер гапини тугатгач, шошқалоқ зобитлар аста-секин қишлоққа тарқалиб кетишса ҳамки, йўрға минган чавандоз кўринмади...

“Ҳозир Раббек бизнинг келганимиз ҳақида деҳқонлардан эшитиб, одам жўнатади”, – деб ўйлади Рябович ёғоч уйчага кирар экан ва нима учун мана бу ўртоқнинг шам ёкиб ўтиргани, қолаверса, бесабр аскарлар беҳуда самовар қайнатаётганига сира тушунмади...

Уни беҳаловатлик, безовталиқ қийнади. Ўрнига ёнбошлади, кейин турди, деразадан ташқарига қаради: чавандоздан дарак борми? Аммо чавандоз йўқ. У яна жойига чўзилди, ярим соатдан сўнг сапчиб турди-да, паришонликда кўчага чиқиб, черков томонга йўналди. Тўсиқ яқинидаги қоронғи майдон хувуллаб ётарди... Нишабликнинг четида учта аскар қокқан қозикдай турибди. Рябовични кўриб, қўлларини чаккасига тираб, ҳурмат бажо келтиришди. У аскарлар саломини қабул қилгач, таниш сўқмоқдан қуйилаб юрди.

Нариги қирғоқ осмони арғувон рангга бўялгандай: ой нур соча бошлади; иккита шаллақи хотин бақириб-чақириб томорқада карам барги теряпти; томорқадан нарида икки-учта ёғоч уй қорайиб кўринади... Бу соҳилда эса ҳаммаси май ойидагидек: сўқмоқ, буталар, жарликлар, сув юзига эгилган... фақат булбулнинг мардона чаҳ-чаҳи янграмас, кейин тирак ва майсалар ҳиди ҳам уфурмасди.

Боққа етиб келган Рябович кўча эшигига қаради. Боғ қоронғи, жимжит... Яқин орадаги қайинларнинг танаси оқаришиб кўринар, майдоннинг бир парчасини кўз илғар, қолгани зулматга қоришиб кетганди. Рябович бесабр кулоқ тутди, атрофга аланглади, бироқ чорак соат қаққайиб турса ҳам на бир тик этган товуш эшитилди, на ялт этган нур кўринди, у судралиб ортига қайтди...

У дарё соҳилига етиб келди. Кўприкчанинг панжарасига ювиб, осилган чойшаблар ва генералнинг чўмилиш кийими оқариб кўринди... У кўприкча устига чиқиб, ҳеч бир сабабсиз чойшабга қўл чўзди. Чойшаб хўл, совуқ эди. У қуйига, сув юзига тикилди... Тезоқар дарёдаги чўмилиш жойига қоқилган қозикларга урилган сувнинг шовуллаши аранг эшитиларди. Чап қирғоқда қизғиш ой аксланар; майда тўлқинлар унинг тўлин юзидан мавжланиб ўпар, мавж ранглари тарқатиб, парча-парчалаб атрофга сочар, гўё оқизиб кетиш илинжида интиларди...

“Қандай аҳмоқлик! Қандай аҳмоқлик! – деб ўйлади Рябович, тезоқар сувга тикилиб. – Буларнинг бари нақадар телбалик!”

Энди, бирдан бўса воқеаси, ўзининг сабрсизлиги, мавҳум умидлар – барча-барчасидан кўнгли қолгани кундай равшан эди. Энди унга генералнинг чавандозини кутишга сабри етмагани ҳам, бошқа бировнинг ўрнига ундан бўса олган нотаниш қизни қайта ҳеч қачон кўра олмаслиги ҳам галати туюлмади; аксинча, мабодо қизни топса ажабланган бўларди...

Сув қаёққа, нима сабабли оқади, номаълум... У ўша май ойидаги сингари бесабаб чопарди; анҳор катта дарёга, дарё денгизга қўшилади, кейин буғланади, ёмғирга айланади ва балки, Рябовичнинг пойида яна ўша аввалги сувлар чошиб ўтаётгандир... Нега? Нечун?

Рябовичга бутун олам, бутун ҳаёт тушуниксиз, мақсадсиз, ҳазилдай туюлди... Нигоҳини сувдан олиб, осмонга қаради, тақдир уни сирли қиз қиёфасида сийлаганини ўйлади, ёздаги орзулари, тимсолларини эслади ва ўз ҳаёти ғайритабиий равишда зерикарли, ғариб, туссиз туюлди...

У ёғоч уйига қайтганда биронта шеригини учратмади. Бир аскар ҳамма чавандозини юборган “генерал Фонтрябкин”никига кетганини айтди... Рябовичнинг кўксида бир лаҳза қувонч чақнади, аммо уни ўша лаҳзадаёқ ўчирди-да, ўрнига чўзилди, чунки тақдирга тан бергиси келмади, қасдма-қасдига – генералнинг уйига бормади.

Томас ЭЛИОТ

(1888–1965)

Инглиз тилидан
Шерзод Комил ХАЛИЛ
таржимаси

ҒАЛВИРАК ОДАМЛАР¹

*Жаноб Кёртис – у ўлди.
Қари Гайга садақа қилинг.*

I

*Биз ғалвирак одамлармиз,
Биз қўғирчоқ тулумлар.
Бош эгамиз –*

¹ “Ғалвирак одамлар” шеъри 5 қисм, 98 сатрдан иборат. Адабиётшуносларнинг фикрича, “эҳтимол 20-асрдаги ҳар қандай шоирнинг инглиз тилида ёзган энг иқтибосли сатрлари”дир. Элиотнинг кўплаб шеърлари каби “Ғалвирак одамлар” шеъри ҳам бир-бирига зид ва қарама-қарши туйғуларни ўз ичига олган бўлиб, инсон эстетик дунёси мураккабликлари, фожиа ва ҳамоқатларини ифодалайди. Шеърда ўликлар бошқа салтанатга саёҳатга бораётганлиги ифодаланади. Бу ғалвиракда ғовак одамлар ўз айбларини англашади, қисматни тан олишларига кўра, синган, йўқолган руҳлар мақомига йўғрилади. Ғалвирак одамлар ўз ҳаракатларини, яратилиш тамойилини, амалларини истакларига зид ўлароқ ўзгартира олмайдилар. Фикр ва хатти-ҳаракатлар ўртасида бўлинишни англаш, ўлимнинг турли салтанатлари борлигидан хабардорлик, уларнинг бепарволигини ўткир ташхислаш, руҳий бепуштликини бошдан кечириши уларнинг фожиасининг бутун даҳшатини кўрсатади. Шеър ва уларнинг саёҳати тугаши билан дунё тугайди, “Бу портлаш эмас йўқ, пичирлаш, холос” хулоса қилади шоир.

Элиот Уильям Морриснинг “Ғалвирак жойлар” романи ва Редъярд Киплингнинг “Бузилган одамлар” шеърини уйғунлаштириб, “Ғалвирак одамлар”ни яратганини айтади. Элиотшунослар янада чуқурроқ бориб, Шекспирнинг “Юлий Цезар” ва Жозеф Конраднинг “Қоронғилик қаъридаги Кёртис” асарлари қахрамонларидан ҳам таъсирланганини айтишади. Шеърга қўйилган: “Жаноб Кёртис – у ўлди” ёки “Қари Гайга садақа қилинг” каби эпиграфлар Конрад характери ва Буюк Британияда ўтда ёқиб юборилган Гай Фоккесга ишорадир.

Баъзи танқидчилар шеърни уч нуқтаи назардан таҳлил қилиш кераклигини айтадилар: “Ўлим орзулари салтанати”, “Ўлимнинг олачалпоқ салтанати” ва “Бошқа ўлим салтанати”. Шеърда кўзлар тасвири, хусусан, “Кўзлар тушида учрашишига этолмам журъат” сатрлари одатда Дантенинг Беатричига мурожаатидай қабул қилинади.

Шоирнинг “тўфон дарёларнинг бу соҳилида тўпланган” мисралари Дантенинг “Илоҳий комедия”сидан ҳам таъсирланганини кўрсатади. Жаҳаннам тилга олинган бу тасвирларда одамларнинг жаҳаннамга туша олмаслиги, ҳатто бунга қодир эмаслигини кўрсатади. Худо билан гаплаша олмай қутқарилишини сўраб, кактус атрофида рақсга тушиши, синиқ бутлар ва сохта илоҳларга сиғиниши инсониятнинг болалигини эслатади ва биринчи жаҳон урушидан кейинги даврда Элиотнинг Ғарб маданияти талқинини акс эттиради. Шеър якунидаги:

*“Дунё шундай якун топар,
Дунё шундай якун топар,
Дунё шундай якун топар,
Бу портлаш эмас, йўқ, пичирлаш, холос”,*

каби мисралар Элиотнинг хулосаларини ифодалайди.

1958 йилда Элиотдан ушбу сатрларга ўхшаш шеърларни яна ёзасизми деб сўрашганда у: “Йўқ”, деб жавоб берган. Шеър илк бор 1925 йили Элиотнинг шеърлар тўпламида нашр этилган.

Самон ила тўлғазилган тулум бошчани. Афсус!
 Аллақачон қуриб бўлган овозларимиз –
 Биргаликда шивирлаймиз,
 Жим ва маъносиз.
 Хазонрезги ўтлоқ шамоли каби,
 Ё синиқ ойна узра югуриб ўтган каламушларнинг оёғи янглиз
 Югургилаб ўтамиз бўш қабрларга.

Қандайдир шаклсиз ва рангсиз соя,
 Ҳаракатсиз қудрат, фалаж ишора.

Ўтганлар, боқинг сиз дунёингиздан
 Тўғридан-тўғри кўзлар ила бошқа ўлим салтанатига.
 Ва бизни эсланг, гар мумкин бўлса,
 Йўқолган зўравон жонлар-ла эмас,
 Билъакс, галвирак одамлар билан –
 Бор-йўғи ичдан тўлдирилган тулумлармиз биз.

II

Кўзлар тушида учрашишига этолмам журъат,
 Бошқа ўлим салтанатида йўқ тушга ҳожат.
 Йўқ, йўқ, кўринмайди у ерда кўзлар,
 Нурда акс эттирар синиқ синчлар аро қуёш нуруни.
 Маромда чайқалган дарахтларни ҳам
 ва турфа овозлар қичқиригини,
 Шамолда куйланган қўшиқларини
 Ва билланиҳоя тантанаворроқ,
 Олисдан ёғилган юлдузларни ҳам.

Лекин яқинлашманг бу ерга асло,
 Ўлим орзулари салтанатига;
 Ахир, кийинишига ижозат беринг,
 Ё каламуш мўйнасин ё қарга патин илиб олайлик,
 Бу икки қутбли майдонда
 Шамол каби эсинг,
 Лек яқинлашманг.
 Ахир, бу энг сўнгги учрашув эмас,
 Олачалпоқ ўлим салтанатида.

III

Бу ўлик замин,
 Тиканакгул ери;
 Тош бутларнинг тасвири каби
 Улар тириларлар ва шу ерда ўларлар охир.
 Воҳ, ўлик қўлларнинг дуоси,
 Ёғилаётган юлдузларнинг остига тушади тахир.

*О, наҳотки барчаси шундай,
Бошқа ўлим салтанатида
Ёлғиз уйғониш бор
Қай бир соатда
ва қайси лаҳзада титроқ мужассам;
Шу бизга аталган қай бир лаблардан
Ютоқиб-ютоқиб ўниш бор гаддор,
Ибодат қилгандек синиқ тош бутга.*

IV

*Бу ерда кўзлар йўқ,
Йўқ, кўзлар бу ерда эмас;
Бу водийда сўнаётган юлдузлар фақат;
Ва ётибди бу галвирак водийда элас,
Қулатилган салтанатнинг вайроналари.*

*Энг сўнгги учрашган жойимизда,
Сўнгги бор қучоқланг, сўнгги бор бирга;
Йўқ, ҳеч ҳам гапирманг, нутқи ирод йўқ,
Тўфонлар дарёлар соҳилида жам.*

*Энди у кўзларнинг қарашлари йўқ,
Пайдо бўлиши бор, лекин бир замон
Абад осмонида юлдуз сингари
Музайян қиррадор атиргулсимон
Олачалтоқ ўлим салтанатида
Фақат умид қолар
Галвирак одамларнинг.*

V

*Биз бу ерда кактус бўйлаб айланамиз,
Кактуски, дарвоқе, тиканакгул.
Айланурмиз тиканакгул бўйлаб,
Саҳармардон нақ соат беишда.*

*Чунки фикр оралигида
Ҳамиша ётади маълум ҳақиқат;
Ҳаракатсизлик зимнида
Ётар далолат.
Гар соянғиз тушса билински,
Ихтиёрингизда эрур ҳали салтанатингиз.*

*Тамойил аро
Туғилар ижод.
Туйғулар ўртасида*

*Яширинган жавоб.
Гар соянгиз тушса билинги,
Ҳали ҳаёт жуда ҳам узоқ.*

*Истак ўртасида
Ётар сиқилиш;
Имконият ўртасида
Бордир мавжудлик.
Моҳият ўртасида
Бор шаксиз тушунча.
Гар соянгиз тушса билинги,
Ихтиёрингизда эрур ҳали салтанатингиз.*

*Ўзингиз бор нечоғ,
Ҳаёт муваққат шундай
Ўзингиз бор нечоғ.*

*Дунё шундай якун топар,
Дунё шундай якун топар,
Дунё шундай якун топар,
Бу портлаш эмас йўқ, пичирлаш, холос.*

1925

ХЕЛЕН ХОЛА

*Хоним Хелен Слингсби – менинг бечора холам,
Яшар эди катта майдондаги кичик бир уйда.
Бир ўзига хизмат қилар гарчи тўрт малай,
Лекин у вафот этди, кўкда жимлик чўккан бир кунда
ва кўчасининг сўнгиги қадар чўкди дилгир сукунат.
Хўжайин эшикни ёнди шу кундан ва оёгин артди пойгакка;
Мотам вақти не қилиш лозим, у хабардор ахир бу ҳақда.
Ҳамма нарса илгаригидай, ҳатто итларга бериладиган егулик,
Бироқ шунга қарамай шўрлик тўтиқуш ўлди.
Илгаригидай Дрезден соати камин узра чиқиллайди бот.
Бир муштипар ўтирар – иккинчи уй бекаси, тиззасида
ушлаб турар хўжайин,
О, аёли ҳаётлигида, асло бунга, ботинолмасди.*

МУШУКЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ

*Осон эмас мушукларга ном бериш,
Байрам ўйинидек эмас жўн нарса.
Телбаликдай балки сизга бу аҳком
Учта номи бўлар гар нари борса.
Аввало оилада берилган исм,*

Бутрус, Август, Алонсо, Жеймс каби;
 Виктор ё Жонатан, Жорж ва аллаким,
 Кундалик номларнинг кўп-ку матлаби.
 Билсангиз мушукни ширин, хаёлчан,
 Ё улуглар учун, ё номус учун.
 Исmlар Адмету, Электра – шаън,
 Платон, Димитар бу номлар нечун?
 Йўқ, булар оддий ном, мушуклар эса
 Ўзгача исмга муҳтож, сазовор.
 Думларнинг гажаги,
 мўйловлар ҳарса,
 Ўзга номланишга уйғотар виқор.
 Мушукка номлар кўп, ажнабий бари,
 Мункустрон, Корикопат, Қуахо;
 Бомбалурина ё Желлей сингари,
 Ҳеч бири мушукка тегишлимас, о.
 Аммо шундай ном бор, билмаслар фақат,
 Қила олмайдилар ҳаттоки тахмин.
 Тадқиқот юрита олмаслар даҳшат,
 Мушуклар билару билдирмас лекин.
 Зоҳир ва ботинда боқинг мушукка,
 Уларда ҳам бордир шуур, ақида;
 Улар ҳам баъзида тушганча чўкка,
 Ўйлар: фикр, хаёл, исм ҳақида.
 Чунки ҳар қандай ном инмас жисмга,
 Ҳақиқий сир фақат якка исмда.

ЖЕЛЛЕЙ МУШУКЛАРИ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Желлей мушуклари қора ҳамда оқ,
 Желлей мушуклари афсус жуда оз.
 Желлей мушуклари хиромон, қувноқ,
 Уларни тингламоқ ёқимли дилроз.
 Желлей мушукларин чехраси хушрўй,
 Желлей мушуклари мунчоқ қоракўз;
 Нафас машқи учун чўзадирлар бўй
 Ва желлей ойини кутарлар дилрўз.

Желлей мушуклари кўпаяр секин,
 Желлей мушуклари йўқ катта эмас.
 Желлей мушуклари қўғирчоқ хипчин,
 Гавот ва жиг рақсин биларлар хуллас.
 Желлей ойи ҳар дам бўлганда пайдо,
 Улар ҳожат билан топарлар ором.
 Қулоқлар ортини ювиб вовайло,
 Бармоқлари ила қуритарлар шом.

Желлей мушуклари оқ ҳамда қора,
Желлей мушуклари на кичик-катта;
Желлей мушуклари жасак машиқин роса,
Ой нурида қилар ёқса албатта.
Улар тонгда кўзин очарлар сокин,
Миёвламайдилар туш оғгандан сўнг;
Сақлаб турадурлар кучларин локин,
Желлей ой нурида рақсга тушмоқ-чун.

Желлей мушуклари қора ҳамда оқ,
Желлей мушуклари (айтдим-ку) майда;
Бўрон турган дамлар оқиом турибоқ,
Бир-икки ўйинни қилмаслар канда.
Ўйнаса гар улар порлайди қуёш,
Ишонмасдингиз-а, сиз бунга нечун;
Улар ором олиб бўларлар сирдош,
Желлей ойи ҳамда балида ҳар кун.

СЕҲРГАРЛАР САЁҲАТИ

Бизга совуқ келди,
Бу дам йилнинг энг ёмон вақти
Сайёҳ учун, саёҳат учун:
Ўўллар қатқалоғу тўзгин об-ҳаво,
Қишининг ўлик сумбати.
Туяларнинг оёқлари қоқишол тортгунча,
Чарсиллаган ўтга чидару,
Эриётган қорга ётар жим.
Оре, афсус тортган пайтларимиз бўлган
Нишабдаги ёзги саройлар,
Айвонлардан кўринганда бот,
Ипакдайин қизлар, гулгун чиройлар.


Баҳаққи лаънати бизда туялар хириллаганда илқис
Улардан қочамиз, шароблару аёллар томон,
Баҳаққи ўчади тунги оловлар,
Бошпаналар етишмайди баҳаққи,
Бир-бирига душман шаҳарлар, дарвоқе, шаҳарлар
дўстона бўлмаган
Қувваси баланд нархлардаги ифлос қишлоқлар:
Бизга қийин вақт келди.
Аммо алалоқибат биз ҳаммамиз саёҳатни кўрганмиз
афзал
оқиомда,
Қўрқув билан ухлаш,
Қулоқларда куйланган хиргойиларни куйлаш

Барчаси аҳмоқлик эди, шубҳасиз.

Яна тонг отганда биз йўлга тушардик
 мўътадил водийлар томон,
 Намгарчилик, билчиллаган қорда,
 майсаларни ҳиди анқиган гўшаларга;
 худди сув тегирмони каби
 оқаетган оқимга қарши
 зулумотларни енгиб йўлга тушганда,
 Осмон қуйида кўринарди нақ учта дарахт,
 Кекса оқ от чопарди унда ўтлоқда.
 Биз водийга етиб келдик батаҳқиқ
 Ва кўрдик симтўр устидаги ток барглари,ни,
 Олти табақали очиқ эшик олдида
 кумуш бўлаклари ётар сирғалиб
 Ва оёқлар остида ётар шароб мешилари
 Нима бўлган билмасмиз, йўлда давом этармиз
 Ҳар дақиқа, оқшомга қадар,
 йўл босамиз шундай жуда тез
 Тунаш учун жой топиш лозим
 (ҳар наъви бир мунтазир) эзгин.

Гарчи булар анча олдин бўлган эди, шубҳасиз.
 Мен
 эслаб
 ва яна шундай қилишни ўйлаб, чўкдим
 Қуйига тушдим.
 Бизни шу йўл ила бошқарганларми?
 Тугилишимизми бу ёки ўлимми?
 Тугилган кун бор эди,
 оре,
 Бизда далиллар бор эди, шубҳасиз, шубҳа йўқ эди.
 Гарчи мен кўргандим тугилишу бу сир ўлимни,
 Бироқ улар буни ўзгача деб ўйлар эдилар;
 бу тугилган кун эди
 Биз учун қаҳрли, аччиқ азоб ҳадя этган
 Ўлим, бизнинг ўлимимиз.
 Биз, шубҳасиз ўз маконимизга қайтамиз,
 булар салтанатлар,
 дунёга келганларга осон эмас энди
 билъакс
 Бегона одамлар ўз қўлларини
 чангаллаган ҳолда
 Ҳудоба қилар вовайло
 Мен яна бир ўлимдан хушнуд бўламан, шубҳасиз.

1927



Эдвард РАДЗИНСКИЙ

КНЯЗЬ. ЧАҚИМЧИНИНГ ХОТИРАЛАРИ

*Рус тилидан
Жалолiddин САФОЕВ
таржимаси*

1919 йил кириб келди. Бу санани такрор тилга олишнинг ўзиёқ хаёлда иблисона манзараларни гавдалантиради. Авваллари Россия империяси деб аталган мамлакатда Фуқаролар уруши борарди.

Тунлари Петербургда оммавий қамоққа олишлар бошланди. Бу ерда мени кўпчилик яхши танигани учун, Москвага кўчиб ўтишга мажбур бўлдим.

Ноябрь ойи. Москва янги дохийлар портретлари ва алвон матоларга бурканган, большевиклар пойтахтни бу ерга кўчириб, ўз ғалабаларининг иккинчи йилини подшолар саройида нишонлашарди.

Тўсатдан йилнинг бу даврига хос бўлмаган қаттиқ совуқ тушди. Қор эрта ёғди. Янги пойтахтда ўтин ҳам, озиқ-овқат ҳам йўқ – одамлар очлик ва совуқдан ўла бошлади. Мен амакимнинг Москванинг бир чеккасидаги иситилмаган каттакон хонадонида яшардим (аниқроғи яшириниб жон сақлардим)...

Адмирал амаким Бош штабда хизмат қиларди. Большевиклар давлат тўнтаришини амалга оширганларида у Кронштадтда инспекция билан машғул эди. Маст-алас матрослар уни ибодатхона олдидаги Лангар майдонида ўзига гўр қаздириб, тириклайин кўмиб юборишди.

Янги пойтахт марказидаги хонадонлар аллақачон “зичлаштирилганди”, яъни уларга аскарлар, ишчилар ва кечаги хизматкорлар кўчиб кириб олгандилар. Эрталаблари ҳожатхона, ваннахоналар олдида ҳар қандай шарм-хаёни йўқотган ярим-яланғоч, ювуқсиз башараларнинг узунқатор навбатидан иборат улкан коммуналкалар пайдо бўлди.

Хонадондаги барча мебелларни ўтин қилиб ёкиб бўлгандим, меҳмонхонада гулхан ёкиб пиширган охирги икки дона картошкани ҳам еб битирдим. Уй ибтидоий ғорга ўхшаб қолди.

Икки кундан буён туз тотмаганим боис нон излаб кўчага чиқишга журъат этдим...

Вокзал томон юрдим. Бу ердан нон сотиладиган манзилларни билиб олишим мумкин эди.

Москвага мусодарадан беркитиб қолинган нонларни қишлоқлардан олиб келишарди. Олиб келишганда ҳам худди кўлида эмизикли болани аёлга ўраб кўтариб олгандай нонни ўраб-чирмаб опкелишарди. Кўлга тушганлар эса қизил гвардиячилар томонидан ўша ернинг ўзида отиб ташланарди. Очликдан ўлаётган пойтахтга фақат омади чопганларгина “ёриб ўтиш”га муваффақ бўлишарди.

Нонга ҳамма нарсани – олтин, бриллиант, аёл, қизни айрибошлаш мумкин эди. Нонни сотиб олишнинг иложи бор жойларни фақат яқин танишларгина бир-бирларига айтишар, таниши йўқлар эса бундай жойлар ҳақидаги маълумотларни сасиб-бижғиб ётган вокзал ҳожатхоналаридан, у ерда атай ивирсиб юрган кимсалардан олиши мумкин экан. Мен ҳам шундай қилдим. Холамдан қолган бриллиант эвазига нон манзилини айтишди: “Қозон вокзалининг ўнг томонидаги биринчи ҳовлини топасиз. Кўк рангли ёғоч деворнинг иккинчи тахтаси сурилади. Ичкарига ўтасиз, кир ўра ёнида, эрталаб соат олтида қопчи савдогар кутиб туради...”

Манзил томон йўл олдим. Чўнтагимда холамдан ёдгорлик тақинчоқлар солинган ҳамён қопча...

Ҳали тонг ёришмаган. Ғуборли субҳидамда вокзал биносидан Карл Маркснинг каттакон совуқ башараси ҳовлига боқиб турарди. Мен унинг улкан бошидаги кўрқинчли сочлари, бўлиқ соқоли ва тирноқларини эсладим. Яна маст-алас сафдошлари билан биргаликда ичиб олиб, тонг маҳали Лондон кўчалари чироқларини уриб синдиргани хаёлимга келди... Ва яна Лондон полициясидан қандай эпчиллик билан қочиб қолгани ҳам. Дарвоқе вокзал атрофидаги барча фонарлар уриб синдирилганди – эҳтимол унинг шарафига.

Кўк девор олдида етиб келиб суриладиган тахтани излай бошлаган чоғимда искирт бир чол чақириб қолди. Чолнинг эғнидаги кундуз мўйнаси юлиб олинган жулдур кийим бир пайтлар қимматбаҳо пўстин бўлганлигини кўпни кўрган нигоҳим билан бир қарашдаёқ сездим.

“Жаноби олийлари у томонга бора кўрманг... – дерди у деярли шивирлаб. – Милиция тузоқ қўйган экан. Олтин, марварид... ҳамма нарсамизни тортиб олишди”. У шундай деди-да, бирданига дами ўчди, мени таниб қолганди.

Асл кўринишини йўқотган кир пўстинда мени таниш қийин эди... дарвоқе, уни ҳам.

Қария шартта бурилиб тез кета бошлади. Унинг орқасидан тушдим.

– Мана буни дийдорлашув деса бўлади! – дедим овозимни баралла қўйиб. – Қаёққа кетяпсиз, жаноби олийлари?

У орқасига бурилиб қаради.

Кир-чир пўстинли икки мусофир кўча бўйлаб шитоб билан олдинмакейин кета бошладик. Бурчакда турган қизил гвардиячи бизни кузатиб турарди. Мен чолга етиб олишга қарор қилдим. Бу кимса у эканлигига

энди ҳеч ҳам шубҳа қилмасдим. Амакимнинг хонадонига кўчиб ўтган кунининг эртасиёқ **уни** кўриб қолгандим.

Ўшанда совуқдан зир қақшаб, озгина бўлса-да, исиниш учун деразалардаги барча пардаларни юлиб олиб, ўраниб ётардим. Адёл ўрнига оч танамни пардалар билан иситмоқчи бўлдим... Ошхона деразасидан карама-қарши уйнинг худди шундай яланғоч деразасини кўрдим.

Бир қария ошхонада нимадир пишираётганди.

Мен очимдан ақлимни йўкотаёзгандим. Амакимдан қолган дурбинни олиб у қандай овқат пишираётганлигини кўрмоқчи бўлдим. Шунда уни ўлдириш хаёлимга келди! Қуни кеча Жаноби олийлари бўлган одам овқат учун... одам ўлдирса-я?! Тамаддуннинг териси шунчалик юпка экан...

Бари бир шундай қарорда дурбинни кўзимга тутдим... ва кўзларимга ишонмай қолдим.

Бу у эди! Ёки... очликдан кўзимга кўриндими? Алахсираяпманми?

Худди бир нарсани сезгандек, у ошхонадан тез чиқиб кетди. Эртаси қуни эса ошхона деразаси қандайдир эски-туски нарсалар билан пардаланганини кўрдим.

Мен **уни** ўн тўққиз ёшимдан бери билардим... У билан биринчи учрашувим ҳақида кейинроқ гапириб бераман.

Охирги икки учрашувимиз Империя пароканда бўлиши арафасида содир бўлганди...

Ўн еттинчи йилнинг феввали охирлаб борарди. Мен кадетлар партиясининг баобрў аъзоси эдим. Россиянинг энг бой одамларидан бири бўлсам-да, бойлигимни партия эҳтиёжларига сарфлардим. Шошилиш кераклиги очиқ-ойдин кўриниб турарди... Империя жарга қулаб борарди. Фронгда мағлубият кетидан мағлубият. Минглаб ҳарбийлар жасади солинган тобутларнинг кети узилмасди. Подшо эса, яъни “ақлсиз бошловчи” (уни шундай деб атардик) бизни тўғридан-тўғри йўқлик қаърига бошлаб борарди.

22 февраль қуни Подшо Ставкага жўнаб кетди.

Бироқ, 20 февралдаёқ партия раҳбарлари менинг хонадонимда тўпланишди.

Уйим йўлаги қимматбаҳо мўйна ёқали пўстинларга тўлиб кетди. Бакенбардига оқ тушган кекса Фирс худди генералларга ўхшаб жуда қимматбаҳо заррин пўстин кийиб олганди. Ҳозирда буларнинг барчаси гумдон бўлиб кетган...

Мен маъруза қилдим: “Шилтаси чиққан ожиз ҳокимият бизни инқилоб томон бошламоқда. Бу *бизнинг* рус инқилобимиз бўлади. Бу кетишда жаҳолатга ботиб ётган қуйи табақанинг алам ва ўчидан иборат инқилоби ясалади. Бу бемаъни-беҳуда ва шафқатсиз рус исёни бўлади... Дарё-дарё қон тўкилади! Бунга йўл қўймаслик учун биз ташаббусни ўз қўлимизга олишимиз керак, жаноблар...”

Давлат тўнтаришини амалга оширишга қарор қилинди. Режамизга кўра – Ставкадан Царское Селога қайтиб келаётган подшони йўлда фронтдан етиб келган генерал қўлга олиб... тахтдан воз кечишга мажбур этади.

Бирок, унинг агенти орамизда (ҳар доимгидек) ҳам бор экан. Тез орада ундан полиция Департаментига бир келиб кетинг, деган таклиф олдим. Чақирув қоғозида 1917 йилнинг 25 февраль санаси турарди.

Ҳаётим давомида мен ундан нечанчи марта бунақанги чақириқ қоғози олаётганлигимни ҳисобласам, ҳисобдан адашиб кетаман.

Тез қочиш керак, деган тўхтамга келдим. Аммо, дераза олдида келиб кўчага қарасам, қора пальто ва бир хил бош кийим кийган уч нафар кимса уйим олдида айланиб юрибди.

У очикчасига ташқи кузатув қўйганди. Қочишга кеч қолганлигимни англатиб қўйиш учун. Инсоннинг боши узра ойболта осиб қўйиш унинг одатий усули эди. “Жиноятчига жазо муқаррар” – бу унинг севимли ибораси.

Бирок русча қўпол ҳазил тантана қилди: Полиция департаментига унинг олдига бориш менга насиб этмади. Аксинча у менинг ҳузуримга келди. Чунки Инқилоб бошланиб кетганди... Уч кун ичида уч юз йиллик империя ҳалокатга учради... Оломон полиция участкасини ғорат қиларди. Полиция Департаменти, суд, охранкага ўт қўйилди. Петербург тутун ва олов ичида қолди. Подшо поезди Царское Селога етиб боролмади – уни “Денгиз туби” (номнинг мос тушганлигини қаранг) деб аталадиган станцияда тўхтатиб қолишди.

Подшо тахтдан воз кечганлигини 3 март куни эшитдим.

Мен машҳур Фавкулодда комиссия ташкилотчиларидан бири сифатида ўртоқ адлия министри этиб тайинландим. Комиссия подшонинг олий даражадаги мулозимларининг жинойтлари ва Распутин феноменини тергов қиларди.

Биринчи йиғилишга Қишки саройда тўпландик...

Саройнинг Йордан деб аталадиган зинапоясидан юқорига кўтарилар эканман, бу бетакрор кўшқда ўзим иштирок этган биринчи бал эсимга тушди... Саройнинг бутун улуғворлигию муҳташамлиги вужудимга титроқ солганлиги ҳамон ёдимда – зарҳал нақшлар солинган мрамор деворлар ял-ял ёнар, боши узра Олимп худолари ҳайкалчалари бўй чўзиб турган ниҳоятда улкан ҳаворанг қандилларда кўзни қамаштириб нур сочиб турган минглаб шамлар... Зинапоя бўйлаб эса қора башмет кийиб олган казак аскарлар, оқ салла ўраган “ҳабаш” соқчилар қатор тизилишиб саф тортишганди... Мрамардек ва ганчдек оппоқ елкаларини намойиш қилиб, бриллиант тақинчоқларга кўмилган сарой хонимлари...

Бални новча, хушқомат, сочига оқ тушган подшо Александр Иккинчи ва мовий кўзли, нимжонгина императрица бошлаб берганди...

“Минг бир кеча”ни тушда кўрган каби ўтиб кетган гўзал манзара ўрнига энди кимсасиз ва ифлос зинапоядан кўтарилиб бораяпман. Мрамар супачаларда аскарлар итқитган папирос қолдиқлари... Сарой балларига таклиф қилинадиганлар эса эндиликда Петропавловский қалъаси қамоқхонасининг зах ва рутубатли камераларида ўтиришарди.

Қишки саройда фақат биз мажлис қилардик... Маҳбуслар одатда қалъанинг ўзида сўроқ қилинади.

Хузуримга куни кеча подшо ҳукуматида охирги бош министр бўлган Голицинни олиб келишди. У қанчалик қариб-қартайиб қолганлигини кўрсангиз эди: сўроқ пайти танаффуслар орасида у мудраб-мудраб қоларди... Сўроққа петербурглик танишим Анна Вирубовани ҳам олиб келишди. У қўлтиқтаёқда оқсаб юрар ва йиғларди... Кечагина ҳокими мутлақ бўлган бу одамларда юракни эзувчи қандайдир ожизлик, ҳимоясизлик, болаларча қилиқлар пайдо бўлганди... Инсоннинг табиати шунақа – кулфат ва хўрликда болага айланиб қолади.

Бироқ у худди аввалгидек эди.

Уни хузуримга сўроққа олиб келишганида, истехзо билан боқиб деди:

– Қаранг-а, ҳаммаси тескари айланиб кетди. Кечагина мен сизни сўроқ қилишга шайланиб тургандим, бугун эса сиз мени сўроқ қилмоқчисиз. Аммо ҳали сиз билан бизнинг олдимизда “эртанги кун” ҳам турибди. – У шундай дея мийиғида кулиб қўйди-да, кейин: – Неча йилдан буён танишимиз? – деб сўради.

– Қирқ саккиз йилдан бери.

– Танишлигимиз қарийб юбилей ёшига етиб қолибди. Илк бор учрашганимизда неча ёшда эдингиз?

– Ўн тўққизда.

– Ўшанда мен сиздан бор-йўғи ўн икки ёш катта эканман. Бутун умр сиз билан ёнма-ён яшадик. Сизу бизнинг ҳаётимиз жуда қизиқарли кечди... Мабодо тирик қолсангиз, албатта ёзинг. Сиз, ахир журналистика соҳасида ҳам анчайин муваффақият қозонган одамсиз... Гап билан бўлиб мен сизни сўроқ қила бошлабман, аслида эса сиз мени...

Сўроқни бошлашим ҳамоноқ у ўша истехзо билан гапимни бўлди:

– Стенографист қани? Кўриб турибманки, берадиган гувоҳлик маълумотларимни ўзингиз ёзиб олишга аҳд қилгансиз... *Ҳаммасини* айтиб беришимдан чўчияпсизми?.. Кўзларингиз қувончдан порлаб турипти. Демокчисизки, гап бошқа – далил бошқа. Полиция Департаменти ва *барча архив* ёниб кул бўлган бўлса... исбот қани, демокчисиз-да? Сизникилардан бирортаси сири фош бўлишидан чўчиб ўт қўйиб юборди... – У орада кулиб юборди. – Мен буни кутган эдим... Чунки, *сизларнинг* ичингизда *бизникилар* жуда кўп эди. Бир тарихий воқеани эслатишга ижозат берсангиз: Наполеон илон ёғини ялаган, айёр Фуше¹ни полиция министри лавозимидан ҳайдаб юборгач, унинг ўрнига келган одам архивни

¹ **Жозеф Фуше** (1759–1820) – француз давлат ва сиёсат арбоби. Маълумоти ва касби бўйича руҳоний бўлса-да, доимо динни таҳқирлаб, масҳара қилиб келган. Инқилоб пайти кимнинг қўли баланд келса, ўша гуруҳни қўллаб-қувватлаган. Конвентда қиролнинг қатл қилиниши учун овоз берган. Инқилоб душманларини шафқатсиз жазолашда иштирок этган. Якобинчилар клубига бир муддат раислик ҳам қилган. Сунг якобинчилар ва Робеспьерга қарши чиқиб, уни ҳокимиятдан ағдаришда фаол иштирок этган. Термидор даврида радикал ва террорчи сифатида қисқа муддат қамоқда ўтирган. 1799 йил ички ишлар ва хавфсизлик министри этиб тайинланади. Уни бу мансабга тайинлаган ҳукуматга хиёнат қилиб, Наполеонни тахтга олиб келган фитнада фаол иштирок этади. 1809 йил Наполеонни тахтдан ағдариш учун фитна тайёрлайди. Буни император сезиб қолиб, уни истеъфога жўнатади. Наполеон ҳокимиятдан маҳрум бўлиб сургунга жўнатилган ва тахтга Людовик XVIII келганда яна ўша министр вазифасини эгаллайди. Наполеон тахтга қайтган юз кунда министр лавозимини сақлаб қолишга муваффақ бўлади. Наполеон мағлубиятга учраб, буткул тожу тахтдан маҳрум бўлгандан кейин тахтга яна Людовик XVIII қайтади ва Фуше бу янги ҳукуматда ҳам ички ишлар министри этиб тайинланади. Тарихда бундай иккиюзламачи, бебурд ва ниҳоятда пихини ёрган “ўлмас-йитмас” бошқа бир сиёсатчини топиш мушкул.

кўрса... ҳеч вақо йўқ эмиш! Барча махфий ҳужжатлар ва энг муҳими яширин айғоқчиларнинг рўйхатлари йўқолган! Бундан дарғазаб бўлган Наполеон Фушени “аблаҳ” деб ҳақоратлар бўронига кўмиб ташлайди. Ўшанда Фуше мана бу ажойиб гапни айтган: “Эҳтимол аблаҳлар қаторига кирарман, аммо ҳеч қачон қурбон бўладиганлар сафидан жой олмайман”. Худди шундай, мен ҳам эҳтиёт чорасини кўриб қўйгандим... Очикроқ айтганда шахсий архивимни сақлаб қўйганман. – Ва ғазабнок қўшиб қўйди: – Қўркманг, сизга тегмайман... *ҳозирча*. Энди, сўроқ қилаверинг.

Менинг саволларим Распутиннинг подшога таъсири ҳақида эди.

У яна ўша кинояли оҳангда жавоб берди:

– Ҳеч қандай таъсири бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмасди. Подшонинг хотини, маликанинг Распутиннинг башоратчилиги ҳақидаги хатларига келсак, Александра Фёдоровна телба бўлса-да, савқи табиийси жихатидан маккора эди. Шўрлик подшодан нимадир ундирмоқчи бўлса, ўзининг хоҳиш-истагини... Распутиннинг башорати сифатида изҳор этарди! Ўзи тўқиган уйдирмага ўзи ҳам ишонарди... Халқ орасига кенг ёйилиб кетган нарса ҳақидаги саволга ҳам жавоб бераман: малика ҳеч қачон Распутиннинг ўйнаши бўлмаган, улар ҳеч қачон бир тўшакни баҳам кўришмаган. Маликанинг ёши ўтиб қолганди, бунинг устига ўта орик эди. Распутин эса барча эркаклар қатори дўмбоқ аёлларни яхши кўрарди. Дарвоқе, бу нарсаларни ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз, шу боис мени чақириб, суриштириб ўтирганингизга ҳайронман!..

Уни олиб чиқиб кетаётганларида яна ўша гапларни такрорлади:

– Қаранг-а, ҳаммаси тескари айланиб кетди-я! *Кеча* мен сўроқ қилмоқчийдим, *бузун* эса сиз сўроқ қилдингиз. – Қари шайтон кулиб туриб яна қўшиб қўйди. – Мен сизни огоҳлантириб қўймоқчиман: олдимизда “*эрта*” ҳам турибди.

Авлиё экан *у*!

Октябрь тўнтариши... Большевиклар Қишки саройни қуршаб олишди. Мен охиригача саройда қолдим. Ҳукумат йиғилиши ўтадиган оқ мрамр билан қопланган кичкина залда министрлар билан бирга ўтирардим.

Ўшанда биз ўтирган зал томон одамлар ҳайқириғи ва бетакаллуф қадамлари яқинлашиб келаётганлигини ҳалигача яхши эслайман. Зарб билан очилган эшикдан бир тўда оломон залга бостириб кирди. Тўда ичидан пенсне таққан, хос зиёли бир киши олдинга сиқилиб чиқиб, стол ёнига келди ва чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб, тантанали равишда ўқий бошлади: “Инқилобий Ҳарбий Совет номидан Муваққат ҳукумат ағдариб ташланганлигини эълон қиламан”.

Хона ичи солдатлар ҳайқириғи ва кулгисига тўлди.

Муваққат ҳукумат ағдарилганлигини ўқиб эшиттирган инқилобчининг шундоқ ёнида эдим. Шу боис у **тарихий қоғозни** кўзи олдидан пастга туширганида бу... **ломбард квитанцияси**¹ эканлигига кўзим тушди.

Ўшанда ҳали жойида отиб ташлаш одат тусини олмаганди. Солдатлар бизни Петропавловский қалъаси томон ҳайдаб солишди. Йўл-йўлакай бизни янглишиб уч марта ўққа тутишди. Ўқлардан омон қолиш илинжи-

¹ Ушбу ва бошқа таъкидлар – муаллифники.

да биз октябрь ойининг шилта лойига ётиб олдик. Камерага афтодаҳол, лойга ботган, ёмғирга бўккан ҳолда кириб келдик.

Камерадаги каравотда... у ўтирарди!

Ва кулиб юборди:

– Мен сизни анчадан буён кутиб ётгандим. Мана мен айтган “эрта” ҳам келди... Аммангиздан қолган меросни еб-ичиб, даври-даврон суришингиз керак эди... Охир-оқибат қамоққа тушиш учун Инкилоб йўлига шунча миллионларни сарф этиш зарурмиди? Ахир, мен сизни бутунлай **текинга қамамоқчи** эдим...

Уч император даврида Империя қидирув полициясига раҳбарлик қилган, халқ эрки учун курашганлардан бошлаб большевиклар жангариларигача бўлган инқилобчиларни дор остига жўнатган одамни айнан шу большевиклар “ёши ўтиб қолганлиги” (!) муносабати билан эртаси куни қамоқдан озод этишди.

Афтидан жуда нуфузли большевик амалдорлардан бири анча-мунча ҳаракат қилган кўринади... Нима ҳам қила олардик, ихтиёрий ва ихтиёрсиз яширин ходим сифатида унинг қўлида айғокчи бўлган биз инқилобчилар кўпчиликни ташкил этарканмиз шекилли. Шундай қилиб **унинг архивидан мендан бошқа ҳам қўрқадиганлар бор экан.**

Озодликка чиқа туриб у менга шундай деди:

– Инкилоб билан ораларингиздаги ишқ-муҳаббат бахтли якун топишини тилайман.

Уни озод этишди, мен эса Инкилоб олдидаги шунча хизматларимга қарамасдан, қалъадан қочишимга тўғри келди.

Ва ниҳоят биз мана учинчи маротаба учрашиб турибмиз. Руслар Худоси Учликни ёқтираркан.

Мени худди атайин очлик азобини кўпроқ тортишимни истагандек, у ошхона деразасидан пардани олиб ташлади.

Энди ҳар кун очликдан силлам қуриб ётишдан олдин қария ошхонада кичкина ўчоқда овқат пиширишини дурбин орқали кузатишга маҳкум эдим.

Овқати тайёр бўлгач, у шошилмасда тановул қиларди.

Лекин у бирданига ошхонада кўринмай қолди. Орадан бир неча кун ўтиб кетган бўлса-да, дурбин билан қарашни қанда қилмас ва стол устида териб қўйилган картошкаларни кўрардим. Оқ нон, қанд ва картошка жуда кўп! Худди кўриб турганлигимни сезгандек, атайлаб менга азоб бериш учун ҳаракат қилаётгандек эди. Бутун ҳаётим давомида у мени қийнаб келганди!

Даҳшатли фикр бор вужудимни қамраб олди... Ва мен бир қарорга келдим.

Мен, Князь В.нинг ўғли, Рюриковичлар авлоди, Муваққат ҳукуматда адлия министри лавозимини эгаллаган одам собиқ полиция Департаментининг вице-директори, Жаноби Олийларининг генерал-адъютанти граф Андрей Андреевич Кирилловни овқат учун тунаш ва керак бўлса, ўлдиришга ҳам қарор қилгандим.

Биз барчамиз ибтидоий одамларга айланиб улгургандик... Очлик, лаънати сурункали очлик азоби инсонни не куйларга солмас экан!

Бутун окшомни дераза олдида ўтказдим, бироқ қария бошқа ошхонага чиқмади... Бунга уч сабаб бўлиши мумкин эди: бирор ёққа бош олиб кетган... ёки оғир касал бўлиб қолган... ёйинки ўлган...

Мен ўзим билан арқон ва оддий ошхона пичоғини олволдим. Вақт тун ярмидан ошганда уйдан чиқиб, чолнинг подъездига кирдим. Унинг хонадонига чиқдим. Бир амаллаб эшик кулфини бузишни мўлжаллаб қўйган бўлсам-да, лекин буни қандай амалга оширишни тасаввур қила олмасдим... Дастлаб эшикни елкам билан итарган эдим, очилиб кетди.

Эшик кулфланмаган экан. Мен бундан ҳайрон қолдим.

У меҳмонхонага қўйилган каравотда ўлиб ётарди. У жуда ажойиб фрак ва шим кийиб олганди.

Тумбочка устида орденлар бир қатор текис қилиб териб қўйилганди. Столда очилган шампан шишаси ва бўш биллур қадах. Қадахдан у бу дунёдаги охириги насибасини ичганлиги кўриниб турарди...

Қадахнинг тагига хат қистириб қўйилганди.

“Алексей Фёдорович В.га (ишонаманки, шахсан унинг қўлига тегади).

Алексей Фёдорович жаноби олийлари!

Тахмин қилганимдек, сиз мени йўқлаб келгансиз. Ўйлайманки, кийин пайтларда рус либералига хос равишда пальтонгиз остига пичоқ ёки ундан-да ёмонроқ нарса – болта яшириб олгансиз. Дарвоқе, буларнинг барчаси сизга қариндош бўлган Фёдор Михайлович Достоевский Раскольниковнинг ёқимли образи ва бизнинг Россияда унчалик оммалашмаган “Иблислар”ида тасвирлаган. Аҳмоқ, аблахларга хос равишда биз (сиз) бу асарларнинг таг маъносини англаб етмаганмиз...

Гапнинг очиғини айтганда – ҳатто бунга умид қилгандим – сиз сал олдинроқ келсангиз керак, деб ўйлагандим. Сизнинг қонли ёрдамингизга ишониб ўтиргандим. Ҳамонки, мени нариги дунёга жўнатишга иккиланиб қолибсизми (жиноят олдидан иккиланиб қолиш – бу сиз зиёлиларнинг қонида бор) *қўндан бери истаб юрган саёҳатга* йўлга чиқиш учун ўзим ҳаракат қилдим. Яна ўша сизнинг қариндошингиздан иқтибос олиб айтadиган бўлсам: “Кираверишга олган билетимни ошиғич қайтармоқчиман”.

Кундалик нон учун алмаштириб улгурмаган орденларим ва хонадонимизга тегишли қимматбаҳо нарсаларни сизга қолдираман.

(Хатнинг давомида барча нарсалар рўйхати санаб ўтилган).

Ҳамонки, большевиклар Исонинг “Барча бойликларни камбағалларга улаш” деган биринчи тилагини амалга оширдиларми, демак, албатта, унинг “Менинг орқамдан юр” деган иккинчи тилагини ҳам бажо келтиришади... (Тан олиб айтишим лозимки, Исо пайғамбар иккинчи тилаги билан нима демоқчилигини унчалик тушунмадим... Балким “Менинг орқамдан *чормих* томон юр” дегандир?).

Энди маслаҳатимга қулоқ солинг: сизга қолдираётган меросимдан иложи борица тезроқ фойдаланиб, ёввойи одам қўлида гурзи билан озодликка чиққан бизнинг “бахтсиз, ювуқсиз” юртимиздан дарҳол қочиб

қолинг. Бироқ, бойлигимни бир қатор шартлар билан сизга қолдираяпман. Бу шартларни бажаришингизга ишонаман, чунки сиз ҳалол одам-сиз. Дарвоқе қорнингиз овқатга тўйганидан кейин – мен бунга шубҳа қилмайман – сиз ҳалол одамга айланасиз. **Қорни тўқ одам доимо ҳалол бўлади.** Тўғрироғи: “Унинг қорни тўйганидан кейин, у ҳалол одамга айланади”. Биринчи пункт. Сиз билан бизнинг умумий танишимиз бўлган император Александр Иккинчи ҳазратларининг кундалиги ва унга тегишли “беҳаё” расмлар жуда жўн жойда – қаравотим тагида ётипти.

Бу ҳужжатлар қандай қилиб менинг қўлимга тушиб қолганлигини кундалик ичига солиб қўйилган хат орқали билиб оласиз...

Расмларни ҳеч иккиланмасдан йўқ қилинг, кундаликни эса ўзингизга қолдиринг.

Кундаликни ўқиб сизу биз гувоҳи бўлиб турган... аниқроғи иштирок-чисига айланган ва ҳатто қайсидир меъёрда сиз асосчиси бўлган Россия-нинг буюк ҳалокати қандай содир бўлганлигини чуқурроқ англаб етасиз, деган умиддаман.

Ва ниҳоят иккинчи ҳамда асосий пункт.

Сиз Исаков хонадонига (манзил ёзилган) борасиз. Бу одам канцелярия ходими, аввал Синодда хизмат қилган. Ҳозирда халқ комиссарлари советида иш юритувчи бўлиб большевикларга хизмат қилмоқда. У мутлақо ишончли одам. У сизга бир фотосурат беради. Бу суратда Буюк империя тарихининг разилона хотимаси акс этган. Ушбу фотосурат ЧК¹ да сақланарди, ҳозир янги ҳукуматда катта амалдор бўлган менинг агентим бу суратни ўғирлаб олган... Суратни Данияга, бева Императрицага олиб бориб бериш керак. Мария Фёдоровна жаноби олиялари Копенгагенда, ўз ватанида истиқомат қилмоқда.

Большевиклар чангалидан халос бўлишга ва сиз яхши кўрадиган кул-тепани тарк этишга миллати фин бўлган бир кимса ёрдам беради. У билан сизни жаноб (ўртоқ) Исаков таништиради. Фин ўзи большевик. Партия ташкил топгандан буён унга қаттиқ ишонади. Бу аблаҳ одамларни кимматбаҳо нарсалар эвазига чегарадан ўтказиб қўяди. Унга бриллиант тиллақошни, зумрад кўзли узукни, икки дона бриллиант узукни ва барча орденларни берасиз. Сизни жўнатиб юборишнинг баҳоси ана шундай ва бу у билан келишиб қўйилган.

Императрица билан учрашганингизда унинг содиқ хизматкори Андрей Кириллов номидан таъзим бажо айланг... Шўрлик аёл... У бошидан кечирган мусибатларни тушуниш учун унинг характери билмоқ лозим. Энг ҳукмфармо императорнинг ҳукмини ўтказа оладиган аёлига Худо Муқаддас китоби сўзининг сирини очди. “Бургутга ўхшаб ўз инингни жуда юксакликда барпо этдингми, сени шу юксакликдан пастга қулатаман, дейди Яратган эгам”.

Подшолар саройига ушбу сўзни ўйиб ёзиб қўйишни иложи бўлганида эди. Энди, омон бўлинг.

Марҳум Кириллов”.

Марҳумнинг қаравоти остида кирланиб кетган қоп ётарди. Унинг

¹ Фавкулудда комиссия.

ичидан эски латта-путталарга ўралган зарҳал ҳошияли дафтарларни топдим. Бу Подшо Александр Иккинчининг менга таниш бўлган майда ва маржондек дасхати билан териб ёзилган дафтарлари эди. Ёнида папкага жуда батартиб жойлаштирилган шахвоний расмлар. Бу расмларни ўша пайтда ишлари оммалашиб кетган сарой рассоми Зичи подшо учун чизган деб ўйлайман.

Биринчи дафтар ичидан марҳум Кирилловнинг масхарабозлик билан ёзган мактубини топдим: “Подшо Александр Иккинчининг ушбу кундалиги унинг ўлимидан икки соат ўтиб қуйидаги ҳолатда мен томонимдан ўғирлаб олинди.

Марҳум подшонинг тобутда ётган ҳолатидаги портретини чизиш учун янги подшо Александр Учинчининг амри билан Қишки саройга рассом жаноб Маковский олиб келинди. Шу пайт ўлдирилган подшонинг рафикаси княгиня Юрьевская Императорнинг қони теккан қўйлагини алмаштириш учун чиқиб кетди. Жаноб Маковский мольбертни ўрнатиб, хонада ёруғлик етишмаётганлигини сезиб қолди ва пардаларни кўтариш учун хизматкорни чақириб келишга чиқди. Худди ана шу пайтда менга мавжудлиги маълум бўлган ва бир пайтларда яширинча ўқиганим – Императорнинг қўлёзмаларини ёзув столидан олиб қўйиш имкони туғилди.

Ўшанда “беҳаё” расмларни ҳам олиб қўйдим.

Энг қизиғи: Подшо жасади ёнидан ўтар эканман унинг чехрасида... жилмайишни кўрдим.

P.S. Жуда тор доира учун ёзилган бу кундаликни нашр этиш зарурми? Билмадим. Лекин бир нарасага иймоним комил: **Олий Ҳокимият эгасининг қалбидан чиққан фикрлар ҳеч қачон йўқолмаслиги керак.** Инчунин, Подшонинг кундалиги ошкор этилар экан, ўз номимдан қуйидаги изоҳни бериб ўтмоқчиман.

“Менга ишониб топширилган хизмат ўтган йиллар мобайнида Романовлар оиласи вакиллари кузатув остига олганди. Бу Сулола ва Империя хавфсизлиги мақсадида амалга оширилганди. Бу вазифани оила аънаналари анчайин осонлаштирганди. Хукмрон сулоланинг барча аъзолари кундалик тутишганди. Подшо ҳаётлик чоғида унинг кундалиги ҳақида ҳеч нараса билмасам-да, аммо мен томонимдан подшо оиласи ичига ўрнаштирилган айғоқчиларим орқали буюк князлар ва княгиняларнинг кундаликларидаги ёзувлар нусхасини мунтазам олиб турардим.

(Махфий хизматнинг бу фаолиятидан Мукаддас Синоднинг Оберпрокурори Константин Петрович Победоносцевнинг хабари бор эди.)”

Мени бир умр қийнаб келган одамнинг тилакларини бажармоқчи эмасдим. Жасадни жойида қолдириб, кундаликлар солинган қоп, қимматбаҳо буюмлар ва озиқ-овқатни ўз уйимга олиб келдим.

Бироқ овқатдан қорним тўйгач... мен яна инсонга айландим. Кириллов ҳақ бўлиб чиқди.

Эрта тонгданоқ бутун борлиғимни қамраб олган ғоялар туғила бошлади. Худо менга нонни... инсонийликка қайтишим учун тухфа этгандек туюлаверди. Мени бекорга қотилликдан асраб қолмади. Энг ажабланарлиси: икки йилдан буён вужудимни асир этган кўркув йўқолди... Қисқаси,

у нимани васият қилган бўлса шуларни ижро этишга киришдим.

Унинг тилакларидан ҳам ортиғини бажардим. Мен бўлмасам эгнидан ечиб кетишлари аниқ бўлган ўша ажойиб фракда уни дафн этдим. Подшо Александр Учинчи ҳали шахзодалик пайти менга совға қилган олтин портсигара ва холамнинг тақинчоқлари билан дафн маросими харажатларини тўладим.

Александр Иккинчининг махфий кундалигини уйга қайтиб келганимдан кейин ўқий бошладим. Аниқроқ айтганда, шунчаки бир қараб кўймоқчи эдим, аммо биринчи сатрларданоқ ундан бош кўтараёлмай қолдим. Унинг дастхати шунчалик майда эдики, ҳатто лупа билан ўқиш ҳам азоб эди.

Биринчи бетлариданоқ ҳамма нарса ойдинлашди: бу кундалик эмасди. Бу қисқа-қисқа ёзувларни Александр фақат ўзи учун ёзганди.

Ҳаётига қилинган ҳар бир суиқасддан кейин ёзишни одат қилган экан...

Ёзувларнинг айримларини йўқотишни ният қилганлиги маълум бўлди. Бироқ, улгуролмаган.

Ҳокимият чўққисида туриб ёзилган бу кундаликда каминаю камтариннинг номи ҳеч курса бир тилга ҳам олинмаганди. Афсуски, шундай! Ахир ўйлаб кўрилса мен шунчаки оддий ҳаёт кечирмаганман, Императорни ҳалок қилган фитнада... иштирок этганман ахир. Бугун бутун дунёни ларзага солаётган ер силкиниши – ҳалокатнинг бошида турганман.

Мана шунинг учун ўзимнинг калламда ғужғон ўйнаган хотираларим билан подшонинг кундалигидаги воқеаларни ўзаро боғлаш менга қизиқ туюлди... Боз устига ҳалокатга учраган Империя чинакам Атлантидага ўхшаб турганда.

Император кундалиги ва менинг ёзувларим эндиликда тубсиз чоҳдан овоз бўлиб янграмоқда.

Бир ой давомида уйдан чикмадим!

Император Александр Иккинчининг кундалиги

Биринчи суиқасд¹

5 апрель 1866 йил

Содир бўлди! Буюк ғуноҳ! Ва бу менинг қисматимга тушди.

Шармандали ва машъум кун одатдагидек бошланди. Ҳар кунгидек соат олтида уйкудан уйғондим... Кейинги кунларда кайфиятим сўлғин уйғонмоқдаман. Яқинда ёшим ярим асрга тенглашади... Ўйлаб ҳайрон қоламан! Қариб, чўкиб қолаяпман... Ёшимга биринчи бўлиб ким жой бўшатади – ақлми ёки вужуд?... Оёқ-қўлинг ва ошқозонингга нисбатан миянг олдинроқ оқсай бошласа буни ҳатто сен англаб ҳам етмайсан!

Бугун ҳар доимгига қараганда ўз-ўзимдан қувониб уйғондим. Чунки, Ёзги боғда сайр чоғида албатта **уни** учратаман...

Жойимдан туриб ётоғимга ғалати тикилиб қолдим. Эҳтимол ҳозир

¹ Француз тилидан таржима. Қавс ичидаги тушунтиришлар, курсив қилиб белгиланганлар ва сарлавҳалар муаллифники.

кўриб турган нарсаларимни *бошқа ҳеч қайтиб кўрмаслигимни*, худди сезгандекман... Сон-саноксиз хоналар ичидан Адмиралтейство кўриниб турган шу хонани ўзимга танлаганман. Отам ҳаётлигида ўспиринлик йилларимни шу хонада ўтказдим. Император бўлганимдан кейин ҳам шу ерда қолишга қарор қилдим. Бу хона менга ҳам ётоқ, ҳам кабинет вазифасини ўтайди.

Катта стол устида оилавий суратимиз. Ишлаётган чоғимда самимий чехралар менга боқиб туради. Дарпардалар иш кабинетим билан ётоғимни ажратиб қўйган. Отамнинг ётоғида ҳам худди меникига ўхшаш каравот турарди. У: “Россия бу ҳарбий давлат, унинг императори кўрпатўшаги ҳарбий-дала шароитига мос бўлиши керак”, дерди.

Адлерберг (*сарой ишлари министри*) келди. Картиналар Гербли залда кўргазма қўйилганлиги хабарини етказди.

Булар ўтган аждодларимиз томонидан аллақандай сабаблар билан сарой ертўласига олиб тушиб қўйилган оиламизнинг тантанавор суратлари эди. Кўпчилиги бир юз эллик йилдан буён қоронғиликда чанг босиб ётганди. Ғазабга учраган бу картиналарни подшолик қила бошлаганимнинг ўн йиллиги муносабати билан Эрмитажда кўргазмага қўйиш фикри келиб қолди.

Адлерберг кетиши биланок Дювальни ҳузуримга чорладим. Дюваль – бу отамдан менга мерос қолган. Крим урушида оёғи лат еган. Отам уни саройга ўз ёнига олиб, сарой коменданнти этиб тайинлаган.

– Кечкурунги чойдан кейин княжинани олиб келинг.

– Шу *хонагами*, жаноби олийлари.

Мен қовоғимни солиб олдим. У довдираб қолди.

Тушунтириш бердим:

– Княжина билан биргаликда Гербли залида кўргазмага қўйилган картиналарни томоша қилмоқчиман.

Бечора Дюваль... У менинг бу ақлдан озган қизга бўлган муносабатимни тушуниб етмаган... аниқроғи ақл-хушидан айрилган қиз билан телбаларча муносабатимни.

Кария Дюваль одатда қизни олиб келадиган учинчи қаватдаги хонага сафар каравотим орқасидан яширин йўл бор...

Дюваль ҳеч нарса демасдан олдимга хат қўйди. Сашенька Д. учрашувга изн сўрабди... Учрашувдан ўзимни олиб қочиш учун чора излай бошладим. Бироқ, кеч бўлган экан:

– Жаноби Олийлари у *ўша хонада* сизни кутиб ўтирипти.

Фрейлина Сашенька Д.ни кўпчилик гўзал деб ҳисоблайди. Ҳеч ким унга эътибор қаратмаган пайтларда кўрасанки, у унчалик ҳам чиройли эмас! Новча, сийнаси ниҳоятда кичик, ориқ, терисининг туси кўримсиз... Бироқ, у сизнинг эътибор ва нигоҳингизни сезиб қолиши билан афсонавий тарзда ўзгариб, очилиб кетади: дудоқларига нозик қизиллик югуради, ҳаракатларида мушукка хос жилва пайдо бўлади, қад-қомати мени куч деб ўтингандек эгила бошлайди – бу афсунгар вужуднинг даъватидан... сеҳрланиб қоласиз ва изми-ихтиёрингизни унга топширасиз... Ва

тўшакда шундай ишлар бошланиб кетадики... (у ёғи жонқуярлик билан ўчирилган).

...Аёллар олами – бу борлиқнинг мўъжаз шакли. Бири-бири билан қанчалар нозланиб суҳбатлашишса-да, бири-бирини аёлларга хос, яъни ўлгудек ёмон кўришади. Мабоодо ўзаро дўстлашсалар ҳам кимгадир қарши дўст тутинишади. Сашенька ҳеч ким билан дўстлашмайди... Нафси қониб, ҳис-ҳаяжонлари босилгач, табиийки бошқа аёллар ҳақида гапира бошлайди. Йўқ-йўқ, у кимнидир ёмонлаб, ғийбат қилади деб ўйламанг – у мақтайди! Бундай мақтовларга иблиснинг ҳам ҳаваси келган бўларди... Ақл бовар қилмас даражада зукколик ва усталик билан бошқа аёлларни маҳв этади... Унинг оғзидан чиқаётган қочирим ва пичингларнинг ёрқин шуъласидан кўзингиз кўр бўлиб қолади! У ажойиб актриса... Орамизда илк бор бўлиб ўтган ишқий муносабатдан кейин, у сарой аҳлига ўзининг янги мақомини эълон қилишга журъат топганди. Даврага кириб келганимда менинг доимо ғамгин Машам аёллар қуршовида аллақандай илмий бир китобни варақлаб ўтирарди. Мени кўриши биланоқ Сашенька... хушидан кетиб йиқилди. Рангида бир томчи ҳам қон йўқ – қасам ичаман... Мен ёрдамга шошилдим. Уни даст кўтариб ўрнидан турғазаетган маҳалим қулоғимга ҳамма эшитадиган қилиб: “Азизим”, деб пичирлади.

Маша ғурурини сақлай билди – у китоб варақлашни давом эттираверди.

Учрашувларимиз мудом бир хил манзара билан якун топарди. Бир ўпич ҳада этиб, асосий ишга ўтарди – ғурур ва қайғу билан “қийинчиликлари”-дан сўз очарди. У еб тўймас тамагир эди...

Орамиздаги ишқий муносабат тез хотима топди. Бунда ҳам ўзи хавфли, ҳам тили хавфли аёлдан ҳеч бир зарарли оқибатларсиз қутулишнинг ягона чораси – гуё сиз уни эмас, у сизни ташлаб кетишига имкон яратиш... Таомилга кўра, генерал-адъютантим Сашенькани ўз никоҳига олди. Бундай пайтларда зарурат ва таомил юзасидан сиз кетганингиздан кейин мен учун сарой хувуллаб қолди, деган мазмунда севги мактуби ёздим... Лекин алоқаларни бутунлай узишга у изн бермади. Баъзан-баъзан учрашиб турамиз.

Мен ўша хонага келдим... Ҳаммаси одатдагидек эди.

– Кечирасан, хўроз кичқирмасдан келиб олдим... – деди у. – Эрим тел-баларча рашк қиляпти ва шу боис фақат эрталаб имкон топдим... Сенсиз яшай олмайман. Қани, кел бағримга!.. Тезроқ кела қолсанг-чи!..

Унинг лаблари... (бу ёғига матн ўчирилган).

Нима учун? Не сабабдан кундалик тутдим... Кундалик бўлганда ҳам жуда хавфли?

Шўрлик Елизавета (Александр биринчининг хотини, императрица) нега гуноҳга ботиб кундалик юритганди? Уни “фариштаннинг тимсоли” деб аташарди. Серсевги амаким нимагадир уни яхши кўрмасди.

Мен ҳам... ғўзалим Машадан жуда тез совидим. Измайловчилар қазармаси деворига кимдир: “Ўзимизники бўла туриб, нега бизга бировнинг хотини ёқади?” – деб ҳам кулгили, ҳам жирканч сўзни ёзиб қўйибди.

Яна ўша саволни ўз-ўзимга бераман: барибир ёқиб ташлашимни била туриб... *нега буларни кундалик тутиб ёзиб боряпман?*

Ўша гуноҳга ботган ва ширин дамларимни... қайта ҳис этиш учунми?

Бу машъум кун одатдагидан бошқача тарзда кеча бошлади.

Мармартош саройидан соат тўққизда фельдъегерь келди. Костя (*Буюк князь Константин Николаевич, Александр Иккинчининг укаси*) нинг хотиндан мактуб олиб келибди. Унинг усулига хос ўта сирли хат.

Буюк княгиня таъзим қилиб, уни *илож*и борица пайсалга солмасдан тезда қабул қилишимни сўрабди. У менга дарҳол “ўта муҳим янгилик”ни айтиши лозим экан.

Кейинги пайтлар менинг Машам ва бутун қариндош-уруғларим арвоҳлар билан сўзлашиш сеансларига муккасидан кетишганди. Лекин Константиннинг хотини бу борада ҳаммадан ошиб тушди. Арвоҳлар унга нимадир дейиши биланок менга чопар йўлларди... Бу Костянинг ғазабини кўзирди..

Костяни хафа қилмаслик учун хотинининг телбаликларига кўпам эътибор бермасдим... Бироқ бугун нима учундир уни тинглашни истаб, Ёзги боққа борар чоғимда Костяникига бир кириб ўтишни кўнглимга туғиб қўйдим.

Бугун Мармартош саройига ўзим бораман, шу боис доклад қилишга келиб юрма, деб Костяга хат ёздим. (Костя Денгиз ишлари идорасига раҳбарлик қилар ва ҳафтада икки марта менга ахборот беради.)

Машъум куннинг тонги одатдагидек кеча бошлади.

Маша билан бирга қаҳва ичдик.

Эндиликда Маша доимо бетоб...

Унинг гўзаллигига таъриф йўк! Қулги ва кўз ёши, идрок ва телбалик, немисча хасислик ва исрофгарчилик, меҳрибонлик ва яқинларига атайлаб тегажқлик қилиш – барча-барчаси ёш Маша характерида аралаш-қуралаш бўлиб кетганди... Энг муҳими – у Императрицалик бурчини аъло даражада бажо келтирарди. Амаким Александрга (*Император Александр Биринчи назарда тутилмоқда*) Наполеон ҳарбийчасига очик шундай деган экан: “Италиялик аёллар билан фақат тўшакда айш-ишрат қилиш керак, лекин немис ва австриялик аёлларга уйланиш лозим. Улар куёнга ўхшаб сернасл бўлишади”. Худога шукрки, Маша менга кўп фарзанд ато этди. Саккиз фарзанд... кўпроқ ўғил. Икки нафари вафот этди. Бахтимиз бўлган тахт вориси Никс ҳам бу дунёга сиғмади...

Кейинги пайтда ўпка касали шундай гулдек хотинни адои тамом қилмоқда. Шундай бўлса-да, юмор туйғусини сақлаб қолган... Ўтган куни унга одатдагидек: “Азизам, бугун жуда очилиб кетибсан”, дедим.

У кулиб жавоб берди: “Тўғри, кўринишим чакки эмас, лекин бу ҳолатим фақат анатомик театр учун жуда асқотса керак... Пушти-қизил бўёқ суртилган ва ичига пудра жойланган скелетимни машғулот учун қўйиш мумкин”.

Мен-чи... менинг бутун борлиғимда Ҳаёт барқ уриб турибди!

Янги иконаларни осишаётган пайтда Маша кириб келди.

Пардалар тушириб қўйилган, шамлар ёниб турарди... Унинг хонаси иконалар билан тўлиб-тошган. Қрим уруши кетаётган пайтда қамалда қолган Севастополни қандай қутқариш тўғрисида бош қотириб турганимизда, Маша шу заҳоти мақбул ечим топганлигини эсладим: дарҳол Троица-Сергиев монастирига бориб авлиё Сергиев Радонежскийнинг чиримайдиган қоқ мурдасига ибодат қилишимиз керак. Тўрт юз йил бурун вафот этган инсоннинг қоқ мурдаси назаримизда Севастополни қутқариши зарур эди.

...Ва биз Сергиев Посадга йўл олдик. Черковда узоқ ибодат қилдик... Кейин жуда кўп икона ва авлиёлар қоқ мурдасига қўл тегизиб дуо қилиб чикдик. Мен зўрға оёғимда турардим, Маша эса сира чарчамасди... Форга олиб тушишимизни сўради. Форда юзларига яра-чақа тошиб кетган, хўмрайган дарвешга дуч келдик. У телбаларча нимадир деб бақирарди.

Маша шундан кейин ҳам тинчимади. Энг асосийси ҳали олдинда экан. Вакт ярим тундан ошгандан сўнг мени хира ёритилган ёғоч черковга олиб келди. Биз авлиё Сергиев мурдаси олдида узоқ ибодат қилдик.

Қаттиқ чарчаган митрополит бу пайтда ухлаб қолган экан. Бизга галаба ҳадя этадиган дуоларни унинг вакили ўқиди.

Митрополит бизни кузатиб қўяркан: – Худога шукрки, маликамиз ҳақиқий православ экан, деб пичирлаб қўйди.

Немис маликалари Россияда жуда иштиёқ ва ошиғич шоҳбонуга айланишлари устида кўп ўйлайман.

Афсуски, ўшанда биз Севастополни қўлдан бериб қўйдик.

Шўрликкина Машам! Шу кунларда “Очиқчасига гаплашиб олиш” учун олдимга доктор Боткин келди. Анча чайналиб турганидан кейин ўпка касаллиги туфайли Машага ортиқ туғиш мумкин эмаслигини айтди ва... бундан бу ёғига “Хотинлик вазифасини бажармагани” маъқул деди...

Мен унга биз аллақачон эр-хотинлик қилмай қўйганимизни айтиб ўтирмадим. Эҳтимол шу боисдан ҳам у хайр-эҳсон, черков ишлари ва... арвоҳлар билан гаплашишга жуда иштиёқ билан киришиб кетгандир! Эндиликда суҳбатларимиз мавзуси фақат Худо ва арвоҳлар... Ҳар эрталаб менга бевафолик қилиш, эр-хотин хиёнати кечирилмас гуноҳ эканлиги ҳақида Инжилнинг ўзи яхши кўрган жойларини ўқиб берадиган бўлди.

Машъум кун тонгида ҳам унинг гапи яна ўша бевафолик ҳақида бўлди.

– Сен оиламизда тартиб ўрнатишинг керак. Костя¹ очиқчасига балерина билан дон олишиб юрибди. Бунинг бутун Петербург аҳли билади. У билан жиддий гаплашиб ол. Ва албатта ёшларимиз билан ҳам... Балет билим юрти олдида ёш буюк князьларнинг кареталари навбатчилик қилишни қанда қилмаяпти. Никола² балерина қизларни кўз остига олиш ва танлашга раҳбарлик қилмоқда. Биласан Николани яхши кўраман... лекин императорлик балети ҳарамга айланиб қолди. Томошабинлар бундан хабардор... Тунлари қариндошларинг ялаб-юлқайдиган баданларни театрда одамлар яланғоч ҳолда кўришади. Оломонга сулола тўшагига йўл очиб қўйилган!..

¹ Ўша буюк князь Константин Николаевич, императорнинг укаси.

² Буюк князь Константин Николаевичнинг ўғли.

Авваллари у бундай тоқатсиз эмасди. Бироқ, ҳозир у анчайин ўзгариб кетди... Унинг ғазабга тўла гап-сўзларининг боиси нимада эканлигига тушуниб турибман... У дилидаги гапини яшириб ўтирмади. Тўсатдан шундай деди:

– Сен... Ёзги бокқа жуда қаттиқ меҳр қўйвординг.

Ғазабини босиб, жимгина қаҳвасини ичди.

Ҳа, авваллари ҳам рашк қиларди. Лекин, ҳеч қачон бундай оҳангда гаплашишни ўзига эп кўрмаган.

Менинг жаҳлим чиқа бошлаганлигини сезди. Аччиқ-аламли лаблари бирдан йўқолиб, “Ҳамма нарсани кечирувчи кўзлари” – яна бирдан порлаб кетди.

Менинг қалбимда ҳам унга ва ўтган ҳаётига нисбатан ачиниш уйғонди. Уни ўпдим. Бу ҳаракатимни тушунди.

– Ҳаммаси жойида, – деб бошимни силаб қўйди.

Кўзларим беихтиёр ёшга тўлди.

– Бугун кечқурун сеансим борлиги эсингдан чиқмасин, – деди.

– Бундай машғулотивга унчалик ҳушим бўлмаса-да, албатта бораман.

– Ўзинг ҳам кўрдинг-ку, бу ерда ҳеч қанақанги афсунгарлик йўқ!

– Бу афсундан ҳам баттар. Азизам, ишонгин, бу нарсалар ёлғончиларнинг найранглари, холос. Биз билан биз чақираётган одамларнинг арвоҳлари эмас, авлиё Августин “ёлғонлар арвоҳи” деб атаганлар сўзлашмоқда. Улар билан иш кўриш, мулоқот қилиш – оғир гуноҳ...

У кулиб юборди:

– Аммо бу шундай ажойибки...

У ихлосманд диндор бўла туриб, ана шунақанги ширк ишлар билан шуғулланишига ҳайрон қоласан киши? Инсон руҳи ва қалби сир-синоатларга тўла дегани шу бўлса керак-да. Бироқ, ҳақиқатан ҳам бу афсунгарлик эмаслигини биламан. Бунга ўзим гувоҳ бўлганман.

Ўлганлар руҳи билан мулоқот қилувчи француз Юм паканагина одам... Сеанс бошланиши биланок у бутунлай бошқа қиёфага киради – кўзлари нур сочиб, ял-ял ёниб кетади. Кўз олдимизда Қадим Грециянинг Апполон ибодатхонасидаги башоратчи-қоҳин Пифияга ўхшаб қоладиган бу шўрлик митти французга қараб уни сира ҳам афсунгар деб ўйламайсиз... Боз устига тез орада кимдир тақиллатиб стол қоқаётгандек сезиларли даражада овозлар эшитила бошланади. Стол устига қўйилган қўллар оҳиста кўтарилиб, гоҳ ўнгга, гоҳ чапга эгила бошлайди. Бироқ, бу пайтда стол устидаги нарсалар ҳеч бир жойидан силжимаётган, шам эса бир текисда ёнади. Бирдан оёқларим музлаб кетганлигини сезардим.

Нима экан бу? Руҳлар ўйиними? Мабодо шундай деб ўйласак, нима бало, руҳлар ана шундай аянчли фокуслар билан машғулми?

Бугун икки соатдан кейин мени кутиб турган машъум воқеадан нега кеча мени руҳлар огоҳ этишмади?

Сеансга келишнинг иложи бўлмади... Бирнеча соатдан сўнг лаънати ўқ отилади ва менга ўлганлар руҳи билан мулоқот қилиш насиб этмайди.

Ўшанда Саша келганлиги хабарини етказишди.

Тахт вориси, валиахд... Саша кириб келди! Улкан, бесўнақай ва тарвуздай осилиб тушаётган қорни билан... Маша иккимизнинг чехрамизда унинг келишидан ҳеч бир қувонч аломати сезилмасди, деб қўрқаман.

Биз, яъни Маша иккимиз ҳам унинг олдида айбдоримиз. Биз уни астойдил яхши кўришга ҳаракат қиляпмиз ва бунга Саша арзийди... Саша ажойиб йигит бўлишига қарамасдан, уни яхши кўрмасдик. Никс ўлими олдидан менга шундай деганди: “Сашани эҳтиёт қилинг, у жуда меҳрибон йигит”.

Никс!.. Никс... Тўнгич фарзандим, ёрқин ва шукуҳли ўғлим яқиндагина вафот этганди...

Бутун фожиа шунда эдики, Сашани келгусида тахтни эгаллашга тайёрламаган ва тарбияламагандик... Худди мен ва укам Костяни тахт учун тарбия қилинганимиздек... Отам бизга шундай деганди: “Мабодо сизлардан бировинг такасалтанглик қилиб, кутилмаган бир инжиқлик билан хунар кўрсатиб – ўладиган бўлсаларинг, кўмондонликни бошқа бирларинг кўлга оласизлар”.

Натижада кичкинтой Костя мен билан рақобат қила бошлади – у тожу-тахтни орзу қиларди.

Оиламизда бундай нохуш ҳолатнинг олдини олиш учун Маша ўғилларимизни бошқача тарбия қилишга қарор қилди. Ворисликка фақат Никсни тайёрлай бошлади. Саша жуда ёмон ўқирди. Азиз ўғилчам ҳозиргача грамматик хатолар билан ёзади. Никс доимо кимнидир севиб қоларди. Бечора Саша ҳам севишга журъат этди. У княжина Мешерскаяга бир умрлик муҳаббат қўйди. Бу аёл ҳақиқатан ҳам ғоятда мафтункор эди. Ўзим ҳам унга ошиқ бўлиб қолгандим... Орамизда муносабатлар ҳам бўлиб ўтганди.

Аёл Саша унинг хизматкорини сотиб олиб, эски туфлисини олиб келишини сўраганлигини дарҳол менга айтди. Туфлини энг азиз нарсдек сақлай бошлабди. Маккора охирида кулиб-кулиб Саша унга... уйланишга қарор қилганлигини айтди. Тўғри, ҳозирча бу ҳақда фақат аёлнинг... хизматкорига айтипти! Аёлнинг сўз оҳанги ҳазилга мойил бўлса-да, лекин кўзлари жиддий порлаб турарди... Мен жуда кўплаб ишқий саргузаштлардан кейин бу аёл Император ўғлига турмушга чиқишни мўлжаллаб турганлигини тушуниб етдим. Сашани ўжарлигини билганим учун бунга энди шунчаки ҳазил-хузул деб қарай олмасдим.

Мен бу доғули аёлга шўрлик Сашага ноз-карашма қилиб, кўз сузишни бас қилишини жиддий тарзда буюрдим. Ўғлимнинг нарсаларини текшириб кўрдим. Унинг ичида қоғозга жуда батартиб ўраб қўйилган туфли турарди. Уни ҳузуримга чақирдим. Ўртамизда очик суҳбат бўлди. Бу суҳбат менга бундан узоқ йиллар муқаддам отам мен билан қилган мулоқотни эслатди.

– Мен уйланаман, **бу ҳал бўлган масала**, – деди Саша.

– **Ҳал бўлган масалани аёл биладими?**

– Йўқ, унга айтишга ҳозирча уялиб турибман. Бироқ, уни севаман.

– Ажойиб туйғу. Умид қиламанки, бунинг оқибати нима билан туга-шини тушуниб турибсан?

– Албатта. Барча ҳуқуқларимдан воз кечишга қарор қилдим. Ота, мен Буюк князь мақомини тарк этишни мўлжаллаб турибман. Бу ҳақда зарур қоғозларни ҳам тайёрлаб қўйдим.

– Дарров-а?

– Ҳа, дарров. Барча ҳуқуқлардан воз кечишим ҳақида!

– Ҳуқуқлардан воз кечиш унчалик қийинмас. Мажбуриятлар-чи, мажбуриятларинг нима бўлади, азиз ўғлоним? Худонинг иродаси билан сен туғилишинг ҳамоноқ нафақат мартаба, шу билан бирга мажбурият ҳам олгансан. Худо кўрсатмасин, аканг билан бирор кор-ҳол рўй берса, тахт ворислиги сенга ўтади. Шундай қилиб, бир нарсани бир умр икки қулоғингга қўйиб ол: мен, аканг ва сен ҳеч қандай ҳуқуқларга эга эмасмиз. Елкамизда фақат ва фақат мажбурият бор! Бу Худо олдида, буюк мамлакат олдидаги мажбуриятдир! Мабодо нимагадир ҳуқуқимиз бўлса, бу – яширин ҳолда кимгадир кўнглимиз сушт кетиш ва майда ишқий саргузаштлардан нарига ўтмайди. – Ва суҳбатга якун ясадим: – Мен ҳам тахтга ўз ихтиёрим билан чиқдимми?.. Энди борақол! Княжинани эртага кеткизиб юборишади. Гап тамом, вассалом!

Мешерскаянинг саройда ўтган охири кунда ҳамма нарса содир бўлди...

Саройга опамнинг ўғли Коля Лейхтенбергский келди...

(Коля Лейхтенбергский – Александр Иккинчининг туғишган опаси Буюк княгиня Мария Николаевна ва Наполеоннинг ўғай ўғли Евгений Богарнининг ўғли... Шундай қилиб азалий душманлар Мариянинг тўшагида яраш ошини пиширишганди.)

Бу пайтда ўғлим Никс кураш билан шуғулланарди. Мен ҳам кураш тушишини ёқтираман – биз у билан ҳазиллашиб ўзаро куч синашардик. Бунга қарангки, Коля Лейхтенбергский ҳам кураш билан шуғулланар экан. Никс унга дарҳол кураш тушишни таклиф қилди. Сашага шундай дедим: “Французни адабини берамиз! Унга нисбатан Бородино жангини ташкил қиламиз!”

Курашни Оқ залда уюштирдик. Саша томошабин сифатида келди. Аввалига иккаласи ҳам бир-биридан эҳтиёт бўлиб турди. Аммо шу пайт залга Мешерская кириб келди... Сарой полицияси бу ярамас аёл Никсга ҳам кўз сузганлиги ҳақидаги хабарни менга етказганди... Шундай қилиб, аёл кириб келиши билан ҳамма нарса ўзгариб кетди. Аёлни кўриб икки кўчқор курашга жиддий киришиб кетишди. Охири Никс рақибини усул билан қўлга тушириб, даст кўтариб полга урди...

Саша аҳмоқона кулгиси билан қизғин чапак чалиб юборди – у акаси билан ғурурланарди!

Коля Лейхтенбергскийнинг руҳи тушиб кетди. Мен йигитларнинг қонини қайнатиб юборган нарсани орадан кўтариш кераклигини тушуниб қолдим: княжинани Мария ҳузурига жўнатиб юбордим. Йигитлар ёлғиз қолишди.

Шунда Никс қўпол кучдан курашнинг усуллари устун эканлигини намоён этиш учун мусобақани давом эттирадиган бўлди. Укаси Саша олишувга рози бўлмаслигини Никс яхши биларди. Ва шу боис тўсатдан

ҳаракат қилишга қарор қилди. Укасини ёнига чақириб шитоб билан бўйнини қайириб, ушлаб олди – бу оғриқ берадиган усул эди. Аммо, менинг улкан паҳлавоним ҳеч бир оғриқ сезмасдан, қадини ростлади. Бечора Никс учиб кетиб, мартартошдан ясалган столнинг қиррасига бориб урилди. Бу Бонапартнинг столи эди – подшо Александр Павлович ғалабасидан сўнг уни Тюильри саройидан олиб келганди...

Наполеон орадан анча йил ўтиб қасд олди – Наполеоннинг столига Никс бели билан бориб урилганди.

Орадан икки ҳафта ўтиб Никснинг ҳузурига унаштириб қўйилган қаллиғи – малика Дамгар келди. Биз келинликка Дания киролининг ажойиб қизини танлагандик. У чиройли бўлмаса-да, жуда ёқимтой ва Никсни қаттиқ яхши кўриб қолганди... У қайсидир жиҳати билан Машага ўхшаб кетарди. Тўғри, Машанинг бўйи баланд, Дамгар эса кичкинагина эди.

Дамгар отда яхши чопарди. Бир неча кундан кейин унинг шарафига тулки ови ташкил қилдим... Никс одатдагидек отга чаққон сакраб миниб олди. Аммо шу заҳотиёқ қаттиқ оғриқдан юзи буришиб кетди. Мен ундан нима бўлди деб сўрадим. Жавоб ўрнига отга қамчи босди. Бирок, букчайиб қолиб, эгардан учиб кетишига бир баҳя қолди. Шундан бошлаб у кўз ўнгимизда бутунлай ўзгара бошлади – озиб кетди ва букчайиб юрадиган бўлди. Мен аҳмоқ жаҳлим чиқиб, “чолга ўхшаб” юрмасанг-чи деб койиб берибман.

Тез орада хонамга доктор Боткин келди.

Зарба туфайли суяк туберкулёзи пайдо бўлибди. Шўрлик Сашанинг дилини яраламаслик учун Никс Коля Лейхтенбергский билан олишув чоғида лат ебди, деб айтдик...

Тўғриси, мени доимо бир адолатсиз ўй ҳеч тарк этмайди: улкан паҳлавонимнинг олишув пайти акасини силтаб ташлашида хушсурат ўғлимга нисбатан *яширин*, англаб етилмаган нафрат йўқмикан? “Укам менинг – душманам менинг!”

Никсни даволаниш учун Ниццага жўнатиб юбордик... У кун сайин оғирлашиб борарди. Тез орада телеграмма олдим. Туберкулёзнинг ёнига мия касаллиги ҳам қўшилибди. Никснинг куни битганди. Саша унинг олдига жўнаб кетди... Копенгагенга хабар жўнатиб, Дамгар ҳам Ниццага бориши зарурлигини билдирдим.

Биз ҳам, бутун оиламиз билан Ниццага йўл олдик. Йўл бўйи, эй Худойим, ўғлимни тирик кўраманми, деган хаёл мени тарк этмади.

Кетишимиздан олдин ўғлимизни тирик кўришни сўраб Қозон черковида ибодат қилдик... Поездда ақл бовар қилмас тезликда елдек учдик – уч кечаю уч кундуздан сўнг Ницца вокзалига етиб келдик. Вокзалда бизни жуда кўп руслар кўз ёши билан қарши олишди. Никсни ҳамма яхши кўрарди.

Бермон вилласига кириб бордик. Биринчи бўлиб хонага мен, оркамдан эса Маша кирди. Бизнинг чиройли ўғлимиз... шодон чехра билан ётарди. Унинг қаравоти олдида Дамгар онаси билан ва бизнинг улкан паҳлавонимиз Саша турарди.

Маша ўзини Никсинг устига ташлади, у ҳаммамиз билан ўпишиб кўришди.

Умрининг охиригача хотираси жойида эди... Тунда алаҳлаб чикди: у рус халқига ҳайратга соладиган нутқлар билан мурожаат қилибди. Подшо ва халқнинг бурчи ҳақида лотин мақолларидан иқтибослар келтирибди. Буларнинг барчасини ёзиб олишга топшириқ бермаганлигим учун ўзимни сира кечиролмайман.

Тавба-таззару қилиш чоғида сабрсизлик қилганим ва тезроқ ўлишни хоҳлаганим елкамдаги энг катта гуноҳ, деб айтибди.

Эртаси куни эрталаб соат олтида унинг тарбиячиси граф Перовский олдимизга югуриб келди:

– Бандаликни бажо айламоқда!

Никс мушкни қайт қиларди. Дамгар тиз чўккан ҳолда унинг лабларини артар, ёнида эса Саша турарди.

У менга шундай деди:

– Ота, Сашани эҳтиёт қилинг, у шундай яхши, меҳрибон ва шундай ҳалол инсонки... – Ва бир қўли билан Сашани бошидан кучиб, иккинчи қўли билан ўзига хотин бўлиш насиб этмаган Дамгарнинг қўлини ушлади. Қизнинг қўлини Сашанинг кафтига қўйди. Кейин бу сира ҳам ўйлаб топилган нарса эмас – бу ҳақиқат деди. У укаси ва Дамгар тақдири нима бўлишини тушуниб турарди...

Кейин доктор Боткин томон юз буриб онасига ишора қилиб деди:

– Онамга яхшироқ қаранг, сиздан ўтиниб сўрайман...

Бу унинг охирги гапи эди. Сўнгги нафасигача қўлини ушлаб ўтирдим.

Эртаси куни Дамгар менга шундай деди:

– Худога беадад шукроналар бўлсинки, уни тирик кўриш менга насиб этди. Менга боққан сўнгги нигоҳини ҳеч қачон унутолмасам керак... Чуқур инсоний ҳарорат билан Сашани яхши кўриб ўпганлиги-чи... Бечора Сашага ҳам қийин бўлди... Ўз сеvimли акангни жойини эгаллаш ҳисси ўта қайғули... – Дамгар бироз жим қолиб, кейин қўшимча қилди: – Никс... Саша билан менинг қўлларимизни ўзаро боғлаганлигини унутолмаяпман!

У шундай дея жимиб қолди.

Мен уни тушунгандим... Унинг жажжи гавдаси Никсга ҳам, Сашага ҳам тегишли эмасди – бу вужуд тахт Ворисиники эди... Қизнинг ўзи ва онаси ҳеч иккиланмасдан бир тўхтамга келишди... Тез орада Саша ундан мактуб олди. У жуда бахтиёр ҳолатда ҳузуримга келди:

– У менга турмушга чиқмоқчи. Шундай деб ёзибди: “Биз унинг хоҳишини амалга оширимиз лозим!”

(Мен тушунмадим, кимнинг иродасини бажо айлаш керак – Худонингми ёки шўрлик Никсингми?)

Менинг улкан паҳлавоним кип-қизариб кетди.

– Сен ўзинг нима дейсан?

– Мен унинг васлига етишни орзу қиламан... Худодан орзум ушалишини сўрайман.

Ўйлайманки, менинг Сашам аввалданоқ акасининг қаллиғини... яширин севиб қолган!

Никсга ёққан барча нарсалар, унга ҳам ёқарди.

Тез орада мен ҳам кироличадан мактуб олдим. У янги никоҳ ҳақида... ҳал бўлган масала каби сўз юритганди.

“Афсуски, ҳозир қизимни Сашанинг ёнига жўнатомайман... Европада қулай вазиятни қўлдан бой бермай, нима бўлса-да, қизини эрга бериш учун жуда ўлиб турган экан, деб айтишмасин тағин... Аммо кузда Дамгар боришга тайёр... Ҳозирча унга тинчлик керак, у жуда қайғурмоқда... У денгизда чўмилиб, рус тилини ўрганиш билан шуғулланади ва Худо Қонунларини ўрганади...”

Дамгар келгандан сўнг эса Саша ундан ажрала олмай қолди. Шундан буён кичкина Дамгар менинг улкан пахлавонимни бошқара бошлади. Саша усиз ўзини бутунлай йўқотиб қўярди. Худди улкан ит хўжайинини йўқотиб қўйгандек. Ўғлим доимо кимнидир яхши кўриши керак эди. Авваллари Никсни, энди эса Дамгарни яхши кўрарди. Тез орада тўй қиламиз...

Бу шафқатсизлик бўлса-да, айтай... Сашага ҳам... Дамгарга ҳам ҳеч кўнглим илимади.

Тахт ворисини Маша билан қолдириб ўз хонамга қайтдим. Йўл-йўлакай фақат у билан ўтган умримни эсладим. Эркаклар даврасида зерикиб кетаман. Шу он бирор ёш аёл даврага кириб келса – бутунлай ўзгариб кетаман. Маша ҳамиша оғироёқ ёки туғишдан кейин дам олаётган бўларди... Ёнимда эса саройнинг гўзал аёллари. Мен бу гўзалларни булутга ўхшатаман: бостириб келишади, чиройлари билан ҳайратга солиб, кейин сузиб кетишади, уларнинг ўрнига эса янгилари келади... Бироқ, вақт ўтиши билан уларнинг бир хил гап-сўзлари, одатлари, таъмалари такрорланавергач – ҳаммаси олдиндан равшан воқеаларнинг ҳеч кизиги қолмайди. Француз труппасини таклиф қилдим. Бир ховуч хос кишилар даврасида маркиз де Саднинг тақиқланган ижодидан диалоглар ўқиб, роль ўйнашди. Албатта улар фақат диалоглар билан чекланиб қолишмади... Ана шундай гўзал аёллар бундай ролларни ўйнашга рози бўлганлари ҳақоратли эди. Томошани кўрган атрофимдаги хос кишилар жуда мамнун бўлишди. Шу боис бўлса керак, уларни узоқ вақт кўргим, қабул қилгим келмай юрди.

Бир неча маротаба яширинча Парижга бориб келдим. У ерда исловатхоналарни худди подшолар саройларидек безатишганди. Пулдор буржуалар императорларга хос безак ва ҳашамга муккасидан кетган экан... Албатта аёлларига таъриф йўқ... Энг қиммат фоҳиша эсимда қолди. Қадди-қомати худди Венера илоҳига ўхшайди... шунчалик гўзалки, таърифлашга сўз ожиз! Кейин кулгили бир воқеа содир бўлди. Бизнинг рус аёллари тўшақда эҳтирослари энг юқорига чиққанда кўпол куч ва шиддатни ёқтиришади... Одатдагидек энг авж пардада ўзимни йўқотиб қўйиб, ишни рус аёллари яхши кўрадиган даражага чиқара бошлаганимда... гўзал жонона аянчли қичқириб юборди!

– Жаноби олийлари, ўша онларда мен шак-шубҳасиз ўлдиришга қарор қилибди, деган ўйга бордим, – деди бу гўзал қўғирчоқ.

Русларнинг энг қўрқинчли касаллиги зерикиш бутун борлиғимни чулғаб олаётганлиги ҳис этдим. Яшаш азобга айланди. Айрим пайтларда ахборот бераётган министрларни бақириб ҳақорат қилгим ёки башараларига сиёҳдонни улоқтиргим келарди!

Мана энди... яна яшагим келиб ўтирибди... Мен унинг ёниб турган, доимо болаларча ҳайрат билан боқадиган кўзларини эслаб, қувончдан юзимга табассум югурди!

Ёш йигитга айланиш учун жуда қўп яшаш керак экан!

Хонамга келиб одатдагидек уч соат ҳужжатлар устида ишладим. Стол устида ҳар куни бир тўп қоғозлар тўпланиб ётарди. Катта ҳўжалик ва ярим дунё Подшолиги.

Кейин стол устида ёзиб қўйилган харита устига энгашдим.

Нима ҳам дердик, кўриниши ёмон эмас. Отам (*Николай Биринчи*) ва мен томонимдан забт этилган Кавказ империянинг қорнида осилиб турибди... Эндиликда бутун Кавказ бизники. Хитойнинг шундоқ чегарасидан Уссурия ўлкасини тортиб олдик... Тинч океанининг бутун қирғоклари эндиликда бизники! Осмонга бўй чўзган кедр дарахтлари, турли жониворларга тўла ўрмонлар, асрий тайга... Самимий ном билан янги Владивосток шахрига асос солдим. Энди навбат – Жанубга! Ўрта Осиёни бутунлай бўйсундириб, Ҳиндистон, Афғонистон ва Эрон сарҳадларига чиқамиз. Ҳали инглизлар Қрим уруши ва отам устидан қозонган ғалабаларини даҳшат ичра эшлашади.

Машъум сайрга чиқиш вақти бўлганди. Бироқ Адлерберг картиналар ҳақида эслатди... Ва уларни кўриш учун зал томон йўл олдим...

Намойишлар залининг биридан бирига ўтадиган қатор хоналари. Деразадан Нева дарёси кўриниб турибди... Совуқ шамол эсмоқда. Зал эшикларига осиб қўйилган олтин лаганлар ял-ял ёнади. Эшиклар олдида қоққан қозикдек қотиб турган соқчиларнинг мис каскалари ҳам ялтираб турибди. Бу соқчилар бундан юз йиллар бурун катта бувим Буюк Екатерина амри билан қўйилган.

Амр-фармон асрлар давомида ижро этилади – бу анъана. Ёзги боғнинг хиёбонларидан бирида отам доимо соқчига дуч келаверган. Бир куни қизиқиб сўрабди – сен бу ерда нимани кўриқлаяпсан? Бу саволга соқчи ҳам, унинг командири ҳам аниқ жавоб бера олмапти. Ва ниҳоят жуда қариб қолган генерал-адъютантни топиб келишибди... У отаси ҳикоя қилиб берган воқеани эсга олибди. Кунларнинг бирида Ёзги боғда сайр қилиб юрган Екатерина Иккинчи қор остидан кўқариб чиққан илк бойчечакни кўриб қолибди. Ва сайр қилиб юрганимда, бойчечакни кўриқлаш учун соқчи қўйилсин, деб буйруқ берипти. **Орадан эллик йилдан зиёд вақт ўтганига қарамасдан бу буйруқни ҳеч ким бекор қилмаганлиги боис ҳамон соқчи қўйилаётган экан.** Бисмарк Россияда элчи вазифасини ўтаётган чоғида, бундай ижро интизомидан ҳайратга тушган.

Гербли залига кирдим. Неча марта кирмай мудом ҳайратга тушаман. Тўрт минг фут мрамор ва биллур! Буйруғим билан ертўладан олиб чиқилган портретлар мрамор деворга илинган...

Олтин чорчўпларга солинган картиналар олдидан бир-бир ўта бошладим...

Фақат энди англаб етдим: Яратган эгам бўлғуси машъум воқеадан олдин сулоламиз тарихини эсга олишни менга раво кўрган экан...

Лекин ҳозир бир пайтлар ғазабга учраб, ертўлага олиб тушиб қўйилган картиналарни кўздан кечирарканман, хаёлимни кечқурун у билан бўладиган гуноҳқорона учрашув банд этганди.

Деворга дастлаб бир жуфт портрет осиб қўйилганди: буюк катта бувам Пётр Биринчи шафқатсиз кўзлари билан боқиб турарди... Ёнида унинг иккинчи хотини – катта бувим Екатерина Биринчи. Йирик гавдаси ва корсаж остидан туртиб чиққан бўлиқ кўкраклари ўзгача салобат касб этганди... Натурадан чизилганлиги шундоқ кўриниб турибди. Ва бу аёл қандай афсонавий тақдир эгаси эди!.. Мен у ҳақида тез-тез ўйлайман. Пастор уйининг хокисор хонасини тасаввур этаман... Печка ёнида лифляндиялик деҳқоннинг қизи кухарка – ошпаз Марта. Қадди-қомати келишган ҳар қандай хизматкор сингари у уй йиғиштириш, ювиб-тарашдан ташқари пастор тўшагида керакли вазифани ҳам ўтарди. Шундай бўлишига қарамасдан Костя у эрлик хотин бўлган деб айтарди. Унга йўл-йўлақай бир драгун (аскар) уйланганди... Бироз айшини суриб кейин жангга йўл олган. Шу кетганича қайтмаган – ё ҳалок бўлган ёки хотини борлиги эсидан чиқиб кетган. Шу-шу пасторнинг печкаси ёнида қариб-қартайиб қолиши аниқ эди – мабодо... Мабодо буюк катта бувам Пётр Болтиқбўйини забт этишга киришмаганида... Кейин Мартанинг ҳаёт йўли асирлик ва ғолибларнинг тўшагида кечди. Дастлаб граф Шереметевнинг... сўнгра бу бўлиқ вужуд янада юқори мансаб эгаси бўлган князь Меншиков каравотидан жой олди. Ва шу жойдан подшо тўшагига кўчиб ўтди... Бир йил ўтар-ўтмас ошпаз Марта пастор тўшагини подшо тўшагига алмаштириб олди... Буюк катта бувам одат-анъаналарни қанчалик ўзгартириб юборганди. Унинг ётоғида таг-туғли малика ўрнига, кўплаб одамларнинг қўлидан ўтган ошпаз аёл – кухарка ётарди! Ҳамма нарсани тушунадиган, ҳамма нарсани қабул қила оладиган ва ҳамма иш қўлидан келадиган – кухарка. Пётр ўзи касал билан сийлаган ўйнашини хотини олдига даволашга жўнатишдан тап тортмасди. Марта аёлни қабул қилар ва даволарди. Ҳарбий юриш вақтида кир ювиш керакми – юварди. Даволаш, ҳарбий юришларда иштирок этиш ва тунлари подшонинг қўнглини олиш... барчаси унинг қўлидан келарди. Шуларни ўйлаб катта бувам Пётр, буюк аجدодим ҳамма нарсада, ҳатто энг телбавор истакларини амалга оширишда, яъни кухаркага уйланишда ҳам буюк бўлганлигига иқрор бўламан. Ва бу аёлни Бутунроссия Императрицаси сифатида тахтга олиб келади. Кухарка-Императрицанинг қонуний аскар эри буни кўргандами – нақд юраги ёрилиб ўлармиди?!

Кечаги кухарка шарафига Муқаддас Екатерина ордени таъсис этилади... Бу орденни менинг Машам ва қизларим тақиб юришибди. Бир неча бор аёвсизлик билан уларга бу тарих ва бор ҳақиқатни сўзлаб берганман... Филҳақиқат, Худо биз ҳукмдорларни иззат-нафсимиз, кибр-ҳавомизни доимо жиловлашга ўргатади. Абадулабад эсдан чиқармаслик лозим: **биз**

буюк подшолар авлодимиз... ва шу билан бирга ошпазнинг фарзандларимиз!

Мен бу бир жуфт портретга узоқ тикилиб қолдим... Айтишларига қараганда, бу картина Буюк Пётрга жуда ёққан ва уни ётоғига илиб қўйган... Бироқ эри вафот этиши биланоқ Екатерина Биринчи портретни сургун қилган. “Нимага?” деган савол туғилади. Ўйлашимча, бунинг жавоби оддий: катта бувим мамлакатни ўта вақтичоғлик билан бошқарган. Шу боис марҳум ҳукмдорнинг шафқатсизлик билан бокиб турган нигоҳидан ўзини олиб қочган! Ундан кириш-чиқим дафтари қолган... Тили заҳар ўзбилармон укагинам Костя бу ҳужжат билан албатта танишиб чикқанди. Кула-кула гапириб берди: фрейлина А. бир кўтаришда қадаҳ тўла винони охиригача ичганлиги учун фалон сўм пул олган. Ундан ортда қолмаслик учун фрейлина Б. бир кўтаришда икки қадаҳ винони сипқорган. Шубҳасиз уни ҳам Императрица тақдирлаган! Саройда узлуксиз кайф-сафо давом этган! Бахус¹ илоҳига ҳаддан зиёд сиғиниш Екатерина Биринчининг тез ўлими билан якун топган.

Бизнинг тахтимизда ана шу насл-насабсиз хизматкордан ажойиб тарзда Аёллар Ҳукмдорлиги бошланган... Шафқатсиз ва қолоқ патриархал мамлакатимизда етмиш йиллик аёллар подшолиги ҳукм сурган... (уни кекса камердинердан эшитгандим): “Сувни ким ташиши керак? Аёл! Калтакни ким ейиши лозим? Аёл! Нима учун? Аёл бўлганлиги учун!”

Кейин Пётрнинг қизи – императрица Елизаветанинг жуда кўркам портрети мрамор девордан жой олганди. Катта аммам ён томонидан чизилганди... Елизавета мўъжизавий гўзаллик соҳибаси эди. Бўйи ниҳоятда мухташам, оёқлари келишган ва ҳавас қиларли даражадаги қаддиқомати – баланд ва бўлиқ кўкраги, ҳайратомуз елкалари! Европанинг энг гўзал ҳукмдори! Мумтоз гўзаллик нуқтаи назаридан фақат унинг бурни сал беўхшов ва жўн одамларникига ўхшаб тепага қараб туртиб чикқанди – кухарка онасиникидек.

...Портретда гўзал аёлнинг эркакча бағбақаси, кучли иродаси якқол кўзга ташланиб турарди. Бизнинг шафқатсиз аждодимиз, гўзалнинг отаси – Пётр Биринчининг ияги шундоқ қизига кўчиб ўтганди. Муҳаббат кучоғида кунларини ўтказар экан, офатижон Нимфа² тахтни ҳам унутмади. Қатъиятли ияк кескин ҳаракатларни талаб қиларди. Тунги соат бир яримда гвардиячилар қуршаб олган от қўшилган чана Нева шоҳқўчаси бўйлаб йўлга тушади. Чанада бизнинг Нимфамиз ўтирарди... Ва ниҳоят тинч ухлаб ётган саройга келиб, бизнинг гўзалимиз гвардиячилар билан бирга саройга киради! Империянинг ўша пайтдаги қонуний ҳукмдори (Анна Леопольдовна)ни катта аммам қалъа қамоғига жўнатади... Гўдак-императорни эса умрбод камоққа ҳукм этади.

Афсуски томирларимда аммагинамнинг қайноқ қонини ҳис этмайман. Ўжар ияги ҳам менга мерос ўтмаган... Шубҳа ва иккиланишлар тез-тез борлиғимни чулғаб олади. У мақсад сари худди отасидек орқа-ўнгига қарамасдан шитоб билан ҳаракат қиларди. Буюк Фридрих билан уруш

¹ Бахус (Дионис) қадимги юнон мифологиясида ўсимликлар ва вино тайёрлаш худоси.

² Нимфа – Юнон мифологиясида табиат кучларининг аёл образидаги илоҳаси.

кўзгаб юз минглаб аскарларнинг умрига зомин бўлди. Бироқ, босқичма-босқич Фридрих армиясини ҳам ҳолдан тойдирди. Буюк саркардани бутунлай маҳв этишга ҳозирлик кўраётган чоғида ўлим унга халакит берди... Европа тақдирини ҳал этаётганлигига қарамасдан, катта аммам Англияга куруклик орқали борса бўлади, деган ўй билан дунёдан ўтиб кетди...

Ва унинг аёлларга хос кўрқоқлиги ҳам бор эди. Катта бувим Екатеринанинг хотираларидаги мана бу сахнани ўқиб қотиб-қотиб кулганман: Елизавета ғазаб билан бир министрни олиб бориб, олиб келарди. Вазиятни юмшатиш учун министрға ёрдам сифатида хонага сочлари хурпайган масхарабозни киритишади. Уни кўриб кўзи хира Елизавета: “Сичқон! Ахир бу ҳақиқий сичқон”, деб кўркувдан ранги оқариб кичкириб юборди ва юбкасини кўтарганча орқасига қарамай қочиб қолди! Буюк Фридрихни қалтирашга мажбур этган бу аёл сичқондан ўлгудек кўрқарди!

Отам Елизаветанинг портретини қувғиндан қайтарганида болалигимда илк бор кўргандим. Императрицанинг бутунлай яланғоч бўлиқ елкаси, корсаж остидан сиқиб чиққан сийналари болалик туйғуларимни эрта уйғотиб юборганди... Портрет қаршисида туриб олиб... болаларга хос гуноҳ иш билан шуғулланардим (*шу жойдан ўчирилган*)... Портретни яна қувғин қилишди.

Қувғин қилинган яна бир портрет – бу бахти қора Пётр Учинчи. Совут кийиб кўлида қилич тутган ҳолда тасвирланган бу картинада катта бувам қудратли ва кенг елкали баҳодирмонанд акс этган... Аслида у заиф ва бўшанг эди. Катта бувам янги қурилган Қишки саройга биринчи бўлиб кирган ва мана бу катта деразалардан шовуллаб оқаётган Невага нигоҳ ташлаган илк инсон бўлган... Раҳмдиллиги туфайли аввал бўлиб ўтган давлат тўнтаришлари иштирокчилари қурбонларини Сибирь сурғунидан озод этганди. Афв этилганлар учун ҳатто бал ҳам ташкил қилади. Собиқ императрицаларнинг ўйнашлари бўлган бу маккор ва фитначи инсонлар балда роса яйраб ўйинга тушишади... Ўшанда улардан бири катта бувамининг қулоғига шундай деб шивирлаган экан: “Жаноби Олийлари, сиз жуда меҳрибон ва марҳаматли инсонсиз. Руслар яхши ва эзгу Ҳокимиятни тушунишмайди, писанд қилишмайди. Бизда қамчи, яхшиси ойболта билан мамлакатни бошқариш керак. Шунда ҳамма барча нарсдан рози бўлади. Жаноби Олийлари, меҳрибонлик сизни ҳалок қилади!”

Ва мен ҳам меҳрибонман... Хавфли даражада меҳрибон!

Катта бувам бу огоҳлантиришни англаб етмади ва... ҳалок бўлди. Якка ўзи, аммо “қамчисиз ва ойболтасиз” мамлакатни бошқармоқчи бўлди. Апартаментларга ўйнашларини жойлаштириб, катта бувим Екатеринани ҳозир мен яшаётган хонага тикиб қўйди... Шу пайт катта бувам ҳам, катта бувим ҳам бир-бирларига қарши фитна ҳозирлай бошлашди. Пётр Учинчи хотинини монастирга, Екатерина эса эрини нариги дунёга жўнатишга қарор қилганди. Катта бувим фитначи сифатида анча олғир чиқиб қолди. У мана шу саройда гвардиячи ўйнашини махфий тарзда қабул қиларди. Унинг каравоти менинг каравотимнинг ўрнида турган. Катта бувимнинг мўъжазгина танаси ва гвардиячи Григорий Орловнинг навқирон вужуди каравотда бир-бири билан чирмашиб кетганди... Ўсмирлик чоғимда бу

манзара мени мудом таъкиб этарди. Ўйнашининг уч ака-укаси бор эди. Барчаси жасур ва келишган гвардиячилар эди. Шундай қилиб у тўшак орқали фитнага барча гвардиячиларни қўшиб олганди...

Кейин фитнес кун келади – унинг ғалабаси кун. Катта бувим тахтдан ағдарилган эрини фусункор Ропша кўрғонига қамайди. Катта бувамнинг Ропшадан туриб ёзган хатларини ўқиганман. Мактубда кун кеча ярим дунёнинг ҳукмдори бўлган инсон ҳожатхонага қўриқчисиз чиқишга рухсат берилиши ва сайр қилишни ялиниб-ёлвориб сўраган... Манфур немис маликасига (*Екатерина Иккинчи назарда тугилмоқда. Таржимон*) ёзган хатларида икки буюк қирол – Пётр Биринчи ва Карл Ҳн иккинчининг авлоди ўзини ерга уриб “Сизнинг малайингиз Пётр” деб имзо чеккан.

Екатерина бу хатларга жавоб бермаган. Гўё қамоқхона ходимлари бу ишга барҳам бериш кераклигини англаб етишларини кутгандек. Ва улар англаб етишади... Катта бувимдан қаттиқ нафратланадиган отамнинг ҳикоясини ҳеч қачон эсдан чиқармайман.

Ўлдирилган эрининг сояси катта бувим Екатеринага бир умр азоб берган. Қасос уни қувиб етганди – Екатерина жуда аянчли жон таслим қилади... Хуруж рўй берганда у кемада эди. Оиламиз ҳақидаги барча жирканч нарсаларни тўплаб юрадиган укам Костя Екатеринанинг тўшакда тез алмашаётган ўйнашларидан безор бўлган ўғли Павел тарафдорлари у ҳожат ушатишга кирганда орқасидан қозик санчилишини ташкил қилишган, деб ҳикоя қилиб берганди. Эшикни бузиб киришганида уни ҳожатхонада чўзилиб ётган ҳолда топишади. Врачлар уни безовта қилишни тақиқлашган. Ярим дунё ҳукмдори саҳтиён теридан қилинган матрасда жон беради... Шу боис бўлса керак Яратган эгам биз бандаларига шундай мурожаат қилган: “Бу дунёнинг бойлигини тўпламанг, бу дунёнинг молига меҳр қўйманг...”

Катта бувимнинг барча қоғозларини Махфий хонага тўплаб қўйишади. Айни шу хонадан бобом (Павел): “Император Жаноби Олийлари Павел Петровичга, менинг илтифотли ўғлимга...” деб ёзилган муҳрланган катта пакетни топади.

Унинг ичида Екатеринанинг хотира дафтари бор эди... Шу заҳотиёқ уни ютоқиб ўқий бошлайди. Ўқиб тугатгач бу хотира дафтارينинг умрбод конвертга солиб, ўз муҳри билан муҳрлаб қўяди. Ва бу конвертни махфий ҳолда сақланишини тайинлайди. Тахтни эгаллагач, отам бу хотира дафтارينинг ўқиб чиққан... Ўқиб бўлгач бизнинг севимли отамиз буюк императрица Екатеринани “**Оиламиз исноди**” деб атаган. Кейин ҳатто мен билан Костяга ҳам бу хотираларни ўқишни тақиқлаб қўйди. Ва албатта тахтга чиқишим ҳаманоқ ушбу хотира дафтارينинг олиб келишни буюрдим... Завқ ва даҳшат ҳисси билан ўқиб чиқдим! Катта бувим нафақат буюк ҳукмдор, шу билан бирга буюк ёзувчи чиқиб қолди. Бундай очиқ уятсизлик билан ўз ҳаётини балким фақат Руссо ёзишга журъат этган бўларди... Хотираларнинг бош қаҳрамони ўзи томонидан ўлдирилган шўрлик эри эди. У катта бувам бўлмиш эрини аямасдан таъриф-тасвир этган: нота-вон, етилмай қолган, болалар ўйинини ўйнайдиган, ўз хотинидан бошқа

учраган аёлни яхши кўриб қоладиган... Хотини билан жинсий яқинлик қилмайди, чунки бу иш қандай қилинишини билмайди... Шу боис тўққиз йилдан буён тахт вориси дунёга келмаяпти. Бироқ нима бўлганда ҳам ворис албатта керак – буни Империя манфаатлари талаб этмоқда. Шундан императрица Елизавета томонидан Екатерина хизматига бириктирилган фрейлина императрица номидан шундай дейди: *“Олий даражадаги муҳим манфаатлар талаби туфайли барча қонун-қоидаларни инкор ва истисно этувчи вазиятлар бўлади”*. Ва Екатеринага ўзига ўйнаш танлашни таклиф қилади.

Катта бувим маҳбуб танлайди... Ва тез орада бўлғуси император Павел туғилади...

Буни ўқиб даҳшатдан қотиб қолдим: **“Демак, биз Романовлар эмас-миз?..”**

Катта бувимнинг ертўладан олиб чиқилган унча катта бўлмаган портрети менинг шўрпешона катта бобом портрети ёнида турарди... Ёки катта бобо ҳисобланувчи бизга мутлақо бегона кимса...

Бу портрет Мария Антуанеттанинг севимли рассоми Виже-Лебрен томонидан чизилганди. Буюк катта бувимнинг кўзи ёшлигидан хира бўлиб, кўп ўқиганлиги боис пешонасида чуқур чизиклар пайдо бўлганди. У бу ажинларни жинидан баттар ёмон кўрар ва уларни қарилик аломати ҳисобларди. Шу боис портрет ертўлага тушганди. Аслида эса портрет жуда яхши чиққан. Екатерина мулойим кулиб... бутунлай лоқайд кўзлари билан боқиб турипти. У ҳаётда ҳам мулойим ва лоқайд эди. Катта бувим ҳеч қачон ҳеч кимни севмаган. У ўйнашларига худди танасини пулга сотадиган фоҳиша қизларга қарагандек муносабатда бўларди – улардан фойдаланиб бўлганидан сўнг сахийлик билан мукофотлаб, жўнатиб юборарди... У ҳатто ўз ўғлини ҳам яхши кўрмасди. **Давлат... бу аёлниинг ҳақиқий севимли фарзанди эди.**

У шундай деганди: *“Табиатан тез жаҳлим чиқади. Этна вулқони – менинг холаваччам бўлади”*. Аслида эса бу шунчаки чиройли гап эди. Одамларга лоқайдлик туфайли бу вулқон камдан-кам ҳолларда отиларди. У эҳтиросга берилиб ҳеч қачон ҳеч қандай иш қилмас ва ҳамиша барча нарасада сиёсатчига хос иш тутарди... Шу боис хотираларини ҳақиқат ҳаққи ҳурмати учун ёзганлигига ишонмасдим...

Император бўлганимдан сўнг ундан қолган барча қоғозларни олиб келишга амр этдим... Барибир ўзим излаган нарсани топмасдан қўймадим! Бу тит-пити чиққан бир парча қоғоз эди: катта бобомнинг хатининг бир парчаси...

“Мадам, бу тунни мен билан ўтказишингизга тўғри келади, чунки мени алдашни бас қилинг ва бундан асло хавотирга тушмаслигингизни сўрайман... Ётоғимиздаги тўшак икковимиз учун торлик қилаётганга ўхшайди. Сиз умр йўлдошим деб аташга ор қилаётган мен бахти қаро эрингиз икки ҳафталик айрилиқдан сўнг...” Матн шу жойига келганда узилиб қолган, бироқ хат бошида ёзилган санаси бор эди. Мактуб тўйдан кейинги йилда ёзилганди! Демак... Демак, Пётр Учинчи хотинига нисбатан ҳеч қачон беъътибор бўлмаган экан-да! Демак, улар бир тўшакни

баҳам кўришган! Ҳамма айб Екатеринада экан! Эрига нисбатан сўнгсиз ижирғаниш туйғуси билан яшаганлиги кўриниб турибди. Аёл у билан бир тўшакда ётишдан бош тортиб келган, Пётр эса бу ҳақда Императрица-холасига арз қилишга уялган. Фақат Императрица Елизавета тахт вориси туғилишини талаб қилгандан кейингина Екатерина қалбидаги ижирғанишни енгиб... ундан ҳомиладор бўлган! Ва Павелни дунёга келтирган. Қаттиқ нафратланадиган эридан туғилганлиги учун ҳам Екатерина Павелни ёмон кўрган! Павелни ҳақиқий отаси деб атаётган ўйнашга келсак – буни катта бувим атайлаб ўйлаб топган. Екатерина ўлимимдан кейин ўғлим Павел отасини бўғиб ўлдирган сафдошларимдан ўч олмасин, деб ана шундай “тарих”ни тўкиган. Энг муҳими хотирамга қарши курашмасин, деб. Шундай қилиб у мемуарларда ўғли учун ким бўлган бўлса ўша тарзада қолган. Ҳукмдор бўлиб. Ва албатта сиёсатчи бўлиб. Аммо... ўйнаш ҳақида... ҳақиқатни ёзган бўлса-чи? Билмадим... Жин урсин!

Бу хотиралардан кейин биз Романовлар ўз-ўзимизга мангу жумбоқ бўлиб қоламиз!

Аммо, бир нарса аниқ эди: у роҳат-фароғат ва лаззатланишга сира ҳам бефарқ эмасди. Унинг саҳий кучоғи узлуксиз янгидан-янги маҳбубларни талаб қиларди... Қалби мудом қайнаб турарди! Катта бувим қони бизнинг барчамизнинг вужудимизда аланга олиб турибди. Барчамизни лаззатланиш ақлдан Мосуво этган – отам ҳам, ака-укаларим ҳам телбаларча аёлларнинг икки оёғи орасига учиб борамиз...

Катта бувим портрети ёнида унинг ўғлининг (Павел Биринчи) портрети турарди. Нимжон бобом қўлида салтанат ҳассаси, бошида подшолик тожи билан гўзал қиёфада акс эттирилганди. Ва... отаси Пётр Учинчининг портретига сира ҳам ўхшамасди!

Бу пайтга келиб қанчалик эҳтиёткорлик қилмайлик катта бувимнинг хотиралари мазмунини саройда билишарди... Бизнинг сулола ҳақида тили заҳар мадам де Сталь айтганидек: “Россияда ҳамма нарса махфий, лекин ҳеч нарса сир эмас”. Павел бу портретни кўриши биланок ғазабдан қутуриб кетади. Унинг наздида рассом атайлаб уни отасига ўхшатмасдан чизган. Ғазаби кўзиганда у телбавор бўлиб қоларди. Шўрлик рассомни Сибирга сургун қилишга буйруқ беради. Катта бувим Екатерина қабрдан туриб ана шу тарзда ўғлининг қалбига ханжар урганди. Бироқ, бобом бу ҳолат билан курашишга аҳд қилади. У ўлдирилган отаси шахсига сиғиниш маросимини ташкил этади. Тахтдан ағдарилган Пётр Учинчи хотини Екатерина томонидан Александр Невский монастирга дафн этилганди. Оиламиз хилхонаси ҳисобланган Петропавловский церковини катта бувим катта бобомга раво кўрмаганди. Павел отасининг хокини қонуний жойи – Петропавловский черкови хилхонасига қайта дафн этишга амр қилади... Кечаси Александр Невский монастирга мотам каретаси кириб келади. Павел ўзи билан оиланинг барча аъзоларини олиб келади... Пётр Учинчининг жасади солинган тобутни қабрдан кўтариб, сўнг очишади... Катта бобом чириб тамом бўлганди. Суяклари сочилиб ётар ва мундири ҳам чириб кетганди. Фақат бош кийими ва қўлқопи сақланиб қолганди.

Бирок, шундай бўлса-да, бобом оиланинг барча аъзоларини чириб кетган мурда қолдиқларини ўпишга мажбур этади. Буни фақат ҳақиқий ўғилгина ўз отаси хотирасини шундай ёдга олишини бутун сарой аҳлига англатиш учун қилганди!.. Отам шу пайтда бир неча ойлик чақалоқ бўлган. Уни ҳам тобутнинг ёнига олиб келишган. Бувимни ҳикоя қилишича: “Чақалоқ бош чаноғини кўриб кўркувдан қўлчаларини маҳкам сиқиб, чинқираб йиғлаб юборган”.

Павел Пётр Учинчининг ўғли бўлганлигига ишонаман. Шу боис бахтиқаро отасининг характерини шу тарзда такрорлаганди... Баъзан юмшоқ, адолатли, баъзан эса ҳаммаси тамоман тескари... Шунга қарамасдан содда ва гўл... “Бизнинг Россияда ким билан мулоқот қилсам ва мулоқот қилиб турган пайтимдагина – ўша аристократ”, деганди у манманлик билан. У якка ҳокимликнинг чекланмаган ҳокимиятлилигига ишонарди. Аслида эса унинг якка ҳокимлиги чекланганлигини англамасди... Конституция ёки парламент орқали эмас – саройимизга фитначи гвардиячиларнинг бостириб кириши орқали бу ҳокимият жуда самарали чекланган эди.

Сайр қилиб суҳбатлашиб юрганимизда Катта бобом (Пётр Учинчи) ва бобом (Павел) тақдири ҳақида отам гапириб берганди...

Мен ўшанда Сибирда саёҳат қилиб қайтгандим. Декабрь кўзғолонининг шўрпешона иштирокчиларини кўргандим. Бахтсиз, қариб қолган ва касалманд собиқ гвардиячиларни афв этишнинг иложи йўқми, деб эҳтиёткорлик билан отамдан сўрадим. У жим бўлиб қолди ва бироздан кейин: “Яхшиси мен сенга гвардиячилар Ропшада катта бобонг Пётр Учинчини қандай ўлдиришганини айтиб бераман... Улар ўзлари содиқ қоламиз деб, тиз чўкиб қасам ичган қонуний ҳукмдорларини тахтдан ағдаришган! У ўлими олдидан сўнгги чора сифатида кўлидан келгунича ўзини ҳимоя қилишга уринган. Бирок фитначилар унинг бўйнига милтиқнинг камарини ташлашади. Юзининг ён томони тиртиқ бўлган баҳайбат Алексей Орлов икки тиззаси билан унинг кўкрагини босиб, бўғиб ўлдиради. Бутун Руснинг императори хоинлар кўлида жон беради. Сенга бу қасамхўр-гвардиячилар ўзларининг яна бир Ҳукмдори – бобонгни қандай ўлдириганини ҳам айтиб берай... Аблахлар Павел Петровичнинг ётоғига разилона бостириб киришади. Бутун Россиянинг шўрлик императори тунги кийимда парда орқасига беркинади... бироқ фитначилар унинг яланг оёқларни кўриб қолиб, ўз подшоларини парда ортидан судраб чиқишади. Бобонг ўлими олдидан ибодат қилиб олишга изн беришларини ўтиниб илтижо қилади. Аммо, маст бир аблах уни тамакидон билан уриб йиқитади. Худди отасидек уни ҳам офицер бўйинбоғи билан бўғиб ўлдиришади. Кейин ўз Ҳукмдорини, яъни менинг отамни жонсиз жасадини тепкилашади! Бобонг жасадини! Бу ишларнинг барчасини бизнинг содиқ гвардиячиларимиз қилган!.. Ана шулар 1825 йил декабрь ойида худди шу ишларини яна бир бор қилмоқчи бўлдилар... Йўқ, бундай фитначи-хоинларга шафқат қилмайман, майли Сибирда чириб кетишсин!”

Охирида буюк амаким (Александр Иккинчи) портрети куёшда ярқираб турарди... Бонапартнинг тахтга чиқиши ва тубан кетишини ба-

шорат қилган катта бувим жонидан ҳам яхши кўрган набирасига тақдири азал қандай омад ҳозирлаб қўйганлигини билганида эди... Балким бизнинг барчамиздан фақат Александр Биринчи ва у томонидан мағлуб қилинган буюк душманигина инсоният тарихида қолар...

Раҳмдил ва кек сақламайдиган одам бўлган амаким ўлгудек қасоскор ва ўчини олмай қўймайдиганлар хилидан эди. Бонапартдан мағлубиятга учрагани ва таҳқирланишини у ҳеч қачон кечира олмаслигига ишончим комил. Худди ана шу характери уни буюк сиёсий хато сари етаклаб келди. Наполеон Россия ҳудудидан қувиб чиқарилганидан сўнг Кутузов ва бошқа ақлли инсонлар амакимдан армияни тўхтатиш ва мағлуб бўлган француз билан сулҳ тузишни ёлвориб сўрашади. Ўз вақтида Бонапарт нима иш қилган бўлса – худди шундай қилиш кераклигини маслаҳат беришади. У бизни Аустерлиц ва Фридланд ёнида мағлуб этиб, камситувчи Тильзит шартномасига қўл қўйдирганди. Ва дунёни тақсимлаб олишни таклиф этганди. Наполеон бизга Шарқнинг ҳаммасини берганди... Эндиликда Александр ғолиб Бонапарт ролини ўйнайдиган янги Тильзит шартномасига имзо чекишга уни мажбур қилишимиз мумкин эди...

Энди амаким у билан дунёни ўзи истагандек қайта тақсимлаб олиш имконига эга бўлганди. Биз Константинополни қайтариб олиб, Болқон халқларига мустақиллик ҳадя этишимиз мумкин эди. Аммо, амаким буни хоҳламайди... Бир пайтлар унга ўз амрини ўтказган ва Европа халқларининг жони-дилига айланишга ҳадди сиққан бетайин лейтенантдан ўч олиш ҳисси устун келади. Амаким учун енгилмас саркардани кулини кўкка совуриш, Европанинг халоскори сифатида уларнинг мангу миннатдорлигига сазовор бўлиш жозибали туюлди. Бу орзуси йўлида Европа жанг майдонларида юз минглаб рус аскарларини қурбон қилди.

Ва ниҳоят орзуси ушалди – у Парижни забт этди. Шўрлик лейтенант (*Наполеон назарда тутилмоқда. Таржимон*) ўлчами Санчо Панса подшолигига тенг оролни бошқариш учун сургун қилинади... Вена конгресси... У шон-шуҳрат чўққисиди. Амаким халқларни Россия иродасига бўйсундирмоқда... Европа уни қироллар дохийси сифатида тан олади: унинг эндиликдаги номи – “Қироллар Агамемнони”¹. Лаёқатсиз, аммо айёр император Франц² унга “Виват Александр!” деб кичкирадиган чуғурчиқ совға қилади. Нодир ақл соҳиби бўлган амаким киноя ва мазахни англамай, чуғурчиққа маҳлиё ва ундан маст бўлиб қолади... Вена конгрессига нафақат Европанинг барча қироллари, шу билан бирга унинг тож кийдирилмаган ҳақиқий ҳукмдорлари – ўша пайтдаги барча гўзаллари жам бўлишади. Гўзалларнинг ҳаммаси унинг оёқлари остида эди... Энг офатигон малаклар эса – тўшагида... Унинг шуҳрати чўққига чиққан ана шу маҳал Бонапарт Эльба оролидан қочишга муваффақ бўлади. У нафақат қочганди – бир ўқ узмасдан, “фақат шляпасини ҳавода майин силкитиб” бутун империяни эгаллаб олади. Ва амакимга ажойиб ва қутилмаган совға ҳозирлайди. Тюильри саройидан Бонапарт бир ҳужжат топиб олади ва уни дарҳол амакимга жўнатади... Амаким уни ўқиб атро-

¹ Қадимги юнон мифологияси ва Гомернинг “Илиада” достони қаҳрамони, подшо.

² Австрия императори.

фида бўлаётган барча воқеалар ёлғон, сохта эканлигини тушуниб етади! Қиролларнинг унга бўлган муҳаббати, ҳурмати сохта ва ёлғон! Қаранг, Европа халоскори рақсга тушаётган пайтда, тиниб-тинчимас чуғурчик “виват” деб қичқираётган маҳал Австрия, Англия ва Франция яширин ҳарбий иттифоқ тузишган экан. Улар биргалашиб Агамемнонга (*яъни Александрга. Таржимон*) қарши урушга тайёргарликни бошлаб юборишган. Шартномада босқиндан мадори қуриган Россияга қарши ким қанча кўшин ташлаши белгиланганди...

Хўш, амаким шунда нима иш қилди? У хоинларни кечирди... Яна қаҳрамонга айланган ва ларзага келган жамиятнинг ўй-хаёлини ўғирлаган Бонапартни эса кечира олмади. Ўлгудек кўрқиб кетган ва ўзини йўқотиб қўйган Меттернихга (*Австрия ташиқи ишлар министри. Таржимон*) ҳужжатларни кўрсатаркан, амаким шундай дейди: “Сиз билан биз ҳаёт эканмиз, бу ҳужжат тўғрисида биров оғиз очмаслиги керак. Наполеон тахтга қайтди. Бизнинг иттифоқимиз ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам бўлмоғи лозим”. Неча марталаб ўзининг садоқати ва содиқлиги билан ном қозонган амаким, ўзини алдаган иттифоқчилари билан бирлашади...

Александр донишмандлик ва республика бошқаруви хусусида кўп мулоҳаза юритиб, монархияни улуғлаган саводсиз ва ёвуз Аракчеевга қойил қоларди... Унинг турли қиёфаси тўшакдан ҳам мўралаб турарди. У гўзалликни сидқидилдан яхши кўрарди. Унинг хотини ёшлигида тенгсиз малак эди... Ким уни кўриб қолса телбаларча севиб қоларди... Екатеринанинг охирги ўйнаши, қад-қомати келишган Платон Зубов катта бувимдан кўркса-да, аммо қалбига қаршилиқ қила олмасди. Буюк княгинани бир маротаба кўриш учун кунларини дераза қаршисида ўтказарди. Ҳамма унга ошиғу бекарор эди... фақат аёллар гўзаллигини жони-дилидан яхши кўрувчи эридан бўлак!.. Александр бу гўзалликда тенги йўқ хурлиқ билан бир тўшакда ётишни хоҳламасди... Ўзининг шундай чиройда тенги йўқ хотини бўла туриб, беадаб ва дағал қизлар тўшагини ошён тутарди. Эрфуртдаги учрашув чоғида гавдаси бўлиқ истарали француз актрисаси мадемуазель Бургонь амакимнинг юрагидан уриб қолганлигини Наполеон мазах ва майна қилиб гапириб берган. Александр Наполеондан: “Мадемуазель Бургонь рози бўлармикан?” – деб сўраганда Бонапарт: “Аёл дарров рози бўлади. Аммо, эртасига бутун Париж аҳли сизнинг эркаклик ... ҳақида тўла маълумот олади”, дейди. Фақат шу нарса амакимни тўхтатиб қолганди!

Ана шундай ишқ-муҳаббат бобида тийиқсизлигига қарамасдан ... у биргина аёлни севган! Александр бутун умри давомида фрейлина Нарешкинага муҳаббат қўйган ва унинг барча хиёнатларига чидаб келган.

Маънан унга яқин бўлган ягона инсон эса хотини эди, аммо улар бир-бирини севмасдилар... У севган ягона аёл эса унга хиёнат қиларди. Ягона фарзанди қабрда ётарди. Миннатдор Европа ундан кўрқарди ва ҳасад билан уни яхши кўрмасди. Ватанида эса ундан миннатдор жамиятда фитна етилиб бормоқда эди. Гвардия яна сарой томон юриш қилишга тайёргарлик кўраётганлигини эшитиши ҳаманоқ...

Болалик чоғимда Наполеонни енгган бу инсонни Петергоф ва Царское Село боғида ёлғиз ўзи қаттиқ ўйлар гирдобига ғарқ бўлиб юрган ҳолида кўрар эдим. Ўз ўй-хаёллари билан банд амаким мени сезмасди. Ва унинг қиёфасида шундай изтироб, шундай қайғу зуҳрланган эдики, таърифлашга сўз ожиз.

Ва амаким тез-тез ўлимни ёдга оладиган бўлиб қолганди.

Амакимнинг ўлими олдидан Петербургда кўз кўриб, кулоқ эшитмаган сув тошқини юз беради. Сув кемаларни шаҳар кўчаларига улоқтириб ташлаган, Нева дарёсида тобутлар сузиб юарди... Шаҳар улкан дарёга айланганди. Сувнинг бу ғалаёни гўё яқинлашиб келаётган фалокат – одамлар кўзғолонидан дарак берарди. Александрнинг ўлиmidан кейин бизнинг гвардия дарҳол уруш билан сарой томон тажовуз бошлади. Бунга энди ўзим гувоҳ бўлгандим.

Подшоларни алмаштиришга иштирок этишга ўрганиб қолган гвардия, Бонапарт устидан ғалаба қозониб Европадан қайтгандан сўнг умуман подшосиз яшашни режалаштира бошлади.

Улар ҳаволаниб ҳар бир гвардиячи Наполеон бўла олиши мумкин бўлган давлат тузуми ҳақида хом-хаёлларга берилишди. Наполеон бўлишнинг иложи йўқ, Наполеон бўлиб туғилиш керак! – гвардиячилар шуниси эсдан чиқаришганди.

Аслзода оилалардан чиққан гвардиячиларнинг фитнаси ана шу тарзда тайёрланганди...

Отам тахтга чиққан машъум кунни ўлгунимча эсимдан чиқармайман...

Бир кун олдин мен болакайнинг пешонасидан ўпиб отам шундай деганди:

– Эртага сен улуғ салтанатнинг ворисига айланасан...

Эсимда, кўзни қамаштирадиган даражада қуёшли киш куни эди. Гербли зал деразаси олдида жиддий қиёфа билан Петропавловский қалъаси минораларининг найзасимон учларига тикилиб турардим. Бир маҳал орқамдан сездирмай келган қувноқ синглим Маша:

– Бу миноралар черковники... – деди. – Унда мархумлар яшайди. Минораларга узоқ тикилсанг, кечаси улар сени олиб кетгани келишади... – У бу гапларни шундай шивирлаб айтдики, баданимда чумоли ўрмалагандек бўлиб кетди ва мен дераза олдидан нари кетдим.

– Қўрқиб кетди! – шодон қичқирарди синглим. – Қўрқоқ, яна бу кишим Подшо бўлармишлар... – Кейин бу гапларни отамга айтиб бериш учун чопқиллаб кетди.

Шаҳдам қадамлар гурсиллаши эшитилди, отам ҳар доим гвардиячиларга ўхшаб қадам ташлаб юарди... Қулоғимни оғритадиган даражада бураб, у шундай деди:

– Петропавловский қалъасининг сен кўриб турган минораси девори ортида черков бор. Черков хилхонасида сенинг аждодларинг мангу қўним топган ва сен улар амалга оширган ишларга муносиб бўлишинг керак... У ерга кейин мен ҳам, сен ҳам, болаларинг ҳам бориб ётамиз... Бироқ, бу ҳали ҳаммаси эмас... Черков девори ортида эса биз ашаддий жиноятчи-

ларни зиндонбанд этадиган қамоқхона бор... Черков қабристонига келиб ётгунингча сен улар билан шафқатсиз кураш олиб боришинг керак. Улуғ давлат тахтининг вориси кўрқоқ бўлмаслиги лозим. Энди ҳар кечқурун дераза олдида туриб қалъага термилишга маҳкумсан...

Ва шундан сўнг мени улкан Гербли залга олиб келишадиган бўлишди. Қандиллардаги барча шамларни ўчириб қўйишарди. Ой шуъласи ёритиб турган кўрқинчли минорага кўрқувдан йиғлаб қараб туришга мажбур эдим.

Ва ниҳоят 14 декабрь – отамнинг тахтга чиқадиган куни етиб келди.

Бу қонли воқеа – гвардиячиларнинг бизнинг саройимизга охириги юришини эслаб эндиликда мудом барча рус черковларида ибодатлар ўтказилади.

Ўша тун узоқ вақт ухлай олмаганлигини отам менга айтиб берганди... У фитна ҳозирланаётганлигини билар ва шу боис саройнинг бош залида чуқур ўйга ботиб тинимсиз ва оҳиста у ёқдан-бу ёққа бориб келарди.

Отамнинг ортидан кўлида катта шамдон тутганича камердинер юрган... Ой нури тушиб турган оқ мрамарли залда икковлари ҳам хаёлий оқ шарпани кўришган... Отам кўрқувдан жойида қотиб қолган... Шарпа залнинг поли узра қанотларини ёзиб учгандек бўлади ва тушунарсиз бир оқ доғга айланади... Аммо у – бу ўлдирилган отасининг арвоҳи эканлигини биларди! Кейин эса унинг кўзи олдида девор ичига сингиб кетгандек барча нарса бирданига ғойиб бўлиб қолади... Отам кўрқувдан дир-дир титраса-да, бироқ бахтли эди. У учун бу учрашув Гамлетнинг отаси арвоҳи билан учрашуви эди. Отам бу сирли ҳодисотни отаси ва бобосини ўлдирган гвардиячилар ворисларидан қасос олишга даъват деб қабул қилади.

Эрта тонгданоқ ҳашаматли залга парадда кийиладиган формаларда, лента ва орденлар тақиб олган сарой аъёнлари, давлат арконлари отамга садоқат изҳор этиб қасамёд қилиш учун йиғила бошлашди. Бу пайтда Александр залида отам гвардия командирларига марҳум императорнинг Васиятини ўқиб эшиттирмоқда эди...

Худди шу пайт унга: Москва полки ғалаён кўтарганлигини хабар қилишади.

Фитначилар гвардиячиларни оёқлантирганлари маълум бўлди. Улар қонуний император Константинни тахтдан воз кечишга мажбур этишган ва Николай тахтни босиб олмоқчи, деб эълон қилишганди.

Декабрнинг аччиқ соғуғига қарамасдан арокдан бадани қизиган гвардиячилар биргина сюртуқларда майдон томон югуришади. Улар саройдан ўн минутли йўл бўлган – Сенат майдонида сафга тизилиб: “Ура, Константин! Яшасин Конституция!” деб хайқириб ҳавога ўқ уза бошлашади. Константин хотинининг исми Конституция экан деб, офицерлар солдатларнинг қулоғига қўйишади.

Гвардиячилар отам тимсолида унинг отаси ва бобоси тақдирини тақрорлашга тайёргарлик кўришганди! Падари бузрукворим олдида икки йўл – ё ҳаёт, ё ўлим... нафақат ўзининг ўлими... балким бутун оиланинг ўлими турганлигини тушуниб турарди. У ҳаяжон ва ғазабдан жазава-

ли ҳолатда эди... Бироқ бу ўзини йўқотиб қўйиб, телбаларча фикрлашга сира ўхшамасди. Бу ироданинг парвози эди. Имкониятлар тўғрисидаги одатий тасаввурлар чиппакка чиқа бошлаган пайтда... ҳукмдор одамни қандайдир кўтаринки руҳ вужудини қамраб олган маҳали унинг барча телбавор қадамлари ҳайрон қолар даражада тўғри ва оқилона бўлиб чиқади... У ошиғич равишда казармаларга содиқ полкларни йиғиш учун адъютантларини юборади. Қўзғолончиларни тинчитиш ва тарқалишга кўндириш учун бир гуруҳ генералларни майдонга жўнатади.

Ўзи эса шинелини елкасига ташлаб, кўчага отилади.

Сарой олдида бекорчи санқилардан иборат улкан оломон тўпланганди.

Қўзғолончилар турган Сенат майдони томон юриб уларга қўшилиб олмаслиги учун отам топқирлик қилади: оломонга ўзининг тахтга чиққанлиги ҳақидаги Манифестни ўқиб бера бошлайди. Оломон ғалаёнчи майдондан отилаётган ўқлар овозини ўз қарсақлари ва қутлов ҳайқириқлари билан босиб юборади.

Худди шу пайт майдонга юборилган подшо одамлари қайтиб келиб, даҳшатли хабар етказишади: қўзғолончилар сафи кўпайиб бормоқда. Москва полкига гренадер полкининг танаси икки метр келадиган гренадер-гигантлари қўшилибди. Қўзғолончилар сафининг охиридан эса Денгиз экипажи жой олган. Полиция кўркув ичида ҳаракатсиз турар – улар кимнинг кўли баланд келишини кутаётгандек эдилар гўё.

Манифестни ўқиб бўлган отам шу пайт сарой томон югуриб келаётган гренадер-гигантлар отрядига кўзи тушади. Уларга саройни босиб олиш топширилганди. Худди ана шу таҳликали ва кўрқинчли пайтда содиқ гвардиячилар – сапёрлар батальони келиб қолади. Қаршисида “бегоналар” (отамга содиқ ҳарбий қисмларни қўзғолончилар шундай деб аташган) ни кўриб қўзғолончилар отряди тўхтаб қолади.

Айнан ана шу дақиқа барчамизнинг ҳаётимизни сақлаб қолганди. Худди шу пайт – отам ҳикоя қилиб берганди – у узил-кесил ишонади: Худо уни ўз паноҳида асрамоқда!

Отам қўзғолончилардан сўрайди:

– Сиз мен билан биргамисизлар?

– Биз Константин билан биргамиз... Ура, Константин! – қичқиришади улар.

– Ундай бўлса сизлар у томонга бора қолинглар. – Отам уларга Сенат майдони томонни кўрсатади.

У қўзғолончиларни таъкиб қилмайди... Сарой деразаси олдида нима бўлаётганлигини тушунмай ҳайрон бўлиб ўтирган онаси ва ҳайрат билан воқеаларни кузатиб турган сарой аҳли кўзи олдида жанг бошлаш унга маъқул кўринмасди.

Бу пайтда майдонда Петербург губернатори Милорадовични ўлдиришади. У қўзғолончиларни тинчитиш ва кўндириш учун борганди. Наполеонга қарши урушларнинг барчасида иштирок этиб ўққа учмаган одам... Сенат майдонида ҳалок бўлади.

Ва шунда содиқ батальонлар қуршовида отам отга сакраб миниб, ғалаёнчи полклар томон йўл олади!

Саройда кўркув ичра воқеалар ниҳоясини кутишарди. Менинг шўрликкина бувим... Бундан йигирма йил аввал юзи таниб бўлмас даражага келган ва ўлдирилган император эрининг жасадини кўрганди, энди эса император ўғлининг мурдасини кўриш хавфи пайдо бўлганди. Бувимнинг ёнида ўлдирилган барча рус подшолари номини ёдлаб олган онам... Шу кундан кейин асабий ҳолатдаги тана аъзоларининг пир-пир учиши касаллиги онамни сира тарк этмади...

Ва ниҳоят отам қатъий қарорга келади! У буйруқ берди: “Тўпларни жангга ҳозирланг!”

Буларнинг барчасини кейинчалик отам менга батафсил айтиб берганди. Ўша пайтда эса мен бор-йўғи етти ёшда эдим ва шу боис воқеаларни ғира-шира эслайман. Мен дераза қаршисида туриб тўплар ўқ узганда пайдо бўладиган ёруғ шуълани кузатиб турардим. Бир пайт газ фонарлари ёруғида пиёда аскарлар қуршовида от миниб келаётган отамни кўриб қолдим. Ва мен биринчи бўлиб қичқириб юбордим:

– Дадам келяпти!..

Онам ҳам, бувим ҳам ҳўнграб йиғлаб юборишди.

Отам отилиб кириб бувим ва онамни бағрига босди. Шу заҳотиёқ барчамиз хонадонимиз черковига йўл олдик. Бизни қутқаргани учун Парвардигори оламга тиз чўкиб ибодат қилдик. Маст-аласт аскарлар ва авомга пойтахтни ғорат қилишга йўл қўймаганлиги учун Яратган эгамга шукроналар билдирдик ва истиғфор айладик.

Ўша декабрь ойида кўзғолон кўтарганларни “декабристлар” деб атаиб бошлашди. Мен бу воқеалар ҳақида жуда кўп ўйладим ва ҳозир ҳам ўйлаб ўйимга етолмайман... Ўз-ўзимга шундай савол бераман: кўзғолончилар майдонда нима учун ҳеч бир ҳаракатсиз туриб қолишди? Отамга содик полклар етиб келгунга қадар ҳимоясиз саройга нега ҳужум қилишмади? Улар жуда осонлик билан барчамизни қўлга олишлари мумкин эди-ку?!

Бу гвардиянинг алоҳида, бошқача фитнаси бўлганлиги жумбоқ ечим деб ўйлайман. Шу пайтга қадар сулоламиз ичидаги кимдир шу сулола ичидаги бошқа биттасига қарши фитна уюштириб келарди. Улар илк бор “озодлик” деб аталган тушунча йўлида фитна ташкил этишганди. Карта ўйнаб, пунш ичиб озодлик ҳақида орзу қилиш анчайин мароқли. Бу ерда, Сенат майдонида эса – Конституция бу Константиннинг хотини эканлигига ишонган маст-аласт ва маданиятсиз аскарлар ҳамда инсоний қиёфасини йўқотиб бир ҳайвон даражасига тушиб бораётган қора авомни ўз кўзлари билан кўришди. Авом қурилаётган Исаакиевский черкови ғўлаларини бузиб олиб пойтахтни буткул ғорат қилиш ва энг асосийси талашга тайёр турганди... Француз Инқилобининг қонли шарпаси майдон узра чарх уриб учмоқда эди.

Фитначи-гвардиячилар бундан кўрқиб кетишади!

Бироқ, мен бу ҳақда узок йиллардан сўнг мулоҳаза юритгандим... Ўшанда эса уйқу олдидан хайрли тун тилаш учун отамнинг хонасига олиб боришди. Шамлар билан ёритилган хона жудаям ёруғ эди. Отамнинг қаршисида бир офицер турарди... Унинг қўллари гвардиячилар бўйинбоғи билан боғланганлигини эслаб қолганман.

Биз ухлаб ётганда, бутун тун давомида қамоққа олинганларни отам ҳузурига олиб келишган. Кейинчалик бу хонада тарбиячим билан турли фанлар билан шуғулланар эканман, кўз олдимдан ўша қўли боғланган офицер сиймоси тез-тез ўтиб турарди...

Тарбиячимдан бу офицер кимлигини сўрашга журъат этганимда, у бу осиб ўлдиришга маҳкум этилган ярамас ғалаёнчи эканлигини айтганди. Ёшим улғайганидан кейин бу офицерни дорга осайтганларида арқон чириганлиги боис осиб жараёни икки марта муваффақиятсизликка юз тутганлигини эшитдим. Икки марта ҳам арқон узилиб кетади. Укам Костя қаердандир офицернинг охириги сўзини эшитган: **“Биз бахтсиз, шўри қуриган халқмиз. Бирор ишни рисоладагидек қила олмаймиз. Ҳатто осибни ҳам эплайлмаймиз!”**

Костя болалигидан биз ҳақимиздаги аччиқ гапларни йиғиб юради...

Мансаб, мартаба ва қариндошлик ришталарига қарамасдан жуда кўпчилик айбдорлар каторгага жўнатилди. Отамнинг бутун подшолик даврида бу шўрликларни афв этишни сўраб ўтишди... У бирор кишини кечирмади.

У менга шундай деганди:

– Инсон сифатида уларни аллақачон кечирганман, аммо Ҳукмдор сифатида кечиришга ҳаққим йўқ!

Аслида эса у айнан инсон сифатида кечирмаганди. У ғурурли инсон эди... Ўта диндор одам бўлган отам, тахтга қон тўкиб ўтирганлиги учун уларни сира кечира олмади. **Энг асосийси эса ўша пайтда ҳис этган кўрқувини кечира олмасди.**

Аммо шу билан гвардиячиларнинг саройга бостириб киришларига батамом чек қўйилганди! Отам даврида гвардия аёзсиз равишда марш (*ҳарбийча қадам ташлаш. Таржимон*) машқлари билан машғул эди. Заҳар тилли укам Костя шундай киноя қилганди: “Бизнинг гвардия кун сайин балетга ўхшаб бормоқда...” Энг кўрқинчлиси – отам бир пайт балет гвардияга айлансин, деб амр қилиб қолганлигидир. Ўша йили Моцартнинг “Ҳарамдан олиб қочиш” операси сахналаштирилаётганди ва балериналар яничарлар сифатида рақсга тушмоғи керак эди. Отам балериналар милтиқдан ўқ узишни ўргансин, деб буйруқ берди... Гвардиячилар уларни ўргатишга жўнатилди. Балерина қизлар буни ҳазил тариқасида қабул қилиб, машқ қилиш ўрнига гвардиячиларга ноз-карашма қила бошлашди. Бу ҳақда отамга хабар етиб келади. У ҳатто балериналар буйруғини бажармасликларига ҳам тоқат қилолмасди. У норози балериналарни балет туфлиларида қаҳратон совуққа чиқариб сафга туриш ва шахдам қадам ташлаш машқларини бажаришга мажбур этишини билдиради. Унинг бу гапи дарҳол ўз таъсирини кўрсатди...

Унинг буйруқлари – амри вожиб эди! Отамнинг руҳсатисиз ҳатто пашша учмасди. У буйруқ бераётган пайтда чехраси ва нигоҳини бир кўрсангиз эди – оғир, одамни тешиб ва ёндириб юборадиган ҳамда чинакам амирона. Баъзан мен ҳам отамнинг нигоҳини такрорламоқчи, унингдек кўз ташламоқчи бўламан, аммо... жуда кулгили чиқади.

Кунлардан бир кун отам саройнинг унчалик катта бўлмаган бир хонасида улкан камин қуришга амр этди. Меъмор бу жуда хавфли эканлигини тушунтира бошлади. Шунда отам унга бир нигоҳ ташлаши билан – у буйруқни сўзсиз ижро этишга киришди. Меъмор ҳамма ишни бажо келтирди. Икки ҳафтадан сўнг эса сарой ёниб кетди! Ниҳоятда даҳшатли ёнғин бўлганди. Сарой ичидан барча нарсалар ташқарига олиб чиқилди ва қоровул қўйилди. Ғазабга учраган картиналар ертўлада эди ва шу боис ҳамманинг эсидан чиққан. Энг ҳайратланарлиси – ёнғин картиналарга ҳеч бир зарар етказмаганди.

Ёнғин сабабини аниқлаш учун отам комиссия ташкил қилади. Ёнғинга подшонинг ўзи айбдор эканлигини юрак ютиб ҳеч ким айта олмайди. Ўзи айбига иқроор бўлади ва бир ярим йил ичида саройни қайта тиклашга фармойиш беради. Муддат қисқа ва иш қўлами ғоятда улкан эди. Қурилишга Россиянинг барча бурчакларидан крепостной деҳқонларни ҳайдаб келишди. Ўттиз беш даражали совуқ тушганди. Деворлар тез қуриши учун саройда тинимсиз олов ёқишарди. Юзлаб одамлар ўлгани ва ертўлада ҳали-ҳамон арвоқлар яшашини албатта Костя менга айтиб берганди.

Нима бўлганда ҳам сарой белгиланган муддатда қайта тикланади.

Онам ва отам... Мен тез-тез улар ҳақида ўйлайман... Мен онамни яхши кўрардим. У барча гўзал ва оқ рангли нарсаларни ёқтирарди.

Ҳа, мен онамни жуда яхши кўрардим ва атрофдаги барча қатори отамдан ўлгудек кўрқардим...

Мени бизнинг буюк сентиментал шоиримиз Жуковский тарбиялаганди.

Жуковский тез-тез йиғлаб турарди... Ўз шеърларини ўқиб ўзига-ўзи қойил қолиб йиғларди... Менинг ўзбошимчалигимни кўриб хурсандлигидан кўзига ёш оларди. У ўтган аср одами эди.

Ўшанда Россияда йиғлаш урфга кирган. Катта бувим Буюк Екатерина низом комиссияси депутатларига ўз нақзини ўқиганда унинг донолигидан кўнгли ийиб кетган иштирокчилар хўнграб йиғлашган. Бу йиғлоқилик эмасди – бу асрнинг буюк таъсирчанлиги эди.

Менга бу ҳислат шоирдан ўтган. Тез орада элликка кираман ва энди мен ҳам тез-тез кўзимга ёш олмоқдаман.

Отам менинг кўз ёшларимни жинидан баттар ёмон кўрарди. Унинг наздида “аянчли таъсирчанлигим”дан армия мени ҳалос этиши керак эди. Олти ёшимда мени отга миндиришди. Саккиз ёшимда лейб-гусар полки канотида от устида чакқон елиб борадиган бўлдим. Менга бургут сурати чекилган мис дубулға, яланғоч қилич ва гвардиянинг саф тортиб туриши ёқарди.

Ўн олти ёшимда тахт вориси сифатида қасамёд қабул қилдим.

Черковнинг асосий кираверишида бутун сарой аҳли йиғилди. Илтифотли отам мени черковнинг қия столи олдига бошлаб келди. Мен қасамёднинг узундан-узоқ матнини ўқий бошладим. Кўзим ёшга тўлиб борарди. Мен бўкириб йиғлаб юборишдан кўрқардим. Шукрки, охиригача ўқидим, ўқидим! Отам тантанали равишда лабимдан, кўзларимдан ва пешонамдан – уч маротаба ўпди. Шу кундан бошлаб менга ўзгача му-

рожаат ва муносабатда бўла бошлашди. Мен тахт вориси эдим! Михаил амаки айтганидек: “Подшо фақат қисман одам. Ва шахзода ҳам худди шундай”.

“Миттивойимиз” Костя э йўк, бе йўк тўсатдан менга:

– Бу адолатдан эмас! Сен отам ҳали Буюк князлиги пайтида туғилгансан, мен эса у император бўлганидан сўнг туғилганман. Биз доимо эҳтиром кўрсатадиган Византия анъаналарига кўра тахтни ота-онаси салтанат соҳиби бўлиб турган пайтда туғилганларгина эгаллаши мумкин... Мен валиахд бўлишим керак!” деганида қаттиқ ғазабланганман.

Бу гаплари учун отам Костяни кўз олдимда яхшилаб савалади.

Шундан кейин отам биз ака-укаларга қарата шундай деди:

– Яратган эгам шундай таълим беради: “Бўлиниб кетган подшолик қулайди”. Оила ҳам шундай. Буни абадулабад эсдан чиқарманглар.

Укам Костя ҳайратланарли даражада ақлли ва яна шу даражада жаҳлдор. Болалигидан тили заҳар.

Костянинг бўйи пакана ва бизнинг барчамизга, яъни Романовларга қараганда хунук. Отам унга Эзоп деб ном қўйди. Костя ҳам дарҳол ўчини олди... Отамнинг кўзи бироз чакчайган, менинг ҳам олакўзлим бор эди. Костя менга айёрона тарзда “Иккинчи рақамли кўчқор” деб лақаб қўйди. Буни отам эшитганида, дарров барчасини фаҳмлади... ва хандон отиб қулиб юборди. У жуда қаттиққўл эди, лекин топқирликни қадрларди.

Костянинг мен билан рақобат қилиши давом этарди.

Отга чаққон минишим ва елдек учишимни кимдир мақтай бошласа, худди ердан чиққандек Костя пайдо бўларди ва мазах қилишни бошларди:

– Оиламизда ногирон-Ҳукмдор туғилмагунга қадар биз армияга бундай аҳмоқона муҳаббатдан қутула олмаймиз, шекилли...

У кимнидир хафа қилмоқчи бўлса, доимо ғазаб билан бақириб гапирарди.

Бизда эса ҳатто деворнинг ҳам қулоғи бор эди.

Тез орада отамнинг “гвардиячиларга хос қадам” товушлари эшитилди.

Дастлаб ҳеч нарса демасдан Костянинг қулоқ-чаккасига яхшилаб бир тарсаки туширди. Кейин тушунтирди:

– Бахтга қарши Буюк князь бўлиб туғилган митти ярамас, эсингдан чиқарма: Россия ҳарбий давлатдир, унинг зиммасига бутун дунёга даҳшат солиш вазифаси юкланган.

Бу иборани дарҳол кадетлар корпуси учун ёзилган дарсликларга киритишди.

Ўн олти ёшга етганимда отам билан орамизда биринчи катта аҳамиятга эга ва жиддий суҳбат бўлиб ўтди... Мен бу суҳбатни ҳеч қачон унутмайман!

Отам билан айвонда ўтирардик (Александрияда). Кўрфазда рейдда турган кемамиз кўриниб турарди. У ҳар доимгидек мундирда эди.

Ўшанда отам менга шундай деганди:

– Ҳукмдор бу Европада ҳам тулки, ҳам шер бўлиши лозим. Бонапарт шундай деганди чамамда. Россияда эса – фақат шер бўлиши керак. Бир

умр эсингда тут: Россияда камчи ёки ойболта билан – яхшиси иккови билан ҳам – мамлакатни бошқармоқ керак. Ана шунда барча рози бўлиб яшайди. Декабрь кўзғолонини бостирганимдан кейин химояланиш ва мудофаага тайёргарлик кўра бошладим. Чунки фитнада мамлакатнинг энг атанган асилзода оилалари иштирок этган ва уларнинг қариндош-уруғлари жуда кўп эди... Ва шу боис мен ғалаён давом этишини кутдим... Бунинг ўрнига эса барча томондан... мени қўллаб-қувватлаш овозлари ва ҳайкириқларни эшита бошладим! Ҳа, ҳа, худди шундай! Ақлдан озган бир гуруҳ ватандошларимизни эмас, ташқи душманнинг бутун бошли армиясини маҳв этганман гўё. Собиқ дўстларимиз, қариндошларимиз, ўйнашларимизни эндиликда “давлат жиноятчилари”, “Ватан хоинлари” деб атаб бошладик. Уларнинг қариндошлари Ватан халос бўлганлиги шарафига ибодатлар қилдилар! Оталар жазолаш учун ўз қўллари билан ўз фарзандларини олиб кела бошлашди. Бу борада бизда либераллар деб атаётган қавм айниқса зўр ғайрат кўрсатди... Мен ана шунда рус ҳаётининг бош қонуниятини англаб етдим. Буни сен ҳам тушуниб ол. Қачонки, ҳукмдор қаттиққўл ва жазоси шафқатсиз бўлса куни кечаги энг ботир либерал одам бугун энг қўрқоқ инсонга айланади... Шу боис ғалаённи тергов қилишга бизнинг энг етакчи либералларни жалб қилдим. Фитначилар бўлғуси Россия республикасининг ҳукмдори этиб тайинлашни мўлжаллаган граф Сперанскийни Олий судга раҳбар қилиб тайинладим... Хўш, бу тадбирим, оқибатда нима билан якун топди? Сперанский осиб ўлдиришга маҳкум номзодларнинг шундай улкан рўйхатини туздик – ўз қўлим билан рўйхатдаги кўп фамилияларни ўчиришимга тўғри келди. **Умуман жаллод ролини истовчилар шу қадар кўп эдики, улар ҳеч тиним билмасдилар...** Ғалаённи бостирганимдан сўнг, қайғули бўлса-да энг асосий шундай хулосага келдим: бизнинг ҳукмдор аждодларимиз ва уларнинг ҳукуматлари ўз пойтахтларида нима ишлар бўлаётганлигидан беҳабар бўлишган. Фитналарда жуда кўп одам иштирок этган. Бизнинг шўрлик ота-боболаримиз бошларига тушаётган кулфатни энг сўнгги дақиқада билишган. 14 декабрдаги фитна ҳам неча йиллардан буён тайёрланиб келинаётган эди. Лекин, унинг олди олинмади-ку... Россияда аввалги яширин полиция ҳеч нарсага арзимаслигини кўрсатди. Мен шундай ташкилот тузишим керак эдики, у нафақат фитнани аниқласин, шу билан бирга ғалаён энди-энди куртак отаётган ва туғилаётган пайтдаёқ бизга хабар етказишнинг уйдасидан чиқсин. Жамиятдаги кайфиятлардан нафақат хабардор бўлиб туриш, шу аснода уни керакли ўзанга буриб ва бошқариб бориш зарур. Қисқаси, исённи бешикдаёқ бўғиб ташлайдиган ташкилотга зарурат туғилганди... Канцеляриям ичида Учинчи бўлим тузишга фармойиш бердим. Унга бошлиқ қилиб эса... кечаги либерал ва масон граф Бенкендорфни тайинладим. Учинчи бўлим нима иш билан шуғулланишини тушунтирар эканман, Бенкендорфга дастрўмол узатдим: “Адолатсиз хафа қилинганларнинг кўз ёшини артасан... Энди бу нарса сенинг вазифангга киради. Аммо...” Бу гапимга жамиятнинг барча қатламлари қарсақлар чапишди. Мен эса Бенкендорфга вазифасини тушунтиришни давом эттирдим: “Аммо бегуноҳларнинг кўз ёшларини артишдан олдин, гуноҳкорлар

кўз ёшлари дарё бўлиб оқишига ҳаракат қил...” Учинчи бўлимнинг ўзида ишлайдиган ходимлар сони ниҳоятда оз. Бироқ, штатлар сони – бу улкан айсбергнинг тепаси, холос. Учинчи бўлимнинг асосий қудрати кўзга кўринмасди. Яширин агентлар – унинг куч-салоҳияти эди. Ўғлим, улар ғамхўрлик билан бутун мамлакатимизни қамраб олган. Гвардия, армия, министрликлар... – барча-барчаси уларнинг ўткир нигоҳи остида турибди. Бўлимнинг агентлари салонларда, театрларда, маскарадларда ва ҳатто фоҳишахоналарда жавлон уриб ишламоқда. Масалан, сен фрейлина Б. билан аҳмоқона иш қилишга қарор қилганинг ҳаманоқ мен бундан хабар топдим! Каретамда шаҳар бўйлаб сайрга чиққанимда кўпинча граф Бенкендорф ёнимда бўлади... У зерикарли суҳбатдош эканлигини ва беғоналар ёнимда юришини ёмон кўришимни биласан. Бироқ, мен ҳамма кўриб қўйишини истайман: ҳаворанг мундирга ҳатто Императорнинг ўзи ҳам ҳурмат бажо айлайди. Шармандали, иснод деб ҳисобланган хизматни мен шарафли хизматга айлантирдим. Тез орада Учинчи бўлимга хизматга киришга энг аристократ хонадонлар фарзандлари ҳам интила бошлашди. Учинчи бўлимимдан адабиётга алоҳида эътибор беришни сўрадим. Исёнлар исёнкор Сўзлардан бошланишини, доимо эсингда тут, ўғлим. Бу нотавон ёзувчиларни ҳукуматни сўкишни, керак бўлса уни улуғлашни тез ўргатиб олдим. Улар ишимга аралашишни эсдан чиқаришди. Ва тез орада: “Россияда ҳамма сукут сақламоқда, чунки – шод-хуррам кун кечирмоқдалар” деб айтадиган бўлдим. Ўғилгинам, Учинчи бўлимни кўз қорачиғингдек асра. Унда подшоликнинг жони мужассам... Россиянинг жони...

Отам ҳаяжондан қизариб, кўзлари ёниб кетди. Мен ҳеч қачон уни бундай илҳомланган ҳолатда кўрмагандим.

– Жамият соғайиш қувончини ўз танасида ҳис этди. Бизнинг давлатимиз жирканч Европадан устун эканлигини чин кўнгилдан айтишим мумкин. Фақат биз тоза қонимиз билан қайта тирилтиришимиз мумкин бўлган чириб битган Европанинг остонада турган инкирози ҳақида менинг буйруғимдан сўнг барча газеталар жўр бўлиб ёза бошлашди. Мен адабиётчиларни нафақат менинг сўзларимни тушунишга ва ҳатто ўй-хаёлларимни ҳам илғаб олишга ўргатдим. Ва улардан энг донолари Буюк Пётрдан бошланган “Европа даври” эсон-омон рус тарихида ортда қолди, деб эълон қилишди. Бу тарих Наполеонни мағлуб этган менинг бетакрор акам Александр Петрович ва рус қўшинларининг Парижни забт этиши билан ўз якунига етди. Энди эса янги – муқаддас ва миллий давр бошланди. Империя эндиликда – Православия, Самодержавия ва Халқчилик сингари уч кит елкасидан муқим жой олди...

1848 йил отам ушбу мавзудаги суҳбатимизга яна қайтди. Ўшанда Европада инқилоблар бошланиб кетган ва бундан отам хурсандчиликдан ўзини кўярга жой тополмасди! У завққа тўлиб менга шундай деди:

– Чириган Европа ҳақидаги сўзларим ёдингдами? Ҳозир улар биздан ёрдам сўраб илтижо қилишади! Европада тартиб ўрнатиш муқаддас бурчимиздир – буни Илоҳий Рус шаксиз бажо айлайди!

Ҳақиқатан ҳам тез орада Австрия ёрдам сўраб мурожаат қилди. Отам тантана қиларди.

Ўзининг севимли айвонида туриб, қўлларини олис денгиз томон чўзганича:

– Биз ёрдам берамиз! – деди.

У Австрияга ёрдам юборди – Венгриядаги кўзғолонни бостириш учун аскарларимизни сафарбар қилди. Ва исённи бостирди! Кейин эса мудом кўзғолон кўтарувчи Польшадаги исённи бостирди... Нимагадир “Чириган Европа” миннатдор бўлиш ўрнига унинг пешонасига мустабид ва ҳатто одамхўр деган тавқи лаънатни ёпиштирди. (Бу ҳақда менга пичирлаб Костя айтиб берди – у Англия газеталарида шу тўғрисида ўқиган экан.) Доимий равишда бошқа халқлар ичида тартиб ўрнатиш истагимиз лати-фаларга мавзу бўлганлигини ва бизнинг европалик қариндошларимиз отамни эрмак қилиб устидан кулаётганларини тили заҳар Костя менга тушунтириб берди... Афсуски, отамнинг ўзи ҳам бундан хабардор экан ва Европанинг доимо яхшиликни билмаслиги ва кўрнамаклигидан жуда азият чекарди.

Яширин полиция бошлиғи Бенкендорф вазиятни қадай ўзгартиришни ўйлаб топди... Бу суҳбатда мен ҳам иштирок этдим. Таниқли француз ёзувчиси маркиз де Кюстин Россияга саёҳат қилиш ва китоб ёзишни орзу қилаётганини бизнинг агентларимиз Париждан хабар қилишганди. У Европада катта таъсирга эга машҳур адабиётчи эди ва энг муҳими мутлақ монархияни фанатик тарзда тарафдори сифатида ном чиқарганди. Бундан ташқари француз инқилоби террори кунларида унинг бобоси гильотинада қатл этилганди.

– Европада Россия хусусидаги қарашларни мана шу одамнинг китоби ўзгартириб юборади, – деди Бенкендорф.

Отамга бу ғоя маъқул келди. Де Кюстинни таклиф қилиш, унга меҳрибонлик кўрсатиш ва саёҳати давомида барча шароитни яратишга қарор қилинди.

Иш турли идоралар ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилмаслиги афсуски бизнинг доимий кулфатимиздир. Отам бир пайтлар божхонага берган кўрсатмаси асосида меҳмон французни обдон илма-тешиқ қилиб текширишади ва унинг барча китоблари мусодара қилинади – бу китоблар Россияда тақиқланганди...

Мен Кюстинни саройда кўрдим. У қорачадан келган жуда абжир киши бўлиб, унинг қон-қонига сингиб кетган бир айби... дуч келган чиройли одамга ошиқ бўлиб қолиши эди. Учинчи бўлим худди шундай маълумот етказганди. Отам шахвоний нафсга муккасидан кетганларни ёмон кўрса-да, уни расман қабул қилди. Завққа тўлган француз қадди-қомати ниҳоятда келишган отамни кўзи билан еб юборишига бир баҳя қолди... Французнинг ўзига кўнгли сушт кетганлигини сезмаган отам, у Россияда кўрганларидан катта завқ олаяпти деган хаёлга борганди...

Францияга қайтиб келиб маркиз биз тўғримизда ҳақиқатан ҳам китоб ёзди... Отам уни ўқиб чиқди... У китобни полга улоқтириб, тепкилаб

ташлаганини яхши эслайман... Китобни тақиқлашади. Божхоначилар бу китобни чет элликлар қўлидан меҳрибонлик билан олиб қўйишарди.

Отамнинг кутубхонасида Гомер ва Сукрот бюстлари билан безатилган марказий шкафнинг энг юқори рафида сарбаст расмлар сақланади. Отам йўқ пайтларда мен бу расмларни томоша қилардим... Кунлардан бир кун кечкурун отамнинг Петергофга кетганлигидан фойдаланиб янги расмлар билан тўлдирилган бўлса, бир томоша қилай деб шкафнинг тепасига қўл узатдим... Альбомнинг тагида французнинг отамнинг этиги изи қолган ва ғажиб ташланган китобини кўриб қолдим.

Мен ушбу китобни ўқий бошладим...

“Бу ерда ҳамманинг руҳи тушкун, маъюс, одамлар кўркувдан қисилиб-қимтинади, кўпчилик ғамгин, барча жим ва кўр-кўрона кўзга кўринмас таёкка унсиз бош эгишган. Гайришуурий ва казармага хос темир интизом барчани ва ҳамма нарсани сиқиб, кишанлаб ташлаган. Европанинг бошқа давлатларидаги эрк ва озодликни ҳис этиш учун Россия деб аталадиган бу саҳрода яшаб кўрмоқ керак. Мабодо сиз ўз юртингизни севмасангиз бунинг давоси битта – Россияга бир келиб-кетинг... Агар подшога ёқиб қолса энг нотапон, пасткаш ва ҳақир одам ҳам эртага давлатнинг биринчи амалдорига айланиши мумкин. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида куллар бор, лекин сарой аъёнларидек бунчалик кўп кулларни кўрмоқчи бўлсангиз Россияга келинг... Шу пайтга қадар инсон учун ҳақиқат худди ҳаводек, куёшдек зарур деб ўйлардим. Россия саёҳати менинг бу фикримдан қайтарди. Россияда ёлғон гапирсанг – демак тахтни кўриқламоқдасан, ҳақиқатни айтсанг – демак подшо тахти асосини ларзага соласан...” Ва шунга ўхшаш кўп-кўп гаплар.

Қабиҳ асарни ўқир эканман, бу аблаҳни ўлдиришни орзу қила бошладим... тез-тез нафасим ичимга тушиб кета бошлади, чунки китобда биз Костя икковимиз шивирлаб гаплашадиган жуда кўп нарсалар бор эди...

Кейинчалик отамнинг кундалигида ёзилган қуйидаги гапни ўқиб қолдим: “Тахтга ўтирганимдан сўнг жуда катта иштиёқ билан ҳақиқатни билишни истардим, аммо ўттиз йил давомида ҳар куни айтилаётган мақтов ва ёлғонлардан кейин, ҳақиқат билан ёлғонни фарқлай олмай қолдим”.

У бу фикрни Қрим урушидаги мағлубиятдан кейин ёзади... У ўзи жуда ёмон кўрган ярамас-француз нима деб ёзган бўлса худди шу нарсаларни ёзади.

Бу жирканч китобдаги иккита мулоҳаза мени жуда ҳайратга солди... Бирида увовқина француз: “Орадан эллик йил ўтмасданоқ Россияда инқилоб рўй беради”, деб башорат қилганди. Бу гап хаёлимда мустаҳкам ўрнашиб қолди.

Ва айниқса бугун содир бўлган воқеадан кейин эса менга азоб бера бошлади.

Бироқ ўшанда эндигина йигирмадан ошган чоғимда мени французнинг иккинчи фикри юрагимни тилка-пора қилганди. Бу отам ҳақидаги баъзи бир тафсилотлар эди...

Ўшанда ҳам, ҳозир ҳам отам онамни жуда ардоқлашини ҳамма биларди – улар намуна бўладиган эр-хотин эдилар... Версал саройи ҳашамати билан рақобат қила оладиган Петергоф саройи ёнидан отам онам шарафига “Александрия” деб аталган кичик қасрча бунёд этди. Бу ерда ёз ойларида отам ҳордиқ чиқарарди. Аблах маркизнинг китобида эса мен куйидагиларни ўқидим: “Помешчик кўл остидаги крепостнойлар ҳаёти ва майлларига қандай хўжайинлик қилса, подшо ҳам ўз фуқароларига худди шундай хўжайинлик қилади. У нафақат саройдаги ёш хонимларни, шу билан бирга сайр қилиб юрган пайтида тасодифан дуч келиб қолган қизларни ҳам қўлдан чиқармасди. Сайр қилиб юрганидан ёки театрда кимдир ёқиб қолса, дарров навбатчи адъютантига ишора қиларди. Ҳалиги аёл назорат остига олинарди. Аёл ҳеч бир ножўя хатти-ҳаракатлар билан ном чиқармаган бўлса унинг эри (агар турмушга чиққан бўлса) ёки ота-онасига (оила қурмаган бўлса) улар қандай улуғ шарафга лойиқ бўлганликлари ҳақида хабар бериларди. Ва Император ўз майли йўлида ҳеч қачон қаршиликка учрамаган... Бу мамлакатда қизининг Император тўшагида бўлиши ота-оналар, хотинининг ётиши эрлар учун шараф эди”.

Қишки саройда онамга хизмат қилиш учун фрейлина Варенька Нелидова яшарди. Унинг отам билан ишқий алоқаси бор деган ғийбатлар юрарди... Лекин мен бу миш-мишларга ишонмасдим... Отамнинг ўзи сиғинадиган даражада яхши кўрадиган хотини билан ўйнашини бир том остида бирлаштиришини ҳатто тасаввур қилолмасдим.

Варенька отамнинг хонасидан чиқиб келаётганлигига тез-тез кўзим тушиб турарди... Қўрқинчли бўлса-да, аммо ҳақиқатни тагига етмоқчи бўлдим... Отамнинг мундирлари учун хонада каттакон шкаф турарди. Мен шкаф ичига кириб беркиниб олдим... Мундирлар орасида нафасим қайтиб кетди... Калит тикиладиган туйнукдан улар хонага қандай кириб келганларини кўрдим... Кейин отам... Сўнг аёл... Аёл қўйлагини ҳансираб ва шоша-пиша еча бошлади!.. Қизнинг яланғоч гавдаси хонани тўсиб қўйди!.. Фрейлина уятли даражада кип-яланғоч эди. Улар чирокни ўчиришди... Лекин мен баданга титроқ соладиган ва шахвоний овозларни эшитиб турардим... (шу жойдан матн ўчирилган). Мен ўзимни ланъатлардим! Ўз отамни яп-яланғоч фош қилган сурбет эдим. Шу воқеадан кейин ярамас кўзим очилди, ўзим эса вояга етгандек бўлдим... Мен ҳам ошиқ бўлиб қолган жуда навқирон ва гўзал фрейлина ҳам отамнинг хонасига кириб, у ердан сочлари тўзиган ҳолда чиқарди. Авваллари бунга эътибор бермасдим... энди эса ичкарида нима воқеалар содир бўлишини билардим... Саройдан бирдан ғойиб бўлиб қолган икки нафар чиройли фрейлина лейб гвардия офицерларига турмушга узатилганлиги ва тўйдан кейин кўп ўтмай улар тез орада фарзанд кўришганини эшитдим. Отамдан нимадир сўрамоқчи бўлган гўзал мешчанка саройда пайдо бўлиб қолди ва қизиғи отам уни дарҳол қабул қилди. У отамнинг хонасидан энди бу ерга қайтиб оёғини босмаслигини билган ҳолда ва ниҳоятда хурсанд ва бахтли алфозда чиқиб келди. Энди мен бу воқеаларга бошқача,

гуноҳкорона кўзларим билан қарардим. Тақиқланган мева таъмини то-тиб кўрган Одам Ато мисоли... Мен шайтон васвасаси қалбимни тезроқ тарк этиши ва онамни бу ишларга тоқат қилиб келаётганлиги учун ёмон кўриб қолмаслигимни Худодан илтижо қилиб сўрардим... Тўхта, балким ҳақиқатан ҳам онамнинг бу ишлардан хабари бўлмаса-чи?

Ва мен кейинчалик энг асосий нарсани англаб етдим: онам атрофида бўлаётган воқеаларни билишга журъат этмаган. Онам Шиллернинг туйғуларга таъсир этадиган шеъриятига савдoyи бўлиб қолган Германиядан Россияга келган Пруссия қиролининг қизи эди... Отам бу нозик ва нафосатга тўла вужудга ҳароратли муҳаббат қўйганди. Отам уни олтин қафасга солиб қўяди. Сеҳрли қафасда кун кечирар экан, онам шўрлик бирор марта ҳам эркинликни ҳаёлига келтирмаганди... Онам отамга ҳаддан ташқари сажда қилар ва атрофида фақат гўзаллик ҳамда бахтни кўрарди... Кимдир унга бемалол сотиш, карта ўйинида ютқазиниш, бир-бирига ҳадя этиш мумкин бўлган қул деҳқонлар ҳақида гапирганида эди – у бу нарсаларни тушунишдан бош тортган бўларди. У отам атайлаб яратган ажойиб тушда яшарди.

Бироқ бундан ёлғиз мен хабардор эдим... Отамнинг кишини уялтирадиган яширин ҳаёти ҳақида бутун Европага жар солишга журъат этган маркизни ўлдиришни бутун жисми-жоним билан истагандим!

Ўшанда отамнинг бу сиридан хабардор чоғимда диван қаршисига чўк тушиб, бошимни ёстиққа буркаб хўнграб йиғлаганларим эсимда. Нима учун доимо аёлга ташна бўлиб, нима сабаб мудом севги ўтида ёниб юришим сабабини тинчланиб, ўзимга келганимдан кейин тушуниб етдим. Бу менинг ҳаёсизлигим ва гуноҳкорлигимдан эмас – бу биз Романовлар вужудида ёнган даҳшатли наслий оловдандир. Бу оташ барчани – буюк Пётрни, Елизаветани, Екатеринани, Павелни, Александрни... ва отамни куйдириб қул қилганди.

Болалигимданок ҳар доим кимнидир яхши кўриб қолаверардим. Ва ҳеч қачон севгимни яшира олмасдим (буни истамасдим ҳам). Амакимнинг кизларига кўнглим сушт кетиб юарди. Кейин картинада акс этган бўлиқ кўкракли Елизаветага ошиқ бўлиб қолдим... Ўн тўрт ёшимда эса онамнинг фрейлинаси Настенька О.ни севиб қолдим. У ўн саккиз ёшли мафтункор киз эди... Бу муҳаббатим аввалгилардан фарқли – икки томонлама бўлиб, биз бир-биримизни севардик. Мен ундан илк бор Петергофда бўса олдим. Кейин эса...

Отам шаҳар ташқарисида бир мўъжизавий томоша ташкил этди. У рицарликнинг ашаддий шайдоси бўлиб қолган ва рицарларнинг ажойиб қурол-яроғларини тўплаганди. Биз отам билан Медичилардан қолган рицарлик кийимларни кийиб отларга ўтирдик. Орқамизда барча ёш буюк князлар ҳам имтиёзли ҳарбий билим юрти формасида саф тортинди. Уларнинг ортидан эса Лоренцо Медичи даври кийимларини кийиб олган сарой хонимлари келардилар. Бу муғомбир ҳамма нарсани биларкан...

Очиғини айтиш лозимки отамга нисбатан мен рицарлик кийимларига зўрға бардош берардим... Ва ниҳоят менга уларни ечишга рухсат берилди... Орқага қайтиб келаётган чоғим ўтлоқда Настенькани учратдим. Бу

муғомбир атайлаб мени кутиб турганди. Биз иккаламиз ҳам отда эдик. Отларимизни ўтлоқ четига боғлаб қўйдик. У ўзи юбкасини кўтарди. Лекин ўрта асрларга хос узун бичимдаги лозимини сира ечолмасди... Лаънати Флоренция кийимлари! Мен уни зўр иштиёқ билан истардим. Унинг лозимини шоша-пиша йиртаётган пайтим бирдан ёқимли оғриқ сездим... Мен бўшанган ва бутунлай ҳолдан тойиб қолгандим... У ўт устида ётар экан, мени яна кучга тўлишимни кутарди... аммо мен отга сакраб миниб кетвордим. Шунақаси ҳам бўлганди.

Бир кундан кейин уни саройдан олиб кетишди. Отам ўша заҳотиёқ ҳаммасидан хабар топганди (Учинчи бўлим ҳатто қарағайлар ортига ҳам бекиниб олгандек туюлади менга). Ҳақиқатда эса кечкурун кундалигимни тўлдиран эканман, барчасини тушуниб етдим. Ёзув столимда бекитиб қўйган кундалигимни ҳар кунни отам ўқиши маълум бўлди. Унинг ўз калити бор экан. Мен севгим ҳақида ёзилган бетларни йиртиб олинганлигидан унинг сукут шаклидаги норозилиги белгиси ва цензурасини топдим... Кундаликни отамга Учинчи бўлим агенти бўлган менинг камердинерим олиб бориб тураркан. Дарвоқе севгимни кундалик ва полициясиз ҳам сезиш кийин эмасди. Онам айтганидек (мен тўғримда): “У севиб қолса, бу нарсa дарров чехрасида акс этади...”

Орадан унча вақт ўтмасдан фрейлина Оленька Калиновскаяни севиб қолдим.

У кетворган малак эди. Мен ақлимдан озиб қолдим! Усиз тура олмасдим... Тез орада Настенька билан эплай олмаган ишим Оленька билан... содир бўлди! Вазият онам ҳузурига келишимга мажбур этди. Отам ёнига боришга эса менда журъат етишмасди...

– Азиз онажон! Тахт вориси деган улуғвор мақомдан воз кечишга мажбурман. Мен ўз ҳаётимни сизнинг фрейлинингиз Оленька билан бахтли оилага бағишламоқчиман...

Онам ҳеч нима демади. Худди шу пайт отам келиб қолди. Онам менга:

– Қўшни хонага чиқиб кутиб тур, – деди.

Улар ёлғиз қолишди. Сухбатни эшитишим учун атайлаб баланд овозда гапиришди.

– Хўш, энди нима қиламиз? – сўради отам.

У аллақачон ҳамма нарсани билар, мен эса ҳар бир қадамимни пойлаб юрган машғум бўлимни яна унутиб қўйгандим.

– У ўзида кучли характерни шакллантириши лозим, бўлмаса ҳалок бўлади... Ўғлимиз жуда серсевги ва иродаси бўш. Бировнинг таъсирига тез тушиб қолади. У уйланиш ҳақида жуда жиддий гапирди... Уни Петербургдан тезда бошқа ёққа жўнатиб юбориш керак...

Отам мени ёнига чақирди:

– Биладан, сен у билан хайрлашмоқчи эдинг, лекин энди афсуски бунинг иложи йўқ.

– Қанақанги хайрлашув? Нима учун иложи йўқ? – мен ўшанда бор-йўғи шундай деб ғўлдирадим.

– Чунки, аёл саройни тарк этди. Ҳозир у йўлда кетиб бораётир. У жуда соз турмушга чиқмоқда. Сенинг бўлғуси болаларинг князь Демидов-До-

нато фамилиясини олади. Бирок, сен қайғурма, худди ўзинг истаганингдек, албатта уйланасан. Шу кунларда саёҳатга йўл оласан... Дастлаб Россияни бир айланиб чиқасан. Ахир, қанақа мамлакатни бошқаришингни билишинг лозим-ку! Кейин эса Европага кетасан. Умид қиламанки, сен бу саёҳат давомида буюк Тахт ворисига муносиб қаллиқ топасан.

Саёҳатда менга тарбиячим шоир Жуковский ҳамроҳ қилиб белгиланганди. У мени қабулхонада кутиб турарди. Оленькага ўзимнинг соф рухий (бошқача муҳаббатни тушунмаган бўларди) севгим ҳақида мудом ёш бола бўлиб қолаётган бу қарияга кўп марта ҳикоя қилиб бергандим... Қабулхонадан чиқишим ҳаманоқ отилиб унинг кўксига бош кўйганча айтиб йиғлашни бошладим:

– Нима учун?! Нега мени бундай соф ва маъсума муҳаббатимдан жудо қилишди?


Бир-биримизни қучган кўйи иккаламиз ҳам ҳўнграб йиғлардик.

Нафсиламрини айтганда отамнинг буйруғи билан Жуковскийга аллақачон Оленьканинг ҳомиладорлигини айтишганди! Шоир ўзини менинг соф рухий ва бокира муҳаббатимга ишонгандай кўрсатишни уддалаганди.

Шоир учун улуғвор поэтик тўқима билан таққослаганда ғариб ҳақиқат ҳеч нарсага арзимасди!..

Бу кекса болакай ҳамиша соф рухий муҳаббат оғушида юарди. Дарвоқе, ёши бир жойга бориб қолганда ва ниҳоят ўз мукофотини олди у... Унинг ўн олти ёшли қизга бўлган муҳаббати иккинчи томоннинг ҳам қалбида акс садо берди ва олтмиш ёшли болакай уйланди ҳамда... икки нафар ажойиб фарзанд кўрди!

Мен Россиянинг бутун Европа қисмини кезиб чиқдим... Ушбу саёҳат тафсилотларига тўхталиб ўтирмайман, чунки бу ҳақда отамга ёзган мак-



тубларимда батафсил тўхталганман... Бу хатларни архивимдан топса бўлади.

Бекиёс Оленькани ўйлаб йўл-йўлакай кўп кўз ёши тўкдим. Фақат кейинги саёҳатим чоғида кўз ёшларим қуриди. Мен Европа қироллари саройига ташриф буюришим керак эди. Фақат ўзимни кўрсатиш учун эмас, ўзимга муносиб қаллиқ топиш учун қизларни зерикаш билан кўздан ўтказишим зарур.

Дастлаб Германияга қадам қўйдим. Қариндошимиз бўлган Пруссия қироли мени кўриб ҳайратини яширолмасди... Европанинг энг гўзал маликаси бўлган бувим қиролича Луизанинг қабрини зиёрат қилдим. Унинг Бонапарт устидан ғалаба қозонишига бир баҳа қолганди... албатта гўзаллиги билан... Бонапартдан Йена атрофида мағлубиятга учраганидан сўнг бобом кўп ерларни душманга беришга мажбур бўлганди. Ва Луиза (гўзаллиги чўққига чиққан пайтлар) бу ерларни қайтариб олишга аҳд қилади... Узил-кесил тинчлик шартномасини келишиб олиш учун Луиза Бонапарт билан ёлғиз қолишади... Бобом уларнинг ёлғизликдаги суҳбатини ўз вақтида бўлиб қўймаганида эди, Бонапарт ўзи икром бўлганидек: “Босиб олинган барча ерларни қайтарган бўлурдим”. Наполеонни мағлуб этган Александр Биринчи ҳам бу аёлга ошиқ бўлиб қолганди. Айтиш лозимки, у бу соҳибжамолнинг висолига етганди. Амаким шундай деганди... (матн шу жойидан ўчирилган).

Хуллас, шундай қилиб Берлинга келдим. Менинг гўзал холаваччаларим... илк бор шунча кўп сеҳргарларни кўриб тургандим. Уларнинг ҳар бири рус императрицаси бўлишни хоҳларди. Ўзларининг нозкарашмалари билан мени ақлдан оздираёзишди... Бир пайтлар буюк қирол Фридрих ўз меҳмони Вольтер билан сайр қилиб юрган машҳур Сан-Суси саройида яшадим. Бу маъюс ва нохуш ҳамда бузуқлик қилишга мойил қирол менга ёқмасди...

Кейин Венага келдим... Мана Князь Меттерних уйидаман. У Наполеоннинг нафақат энг айёр душмани, шу билан бирга энг аъло даражадаги Дон Жуан бўлганлиги ҳақида эшитгандим... Меттерних Наполеон ҳақида жуда кўп нарсани ҳикоя қилиб берди. Бироқ мен бу ҳикояларни тингламасдим (ҳозир бундан жуда афсусланаман). Австрияда қисқа муддат бўлганлигимга қарамасдан, бир неча бор жиддий севиб қолдим. Бироқ мени ҳақиқий муҳаббат Германиянинг мўъжазгина герцоглиги – Драмштадтда кутиб турган экан. Бу ниҳоятда зерикарли одам бўлган герцог Людвиг билан кечки таом устида содир бўлди... Эшик очилдию... менинг бўлғуси рафиқам кириб келди. Малика Максимилиана-Вильгельмина-Август-София-Мария... У ўн беш ёшда эди. Унда софлик, бокиралик уфуриб турарди. Унинг кўзлари... бу ложувард кўзлар онамнинг кўзларини ёдга соларди... Мен узил-кесил севиб қолгандим... Жуковскийни ҳайратга солиб қиз Шиллерни ёддан ўқирди. Шоир дархол унинг шарафига қасида тўқиди. Кечкурун отамга хат ёздим: “Бир қарашдаёқ қиз менга ёқиб қолди. Азиз отажон, рухсат берсангиз Англия сафаридан сўнг яна Драмштадтга қайтиб келсам...”

Аммо олдинда ҳали Англия турган эди, у ердан қайтиб келиш... қанчалик қийин кечганлигини ёзишга қалам ожиз!

Қиролича Виктория! У йигирма ёшда эди, уни амаким Александр Биринчи чўқинтирганди. Биз бир-биримизнинг бағримизга отилдик...

Беш дақиқадан сўнг мен у билан тинмай гаплашардим – бу севиб қолганлигимнинг биринчи нишонаси эди. Россия бўйлаб саёхатим чоғида Наполеон дарёдан кечиб ўтган жойда узоқ туриб, дунёвий шуҳрат бир зумда ўтиб кетиши ҳақида ўйлаганларимни айтиб бердим. Ўша пайтда ҳамманинг оғзида бўлган – гўё Наполеонни инглизлар заҳарлаб ўлдиргани тўғрисидаги миш-мишни ундан сўрамоқчи бўлдим. Бироқ кизни хафа қилиб қўяманми, деган ўй билан сўрашга жазм этмадим!

У қандайдир ички сезги билан мен беролмаган саволни сезиб, буларнинг барчаси миш-миш деб рад этди.

Бизнинг европалик қариндошларимиз хаёлини банд этган: Наполеонни мағлуб қилган подшо Александр Павлович ўлмаган, бироқ оддий дарвеш сифатида яширинча Сибирга кетиб қолганлиги ростми? – деб, бошқа бир миш-миш ҳақида... мендан ўзи сўраб қолди.

Мен бу қуруқ сафсата деб гап бошлашим биланок, у сўзимни бўлиб қўйди:

– Фақат бундай ажойиб афсонани зерикарли ҳақиқат билан маҳв этиб қўйманг.

Унинг чарос кўзлари ёшга тўлди...

Кейин мен унга Наполеонни енгган зот ўлими олдидан сўнгсиз қайғуга ботганлиги ҳақида гапириб бердим...

Шундан сўнг биз Гётени ёддан ўқий бошладик. Мен ўқий бошлашим биланок, у охирги мисраларини давом эттирарди. Кўзларим: “Сен нақадар нафис ва назокатлисан... Мени сева оласанми? Чунки мен сени севиб қолдим!” дерди. “Албатта сева оламан... Шундай севаманки!” – жавоб берарди унинг маъсума кўзлари.

У албатта муносабатларимиз никоҳ ришталари билан боғланишининг иложи йўқлигини тушуниб турарди. Чунки унинг эри бўлган куним, тахт ворислигидан мусово бўлардим-да. Бироқ у мени қўйворгиси келмасди.

Икки кундан кейин Букингем саройида ҳеч қачон ёдимдан чиқмайдиган бал бўлиб ўтди.

Ва у ўзининг сеvimли фрейлинасига шундай дебди: “Мен севган биринчи эркак бу – рус шахзодаси...” Бу гап Жуковскийнинг қулоғига етиб боришини ҳам эплади. Умримда бундай жасоратли ва мустақил кизни кўрмагандим. Бир қарашдаёқ бир-бирини севиб қолган бизнинг оташин муҳаббатимизни кузатар экан, шоир ҳайратга тушарди... У бизнинг севгимизга қасида бағишлади.

У билан абадий бирга бўлиш учун тахтдан воз кечишга қарор қилдим!

Жуковский отамга хат ёзди: “Император жаноби олийларининг бутун туриш-турмуши қироличага бағоятда ёқиб қолди. Атрофдагиларнинг барчаси улар бири-бирига ниҳоятда мос жуфтлик эканлиги ҳақида гапирмоқда. Мабодо буюк князь қироличани қўлини сўраса – бу сўров ҳеч иккиланмасдан қабул қилинади”.

Отамнинг жавобини сабрсизлик билан кутардим!

Охирги бал Виндзорда ташкил қилинди. Мен уни кундузи кўрдим. У қанчалик журъатли эканлигини, бидъатларни кўрарга кўзи йўқлигини кўрсангиз эди. У мен билан суҳбатлашиб ўтирар экан, икки дақиқага ташқарига чиқиб келишга рухсат сўради ва кундалигини стол устида очик қолдирди. Ва мен уни ўқий бошладим: “27 май 1838 йил. Виндзор. Соат еттидан ўн беш дақиқа ўтган. Безатилган Сент-Жорж залида тушлик... Мен Буюк князни бутун борлиғим билан севиб қолдим. Мен у билан рақсга тушдим.. У жуда кучли экан... Ҳеч қачон бундай бахтиёр бўлмагандим. Эрталаб соат бешгача ухлай олмадим”.

Бал пайти:

– Мен бу учрашувдан қаттиқ ҳаяжондаман ва уни ҳеч қачон унутмайман. Ишонинг, бу шунчаки оддий гап эмас... – дедим.

– Мен ҳам ҳеч қачон унутмайман, – деди у.

Бироқ буларнинг барчаси беҳуда экан. Ҳафсаласи пир бўлган Жуковский отамнинг мактубини қўлимга тутқазди: **“Аҳмоқ тирранча, тезда орқага, Дармштадтга қайт! Россияга Англия қироличасининг нота-вон ва рўдапо эри эмас, Тахт Вориси керак”**.

Мени кўриши билан қиз ҳаммасини тушуниб етди.

Эрталаб мен жўнаб кетдим. Юрагим вайрон бўлиб у билан хайрлашдим.

Тан олиб айтаманки, Лондондан бутунлай ёдимдан чиқиб кетган Дармштадтга қайтиб келдим.

Лондонда севгидан маст бўлиб юрган чоғимда отам шошилишча равишда герцог билан ишни пишириб қўйган экан: менга жуда ёқиб қолган қиз православияни қабул қилишга розилик берибди.

Мен уйландим ва жуда бахтли эдим. У нафақат чиройли, шу билан бирга ҳайратланарли даражада ақлли чиқиб қолди. Мен ҳаётда жуда кўп бор иккиланиб қолардим, худди ана шундай пайтларда у менга суянч бўларди... Отам келинини жуда яхши кўрар ва қадрларди. У ҳам отамни самимий ҳурмат қиларди. Отамнинг кўпчиликнинг кўзидан пана бошқа ҳаёти борлигини фаҳмларди, аммо отам фақат онамни севишига ишонишга ўзини мажбур этганди.

Кейин отам вафот этди.

У ўлими олдидан руҳан синган, хўрланган ва ҳақоратланган ҳолда эди.

Буларнинг барчаси у яна бир бор Европа ишларида тартиб ўрнатишга уринишидан бошланди. У ўзини славянларнинг ягона ҳимоячиси деб ҳисобларди. Туркиядан христианларга алоҳида ҳуқуқлар беришни талаб қилди. Туркия бу талабни рад этгач, э йўқ, бе йўқ Дунай князликларини босиб олди. Ана шундан кейин Европанинг энг кучли монархлари бирлашиб ва тўдалашиб унга ҳужум бошлашди!

(Давоми келгуси сонда)



Роттердамлик ЭРАЗМ

НОДОНЛИККА ҚАСИДА¹

*Рус тилидан
Шукур ЖАББОР
таржимаси*

Муаллифнинг кириш сўзи

Кадрдоним Томас Мор²га алангалик салом!

Хўш, шу десанг, Италиядан Англияга кетаётиб, вақтимни беҳуда ўтказмаслик учун сен билан ўтказган муноқашаларимиз тўғрисида мушоҳада юритсам ёхуд бизни тарк этган қалбга яқин дўстларни хотирласам кўнглим бироз таскин топарди. Улар орасида сен ҳам, кадрдоним Мор, биринчилар қаторида хотирамда жонланасан: сен билан юзма-юз мулоқотдан қанчалик роҳатланган бўлсам, сендан олисда ҳам ажиб хотиралар қалбимни шунчалик шод этади; ишонтириб айтаманки, умрим бино бўлиб бунчалик лаззатни ҳали татиб кўрмаган эдим. Хуллас калом, йўл-йўлакай бирон-бир иш билан машғул бўлишга қарор қилдим, вази-ят бошқа муҳим мавзулар устида бош қотиришга имкон бермагани учун аҳмоқликка ҳамду санолар битишга жазм этдим.

“Қайси жин уриб, хаёлингга бундай фикр келиб қолди?” деб сўрашинг мумкин. Ҳазил-мазахга мойиллигингни билганим учун ушбу хаёлий ўйин маҳсули сенга маъкул келса керак, деб ўйлайман. Умуман олганда, вақти-вақтида кишилар ҳаётига Демокрит³ нигоҳи билан истехзоли назар ташласак, фойдадан холи бўлмасди. Ўткир зехн ва теран ақл-заковатинг билан оддий авом диди ва қарашларидан йироқ бўлсанг-да, самимийлигинг ва ювошлигинг туфайли энг оддий инсон қиёфасида ҳам намоён бўлишинг мумкин. Шунинг учун сенга бағишланган ушбу арзимас тухфамни, эсдаликни хайрихоҳлик билан қабул қилишингни истардим.

¹ Асар қисқартириб таржима қилинди.

² **Томас Мор** (1478–1535) – инглиз файласуфи ва давлат арбоби, машҳур “Утопия” асарининг муаллифи, Эразмнинг дўсти. Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” сингари хаёлот маҳсули бўлган Томас Морнинг “Утопия” асари Европада идеал жамият тўғрисидаги таълимотларнинг вужудга келишига катта таъсир кўрсатган.

³ **Абдералик Демокрит** (милоддан аввалги 460–370 йиллар) – буюк юнон файласуфи, материянинг ўзгармас элементлари – атомлар ҳақидаги таълимот асосчиси. Ўз даврининг кишилари Демокритни “заҳарханда файласуф” деб атаганлар.

Бундан буён бу сенинг мулкинг бўлгани боис уни ҳимоянгга оласан, дея умид қиламан.

Эҳтимол, бу ҳазил-мutoйибага йўғрилган ҳажвий битикларимни руҳоний олим учун нолойиқ иш, насронийларга хос, мўминликка нисбатан шаккоклик, дея бошимга бўҳтонлар ёғдирадиганлар, ҳатто мени Лукиан¹га тақлид қилиб қадимий комедияларни тиклаб, барчани масхара қилишда айблайдиганлар ҳам топилса ажаб эмас. Бироқ, улар мен кўплаб буюк адиблар изидан борганимни, уларнинг ижодидан руҳланганимни эътиборга олсалар тўғри бўларди. Зеро, бундан бир неча аср илгари Ҳомер – сичқон ва қурбақа урушини², Верон³ – чивин ва саримсоқпиёзни, Овидий⁴ – ёнғокни, Поликрат – Бусиридни⁵, Главк⁶ – адолатсизликни, Фаворин⁷ – Терситни, Синесий⁸ – тақир бошни, Лукиан⁹ – пашша ва бургани қаламга олгани, Сенека¹⁰ император Клавдийга ҳажвий марсия битгани, Плутарх¹¹ баён этган Грилл ва Улисснинг суҳбати, Лукиан ва Апулей¹² тасвирлаган эшакнинг саргузаштлари ва ниҳоят, авлиё Иероним¹³ тилга олган чўчка боласининг васияти мендан анча олдин битилгани барчага маълум.

Мабодо, бу далиллар ҳам камлик қилса, у ҳолда энг мурасасиз бўлган ашаддий танқидчиларим “бу олимнинг ўйинқароклиги тутибди ё бўлмасам ингичка таёқча устида сакрагиси келиб қолибди-да”, деб ўйлайверишсин. Чиндан ҳам, ҳар қандай мансаб эгаларига турли ўйинларга рухсат берилар экану, нима сабабдан ғаройиб воқеаларни ўзига хос тарзда талқин этадиган, фаҳм-фаросатли ўқувчига ўта расмий ва мавҳум мулоҳазалардан-да кўра кўпроқ фойда келтирадиган олимнинг мулоҳаза юритишига имкон бермаслик керак? Ваҳоланки, боя тилга ол-

¹ **Лукиан** (милодий асрнинг 120–180 йиллари) – қадимги юнон машҳур ҳажвиянависи, мажусийлик ва илк насронийликдаги диний тасаввурлар ҳақида кўплаб ҳажвий диалоглар, памфлет ва сатирик ҳикоялар муаллифи.

² “Батрахимиомахия”, яъни “Сичқон ва қурбақа уруши” – шу номдаги қадимий юнон поэмасида сичқонлар ва қурбақалар уруши худди трояликлар ва ахейликлар урушига қиёсланади.

³ Эразм римлик машҳур шоир Публий Вергилий Верон қаламига мансуб асардаги икки ҳажвий шеърга ишора қилмоқда.

⁴ Публий Овидий Назон (эрамиздан аввалги 43-милодий 18-йиллар) – римлик машҳур шоир.

⁵ Афиналик машҳур нотик Исокрот (эрамиздан аввалги 436–338 йиллар) “Бусирид” деб, номланган нутқда тилга олинган софист Поликратнинг Миср диёрига келиб қолган хорижликларни худоларга қурбон қилиб юборадиган афсонавий миср ҳукмдори Бусирид ҳақидаги ҳикояси назарда тутилмоқда.

⁶ Эразм Афлотуннинг “Давлат” асарида зикр қилинган софист Главкнинг мулоҳазаларига ишора қилмоқда.

⁷ **Арелатлик Фаворин** (ҳозирдаги Франциянинг Арль шаҳри) – юнонистонлик нотик ва файласуф (милодий 2 аср) асарида тилга олинган Терсит – “Илиада”да ўта хунук, дағал ва баджаҳл этиб тасвирланган ахейлик аскардир.

⁸ **Киреналик Синесий** (милодий 370–413 йиллар) – Александрия мактабига мансуб неоплатончи файласуф. Бизнинг давримизгача унинг “Қал бошга ҳамду санолар” ҳажвий асари етиб келган.

⁹ Эразм ҳажвиянавис Лукианнинг “Пашша ва бурга” асарини назарда тутмоқда.

¹⁰ **Луций Анней Сенека** (мелодий 1 аср) – Стоиклар мактабига мансуб римлик машҳур файласуф. Бу ўринда Эразм Сенеканинг император Клавдий вафоти муносабати билан ёзган “Қовоқлашув” ҳажвиясини назарда тутмоқда. Беруний стоикларни “равоқийлар” деб атаган. Чунки стоиклар илк фалсафий сабоқларни равоқда тик туриб эшитар эдилар.

¹¹ Буюк юнон адиби Плутарх (милодий 46–126 йиллар) асарларининг бирида жодугар Цирцея томонидан чўчкага айлантириб қўйилган Улисснинг (Одиссей) ҳамроҳи Грилл унга бу қиёфада қолишнинг, тўрт оёқлиларнинг икки оёқлилардан афзаллигини ўқтирмакчи бўлгани тасвирланган.

¹² **Апулей** (тахминан мелодий 124 йил туғилган) – таниқли рим адиби. Унинг “Олтин эшак” романининг сюжети Лукианга тегишли деб ҳисобланадиган “Лукий” ёки “Эшак” қиссасининг сюжетига жуда яқин. Ҳар икки асарда эшакка айланиб қолган йигитнинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади.

¹³ **Далмациялик Иероним** (милодий 340–420 йиллар) – буюк насроний аллома, кўплаб диний асарлар муаллифи. Инжилни тўлиқ латин тилига таржима қилган. Эразм 1516 йилда авлиё-роҳиб Иероним асарларининг тўлиқ тўпламини батафсил шарҳлаб нашр қилдирган.

ганларимиздан бири чексиз сабр-қаноат билан турли бўлақлардан иборат матнда нотиклик ва фалсафани кўкларга кўтариб мақтайди, иккинчиси ҳукмдорга ҳамду санолар ўқийди, учинчиси кимлар биландир уришишга даъват этади. Бири келажакни башорат қилса, бошқаси гўё янги, аммо бир чақага ҳам арзимайдиган масалаларни ўртага ташлайди. Шундай экан, ғоят муҳим масалаларни бундай талқин этгандан кўра, улар ҳақида ҳазил-мутойиба, ҳажв воситасида мулоҳаза юритмоқ мароқлироқ эмасми? Албатта, бунга бошқалар баҳо бергани маъқул бўлса керак, аммо Филавтия¹ мени ўзига тўлиқ ром этмагани рост бўлса, “Аҳмоқликка ҳамду санолар” сенга маъқул бўлади, деган умиддаман.

Мулоҳазаларнинг кескирлигига келсак, айтишим мумкинки, барча замонларда инсоннинг кундалик ҳаётини тасвирлашда, албатта, маълум меъёр доирасида, ҳажвдан фойдаланиб келинган. Сирасини айтганда, жарангдор мартабалардангина бошқа ҳеч нимани эшитишга тоқати йўқ кулоқларнинг нозиктаъблигига ҳайрон қолмасдан иложим йўқ. Шунингдек, бизнинг давримизда Исога қилинган ҳар қандай шаккоқликка чидайдиган, аммо папа ёки ҳукмдор шаънига айтилган беозоргина ҳазилни, айниқса, сўз шахсий манфаатга бориб тақалса, асло тоқат қила олмайдиган диндорлар ҳам оз эмас. Бироқ нима учун исми шарифини келтирмай кишиларнинг ҳаёти ҳақида айтилган мулоҳазалар шунчаки ўғит эмас, аччиқ истехзо ва таҳқирлаш, деб баҳоланиши керак? Аслида, аёвсиз ҳажвий мулоҳазалар алоҳида шахсларга эмас, иллатларгагина қарши қаратилганига шубҳа йўқ. Шунинг учун бақир-чақир қилаётган аламзада одамлар бу ҳаракати билан ўзидаги кўркувни ва виждонсизликни намоён этади, холос. Улар ҳеч кимни, ким бўлишидан қатъи назар, аяб ўтирмайдиган авлиё Иеронимга дуч келсалар, ўзларини қандай тутган бўларди? Оқил ўқувчи менинг ёвуз мақсадда атайлаб кимларнидир таҳқирлашга эмас, шунчаки ҳазил-мутойибага уринганимни дарров илғаб олиши учун ҳеч кимнинг номини келтирмасликка, эҳтиросларимни имкон қадар тийишга ҳаракат қилдим. Мен Ювенал² сингари жирканч иллатлар уюмини титкилашни, ҳаётдаги разилликларни фош этишни кўзламадим, шунчаки жамиятдаги турли воқеа-ҳодиса ва ҳолатларни ҳазил-мутойиба, ҳажв воситасида баён этишни лозим топдим.

Ушбу мулоҳазалардан қаноат ҳосил қилмаганларга тасалли ўрнида, аҳмоқлик номидан сўз юритишга жазм этган муаллиф сифатида айтмоқчиманки, унинг қурбонига айланиш ғоят катта мартаба. Сендек зўр адвокатга бу гапларни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ деб ўйлайман, Зеро, менсиз ҳам ҳақ ишни ҳимоя қила олишингга заррача шубҳам йўқ.

Ширинсуханим Мор! Бор куч-салоҳиятингни ишга солиб, Мориянгни³ асдойдил ҳимоя қилишингга ишонч билдириб хайрлашаман.

Мактуб 1508⁴ йилнинг 10 июнида қишлоқда битилди.

¹ **Филавтия** – ўз-ўзига бино қўйиш (юнонча).

² **Децим Юний Ювенал** (мил. 1–2 а.) – императорлар давридаги маънавий-ахлоқий иллатларни аёвсиз танқид қилган римлик машхур ҳажвчи шоир.

³ **Мория** – (юнон) бемаънилик, аҳмоқлик, телбалик.

⁴ Мазкур сана хато келтирилган кўринади. Чунки ушбу асар 1510 йилдан кейин ёзилиб, илк бор 1511 йилда нашр этилган.

Демак бошладим, навбат бемаъниликка.

I боб

Хатто эси паст кишиларнинг бемаъниликка салбий муносабати менга яхши аён бўлгани учун оддий одамлар мен ҳақимда ҳаёлига келганини гапириб юраверсин. Шаккоклик бўлса-да, менинг илоҳий мавжудлигим, ҳа-ҳа, айнан шу нарса маъбудалар ва инсонлар қалбини қувончга тўлдиради дейишга жазм этаман. Исбот керакми, марҳамат: ушбу мўътабар мажлис минбарига чиқишим билан сомелар қиёфасида чексиз қувонч учқунлари намоён бўлди, одамлар мен томон интилиб, ҳар томондан кулги янграмоқда. Ахир, ҳозиргина напенте¹ билан дамланган илоҳий оби ҳаётни (нектар) ичиб, сармаст бўлган Ҳомер маъбудалари сингари ёхуд Трофоний ғорига² кириб чиққан одамдек тушқунлик ва ҳавотирга чўмиб ўтирмаганмидингиз? Саҳарда заминни чароғон этаётган куёш ёхуд қиш изғиринларидан кейин ёқимли ифор таратаётган баҳор сингари теварак-атрофга янгича жило, ранг ва навқиронлик бахш этаётганидек, мени кўришингиз билан қиёфангиз ўзгача тус олди. Хатто энг машҳур нотиклар қалбингиздаги ғам-андуҳни узундан-узоқ, мияда обдон пишитилган нутқ воситасида тарқатишга интилса, мен пайдо бўлишим биланок мақсадимга эришдим.

II боб

Черков тарғиботчилари ваъзларини эшитгандан кўра, бозордаги мас-харабоз, найрангбоз, қийшангилар ёхуд бир вақтлар Панга³ астойдил кулоқ тутган Мидас сингари сўзимни диққат билан тингласангиз, нима учун ўзимга бегона қиёфада рўпарангизда пайдо бўлганимни англайсиз. Қаршингизда болаларнинг миясига бўлмағур нарсаларни сингдираётган, уларни ўлгудек ўжар қилиб тарбиялаётганлардан фарқли ўлароқ софист қиёфасида пайдо бўлишни ихтиёр этдим. Бу ўринда шармандали донишмандлик лақабидан воз кечиб, ўзларини софист⁴ деб атаган қадимий юнонларга тақлид қилишни маъқул топдим. Зеро, уларнинг сазй-ҳаракати билан маъбудалар ва буюк кишиларга қанчадан-қанча ҳамду санолар битил-

¹ Напенте – “Одиссея”да тилга олинган банги девона, гиёҳванд ўсимлик.

² Трофоний ғори – Зевсининг Беотиядаги (Юнонистон) каромат кўрсатувчи коҳини манзили. Ривоят қилишларича, ғорга кирган одам ундаги даҳшатли муҳитни кўриб, ҳайратдан лол қолиб, тезроқ чиқиб кетишга шошилар экан.

³ Юнон афсоналарининг бирида ҳикоя қилинишича, Аполлоннинг Пан билан ўзаро мусобақасида иштирок этган Фригия подшоҳи Мидас маъбуданинг наидан Паннинг сибизғасини афзал билган экан. Дарғазаб маъбуда Мидас кулоқларини эшак кулоқларига айлантириб, шу тариқа подшоҳни жазолаган экан.

⁴ Бу ўринда милoddан олдин яшаб ижод этган Горгий, Протагор, Продик, Гиппий ва бошқа файласуфлар томонидан илгари сурилган, скептицизм ва субъективизмга йўғрилган қадимги юнон фалсафасидаги таълимот. Улар ўзларини софист (юнон. “София” – донишмандлик), деб атаган ва донишмандлик борасида таҳсил бериб, аввало, илгари сурилган ҳар бир ғоя, фикрни асослашни ўргатишган. Афлотун ва Арасту софистларни кескин танқид қилиб, уларнинг таълимотига онг ва ахлоқнинг умумэтироф этилган меъёрларини қарши қўйишган. Вақт ўтиши билан “софистика” атамаси “сохта донишмандлик” (Арасту таъбирича), деб юритила бошлаган

ган. Сиз ҳам бугун афсонавий қахрамон Геракл ёки буюк Солон¹ шаънига эмас, менинг ўзимга, яъни бемаънилик шаънига ҳамду сано тинглашга мушарраф бўласиз.

III БОБ

Ўзига ўзи ҳамду санолар айтаётганларни “Бу – ғирт бемаъни-ку!” дея айблаётган донишмандлар билан ишим йўқ. Уларга шу гап керак бўлса, майли, бемаънилик бўлса бўла қолсин. Аммо бошқа одам мени ўзимдан кўра яхшироқ тасвирлай олармикан? Эҳтимол, менинг моҳиятимга ўзимдан кўра яқинроқ бошқа одам ҳам бўлса бордир. Қолаверса, шундай йўл тутиб, мен бу дунёнинг энг буюк донишмандларидан ҳам кўпроқ камтарлигимни намоён этмайманми? Улар қандайдир ёлғондакам уят ҳиссига берилади-да, ўзлари бир чеккада туриб, ўтакетган маккор нотик ёки бирон-бир эзма шоирни ёллайди. Уларнинг оғзидан томаётган болга, аслини айтганда, ғирт ёлғон-яшиқларга, маҳлиё бўлган камтарин донишмандимиз товус сингари думини ёйиб кўз-кўз қила бошлайди; зеро, бу маддоҳлар уни худоларга қиёслайди, амалларини жасоратнинг юксак намунаси қилиб кўрсатади, аслида эса қарғани товус билан таққосламоқчи бўлади, қора танли эфиопни оқартирмоқчи бўлади, хулласи калом, пашшадан фил ясайди. Хуллас, мен ҳам “Сени ҳеч ким мақтамаса, ўзингни ўзинг мақта”, деган халқ мақолига амал қилишимга тўғри келади чоғи. Кишиларнинг ялқовлиги ва номардлигига ҳайронман: барчаси ҳурматимни жойига қўйиб, керак бўлганда, мендан сира иккиланмай фойдаланишига қарамай, мана неча асрларки, чироқ ёғини аямай уйкудан воз кечиб, Бусиридлар, Фаларидлар², безгаклар, пашша ва кал бошларга ҳамду санолар ўқийдиганлар сони ҳанузгача камаймаган бўлса-да, биронта одамнинг калласига мени мақташ фикри келмагани ғалати туюлади-да. Шунинг учун мен олдиндан тайёрланмаган, мияда обдон пишитилмаган ва айнан шу боис ҳақ сўзни сизга айтмоқчиман.

IV БОБ

Аксарият воизларга ўхшаб, мени ҳам нокамтарликда айбашларини истамасдим. Бу зотлар ўттиз йиллик меҳнат маҳсули (баъзан ўзгаларга тегишли) бўлган нутқни ирод этаётиб, уни шунчаки иш оралиғида уч кунда ёзгани ёки бировга айтиб туриб ёздиргани ҳақида оғиз кўпиртиради. Менга эса калламга келганини айтиш ҳамиша ҳузур бағишлаган. Бинобарин, мендан ўша ўртамиёна нотиклар сингари аниқ таърифлар келтиришимни ёки сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб беришимни ҳеч ким кутмаса керак. Дарҳақиқат, илоҳий куч-қудрати чексиз бўлган нарсани таърифлаб бериш ёки унга хизмат қилиш мақсадида бирлашган бутун дунёни ажратиб таҳлил қилиш мумкинмикан? Умуман олганда, мен ўзим шундоқ рўпарангизда эканман, чиранишга не ҳожат? Мени кўряпсизми?

¹ **Солон** (мил.о. 638–559 йй.) – қадимий Юнонистоннинг машҳур давлат арбоби, шоир ва файласуф. Юнонлар таомилига кўра “етти донишманд”дан бири ҳисобланади.

² **Фаларид** – шафқатсизлиги билан ном қозонган Агригент (Сицилия) ҳукмдори.

Лотинликлар Стультиция¹, юнонлар эса Мория деб атайдиган хоним – бе-
маънилик, яъни каминаи камтарин ҳамиша хизматингизга мунтазир.

V БОБ

Умуман бу ўринда сўзга ҳожат бормикан? Наҳотки, менинг жисму
жоним ва қиёфам кимлигимдан далолат бермаса? Дейлик, кимдир мени
Минерва ёки София деб кўрсатишга уринган тақдирда ҳам қалбим ойна-
си – қиёфам ортиқча гап-сўз, далилларсиз буни осонгина инкор эта олган
бўларди. Мен ҳамма вақт ва ҳар жойда бир хил, ўзгармас бўлганим учун
донишмандлик ниқобини даъво қилаётганлар – шоҳона либосга буркан-
ган маймунлар ҳам, шер терисини кийиб олган эшаклар ҳам мени яшира
олмайди. Улар ҳарчанд уринмасин, Мидас сингари шалпангқулоқлари
барибир уларнинг кимлигини ошкор этади. Ҳеракл номи билан қасам
ичиб айтаманки, ҳаммадан кўра менга яқин бўлишига қарамай, одам-
лар орасида номимни тилга олишга уяладиган, ҳатто менинг номим би-
лан яқинларини сўкадиганлар ҳам кўрнамак кишилардир. Бу кишилар
ўзларини буюк донишмандлар, Фалесларга² ўхшаб шухрат қозонишни
истайди. Бироқ уларнинг эси паст телбадан нима фарқи бор?

VI БОБ

Кўриб турганингиздек, икки тилли³ деб ном чиқарганларнинг
ўзларини Худо деб биладиган, лотину юнонни бир-бирига қориштириб
сўз тўқийдиган замонамиз нотикларига ўхшагим келиб қолди. Мабодо,
бундай иборалар ҳам камлик қиладиган бўлса, улар деярли чириб битган
кўҳна қўлғезмалардан бир неча қадимий ибораларни топиб содда одам-
ларга фириб беришга интилади. Буни тушунганлар ўзидан хурсанд бўлса,
тушунмаган оми кишилар ҳайратланиб юраверади. Зеро, кўпчилигимиз
хўрозқанд чет элники бўлса, ямлаб ютаман деймиз. Агар оми тинглов-
чи ва муштариёлар орасида ўзига бино қўйганлари бўлса уларни беса-
водликда айбламасликлари учун нотикларга тиржаяди, қарсак чалиб
олкишлайди ва худди эшакка ўхшаб қулоқларини кимирлатиб қўяди. Ҳа,
афсуски, бу аини ҳақиқат.

Мана энди нутқимнинг “қаймоғи”га навбат етди.

VII БОБ

Кўпчилик қайси қавмга мансублигимдан беҳабар бўлгани боис қуйида
илҳом парилари кўмагида бу ҳақда маълумот беришга ҳаракат қиламан.
Менинг Хаос, Орк, Иапет⁴ сингари деярли унутилаётган маъбудаларга

¹ Стультиция – лот. бемаънилик, аҳмоқлик, телбалик.

² Милетлик Фалес (мил.о. тахм. 624–547 йй.) – оламнинг яхлит моддий асосга эга экани ҳақидаги
ғояни биринчи бўлиб илгари сурган антик давр фалсафасининг асосчиси, “Етти донишманд”нинг
бири.

³ Лотин ва юнон тилларини биладиган кишиларга ишора қилинмоқда.

⁴ Иапет – титан, Прометей, Эпиметей ва Анлант каби титанларнинг отаси.

дахлим йўқ, асл аждодим Плутосдир¹. Қадимда ҳам, бугун ҳам оламдаги барча илоҳий ва дунёвий амаллар айнан унинг инон-ихтиёри билан амалга оширилади. Уруш, тинчлик, давлат ҳокимияти, кенгашлар, судлар, халқ йиғинлари, қонунлар, санъат, халқ ўйинлари, илмий асарлар, хуллас, кишиларнинг ижтимоий ва хусусий амалларининг барчаси унинг ҳукми билан бажарилади. Унинг қўмагисиз бирорта, ҳатто олий маъбудалар² ҳам пайдо бўлмасди ёхуд уларнинг барчаси аянчли кун кечирган бўларди. Унинг жаҳлини чиқарганларни ҳатто Афина-Паллада сингари қудратли маъбуда ҳам қутқара олмайди. Ва аксинча, унинг ҳимоясида бўлганлар Юпитер ва унинг яшинлари ҳам писанд эмас. Менинг отам ана шундай зот. У Юпитер сингари тунд ва димоғдор Палладани ўз калласидан эмас, ғоят жозибали ва шўхчан илоҳа Неотетадан³ бунёд этган. Мен ўша чўлоқ темирчи⁴ сингари қонуний никоҳда эмас, Ҳомер таъбири билан айтганда, эркин муҳаббат маҳсули сифатида дунёга келганман. Билсангиз, ўша кезлар менинг отам Аристофаннинг⁵ сўқир, қариб-қартайган Плутосидан фарқли ўларок, худоларнинг зиёфатида роса симирган илоҳий ичимлик таъсирида ёш, навқирон ва эпчил бўлган.

VIII БОБ

Туғилган жойим ҳақида билмоқчи бўлсангиз (маълумки, бугунги кунда инсоннинг насл-насаби илк бор қаерда чинқиргани билан белгиланади), айтмоқчиманки, мен сарсон-саргардон Делосда ҳам, ҳайриқиб тўлқинланиб оқаётган денгизда ҳам, ғорда ҳам эмас, ғаройиб манзил – ер ҳайдалмайдиган, экин экилмайдиган, аммо егулик ҳамиша бисёр бўлган Бахт оролида туғилганман. Бу ерда на меҳнат, на қарилик, на касаллик бор; оролда Адодис боғлари билан беллаша оладиган молий, панацея⁶, непента, майоран, бўзноч, нилуфар, атиргул, сунбул, бинафшаларни кўриб кўз қувнайди. Ана шу гўзаллик қуршовида мен қийқириб эмас, волидамнинг юзига боқиб, илжайиб дунёга келган эканман. Сирасини айтганда, эчки сути билан боқилган Кронидга⁷ ҳавас қилмайман, зеро, мен Вакхнинг қизлари илоҳалар Мэте⁸ ҳамда Паннинг қизи Апедиянинг сийнасини эмиб улғайганман.

Сиз уларни ҳамроҳларим ва яқин дугоналарим даврасида кўришингиз мумкин. Уларнинг барчасини билмоқчи бўлсангиз, Геракл номи билан қасам ичиб айтаманки, ҳар бирини номма-ном юнонча исми-шарифларини келтириб таништираман.

¹ **Плутос** – юнонларнинг бойлик худоси.

² Юнон афсоналарида 12 олий худо ва маъбудалар ҳақида ҳикоя қилинади.

³ **Неотета** – (юнон) навқиронлик.

⁴ **Чўлоқ темирчи** – Гефест, юнон афсоналарида олов ва темирчилик касби худоси.

⁵ Буюк юнон адиби Аристофаннинг (мил.о. 445–385 йй.) “Бойлик” комедиясида бойлик маъбудаси Плутос сўқир чол тимсолида тасвирланади.

⁶ **Молий** – қадимда сеҳр-жодуга қарши қўлланадиган ўсимлик; панацея – барча касалликларга даво ҳисобланган афсонавий ўсимлик.

⁷ **Кронид** – Кроннинг ўғли, яъни Зевс. Крон ўғилларининг бири томонидан тахтдан ағдарилишини олдиндан билгани учун туғилиши биланоқ уларни бирин-кетин ютиб юбораверади. Кенжа ўғли Зевсни эса онаси Крондан сир тутиб, Крит оролидаги ғорда дунёга келтиради ва уни тарбия қилишни илоҳий эчки Амалфея сути билан парваришлаган илоҳалар зиммасига юклайди.

⁸ **Мэте** – сармастлик (юнон.).

IX БОБ

Мана бу хонимлар: қошлари чимирилгани – Филавтия, бир кўзи кулиб, чапак чалиб тургани – Колакия¹, уйқусираб мудраётгани – Лета², кўлларини қовуштириб ўтиргани – Месопония³, атиргулларга бурканиб, хушбўй хид таратаётгани – Гедонэ⁴, кўзлари бежо ўйнаб тургани – Анойя, териси майин тўладан келгани – Трифэ⁵. Хонимлар даврасига тушиб қолган мана бу икки маъбудага эътибор қилинг: бири – Комос⁶, иккинчиси – Негретос-Гипнос⁷. Ана шу садоқатли хизматкорларим ёрдами билан жамики одам зотини ўзимга бўйсундираман, ҳатто императорларга ҳам фармон бераман.

X БОБ

Шу тариқа, насл-насабим, қандай тарбия топганим ва мулозимларим билан танишиб олдингиз. Ҳеч ким мени маъбуда унвонига номуносибликда айбламаслиги учун худолар ва одамларга қандай неъматлар инъом этаётганим, менинг илоҳий куч-қудратим қанчалик беқиёс эканини билмоқчи бўлсангиз, икки кулогингиз билан тингланг.

Маъбудалик мартабаси бу – оддий инсонларга кўмаклашиш деганлари тўғри бўлса, нон, ичимлик ва бошқа неъматларни жорий этганлар маъбудаларнинг олий кенгашига ҳақли равишда киритилган экан, нима учун саховат борасида уларнинг барчасидан устун бўлган каминаи камтарин маъбудалар алифбосининг бошида турмаслиги керак?

XI БОБ

Бу дунёда ҳаётдан-да ширинроқ ва кадрлироқ неъмат бўлмаса керак. Бироқ, кишилар унга мен туфайли эришгани айни ҳақиқат. Зеро, одамзот Палладанинг найзаси билан ҳам, булутлар ҳукмдори қудратли Зевснинг эгидаси⁸ (қалқони) туфайли ҳам дунёга келмаган. Дарҳақиқат, биргина ҳаракати билан бутун Олимпни ларзага келтирадиган олий маъбуда – Зевснинг ўзи ҳам баъзан уч тишли чакмоқ ва илоҳий қиёфасидан воз кечиб, яна фарзандли бўлиш иштиёқида ёнган кезларда, худди сахнада роль ўйнаётган актёр сингари истар-истамас қиёфасини ўзгартиришга мажбур бўлади. Маълумки, стоиклар ҳаммадан кўра Худога яқин эканини таъкидлаб келади. Бироқ менга тишидан-тирноғигача стоикман деган одамни кўрсатинг – бояги ҳолатда донишмандлик белгиси – эчкисифат

¹ **Колакия** – тилёғмалик (юнон).

² **Лета** – унутиш (юнон).

³ **Месопония** – ялқовлик (юнон).

⁴ **Гедонэ** – ҳузур-ҳаловат (юнон).

⁵ **Трифэ** – баднафслик (юнон).

⁶ **Комос** – айш-ишрат (юнон).

⁷ **Негретос-Гипнос** – қаттиқ уйқу, донг қотиш (юнон).

⁸ **Эгида** – Зевснинг қалқони, олий маъбудани сути билан парваришлаган илоҳий эчки – Амалфеянинг терисидан ясалган.

соқолидан бўлмаса-да, калондимоғлик ва қотиб қолган ақидаларидан¹ воз кечиб, у ҳам ширин телбалик домига ғарқ бўлишини исботлаб беришим мумкин. Бу донишмандлар фақат ва фақат менинг пойимга куллуқ қилишига асло шубҳа йўқ. Янада очикроқ айтадиган бўлсак, бош худолар ва одамлар юз, кўкрак, қўл, қулоқ ёки тананинг тилга олиш мумкин бўлган бошқа аъзоси туфайли дунёга келади деб ўйласангиз, янглишасиз. Инсон зоти тананинг шу қадар бемаъни, шу қадар қулгили аъзоси туфайли пайдо бўладики, уни ҳатто тилга олишга истиҳола қилади одам. Аммо Пифагор рақамларидан-да² муқаддасроқ бўлган тириклик манбаи худди шу бўлади. Аммо, инсоф билан айтганда, уйланмоқчи бўлган бирорта эркак донишмандлар сингари оилавий ҳаётнинг паст-баландликларини олдиндан чамалаб кўрганда никоҳ юганини бўйнига осармиди? Ёки болани дунёга келтириш азоби ва фарзанд тарбиясининг қийинчиликлари ҳақида ўйлаган, обдон мушоҳада юритган аёл эркакни ёнига йўлатган бўлармиди? Бироқ, биз дунёга никоҳ туфайли келишимизни, никоҳнинг ўзи эса хизматкорим Анойя ихтиёри билан тузилишини эътиборга олсак, сиз мендан қанчалик қарздор эканингизни англасангиз керак. Фикримизни давом эттирадиган бўлсак, айтинг-чи, ҳамроҳим Летанинг илоҳий таъсири бўлмаганда, бир марта бола тукқан аёл бу тажрибасини давом эттиришга жазм қилармиди? Лукрецийнинг³ қаҳри келса ҳам айтақолай: ҳатто Венера ҳам менинг кўмагимсиз бу қадар куч-қудратга эга бўла олмаслигини инкор эта олмайди. Шундай қилиб, роҳиблар қиёфасида намоен бўлаётган хўмрайган файласуфлар ҳам, шоҳона либосга бурканган ҳукмдорлар ҳам, тақводор диндорлар ҳам, пок-покиза олий мартабали руҳонийлар ҳам, ҳатто улкан Олимпга сиғмаётган маъбудалар ҳам менинг ҳазиломуз ва қувноқ ўйиним туфайли дунёга келган.

ХII БОБ

Менинг тимсолимда сиз нафақат тириклик манбаига эга бўлганингиз етмаганидек, барча ҳаёт лаззатлари ҳам мен туфайли рўёбга чиқишини асослаб беришим мумкин. Умуман, ердаги ҳаёт лаззатлардан холи бўлганда эди уни том маънода ҳаёт дея олармидик? Бу гапларимни олқишлаётганингиздан хурсандман. Албатта, бирортангиз ҳам ақли расо, тўғрироғи, ўта аҳмоқ бўлмаганлигингиз сабабли менинг бу гапларимга ишонмасдан иложингиз йўқлигини билардим. Ҳатто стоиклар ҳам ҳаёт лаззатларидан юз ўгирмайди. Улар икки юзламачилиги сабабли оломон олдида ҳаёт лаззатларига лаънатлар ўқиб, улардан воз кечишга даъват этаётган бўлса-да, аслида ҳаёт лаззатларидан ўзлари кўпроқ баҳраманд

¹ Бу ўринда Эразм қадимги юнон файласуфи Зенон (мил.о. 4–3 а.) томонидан асос солинган ҳамда Рим империясида (Цицерон, Эпиктет, Сенека, Марк Аврелиф ва бошқ.) кенг тарқалган фалсафий таълимот вакиллари назарда тутмоқда. Стоиклар ҳаёт лаззатларидан воз кечишга, эҳтирос ва ҳиссиётларни онга бўйсундириш ғоясини тарғиб этиб келган.

² Қадимги юнон файласуфи Пифагор (мил.о. 6 а.) оламнинг асоси, негизини рақамлар ташкил этади, деган таълимотни илгари сурган.

³ **Лукреций Кар** (мил.о. 99–55 йй.) – Римлик машҳур шоир ва файласуф, “Нарсалар табиати ҳақида” асарининг муаллифи. Бу асар қадимги римликларнинг муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси Венерага ҳамду санолар билан бошланади.

бўлиш учун шунчаки бошқаларни қўрқитиб қўйишни кўзлайди. Аммо, улар Зевс ҳаққи-хурмати, ҳаётга озгина лаззат, тўғрироғи, бироз бемаънилик қўшилмайдиган бўлса, унда ғам-андух, диққатпазлик, азоб-укубатдан бошқа яна нима қолишини айтишсин. Бу ўринда исбот тариқасида шафқатли Софоклнинг менинг шаънимга айтилган “Ўй-хаёлисиз ҳаёт бахтли-саодатлидир”¹ деган мақтовини келтириш ўринли бўлса керак деб ўйлайман.

Ушбу мавзуга кенгрок тўхталсак айти муддао бўлур эди.

ХIII БОБ

Инсон ҳаётидаги дастлабки йиллар, унинг болалик чоғлари энг ёқимли ва қувноқ давр эканини билмайдиганлар ҳам бормикан? Чунки бундай кезларда ҳамма болаларни суйиб эркалайди, ҳатто қаттол душман ҳам улардан мурувватини аямайди. Бу ҳолни оқил табиат томонидан болани ғоят жозибали ақлсизлик гирдобига ўраб-чирмаганидан ташқари яна нима билан изоҳлаш мумкин? Боладаги бу хислат ота-онасини ўзига ром этиб, меҳнатларига яраша тақдирлайди, айнан шу туфайли болакайлар меҳр-муҳаббат ва эътиборга сазовор бўлади.

Болаликдан кейин ўспиринлик даври келади. Бу даврда ҳам ўспиринга беъэтибор, бефарқ, ёрдам қўлини чўзмаган одам бўлмаса керак. Аммо ўспиринлик фусункорлиги ва тароватининг асл манбаи мен эмасми? Бола менинг инон-ихтиёримга кўра, қанчалик ақлсиз бўлса, шунчалик у ҳар бир одамга ва барчага маъқул бўлади. Одамлар улғайган сайин тўплаган тажрибаси ва тарбияси таъсирида ақли теранлашиб бориши билан аста-секин жозибаси, эпчиллиги, гўзаллигидан маҳрум бўлади, кучи заифлашади деган хулосам айти ҳақиқат эмасми? Инсон мендан қанчалик узоқлашса, охирати шунчалик яқинлашади. Ниҳоят, нафақат ўзгаларга, балки ўзи учун ҳам аянчли кексалик даври бошланади. Агарда мен бу бахтиқаро одамларга ачинмаганимда уларнинг бирортаси ҳам қарилик азоб-укубатларига бардош бера олмаган бўларди. Худолар ҳаёт билан видолашишга тайёр бўлган шоирларнинг қисматини осонлаштириш мақсадида уларни бирон-бир жониворга айлантириб қўйгани сингари мен ҳам ўлим бўсағасида турган қарияларни ёшлик чоғларига қайтараман. Халқ орасида “Аввал гўдак – охир гўдак” деган ибора бекорга пайдо бўлмаган. Бу амални қай тарзда бажаришим сир эмас. Мен Бахт оролидан бошланадиган Лета бўйларига етаклаб борган кексалар унутиш оби ҳаётдан симириб, аста-секин қалбини қуршаб олган ғам-андух ва ташвишлардан қутулади, уларда янги куч-қувват зоҳир бўлади. Одатда бундай кишилар ҳақида “Унинг эси оғиб қолибди, нима деяётганини ўзи ҳам англамайди” дейишади. Жуда соз! Айнан шу ҳолат уларнинг яна болалик чоғларига қайтганидан далолат беради. Зеро, гўдаклик ва бемаъни гап-сўз – айнан бир хил нарса эмасми? Ақли заифроқ бола бошқаларига қараганда қувноқ эмасми? Катта кишиларга хос ақлга эга бола барчамизга ғайритабиий туюлмайдими?

¹ Бу сўзлар қадимги Юнонистоннинг буюк драматурги Софоклнинг (мил.о. 497 й.) “Биченослик Аянт” фожиасидан олинган.

Узоқ йиллар мобайнидан тўплаган тажрибасидан ташқари рухий кучи ва теран ақлини сақлаб қолган чол билан ҳамсухбат бўлишга бирорта одам рози бўлармиди? Яхшиси, менинг марҳаматим билан у ақлсиз бўлиб қолгани маъқул. Бу ҳол уни донишманднинг миясини кемираётган оғир ташвишлардан халос этган бўларди. Мен туфайли у ҳамон тузуккина ҳамшиша ҳисобланади. Айнан менинг марҳаматим билан у бахтиёр, дўстлар учун ёқимли ва қувноқ суҳбатдош саналади. Ғазаб отига минган Ахилл заҳар сочиб турган бир паллада бизнинг чолимиз тилидан Ҳомернинг Нестори¹ сингари бол томади. Шоир шаҳар деворлари устига чиқиб суҳбатлашаётган икки чолнинг овозини нилуфарнинг шитирлашига ўхшатади. Шу маънода, гўдаклик қувноқ, беташвиш давр бўлса-да, у инсонларнинг энг ёқимли машғулоти – сокин, мароқли суҳбатдан маҳрум бўлгани сабабли кексалик ундан афзалроқ туюлади.

Ниҳоят, юқоридаги мулоҳазаларга кексалар гўдакларни жуда хуш кўради, гўдаклар эса уларга осонгина боғланади деган гапни кўшсак, ҳаммаси аён бўлади-қолади.

Чиндан ҳам, кексалар юзини ажин босгани ва кўпроқ умр кўрганини айтмаса, қария билан гўдак ўртасида қандай фарқ бор? Ўша-ўша туксиз бош, кемшик оғиз, паканалик, сутни хуш кўриш, дудуклик, эзмалик, овсарлик, фаромушхотирлик, шошқалоқлик... Қисқаси, ҳамма нарсада улар бир-бирига эгизаклардек ўхшашдир. Шу тариқа, инсон қаригани сайин гўдакка ўхшаб бораверади ва ҳақиқий чақалоқ сингари ҳаётга нафрат туйғусини ҳис этмай, ўлимнинг ҳақлигини англамай, бу дунёни тарк этади.

XIV БОБ

Мана энди истаганлар менинг эзгу ишларимни Яратганнинг иродаси ила рўй берадиган ўзгаришлар билан қиёслаб кўрсин. Бу ўринда улар жаҳл отига минган кезларда нималарга қодир эканини айтишга ҳам ҳожат йўқ; ахир, улар ҳатто ўз хайрихоҳларини ҳам дарахтга, қушга, цукуда заҳарига ёхуд илонга айлантириб қўяди. Мен эса инсонни асл ҳолида қолдириб, ҳаётининг энг бахтли даврига қайтараман, холос. Агарда ҳар бир банд донишманддан узоқроқ юрса, бу оламда бирорта ҳам қария бўлмасди, уларнинг барчаси абадулабад навқирон бўлиб қоларди. Умрини фалсафий мушоҳада ёхуд бошқа мураккаб ва зерикарли машғулотга бахшида этган мана бу қилтириқ чолларга бир назар ташланг. Улар йигитлик нашидасини сурмасданок қариб-қартайиб қолган. Ҳаётий ташвишлар ва узлуксиз фалсафий мушоҳадалар уларнинг қалбини вайронага айлантирган, рухий қувватини емирган. Менинг ақлсиз мижозларим эса, улардан фаркли ўлароқ, бирон-бир доно билан ош-қатиқ бўлиб, бир балони юқтирмаган бўлса, бас, акарнан² чўчкалари сингари оппоқ, сип-силлик қиёфада намо-

¹ **Нестор** – оқил ва доно қария, Трояни қамал қилган подшоҳларнинг энг кексаси. “Илиада”да ўзаро баҳслашаётган Ахилл ва Агамемнонни жаҳлдан тушириш учун “Ширинсухан Несторнинг тилидан бол томгани” ҳақида ҳикоя қилинади.

² **Акарнания** – Юнонистон шимолидаги вилоят; унинг аҳолиси асосан чўчкабоқарлик билан шуғулланган.

ён бўлиб, кексалик ташвишларига парво қилмай юраверади. Инсоннинг бахти ҳеч қачон тўқис бўлмайди. Бироқ, халқ мақолида айтилганидек, бемаъниликкина шиддат билан ўтиб бораётган ёшликнинг этагидан тутиб қолишга ва кўримсиз кексалик даврини узоқлаштиришга қодир.

Шундай экан, алданган одамлар қўлдан бой берилган навқиронлик даврини қайтариш учун Медеялар, Цирцея¹лар, Венералар, Авроралар ҳузурига бориб бош урсалар ҳам мақсадларига ета олмайдилар, зеро, бу иш фақат ва фақат менинг измимдадир. Чунки, Мемнон қизи бобо-си Тифонни ёшлик даврига қайтарган ўша мўъжизакор ичимлик менда сақланади. Айнан менинг марҳаматим туфайли Сафо² яшарган Фаонга ошиқ бўлиб қолган эди. Сизнинг қўлдан бой берилган ёшлигингизни қайтарибгина қолмай, балки уни абадиятга дахлдор қиладиган асос, сеҳр-жоду манбалари менинг измимдадир. Шу боис бу дунёда ёшликдан кадрлироқ ва қариликдан нафратлироқ нарса йўқлигини тан олсангиз, буюк бир неъматни асраб-авайлаб келаётган ҳамда улкан ёвузликни бар-тараф этаётган каминаи камтариндан чексиз қарздор эканингизни англа-сангиз керак.

XV БОБ

Оддий бандалар ҳақида гапиришдан не фойда? Бутун олам авра-аста-рини чиқариб, менга топинмайдиган бирорта ҳам ор-номусли ва софдил маъбудани топа олсангиз, майли, номим абадулабад лаънатга гириф-тор бўлсин! Нима сабабдан, дейлик, жингалак соч олиҳа Вакх³ ҳамиша навқирон ва ёқимтой бўлиб кўринишини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Чунки, у умрини зиёфатларда айш-ишрат, ўйин-кулги билан тараллабедод ўтказадиган, Афина-Паллада назаридан узоқроқ юрадиган ашаддий май-параст бўлган. Фалсафа сўқиш ва донишманд мартабасига интилиш унга мутлақо ёт бўлгани учун шод-хуррамлик ва ҳазил-мутойиба билан унга хизмат қилганларни ҳамиша хурсанд бўлиб қарши олган. Ҳатто уни тел-ба, аниқроқ айтганда, полиз кўрикчиси деб устидан кулганларида ҳам у заррача кўнглига олмаган. Унга бундай лақаб қўйилишининг боиси шун-даки, уйининг олдида ўтирганда деҳқонлар ҳазиллашиб, пишиб етилган мевалар ва узум шарбатини унинг юзига чаплаб бежаганларида ҳам пи-нагини бузмаган. Қадимий комедияларда унинг шаънига қанчадан-қанча кулгили саҳналар бағишланмаган дейсиз? Гапнинг пўсткаллеси, мушук бекорга офтобга чиқмаганидай, ҳар қандай олиҳа бежизга қоронғидан ёруққа чиқмайди. Бу аҳмоқлик ва бемаъниликда қатнашишни ва ҳамма ерда ҳозир нозир абадий ёш, абадий қувноқ мартабани ким ҳам аф-зал кўрмайди дейсиз. Аммо, айтинг-чи, ҳамиша навқирон, қувноқ ва ўйинкароқ ана шу телбанинг қисматига ошно бўлишни истамайдиган,

¹ **Медея, Цирцея** – қудратли жодугарлар, кўплаб юнон афсоналарининг қаҳрамонлари.

² Қадимги юнон ривоятларида буюк шоира Сафонинг муҳаббатини рад қилган лесбослик йигит Фаон маъбуда Афродитанинг (Аврора) арзандаси Адонис билан айнанлаштирилади.

³ **Вакх** (Дионис) – май маъбудаси, Зевс ва фивалик малика Семеланинг ўғли. Юнон афсоналарида чала туғилгани боис Зевс уни сонига тикиб қўйгани ва у отасининг сонидан қайтадан туғилгани ҳикоя қилинади.



важохатли ва сирли Юпитер, даҳшатли қийқириклари билан кўнгилга ғулғула соладиган Пан, доимо чанг ва кулга ботган Вулқон, уззукун дарғазаб ва найзасини ўқталиб турган Горгонали¹ Афина-Палладанинг тақдири унинг чекига тушишини хоҳлайдиган бирорта одам топилаармикан? Нима сабабдан Купидон ҳамиша навқирон? Ҳавоийлиги ва енгил табиатлилиги учун эмасми? Нима учун тилласоч Венеранинг гўзаллиги ҳеч қачон сўнмайди? Чунки у менинг қавмимдандир ва ҳатто сочининг ранги ҳам аجدодларимни эслатиб туради. Айнан шунинг учун Ҳомер уни заркокил Афродита деб атамаганмикан? Шоирлар ва уларнинг азалий рақиби – ҳайкалтарошларнинг гувоҳлик беришича, Афродитанинг лабидан ҳеч қачон кулги аримаган. Римликлар эса роҳат-фароғат ва лаззат маъбудаси Флорадан² ташқари яна қандай маъбудага бу қадар кўп ҳамду санолар келтирганини эшитганмисиз? Шунга қарамай, Гомер ва бошқа қадимги шоирлар яшаган даврлардан кейинги илоҳларнинг барчаси оғир-вазмин, хўмрайган бўлиб фақат аҳмоқона ишларни қилган. Ўша даврдаги илоҳларни ҳисобга олмаганда, момақалдиروқ илоҳи Юпитернинг ҳам қилган ишларию севги ва ишқибозликдаги найранглари ҳам барчага аён. Каттиққўл Диана бўлса, Эндимиончасига ақлдан озиб, ўз жинсини ҳам унутиб, овга чиқиб кетган. Илоҳлар ичида хурмача қилиқларни Момнинг³ ўзидан эшитганга етмайди, чунки қадимгиларда бундай ҳол тез-тез учраб турган. Лекин у зарарли ғоялари учун Ата⁴ билан биргаликда Ерга бадарға қилинган, чунки у ўз фасодлари билан барчанинг ҳаловатини бузган. Бадарға бўлгани туфайли ўлгунича уларга ҳеч ким томонидан меҳмондўстлик кўрсатилмас экан, албатта, улар ҳукумат саройларини ўзларига макон тутганлар, эҳ, азизим, қани бу ерда адолат?!

¹ **Горгона** – биргина қараши билан одамни тошга айлантириб қўядиган даҳшатли махлук. Қаҳрамон Персей томонидан мағлуб этилгач, Афина-Паллада унинг бошини ўз қалқонига осиб қўйган экан.

² **Флора** – Рим афсоналарига биноан гуллар ва баҳор маъбудаси. Унинг шаънига бағишланган байрамлар чексиз шод-хуррамлик ва айш-ишрат билан ўтказилган.

³ **Мом** – Қадимги юнон афсонасидаги ғийбат ва фисқу фасод илоҳаси.

⁴ Ата маъбудаси Ерда фасод тарқатиши учун дарғазаб Зевс томонидан тушириб юборилган, унинг Олимпга қайтиши қатъиян тақиқланган.

Мом одамлар орасида экан, бўри билан кўзичоқ қанчалик ёнма-ён яшаса улар ҳам шундан манфаатдор. Мом Ерга бадарға қилингандан кейин, Гомер айтганидек, олий даргоҳда илоҳлар қаттиққўлликдан, танқиддан кўркмайдиган даражада эркин ва бебош бўлиб кетишган. Қизик ишларни қилиб юрувчи Приапнинг¹ боғидан яна қайси ҳазилни кавлаб олиш мумкин? Меркурийдан қанақа уйдирмани ўғирлаш мумкин? Ҳатто оқсоқ Вулқон ҳам беўхшов юриб келиб, худолар базмида уларга қизик, қочирим гаплар билан уларнинг кўнглини кўтармоқчи бўлади. Бу ёқда бўлса қария Силен² уятсиз рақсларнинг ишқибози бўлганиданми Полифем³ билан бирга рақсга тушиб, эчки туёқ сатираларнинг худди Ателлан фарсасига⁴ махлиё бўлган. Кекса Пан эса сибизғаси билан бемаъни оҳангда ҳаммани кулишга ундамоқда. Илоҳалар учун эса музаларнинг⁵ овчилик ҳикояларидан кўра, уларнинг қандай бол ичишлари муҳимроқ. Билмайман, маст бўлган илоҳлар бу базмдан кейин ўзларини қандай ҳис қилишаркин? Геракл номига қасам ичиб айтаманки, бу бемаъни томошадан қулавериб ичагим узилса керак. Аммо Гарпократга⁶ ўхшаб бу ердан нима гап-сўз бўлаётганига эътибор қилмай индамай ўтириш ҳам гўёки жосуслик қилаётгандай туюлади, ваҳоланки, Мом ва бошқа илоҳалар бу жойга бекорга келмагандир.

XVI БОБ

Ҳомерчасига айтганда, Худо номига қасам ичишни тарқ қилиб, айна пайтда, бахтсизлик, ғамгинлик, мотамсаролик анқиб турган Ерга бекордан-бекорга қайтиб тушмаган маъқул. Биринчидан, зийраклик, одамзодга хос болажонлик, серташвишлик, лутф бўлмаса, аҳмоқлик масаллиғи етишмагандай туюлади. Стоиклар (равоҳийлар) таърифига кўра, донишмандлик ақлнинг меваси бўлиб, унинг ичида ҳеч нарса йўқ, аҳмоқлик эса ҳиссий ишониш, чунки одамзоднинг борлиғида умидсизлик ва ғамгинлик ҳеч қачон тугамайди. Шунинг учун Юпитер бандаларга ақлни истамайроқ берган бўлса, ҳиссиётни катта совғадай бағишлаган, аниқроғи, иккинчиси биринчисини шунчаки қўшиб берган. Яна ҳам аниқроғи ақлни тепадан зиндонга ташлагандай қилиб, мия қопқоғига қамагани ҳолда, бошқа “инъом”ларни тананинг барча аъзоларига яйратиб тарқатган. Ҳиссиёт одам танасида бемалол яшаса, анави яккаҳокимликка интилган баджаҳл ақл баъзан эгасининг бўйинини хатарга қўяди. Ақлнинг рақиби бўлмиш ҳиссиёт худди подшоҳ саройида бўлганидек исён кўтариб, эркинлик учун курашмоқчи бўлганида “сарой остонаси”да, яъни бўйинда хириллаш эшитилиб, “исёнчилар” жуда кеч қолган бўладилар...

¹ **Приап** – Қадимги Рим илоҳаси, боғдорчилик ва деҳқончилик ҳомийси, унумдорчилик санам.

² **Силен** – Дионис илоҳасининг доимий ҳамроҳи ва мураббийси; кордак – бўронли бебош, уятсиз ўйноқи рақс.

³ **Полифем** – бир кўзли циклоп, Одиссейда кўзни қамаштириб, ақлни ўғирлаб кўювчи.

⁴ **Ателлан фарса** – қадимги рим халқ театрида сатираларнинг рақси, Ателла шахрида шу номда қайта вужудга келган томоша.

⁵ **Муза** – илҳом париси.

⁶ **Гарпократ** – қадимги Миср илоҳаси, табиатни уйғотувчи, қуёшни машриқдан чиқарувчи; у ўн қўли билан оғзини ёпиб турган шаклда тасвирланади, шунинг учун уни индамас илоҳа дейишади.

Владимир КОРОТКЕВИЧ

(1930–1984)

КЎҲНА АФСОНА¹

*Рус тилидан
Рисолат ҲАЙДАРОВА
таржимаси*

2

Кизгайла тўпни мўлжалга тўғрилаётган аскарнинг кўлидаги пиликни тортиб олди-да, сўкинганча уни ўт олдиргичга тиркади. Тўп оғзи олов пуркади.

Биз нимадир гурсиллаганини эшитдик. Кейин Петро отини гир айлан-тирган жойда пармасимон жингала тутун устун кўтарилди. От олдинги оёқларини кўтариб кишнади-ю, чалқанчасига йиқилиб, танаси билан ўз чавандозини босиб тушди.

Қалъа деворларини тантанавор чуввос босди.

Мен Петрони қандай қилиб олиб кетишганини кўрмадим, олов даҳшатли тус олганди. “Вагенбург” тобора яқинлашар, унинг ортидан эса далада саноксиз одамлар юриб келарди. Улар тагин нарвонлар кўтариб олишган эди.

...Энди бизнинг галимиз келди. Мен орамиздаги ягона немис – Август Тухерни чақирдим, ўрнимни эгаллашни, жангни кузатиб, менга бурғу чалиб белги беришини буюрдим, ўзим эса дарвоза олдида тушдим. Қалъадан чиқиб ҳужум қилмаса бўлмас эди, чунки менинг мудофаа ҳужумдир. “Вагенбург”ни йўқ қилиш, уларни замбараклардан маҳрум қилиш зарур эди.

Биз қалъадан чиқиб, исёнчилар устига уч қатор саф тортиб бордик, йўл-йўлакай навбати билан аввалги қатордагиларнинг бошлари узра ўқ узиб турдик.

Улар васвасага тушиб бизга ташланишди, аммо швейцарияликни до-диратиш осон эмас. Биз югурик ўқ узиб йўлимизда давом этавердик.

¹ Давоми. Бошланиши аввалги сонда.

Ўз ишинг билан мақтаниш яхши эмас, бироқ олдинги сафдагиларни қочирганимизни, “Вагенбург”га яқин келолганимизни, олтига замбаракдан учтасини ишдан чиқарганимизни айтмасам бўлмайди.

Кейин эса интиқом келди.

Худди кўрпадек далани қоплаб олган тутун ичидан тўсатдан оқ кийимли отлиқлар ва пиёдалар галаси чиқиб келди. Улар жуда кўп эди. Олдинда эса икки сопли қиличини ўйнатган ўша одам келарди. Улар шошилмасдан келишар, бошлари узра ёввойи, бешафқат қўшиқ янграрди:

*Парвардигор таянчим,
Икки дунё суянчим,
Қўлим қўкка қўтардим,
Худди Довуд Жалутга
Қўл қўтарган сингари.
Кўринг, мана, бу халқим,
Арслондек қўзғалди.
Тепамизда Парвардигор,
Ғазабадир гуноҳимизга,
Халқимиз ҳам шундай паллада
Миниб олган ғазаб отига.*

Бирдан улар олдинга ташланишди. Бу худди қўчкига ўхшарди.

– Муқаддас Юрий! Русь! – ҳайқирди Ракутович, ёнидаги Лаврининг оти эса бу дахшатли овоздан ҳуркиб, ўзини четга отди.

Улар биз билан тўқнаш келишди, энди найзаларимиз ҳам бизни қутқара олмади, дам ўтмай, деҳқонлар уларни калта қиличлари билан чопиб ташлашди.

Ракутович икки сопли қиличи билан чопар, исёнчилар эса ундан ортда қолмас эдилар. Биз ҳам ўзимизнинг, ҳам бегонанинг қонига чўмилиб, орқага тисарилардик. Буни чекиниш деб билсинлар деб жуда шошилишч бир тарзда тисарилардик.

Кўп ўтмай, дарвозалар ҳолдан тойган, кўп жароҳат олган йигитларим ортидан шарақлаб ёпилди. Мен умримда икки марта қочганман: биринчи марта император армиясида хизмат қилган пайтларим Брейтенфельд¹ ёнидаги жангда, ўша пайтда бизга Тилли қўмондонлик қилган, бизга қарши ашаддий шведлар қурол қўтарган эди, иккинчи марта эса шу ерда – деҳқонлардан қочяпман.

Лекин мен бундан уялмаяпман, чунки ишонаман: агар мана шу деҳқонларни совутларга ўраб, уларнинг қўлларига пўлат қуроллар тутқизса, бу ёввойилардан ҳатто ақлдан озган Густав² ҳам қочган бўларди. Бахтимизга, исёнчиларнинг қалпоқлари юмшоқ, қалпоқ устидан арқондан тўқилган дубулға кийилган эди. Бу уларни қилич зарбидан асрар, лекин найза ва биз сийлаган қўрғошин ўқларидан сақлай олмасди.

¹ 1631 йил 17 сентябрда герман-шведида урушида катта жанг бўлиб ўтган жой.

² Густав-Адольф – швед қироли (1594–1632).

Кейин эса камалнинг шиддатли вақти келди: юқорига кўтарилаётган нарвонлар, оловли мум оқимлари, отилаётган тошлар...

Биз ҳужум қилаётганларга нажас солинган сопол кўвачаларни ҳам отардик. Буни Кизгайла ўйлаб топган, менимча, жуда топқирлик қилган эди, чунки мен русинларчалик озода халқни кўрмагандим. Улар ҳафтасига уч марта ўзлари ўйлаб топган ҳаммомда чўмилишади, бугга бўғилиб, бор кирларини ювиб ташлашади.

Шанба кунлари эса ювинишни муқаддас маросимга айлантириб юборишади: бир-бирларини супурги билан савалаб, мева шарбатлари ичишади, қорга чиқиб думалашади. Шунинг учун ҳамиша бакувват, соғлом, билгичларнинг айтишича, буларнинг бари эркакларнинг тўшакда яхши ишлар бажаришига жуда ёрдам бераркан. Бир куни мен ҳам уларнинг мана шу “токча”сига чиқиб кўрдим, шуни айтишим керакки, шведлар Бургшталл остонасида биринчи марта бошлаб адабимизни бериб, устимизга ёғдирган кўрғошин ва олов ўша ҳаммом билан таққослаганда болаларнинг эрмагидай гап экан. Мен ўшанда ўзимни дўзахга тушиб қолгандай ҳис қилганман.

Шу кўвачалардан ҳам ёмонроқ нарсани ўйлаб топиб бўлмасди, илло, мен сизга айтсам, бу одамлар ҳақоратга чидолмайдилар. Уларни уния¹ ва шармисор қилинган черковлардан ҳам кўра, уния даврида православларнинг жасадини шаҳардан фақат ахлат чиқариб ташланадиган дарвозалардан чиқаришгани ҳақорат қилган.

Энди эса манави ҳужумни айтинг! Шу топда менга жанг вақти ўз она тилимда ўйлаётганимгина юпанч берарди. Бу яхши эди.

Лекин барибир бундан даҳшатлироқ манзарани эслай олмайман. Нарвонлар кулар, мумлар қуйилар, исёнчилар эса иблислардек деворга чиқиб келаверишарди. Кўп ўтмай, олишув девор устида қайнаб кетди. Кизгайла ва менинг йигитларим жон-жаҳдлари билан чопишарди, лекин деҳқонлар бизни сиқиб келишарди, олдинда эса уларнинг авлиёси – жулдур жандага ўралган соч-соқоли оппоқ, пакана бир киши увиллаб қийшанглар эди.

Мен қирмизи ёпинчикдаги иблис икки сопли қиличи билан қандай чопишаётганини кўрдим. Уни нарвони билан бирга пастга итқитиб ташлашди, лекин нарвон минора бўртиғига илиниб қолди-да, пастга аста-секин сирғалиб тушди, назаримда ҳеч ким шикаст емади.

Атроф қишлоқлардаги деҳқонлар тепаликлар ортига ёпирилиб келиб, жангни худди қовоқхона олдидаги муштлашувни томоша қилгандек, томоша қилишарди.

– Ёпирилишди-я, қузғунлар, – хириллади Кизгайла ҳужум қилаётганларга шиддат билан қаршилиқ кўрсатаётиб, томошабин деҳқонларга ишора қилди.

Кейин у қаёққадир ғойиб бўлди.

Бизни тешик-телуги бўлмаган Туз минорасига қисиб боришди, биз – омон қолган қирқ швейцариялик найзаларимизни ўқталганча, атрофимизни ўраб олган душманларга қараб ўкириб туравердик.

¹ Уния сўзи лотинча “unio” сўздан олинган бўлиб, бирлашиш деган маънони билдиради. Бу ерда икки турдаги – католик ва православ черковининг бирлаштирилгани назарда тутиляпти.

Лекин бу энди фақатгина жангчи обрўсини туширмаслик учун эди, аслида қутқарадиган нарсанинг ўзи қолмаган, қалъа забт этилганди.

Найзалар бизни ҳар томондан ўраб олган, биз томонга ҳатто юқоридан, қалъа кунгиралари орасидан ҳам найза тиглари қараб турарди. Миқ этсак бўлгани, бизни кирпига айлантириб қўйишлари ҳеч гап эмасди. Атиги қирқ киши қолгандик. Қолганларни ўлдиришган ёки асирга олишган. Чарчоқдан хира тортган кўзларимга Лавр чалинди. У мовий ёпинчикда, ҳаворанг саҳтиён этикларда, гўё бу ерга қилич чопган жанг майдонидан эмас, ишқий учрашувдан келгандай ёқимли чарчоқ қўнган юзларига ҳумор табассум ёйилиб турарди. У сал-пал архангел Гавриилни эслатарди, бу архангел бизга эринчоқ бир илтифот билан деди:

– Қуролни ташланглар энди.

– Йўқ, бўтам, – жавоб бердим мен. – Бу қуролни бизга сен бермагансан, бундай буйруқни беролмайсан.

– Тентаклик қилма, йигитларга раҳминг келсин.

Тўсатдан қаердандир юқоридан ўлимтик овоз келди:

– Қуролни ташла, Конрад, мен рухсат бераман. Қўлингдан нима келса, барини қилдинг.

Бу Кизгайланинг овози эди. Бошимни кўтариб, юқорида, нақшинкор панжара ёнида турган панни кўрдим. Унинг ортида найза кўтарган Доминик турарди. Доминик юқоридан туриб, Лаврнинг оёқлари тагига калит ташлади-да, кичкирди:

– Ушланг бун! Мен бурчакдаги хонанинг эшигини кулфлаб қўйдим.

– Қайси хона? – қошларини кўтарди Лавр.

– Анави, ерости йўлига тушадиган хона.

Бошимни қуйи солдим. Ғалати воқеалар содир бўлаётган эди. Хўжайин бизни ғазабга тўлган оломон қўлига ташлаб, тирақайлаб қочмоқчи экан, хўжайин католик динига киритган, унга тиргак бўлмиш деҳқон эса унинг қочишига йўл бермабди. Мен қиличимни этигим билан босдим-да, синдириб, синикларини Лаврнинг оёқлари тагига ташладим.

Бизнинг қуролларимизни тортиб олишди. Деҳқонлар Кизгайлани шу ернинг ўзида тилка-пора қилиб ташлаган бўлишарди, лекин шу топда дарвозалар ғижирлади, туширилаётган темир кўприкнинг занжирлари жаранглади. Мен рўпарамда икки томонини оломон тўлдирган йўлни, дарвозага қараб келаётган оқ от минган йигитни кўрдим. Унинг юзи қурумдан қорайиб, қирмизи ёпинчиғи йиртилиб кетган, лекин кўзлари одам юрагига қўрқув солиб ёнар эди.

Халқ ўкирарди. Мен кўзёши оқиб тушаётган шилинган, кўқарган юзларни, қаҳрга тўлган башараларни кўрдим. Уларга ҳам, буларга ҳам қарашга юрак ботинмасди.

– Роман! Отахонимиз! – Ўкирик чидаб бўлмас даражага етди. – Қутқар! Қурол бер! Бизни дўзахга ташлаб, ўзлари жаннатда яйрашяпти! Бизни халос эт! Қутқар!

Бир неча киши унинг оти қолдирган изларни ўпиш учун отилганини кўрдим, рости, бу қулгили эмас эди. У эса бунга жавобан ваҳимали гулдураган овоз билан кичкирарди:

– Православ диндошларим, ҳамма нарса сизники! Ер – сизники, нон – сизники, иймон – сизники! Тўқмоқлар ҳам сизники! Манави муртадларга эса қиличларимиз насиб қилсин!

Лекин оломоннинг ўкириги, “қутқар!” деган фарёдлар унинг овозини босиб кетарди. У дарвозалар тагидан ўтиб, қалъа ҳовлисига кирганда жангдан кейин омон қолган, оёқ-қўли боғланган қалъа мудофаачиларини Роман минган отнинг оёқлари тагига ташлай бошлашди.

Халқ эса ҳамон ўкирарди, шу чоғ мен биринчи марта унинг бир ойдан кейин афсонага айланадиган янги исмини эшитдим:

– Арғувон ҳукмдор! Арғувон жангчи!

От ерда ётган таналар устидан ҳатлаб ўтар, унинг тақалари тошга чақиллаб тегарди. Кўзлари тилларанг оқ тулпор. У эса от устида қуйиб қўйилгандек ўтирарди. Мен тилла тусида товланаётган итоатсиз кулранг сочларга, кенг пешонали хумдек бошга, қатъийлик билан қимтилган каттакон оғизга, қаттиқ ғурралар билан тўлган юзга, қирра, салгина қанқайган бурунга ҳайрат билан боқдим.

Титроқ кўзғатадиган қиёфа. Ранги тушунарсиз – бир кул, бир пўлат рангида кўринадиган кўзлари, айникса, кўпроқ кўркув соларди. Кўзларида гоҳ тилларанг алланима йилтилласса, гоҳида яшилтоб, ғазабнок учқунлар кўринарди. Йирик, очиқ тусли, тушунарсиз кўзлар.

Боши ҳадсиз ғурур билан орқага ташланган, томирлари бўртган қўли жиловни маҳкам тутган. От бу қўлларнинг кучини сезиб, итоат билан, ҳар томири титраб, кўзлари косасидан чиққудай чақчайиб, кулоқларини чимириб қадам ташларди.

Кейин билдимки, бошининг мағрурона тик тутиш одати унинг гўдаклигидан бор экан, кўзларининг ёниши эса яқиндагина тугаган жангдан кейин ҳам тарқаб улгурмаган сархушликдан, лекин ўшанда у менга шунчалик ваҳимали бўлиб кўрингандики, ҳар сафар унинг оёқлари тагига кимнидир ташлашганда қалтираб кетардим.

От жонсиз ётган таналар ўртасида тўхтади. У эгарда ўтирган қўйи менга қаради.

– Ёлланма жангчи, – жилмайди у. – Яхши жанг қилдинг. Арқонни еч. Оломон унинг буйруғини бажаргани отилди.

– Менга хизмат қилишни истайсанми?

– Йўқ, пан.

– Менинг исмимни айтиб чақир.

– Йўқ, Роман.

– Тўғри, мағлуб бўлган хўжайиндан дарҳол ғолибнинг хизматига ўтиш ярамайди. Сен ҳали жонингни тугал сотиб улгурганинг йўқ. Сенга қаср хоналарини кўриқлашни буюраман.

Кейин овозини кўтарди:

– Талончиликка йўл қўйилмайди. Лавр, донни, кумушни, чорвани ҳисобла. Икки қисмга бўл. Бир қисмини деҳқонлар олиб, эҳтиёжларига қараб тақсимласинлар. Иккинчи қисмнинг учдан бирини қурол ва егуликка деб олиб қўй, қолган икки қисмини қалъани олганларнинг оилала-

рига тақсимла. Жасурликларига қараб. Қалбаки нарвонлар ёнида ҳалок бўлганларни ҳам унутма.

Бир зум жим қолди.

– Қалъани портлатма. У бизга ҳали асқотиб қолади.

Оломон шодиёна гувиллаш билан жавоб қайтарди. Кигиз ва бўри терисидан тикилган қалпоқлар осмонга учди.

– Буларни нима қилайлик, Роман? – сўради калта милтиқ ушлаган деҳқон.

– Шляхта¹, – гўё уларнинг борлигини энди илғагандек гапирди ғолиб. – Қаранг-чи, уларнинг бўйнига нима осилган экан? Православ бути осилган бўлса, гаровга деб олиб қолинг. Қай бирида Римча агнусек² бўлса...

У тутилиб қолди.

– Деҳқонлар православлар орасидан ҳам, католиклар орасидан ҳам ёвузларини танлаб олсинлар. Уларни сизларнинг қўлингизга топшираман. Яхши одамларни қўйворинглар, ёмонлик қилмайман деб сўз берсин, бутни ўпсин-у, тўрт томони – йўл, кетаверсин. Қолганлари – гаровга.

Тўс-тўполон бошланди. Кўп ўтмай асирларнинг оз қисмини дарвозадан ташқарига – балодан нарига олиб чиқиб кетишди. Қирқ киши қолди, улар орасида Каламуш ҳам бор эди.

– Уларни тиз чўктиринг, – деди Ракутович. – Улар ҳам деҳқонларга пастдан бир қараб кўришсин.

Каламуш жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатди. Уни, ниҳоят, тиз чўктирганларида қон тепган юзлари даҳшатли даражада буришиб кетди.

– Аблах хоин, асл қонингга хиёнат қилдинг! Шошмай тур, Роман! Мамлакатни ким ушлаб турганини унутдингми? Нобиллар, боярлар, зодагонлар. Улар сени кечиради, деб ўйлайсанми?

– Афвингиз итнинг думи тагига тикқани ярайди, – гулдурди Ракутович. – Мамлакатни деҳқон ушлаб турибди. Сиз эса уни дўзахга ташладингиз.

Каламуш туришга интилиб, ўнларча қўлларда чиранарди. У энди кичқирмас, хирилларди:

– Сотқин! Сенинг инингда ким тунаган, деҳқонларнинг каккуси эмасми? Хоин!

Ракутовичнинг пешонасида томир бўртиб чиқди. Бунақа овозни мен ҳеч эшитмагандим. Аввалига паст чиқди, кейин баландлашиб, охири ўкирикка айланди:

– Илон. Калтакесак. Илоннинг ташлаб кетилган териси бўлсанг, номусни тушунасанми? Сизнинг номусингиз Варшавада қирол Сигизмунднинг товонини ялади. Сизнинг номусингиз москвалик диндошларни Орша ёнида тор-мор қилиб, ўлим билан тенг азобларга дучор қилди. Сизларнинг номусингиз ўзининг белорусларини эманга осяпти. Художўй рус халқини ўз разиллигингиз орқасидан не қўйларга солдингиз? Қизларни бегона тўшакларга ташладингиз. Бутун юртни сотдингиз! Юртнинг кўз

¹ Шляхта – майда поляк зодагонларини шундай деб аташган.

² Агнусек – католикларнинг бўйинга осиб юрадиган белгиси.

ёшлари кўксингизга оғир ботмаяптими?! Динингизни ўзгартирдингиз, Исонинг хиёнатчилари! Халққа хоинлик қилдингиз, мунофиқлар! Ўз кўлингиз билан сиртмоқ тўқиб, яна уни халқнинг бўйнига солдингиз ҳам. Хўрланиб, зулм кўриб, фарёди кўкка чиқди, сиз эса тантана қиляпсиз! – Хириллаб давом этди: – Мен зодагонларга хиёнат қилдим, сен эса юртингга. Мен ўтда ёнаман, лекин сен ҳам ўтга тушасан. Менга-ку, балки чаккаларим азобдан оқарганини кўриб Худо раҳм қилар. Лекин сенга шафқат йўқ.

– Кўй, ғам чекма мунча, – раҳмдиллик билан деди деҳқонлардан бири. – Айт, нима қилайлик буни, тамом-вассалом.

– Тўғри айтасан, – деди Роман. – Уларни девор ортига олиб ўт. Гумдон қил.

Оломон тўлқинланиб, асир олинганларни дарвоза томонга судраб кетди. Ўртага чўккан сукунатни кимнингдир жон аччиғидаги фарёди бузди. Ҳамма жим бўлди.

Сукутга чўмган одамлар дарвоза томондан қалъа ичкарисига секин-аста юриб келишарди. Деҳқонларнинг елкасида Пётрнинг жасади солинган замбил сузиб келарди. Замбилга чўзилган улкан тана, ияги юқорига кўтарилиб, сочлари хилпираб, оёқларини олдинга узатиб, аста-секин сузиб келарди. Эғнида совути йўқ эди. Қорамтир яшил ёпинчиғи тиззаларини беркитиб турарди.

Қалпоқлар ечилди. Роман бўғиқ овозда сўради:

– Совути қани?

– Ечиб олдик, отахон.

– Тўғри. Тирикларники тирикка керак. Бизда керакли нарсалар кам. – Замбилга яқинлашиб, давом этди:

– Кечир, оғам. Эҳтиёт қилолмадим сени. Энди эса – ухла. Ҳамма ухласин...

Бошини кўтариб, тиник, бераҳм кўзларини шляхтага тикди. Кейин нигоҳи сирғалиб, девор ёнида қимирламай турган кулранг жуббали одамлар тўпига тушди. Уларнинг ёнида белига сувдон осган черков хизматкори оғирлигини бир оёғидан иккинчисига ташлаб турарди.

– Сиз ҳам шу ердамисиз? Ўрмалаб келибсиз-да, газандалар. Ўзингизни насронийман, деб даъво қилишингизга Худо ҳам ишонмай қўйган.

У марҳумнинг пешонасидан ўпаётганда лаблари титраётганини кўрдим.

– Ўлакساني ўпяпти, – зодагонлар тўдаси орасидан истехзоли овоз эшитилди. – Яқинда ўзи ҳам ўлакса бўлади.

Ракутович бошини кўтарди, ярқироқ парчадан олачипор бўлиб турган тўдага қаради.

– Кундани опке, – паст овозда шивирлади у ва бирдан портлади: – Кунда!!! Дафн дуоларини айтинг, таксир! Сизлар ҳам, кулранг жуббалар, айтинг! Ўзингизнинг иблисча шевангизда айтинг!

Иакинф куйлай бошлади. Марҳумга бағишланган ибодат дуолари осмонга ўрлади. Девор тагидан эса аста, бўғиқ товушда айтилган бетартиб дуолар эшитилди:

– Dies irae, dies ilia, bies magna et amara valde¹...

Дехқонлар қарағай дарахтидан кесилган учта кундани судраб келиб, оқ отнинг оёқлари тагига ташлашди. Аммо Ракутович тўсатдан бошини қўйи солди.

– Майли. Кунданинг кераги йўқ, – деди у. – Болта билан қўлни ифлос қилмайлик. Бу разиллар хотиндан баттар қўрқоқ... Олиб кетинглар уларни, йигитлар.

Зодагонларни дарвоза пештоқи тагига судраб кетишди. Уларнинг кўпчилиги қилмишларини тушуниб индашмас эди.

– Манавини қаерга олиб борайлик? – сўради бўри терисидан тикилган қалпоқ кийган чўпон зинадан тушириб олинган Кизгайлани кўрсатиб.

– Бунга тегманглар.

– Менга беринг, ўзим уни йўқ қилай, – илтимос қилди чўпон. – Акамни шуни деб дорга осишган.

– Ўрнингни бил, Иван, – шартта кесди Ракутович. – Бу сенинг эмас, менинг душманам.

Икки душман бир-бирига тикилиб туришарди. Улардан бирининг кўзларида қўркув йўқ эди, иккинчисининг кўзида эса қаҳр. Кизгайла энди нажот топмаслигини тушунганидан, обрўсини сақлаб, қаддини тик тутиб турарди.

– Мана, – деди Роман. – Сен мени келолмайди деб ўйловмидинг, Кизгайла? Мен шу ердан, уянгни ғорат қилдим.

Икки душман – Кизгайланинг қўнғир тусли, Ракутовичнинг арслон ёлидек қуюқ сочларини битта шамол ҳилпиратар, Кизгайла шу шамолдан тўйиб нафас олар экан, бироз куттириб бўлса ҳам жавоб қайтарди:

– Нега ўшанда мени олишувга чақирмадинг, ўлдирмадинг?

– Сенларнинг барингни томиринг билан суғуриш керак эди – ўша пайтда шундай деб ўйлаганман... Ирина қаерда?

– Уни тополмайсан, Роман. У сени ҳеч қачон, ҳеч қачон кўролмайди. Зодагон наслим ҳақи қасам ичаман. Уни олисга, сенинг қўлинг етмас ерга жўнатдим.

– Мен етаман... Худди сенга етгандай.

– Сен шусиз ҳам мени жазоладинг. – Мен Кизгайланинг юзи ўша тунда, Ирина уни лаънатлаган тунда кўрганимдек кўрқинчли тусга кирганини кўрдим. – Шундоқ экан, ўлдиравер. – Кейин жилмайди: – Фақат менга учта кунда кўплик қилади, Роман. Учала кундани бир кишининг қонига бўйй олмайсан.

– Мен сенинг бошингни олмайман. Мен ўша пайтда қилмаган ишимни қиламан. Олишамиз. Лавр, унга от бер.

Кизгайланинг кўзлари ёнди.

– Агар мен сени йикитсам-чи?

– Сен озод бўласан. Хотининг икковинг. Эшитяпсизларми, йигитлар?! Мен сўз бераман.

Кизгайла Лавр етаклаб келган тўриқ отга қараб отилди, эгарга калхатдек учиб минди.

¹ Қаҳр куни, кўзёшлар куни, улуғвор ва қайғу куни (лот).

– Эҳтиёт бўл, Ракутович! Зодагонларнинг исноди учун ўч оламан сендан. Қилич беринг!

– Менга ҳам қилич беринг. Лекин ёмонроғини. Кейин мақтаниб юрмасин.

– Йигитлар, – ҳайқирди Лавр, хурпайган сочини силкитиб. – Қани, тепага чиқ ҳамманг! Майдонни бўшат.

Оломон шовкин-сурон, кулги билан зиналарга, кунгураларга чиқиб кетди. Ҳар томондан мўйловдор содда башаралар ёввойилардай қизикувчанлик билан боқарди.

Отларни ҳовлининг икки четига олиб кетишди. Кизгайла бошини олдинга эгиб, душманининг қадди-бастига разм соларди. Ракутович буйруқни хотиржам кутарди.

– Бошла, – кулганча қўл силтади Лавр.

Жимликни туёқларнинг тасирлаши портлатиб юборди. Душманлар бир-бирларига отилишди, тўқнашишди, пўлатлар бир-бирига тегиб жаранглади. Иккита ҳаворанг тасма ҳавода ҳилпиради.

Зарбаларга эпчиллик билан чап беришаркан, иккови ҳовли бўйлаб зир югурар, рақибига ҳар қилич текканда қизишиб “хах, хах!” деб қўйишарди.

– Эҳтиёт бўл, Роман, – жазавага тушиб ўкирарди Кизгайла тишларини иржайтириб.

– Ўзинг эҳтиёт бўл, – нафратини яширишга уриниб жавоб берарди Роман.

– Оқсуяк наслини шарманда қилдинг.

– Одамхўр. Ёш кизнинг кўзёшларини ичдинг сен. Мана сенга...

Қуролларнинг жаранглаши қалъа деворларига урилиб, акс-садо берар, гўё юнонлар шоҳи Александрнинг зиёфатида қушларни ҳайдаш учун қалқонларга уришаётгандек бутун ҳовли жаранг-журунгга тўлиб кетган эди.

Роман Кизгайланинг совутига икки марта қилич санчиб олди. Иккала зарбада ҳам биз совутнинг дарз кетганини сездик. Ниҳоят, Кизгайла эпчиллик қилиб, Ракутовичнинг дубулғасини кесиб юборди. Жароҳат, назаримда, чуқур эмасди, лекин қон дубулға ичидан кийилган қалпоқдан сизиб ўтиб, Романнинг ўнг қоши томонга аста-секин ўрмалаб тушди ва кўксига томди.

– Мана сенга биринчи тамға босилди, – хахолади Кизгайла. – Бичиб қўйиш керак эди сени, итвачча.

Шу заҳоти Роман тишларини қисиб, қисқа ва кучли зарба билан Кизгайланинг ўнг қўлини четга итариб юборди. Кизгайланинг қўли ҳавода силкинди-ю, қиличи чақмоқдек ялтиллаб пастга сирғалиб тушди.

Биз Романнинг кичкириғини эшитдик:

– Бу сенга Ирина учун, бўрибосар!

Бўғиқ зарба товуши эшитилди. Кизгайланинг танаси силкинди, кейин ҳавода секин ўмбалоқ ошиб, оёқ остига ётқизилган тошларга кураги билан йиқилди. Қилич итоатсиз қўлидан чиқиб, жаранглаганча тошлар устига тушди.

Жангдан қизишган, ҳўл сочлари пешонасига ёпишган Роман душманининг жасади тепасига келди. Мен унинг юзида ғолибга хос бўлган шодликни кўрмадим. У қўлини олдинга чўзиб, овози хириллаб, биргина сўз айтди:

– Сув.

Кулранг жуббали роҳиблар ёнида турган хизматкор шошиб белидаги идишни ечди-да, хушомад ила илжайган қўйи қўйнидан катта кумуш қадах чиқариб, шароб қуя бошлади. Кейин лўкиллаганча Ракутович томонга югурди. Роман иштиёқ билан қадахни олди.

Лавр яна мени ҳайрон қолдирди. Унинг кенг, чиройли юзи бирдан дағал, совуқ тус олди. У қўлини Ракутовичнинг тирсагига қўйди:

– Ичма.

– Нега? – Роман унинг чўзинчоқ кулранг кўзларига ҳайрат билан қаради.

Лавр эса роҳиблардан бирига ўгирилди. Роҳибнинг ҳам кўзлари кулранг, совуқ, оғир ковоклари тагига яширинган эди, у Лаврнинг оғир қарашларига хотиржам туриб берди.

– Болакай хавотир оляпти, – совуқ истехзо билан тиржайди иезуит. – Хўш, шаробни менга беринглар. Мен ичаман. У Исонинг қонидек тоза.

– Каллаварам, – кўполроқ меҳр билан Лаврдан гина қилди Роман. – Ким ҳам жонини гаровга тикарди?

– Беринг. Менга беринг, – хотиржам такрорлади иезуит.

– Э, йўк. Сен ишлаганинг йўк, сен кейин ичасан, – дея Роман қўлини қадахга чўзди.

– Барибир ичма, – деди қайсарлик билан Лавр.

Унинг найзадек узун, тик киприклари тагидаги зийрак кўзлари шубҳали боқарди.

– Бекорчи гап.

– Ичма, дейман!

Лавр қўлини силтаб, Ракутовичнинг қўлидаги қадахни уриб туширди. Қондек алвон шароб тизиллаб, отнинг оппоқ танасидан оқиб тушди. Тошлар устига кип-қизил кўлмак ёйилди.

– Роса калтаклайман энди сени, – деди Ракутович.

– Уравер. Уларнинг шаробини барибир ичиб бўлмайди. Ҳеч қачон.

– Аҳмоқ бола.

Шу пайт Кизгайланинг кўзлари қоп-қора, катта оппоқ тозиси титраганча, тирноқлари билан ердаги тошларни қитирлатиб чавандозга яқинлашди-да, лаззатланиб кўзларини қисди ва кўлмакни ялади. Кейин узун тумшугини қовуштирилган панжалари устига қўйди-да, ковоклари титраб, кўзларини сузиб жон берди.

– Кўрдингми, – бош чайқади Роман. – Итнинг ақли бало.

Лавр ҳали ҳам иезуитга қараб турарди. Кейин тозига яқинлашиб, оёғи билан туртиб кўрди. Ит худди пахтадан ясалгандай ёнбошига йиқилди.

– Кўрдингми, – унинг жиғига тегди Лавр. – Итнинг ақли бало, сеникидан ортиқ, отахон.

Ракутович унинг тўрслигига парво қилмади. У заҳардан бир ондаёқ ўлган итга қараб турарди. Кейин иезуитларга ўгирилди:

– Бу нимаси, авлиё оталар, секин таъсир қиладиган заҳар олмабсизлар? Бир ҳафтадан кейин ўлдирадиганидан. Топилмадими? Билганда тайёрлармидинглар?

Лаврнинг найзадек киприклари жаҳл билан титрарди. У ҳурпайиб роҳибларга қарарди. Иезуит эса илжайиб, аввалгича хотиржам жавоб берди:

– Ҳа, барбод бўлди. Бу бадбахт ўлкани ортиқча ғалаёндан халос этишнинг иложи бўлмади. Лекин сени ҳеч нарса асраб қололмайди, Роман. Истак бўлса бас, тухумга ҳам заҳар солиш мумкин.

Роҳибнинг илжайиши аччиқ, маккорона, ҳатто аллақандай жозибали эди.

Роман ҳам унга кулиб қаради, лекин унинг табассуми юзидан тез ўчди.

– Жасур экансан.

Бу нима билан тугабини тушуна олмасдим, аммо шу пайт Доминик пани Любка билан роҳиб Феликсни етаклаб келди.

– Манавиларни нима қилишни ҳам ҳал қил, отахон, – қовоғини солиб деди у.

– Хотинлар билан жанг қилмайман, – дарҳол жавоб берди Роман.

Любка унга кўзларини катта очиб, мен тушунмаган аллақандай ғалати қараб турарди.

– Манави-чи? – сўради Доминик Феликсни туртиб.

– Унга нима қилибди? – истехзо билан сўради Ракутович.

– Ахир, жаноби олий, унинг кимлигини кўрмайсанми?

– Кўряпман. Ювош пиёниста у.

Иакинф улфатига қараб отилди-да, атрофида гирдикапалак бўла кетди. Феликснинг қўлидаги арқонлар сирғалиб тушди, роҳиб оғзини катта очиб илжайди.

– Ана, ана, – нафаси тикилиб, бидирларди Иакинф. – Ўзинг раҳм эт, Парвардигор, жонимиз меҳробингга қурбон бўлсин.

Роман эса уларга эътибор бермай, Лаврга ўгирилди:

– Гуноҳимни ўзинг афв эт, деди ва қўли билан иезуитларга ишора қилди: – Опкет уларни, Лавр. Бўрини доим ҳам ўлдиравермайдилар, лекин илоннинг бошини албатта мажақлаш зарур. – Кунгурага олиб чиқ.

3

...Агар хотин уйига устун бўладиган болаларсиз бева қолса, – дилига ёққанини қисқа бир соатга инъом этгайсан, токи Яратган марҳумнинг уйига ва авлодига чек қўймасин... Лекин душман учун берма, илло сени замин, уйинг ва халқинг лаънатлагайдир.

Қадимий белорус қонуни

Шу кунни ярим тунга яқин кутубхона эшиги ёнида кўриқчилик қилаётган эдим. Бунни менга Романнинг ўзи буюрганди. Пани Любка Лаврдан илтимос қилиб, учрашиш учун Ракутовичдан ваъда олган, келиб қолиши керак эди. Уларга эса мен пойлоқчилик қилишим керак эди, мен тушундимки, улар холи учрашганларини чет кишилар билишини хоҳлашмасди.

Эшик зичлаб ёпилмаган эди, қорамтир эман қопланган деворлар, ёғоч панжарали токчаларга терилган китоблар, саккиз оёқли оғир стол, катта-кон глобус ва ярқироқ мис ҳалқалар ушлаб турган юлдузли гумбаз менга кўриниб турарди.

Бу ерда сокинлик, тинчлик ва китоблар чанги ҳукмрон эди.

Ўнроққа назар ташлаб, тор деразадан қалъа ҳовлисини, тош йўлкалар устида ёнаётган гулханларни, қизғиш суюқ ёғдуга чўмилган қуролли деҳқонларни кўрдим. У ердан осмонни қоплаётган қора булутлар ва бос-тириб келаётган турк султони ҳақидаги чўзиқ, кўрқинчли кўшиқ эшитиларди. Кўшиқ куйлаётганларнинг юзлари барча куйловчиларники сингари ўйчан, чиройли эди. Ахир, мен буларга ўхшаш одамларнинг юзи қанчалик даҳшатли бўлишини биламан-ку.

Кўшиқ. Олов. Чалғилар.

Бу – ҳаёт эди.

Кутубхонада Роман Лаврга:

– Ҳа, ўлдирдим, – деярдди. – Барибир бу аҳмоққа ичим ачияпти, худди у менинг ҳаётимни расво қилмагандай... Болалик пайтимиз бирга-бирга каптар учирардик. Нима қилиб ўзгара қолди у, одамларга азоб берадиган бўлди. Эҳтимол, виждони безовта қилгани учун азоб бергандир.

– Нокерак нарсаларга ғам чекапсан, – деди совуққина Лавр. – Юрагинг, амаки, барқут камзулликларга жуда яқин.

Ракутович узоқ жим қолди. Кейин хўрсинди:

– Бу гапинг ҳам тўғри. Юрагим ёриляпти. Бугун мамлакатни деҳқон ушлаб турибди, дедим. Биламан, чиндан ҳам шундай. Биламанки, ҳақиқат деҳқон томонда, чунки ҳеч ким унингчалик укубат чекмаяпти. Юрагим эса ўша барқут камзулликларга оғаверади. Мен ўшалар билан от минишни, лочин ушлаб овга чиқишни ўргандим, ўшалар билан биринчи марта ичдим.

– Жиннилик қиляпсан, – Лавр шеригининг сўзини бетакаллуф узди. – Улар эса сени ҳар қадамда айбинг бўлмаса-да, сотишди. Терингни шилиб, пўстин ясашни орзу қилишади.

– Биламан. Барибир, агар улар қўнимсиз бўлмасалар, мана шу тўда хиёнат қилиб, Варшава билан Рим томонга ўтмаганда, мен сизлар билан бирга бўлмасдим. Уларни яхши одам бўлишга кўндираман, деб юраве-рардим.

– Кўндирардинг-а-а, – чўзилди Лавр. – Болта билан кўндирмасанг агар...

– Биламан, – деди Роман. – Ҳа, бунга барҳам бердик. Вайсашни бас қилайлик.

– Ирина-чи? – Лавр тинчий олмасди. – У бечорани не кўйларга солишди? Ёки уни ҳам унутасанми? Бойвучча билан айланишасанми?

– Унутолмайман уни. Унга содиқман. Энди менга ором йўқ. Борақол, Лавр. Бор.

Лавр индамай менинг олдимдан ўтди-да, рўпарадаги хонага кириб кетди.

Бирмунча вақт кутубхонадан яккаш гурсиллаган қадам товушлари келиб турди. Кейин тирқишдан қараб Ракутовични кўрдим: у стол ёнига келиб, китобни очди, йўқ, китоб эмасди у, варақлари ҳар хил эди, эҳтимол, улар бирлаштирилиб, бузоқ терисидан ясалган мукова ичига солинган қандайдир номалар ва ёрлиқлар эди.

У лабларини шивирлатиб ўқирди, бир пайт мен таниш сўзларни эшитиб қолдим, бу сўзлар саккиз йил олдин белорус халқининг сеймга йўллаган номаси эди. Ҳамма бу номани ким ёзганини биларди.

Бу сўзлар кўпларнинг хотирасида сақланган. Уларни мен ҳам билардим.

– “Шавкатли қадимий авлод, – ўқирди Роман. – Бундан неча йил аввал қандай бўлганлиги бутун оламга маълумдир; энди эса у Худо суйган Исроил халқи каби кўз ёшларига чўмиб ўз аҳволотини айтиб фиғон чекмоқда. Ҳозир биз бу ерда ер юзининг бор аҳлидан зиёд камситилганмиз, на имомлар, на князлар, на доҳий, на пайғамбаримиз бор... Бу гуноҳкор ер узра япроқлар каби саросима ичра сарсонмиз...”

Роман бошини силтаб, кўпчиган сочларини силкитиб ташлади. Кўзларини юмиб, ўқий кетди, эҳтимол, у ёддан айтарди:

– “Не учун таъкиб этилаётганини ҳеч ким билмайдиган бемисл русин халқи шу қадар улуғ қайғу ва шу қадар сиқув остида қолмоғи дуруст эмасдир... Бизни бебаҳо хазинамиз – олтиндан аъло эркимиздан маҳрум этишди ва уни сурлик ила ўзларига олишди”.

Романнинг овози бўғилди. Шу китобни товушсиз ёпди-да, секин:

– Шу сўзларни айтиб, яна ундан воз кечиш. Эҳ, одамлар...

Ва янада секин, аллақандай болаларча таажжуб билан сўради:

– Бунга қандай виждонинг йўл қўйди, Лев?¹

Бу истиғфор билан андармон бўлганимдан аёл кишининг нозик қўли елкамга текканидан сесканиб кетдим. Рўпарамда елкасига мотам белгиси – оқ рўмол ташлаган пани Любка турарди.

– Ҳузурига кирсам бўладими?

– Кираверинг, пани.

У кириб, эшикни ёпди. Анчагача мен ҳеч нарсани эшитолмадим, лекин бу эшик феъл-атворли чиқиб қолди: аввалига ингичка тирқиш пайдо бўлди, кейин у кенгайиб кетди. Мен уни ёпиб ўтирмадим, агар шу ўзларига ёқса, очиқ тураверсин.

Мен аёл кишининг илгарилари бирон марта ҳам эшитмаган майин овозини эшитдим.

¹ **Лев Иванович Сапега** (1557–1633) – белорус тарихидаги энг машҳур сиймолардан бири, дипломат, саркарда, қонуншунос. Унинг раҳбарлиги остида Белоруссия, Ғарбий Украина, Литва ва Польшада амал қилувчи қонунлар ишлаб чиқилган. 1631 йилда Сапега католик динини қабул қилади, натижада ақлдан озиб ҳалок бўлади.

– ...Бефарзанд бевани эрининг уйидан қариндошлар қувиб чиқаришади. Агар ҳимоячиси ўлган бўлса, уни ким ҳифзига олади?

– Нега шу пайтгача болангиз йўқ эди?

Эшик янада кенгроқ очилди.

Очиқ парда тирқишидан русин гилами ташланган кенг ўриндиққа чўккан Романни, рўпарасида ўтирган тилларанг сочли аёлнинг олдинга хиёл эгилган бошини кўрдим.

Аёл секингина деди:

– Сен ахир ҳеч нарсани билмайсан. Тўйимиздан бир ярим ой ўтгач, улар сени яксон қилиш учун жангга отланишди, шунда унга пайкон тегиб, эркаклик қувватидан мосуво бўлиб қолган.

Мен аста хуштак чалиб қўйдим. Ҳа, Кизгайла бечорага оғир бўлган экан. Ирина қарғаганда шунинг учун ҳам ранги гезариб кетган экан-да.

– Нима ҳам дей, – деди Ракутович, мен унинг ғазабнок катта кўзларини кўрдим. – Ахир сизлар мени муҳаббатимдан маҳрум қилдинглар, авлод қолдиришдек бахтдан мосуво қилдинглар... Газанда у! Авлоди йўқ бўлиб кетаверсин!

– Бунинг қанчалик даҳшатли эканлигини тушунасанми, жаноби олий, – секингина деди пани Любка.

– Сен ўзинг менга нима яхшилик қилдинг? – дея аёл томонга эгилди у. – Якубнинг ўлдирилишими? Ўжарликми? Акага ўқ узишими? Заҳарми? Бошқа одам сизларни ер юзидан супуриб ташлар эди.

Назаримда аёл йиғлаб юборай деди. Мен унинг овозидан ҳам таъсирлироқ, мулойимроқ овозни эшитмагандим:

– Эсингдами, ботқоқликдан сариқ қариқиз, нилфиялар терардик? Мен ўн уч ёшда эдим, сен сал каттароқ эдинг. Мени отингга мингаштириб ўрмонга олиб борардинг. Мени йиқилмасин деб эгар устида ушлаб ўтирардинг, сенинг қўлларинг, бақувват қўлларинг елкаларимга тегиб турарди... Мятлушка¹ бўламан деганимда кўкқарғанинг қанотларини олиб келганингни эслайсанми?

– Сен менга сингил қатори эдинг... Мен Иринани зиндонга ташлаганларинг учун Кизгайла икковингни кечирмайман.

– Ундай бўлса, мени ўлдир. Ҳаммасини мен қилганман.

– Мен хотинлар билан жанг қилмайман, – деди у. – Мен нобилман, авлодимизда уч киши қолдик, холос.

Бирдан унинг қадам товушларини эшитдим.

– Цхаккен, – деди у остонада пайдо бўлиб (мен эшикка орқа ўгириб турардим), – Лаврни чақир.

Қовоғи солиқ Лавр кутубхона томонга ўтиб кетди, мен Ракутовичнинг овозини эшитдим:

– Манави йигитни кўряпсанми? У ёқадими сенга?

– Ҳа, у сенга жуда ўхшар экан, Роман.

– Хоним сенга ёқяптими?

– Ҳа, пани жуда хушрўй.

¹ **Мятлушка** – қадимий белорус халқ шеърлятидаги ўрмон париси, елкасида капалак ёки қуш қаноти ўсган қиз сифатида тасвирланган.

– Шундоқ экан, хўп де, истасанг, шу ернинг ўзида унга зодагон унво-
нини бераман. Бу охириги зодагон бўлади.

– Сўзларимни эшитишни истамаяпсан, Роман, – гина қилди пани.

– Сен уни хотин қилиб ол. Бу қалъани менинг номимдан сақлаб тура-
сан, агар яширинишга тўғри келиб қолса, шу ерга келаман.

Мен Лаврнинг қайсарлик билан қаддини тик тутиб турганини кўрдим.
Кейин бу она сути оғзидан кетмаган бола иягини баланд кўтариб, таъна
билан, гўё игна санчгандек қилиб:

– Йўқ, жаноби олий, – деди. – Қарғага йўл бўлсин... Зодагон бўлишни
истамайман мен.

Роман таънанинг мазмунини тушунди.

– Боравер, – деди у қатъий қилиб. – Буйруғимни қут.

Иккови ёлғиз қолишди. Эшик ҳамон қия очик турарди. Сир сақлаш
борасида унча қайғуришмасди, чоғи.

Энди пани Любка гапирарди:

– Сен барибир мени тушунмадинг. Ҳеч нарсани тушунмадинг. Ахир
ҳаммасига мен айбдорман. Иринани берма, деб Алехнога мен айтган-
ман. Бунга йўл қўёлмасдим. – Мен унинг лабларидан учаётган сўзларни
эшитиб даҳшатга тушардим: – Мен сени севаман, сен менинг ёлғиз сев-
ганимсан, хоҳлаганимсан... Сен эса менга қарамасдинг, нуқул синглим,
синглим, дердинг. Кизгайла мендан розилик сўради... Қандай қилай... Ўз
қўлларим билан уни сенга тутқазайми... – Унинг овози бўғилиб қолди. –
Роман, гуноҳимдан ўт. Ҳаммасига мен айбдорман. Бошқача иш тутолма-
дим...

Роман қовоғини солиб, четга қараганча жим ўтирарди. Мен унинг тик
пешонасини, чимирилган қошларини кўрдим. Кейин у деди:

– Бошқа аёл ҳеч қачон бунга тан олмасди. Биргина сен... Шунинг учун
ҳам сени ёмон кўролмайман. Бу эътирофнинг сени севишимга ҳалал бер-
маган бўларди...

– Роман... – деди пани.

У ҳамон жим ўтирарди, пани янада паст овозда деди:

– Ўзинг ол мени. Наҳотки тушунмасанг, наҳотки кўр бўлсанг?

– Сени севмасдан туриб ёнингда ётсам, нафрат қилмайсанми?

– Мен севаман сени, – деди у. – Барибир эмасми?

– Ирина-чи? – овози бўғилиб сўради йигит.

– Сен уни кўролмайсан. Уни Могилёвдаги зиндонга ташлашган.

Роман ўрнидан туриб, аёлга орқа ўгирди. Пани унинг юзини кўрмади,
лекин мен кўриб турардим. Унинг кўзлари ўқчи пайконида ҳалок эт-
ган жуфтини чорлаётган кийикнинг кўзларини эслатарди. Кийик севгиси
ҳалок бўлганини билмай, чорлайверарди, кўзларида эса таажжуб, гина ва
қонмаган меҳр...

– Нима дейсан, жаноби олий?

– Йўқ, – деди у. – Мен сен билан бирга бўлолмайман. Шу пайтгача ҳеч
бир аёл билан бирга бўлмаганман.

Шу билан овози биров тетиклашди.

– Лекин сен сўраган биринчи ишни адо этишингга халал бермайман. Лаврни танла. Агар бола муддатида туғилса, ҳеч ким унинг отаси Алехно эмаслигини ўйлашга ҳам журъат қилолмайди. Фақат билмадим, нега бу ишни қиялпман. Ростгўйлигинг учунми? Ёки сенга ачиндимми? Ёки нондонманми мен?

– Шунга ҳам раҳмат, – деди пани ҳасрат билан. – Муҳаббат бермасанг ҳам, нон беряпсан.

Ракутович мен томонга бир қадам босиб, тўхтади:

– Ҳой швейцариялик, бу ёққа анави йигитни чақир. Қасос олинмайди. Авлод ўлмайди, – кейин қўшиб қўйди: – Балки, ҳатто менинг авлодларимни таъқиб қилар.

– Қандай авлодларни айтяпсиз?

У бошини силкитди.

– Мен зиндонга унинг ёнига бораман, – қўрқинчли бир ишонч билан гапирди у. – Ҳамма қалъаларга ўт қўяман. Отимнинг думи билан кулларни тўзитаман. Қилич биланми, занжир биланми, барибир бораман. Тирикми у, ўликми, оламан. Мен уни Могилёв билан бирга оламан, бутун еримиз билан бирга, эркимиз билан ёки ўлим билан бирга оламан.

– Ўлим билан дейсанми? – қошларини чимирди пани. – Ишонмаяпсанми, дейман?

– Йўқ, лекин ишонч бўлмаса ҳам жанг қиламан. Гап фақат Иринада эмас.

– Нега ишонмайсан?

– Бир кампир Ирина сени ҳеч қачон кўрмайди, деб башорат қилди. Бу мен эшитган иккинчи башорат. Бугун эрталаб Кизгайла ҳам шундай деб бақирди.

– У панликни ўртага қўйиб қасам ичди, – маъюс жилмайди аёл. – Сен бу панликни йўқ қилмоқчисан-ку, ахир.

– Йўқ, – деди у. – Мўъжиза рўй бермайди. Ноҳақликни тез йўқ қилолмайсан.

– Ундай бўлса, нега жангга кирдинг?

– Ўлимга ҳукм қилинганимни билмайди, деб ўйлайсанми? Биламан. Одамларга ачинаман. Боболаримнинг ерига ачинаман.

– Ундай бўлса, таслим бўл... Таслим бўл, азизим.

Роман худди ақлсиз гўдакнинг устидан кулгандек бироз истехзо, бироз кўнгилчанлик билан жилмайди.

– Йў-ўқ, мен ҳатто эвараларимга ҳам бундай қилишни тақиқлайман. Агар ўзинг учун, қўшнинг учун бахт тополмасанг, бошингни авайлаб нима қиласан? Бунақада бошни атайлаб ёриш керак. – Ва қўшимча қилди: – Жанг қилсанг, охирги қозик тишинг қолгунча, охирги нафасинг қолгунча қилиш керак. Сизлар буни тушунмайсизлар, сизлар папаланиб ўсгансизлар. Сизларнинг ҳатто дилингиз ҳам бошқача бўлиб кетган.

– Роман, – деди пани. – Сенга жоним ачияпти, сени ўйлаб қўрқиб кетяпман. Менга нега раҳм қилдинг?!

– Ёвузлик шундоқ ҳам денгиз сувидек мўл. Уни яна кўпайтиргим йўқ. Яшайвер. Балки виждонинг уйғонар.

- Душманга шафқат қилдинг, – деди аёл.
- Чиндан ҳам, сен менинг энг даҳшатли душманамсан.
- Бу душман севади сени, – эшитилар-эшитилмас шивирлади аёл.
- Роман ўрнидан турди, аёлни турғизди.
- Алвидо, гўзал душманам. Худога топширдим.
- Кейин аёлнинг пешонасидан ўпиб қўйди.

Мен унинг қадам товушларини ва Лавр билан икки-уч оғиз гаплашганини эшитдим, Лавр унга нималардир деб таъна қилишга уринганини, Роман уни жеркиб берганига қулоқ тутдим. Кейин шу йигитнинг пани Любка билан мулойим суҳбатлашаётганини тингладим. Овозлар борган сари мулойимлашиб бораётганини ҳам эшитдим. Фақат бир нарсани тушунмасдим: нега пани уни Роман деб чақиряпти? Ўхшаш бўлгани учунми? Кейин мен эшикдан нари кетдим. Биз ахир фақат маълум бир чегарагача қизиқувчанмиз...

...Эрталаб деҳқонлар шоҳ қалъасидан сафарга жўнаб кетишди. Унинг яна учдан бир қисмга кўпайган, бизнинг қуроолларимиз билан қуроолланиб, совутларимизни кийиб олган қўшини чиндан ҳайбатли бўлиб кетган эди. Отлиқлар ёпирилиб, қалъа деворларидан тушириб олинган ўн бешта замбаракни ҳам олиб кетишди, қуроол-аслаҳа ортган аравалар ғижирлади.

Чалғилар. Паншахалар. Пешнялар¹.

Билардимки, бу одам икки ҳафтада овчиларни ўқчиларга, деҳқонларни жанговар ғалла янчувчиларга, пешня ишлатишга ўрганган балиқчиларни найза улоқтирувчи жангчиларга айлантиради.

У барчани жангчига айлантиради.

Қалъадан чиқиб кетишдан олдин у аввалгидек қирмизи ёпинчикда, аввалгидек оқ отда ёнимга келди, темир қўлқоп кийган қўлини кўтариб, қалъага ишора қилди:

– Одамлар сен билан қолади. Хотин ҳам. Қалъа деворлари ҳам. Барини эҳтиёт қил, мени кўрсанг, дарвозани ёпма. Қишлагани келаман.

Унинг кўзлари ёниб турарди.

– Эҳтиётлайман, жаноби олий, – дедим мен. – Дарвозани ҳам ёпмайман. Бошқага ҳам йўл бермайман.

У менга бош силкиб қўйди-да, қўшини ортидан от қўйиб кетди. Олисида қирмизи ёпинчиқ лип этиб бир кўриниб қўйди. Кейин уни чанг булути тўсиб юборди.

Яна бир марта шу одамга қарши қалъа деворига чиқишга ҳеч қачон рози бўлмасдим!

4

*Оҳ чек, қўнғироқ бонги!
Мўъжиза қутма ортиқ.
Зулматдаман, кундага
Бошим қилинган тортиқ.*

¹ Пешня – қишда музни ёриш учун ишлатиладиган темир ускуна, сопи ёғочдан ишланади. Қишки балиқ овида қўлланилади.

Бу ер юзида мендан
Худойим юз ўғирди,
Одамзод юз ўғирди,
Қуёш ҳам боқмай қўйди.
Бонг ур, қўнғироқ!
Фақат
Муҳаббат титроғини,
Азоблардан кўр бўлган
Қўшиғим фироғини.
То сўнғи нафасгача,
Ташлаб юбормайман, бас,
Бармоқсиз қўлларимдан.
Арғувон жангчи дoston
Йўқ бўлди. Тарқади чанг.

Кистенда эринчок, рохатижон кунлар чўзилиб ўта бошлади. Қалъада мен ва қўриқчиларнинг кичкина гуруҳидан бошқа эркаклар деярли йўқ эди. Қишлоқларда ҳам деярли фақат хотинлар қолганди.

Шовуллаб май ўтди, чирилдоқлари чириллаб ёз ўтди, хазонлари шилдираб ноябрь ўтди. Кейин эса кўкимтир бўрилар увиллаган, ниҳоясиз киш келди.

Ўтган ойлар ичида фақат биттагина кутилмаган воқеа рўй берди. Мен уйландим. Мени ўша дарвозабоннинг қизи Дарья ўзига мафтун қилиб олди. Йигитларим ўтиришни хоҳлашди, кетишди. Менга ўхшаган ёши ўтган, лой далаларда қўрғошин ёмғири остида судралишни истамаган ўнтача одам қолди. Кўплари уйланиб олишди. Яхши ейиш, яхши ичишу осудалик билан ўтадиган тинч ҳаёт бошланди.

Хотиним ройишлик, беозор бўлиб чикди. Чунки ўзим ҳам шундайман. Шунинг учун икковимиз яхши, Худо амрига бўйсуниб яшаймиз. Мен бирон нима еб олиш учун кечалари уйкудан уйғонадиган бўлиб қолдим, уларнинг овига кўникдим, уларнинг тилида гапирдим. Ҳатто уларнинг ҳаммомларига ҳам кўника бошладим, аммо даҳшатли тепа тоқчаларига чикмас эдим...

Атрофда эса бўрон увиллар, қуён қор устига панжаларидан из солиб кетарди. Аҳён-аҳёнда деҳқонлар уруши ҳақида миш-мишлар келиб қоларди, лекин дарбадарлар уларнинг шунчалик бўяб-бежашардики, одамнинг ишонгиси келмасди.

Ракутович қишлашга қадам ранжида қилмади.

Бизнинг иссиқ печларимиз ёнига ҳеч ким келмади. Кейин қиш кучини йўқотиб, қорлар эрий бошлаганда ҳам ҳеч ким кўринмади.

Биз қалъалар ҳамон таслим бўлаётганини, зодагонларни ҳаддан ортиқ ваҳима босганини, деҳқонлар қўшинлари ҳамон аввалгидек шиддатли ва ғолиб эканлигини эшитардик. Ахир, жасур ҳам бўлмасинларми? Уларнинг турмушидан ўлим афзалроқ эди-ку.

Кейин Уречъ даласида ҳал қилувчи жанг бўлганини, панлар қўшини зирхлари залвори билан деҳқонлар қўшинини яксон қилиб ташлаганини

эшитдик. Деҳқонлар қочишди, бўрон эса қор тасмалари билан уларнинг изларини беркитди.

Арғувон жангчи ўлди, деган миш-миш чикди. Лекин бу ёлғон хабар эди.

Айнан февраль ойида, ҳатто кутилаётган муддатидан сал олдин (бу ҳатто яхши эди, чунки ҳар хил шубҳа-гумонларни ўлдирарди) қалъамизда янги меҳмон – пани Любканинг ўғли, Якуб Кизгайла “инга”лаб йиғлади. Бекам Уречъ даласидан хабар келганда жуда кўриқиб кетди. Ракутович бошчилигидаги қўшиннинг бир қисми шляхта лашкарининг бош полкани тор-мор қилиб, чекинганини, энди шарққа, Москва чеккасига ёриб чиқиш учун пан отрядлари орасида изғиб юрганини эшитганимизда бекамнинг юзи ҳаддан ортиқ қувончдан ёришганини кўрдим.

Бир ойдан кейин эса Роман тор-мор этилгани, уни занжирбанд этиб Могилёвга олиб келишаётгани ҳақида хабар келди.

Тунда мени пани Любка уйғотди. Юзи бўзарган, лаблари кўкарган. Фақатгина:

– Кетдик! – дея олди.

Аравамиз эриб ётган март қорлари устидан шавкатли шаҳар томонга қараб кетди. Аравада пани чақалоғини – тетик, бўлаликкина гўдак! – кўтариб ўтирарди, атрофида эса машъал кўтарган ўн чоғли отлиқ кўриқчилар ва мен. Барибир эринчоқ бўлиб қолган танамни совутга тикишга тўғри келди.

Куну тун, шалаббо бўлиб, оч қолиб, бошидан оёғимизгача эриган ифлос қор ёпишиб, от чоптирдик. Йўлларда – ёввойилашиб кетган итлар, аҳён-аҳёнда изғиб юрган отлиқ пан гуруҳлари, тунлари эса – ўт қўйилган овлоқ, хонавайрон қишлоқлар.

Бекамнинг юзи эса бўр суртилган ниқобга ўхшайди, итоатсиз лаблари эса фақат:

– Тезрок! Тезрок! – деб шивирлашга ярайди.

Мен бу одамларни телба ва довдир деб атамай қўйдим. Кўникиб кетдим. Агар истасанг, отни ўлгудай чоптириш ҳам ёмон эмас экан.

Ликовский Дар яқинида сиртмоқда ўлиқлар осилган устунлар учрай бошлади. Кейин эса, олисда йўл четида турган оломонни кўрдик. Асирларни олиб кетишаётган эди, оломон эса асирлар орасида танишим ё қариндошим йўқмикин, деб қарар эди. Асирлар жим, ковоқлари солиқ, зиғир тусли яланг бошларини эгиб боришарди. Асирлар кам эди. Деярли ҳеч ким асир тушмасди, асирларнинг охирги, катта қисмини эса Роман ўз бошига алмашлаб олганди: агар асирларни қўйиб юборсангиз, таслим бўламан, дея шарт қўйган эди.

Ва таслим бўлди. Шундан кейин қўйиб юборилган асирларни қайтадан ушлай бошлашди, лекин энди уларни қайданам топишсин. Одамлардан Романи кеча олиб ўтишганини эшитдик. Гўнг ташийдиган аравада, бир оёғини араванинг ёнига занжир билан боғлаб қўйишибди. Хафа эмасмиш, юзи ёруғ, худди ер юзидаги бор ишни битириб қўйиб, муруд-мақсадига етган кишидай жим ўтирармиш.

Шляхта уни роса таҳқирлаганмиш. Унга, ҳатто кишанлаб қўйилган бўлса-да, қўл теккизгани кўркишибди, шунинг учун унинг икки соп-ли қиличини арқон билан араванинг орқасига боғлашибди, қилич ара-ва ортидан йўл бўйи лой ва қорга қоришиб келибди. Халқ буни кўриб, йиғлабди. Шляхта қиличга тупурибди. У эса фақат:

– Ҳеч бокиси йўк, тупроқ тупугингизни артиб ташлайди, – дермиш.

Яна шуни эшитдикки, ўша ёқимтой йигит – Лавр Ракутовични кутқариб олишга уринибди-ю, олишувда олтин бошига ойболта тегиб, ҳалок бўлибди. Пани Любка боши солиниб, бироз маънос тортди, шу холос.

Халқ эса асирлар ортидан эргашар, оломон узра эшитилар-эшитил-мас ингроқ товуши сузар эди. Қайтага додласалар яхши эди.

Пани отларни янада тезроқ ҳайдашни буюрди. Биз шаҳарга етиб ке-либ, унинг чеккасидаги муқаддас Троица черкови жойлашган Луполовск масканида тўхтадик. Ва дарҳол, ҳатто ибодат ҳам қилмай, пани иккимиз қалъага жўнадик, у – аравада, мен – от миниб.

Бизни Луполовскда, кейин эса шаҳарда маст-аластнинг кўплиги ҳайрон қолдирди. Маълум бўлдики, исёнчилар етакчиси қўлга олингани ҳақида хабар келмай туриб, чопар орқали изн етиб келибдики, Магдебург қонунига ҳилоф равишда қўшимча яна тўрт кун, муддатига қарамай пиво, ароқ ва асал тайёрласинлар.

Романни олиб келишган кунни шаҳарда ҳамма ҳушини йўқотгунча ичган, кўзига тупурсанг ҳам билмайдиган даражада маст эди. Нуқул ашула-ю, муштлашув.

Шаҳар бошдан-оёқ православ эди: бадавлат, мағрур, қалъа деворла-ри тошдан, тилла ҳалли гумбазлари, тупроқ кўтармалари, хандақлари, миноралари бор. Одамларини эса чанага қўшсанг ҳам бўлади, шунчалик қорувли. Ҳаммалари маст, биров кесиб кетса билмайди.

Шаҳарга кириш йўлини излай бошладик. Биховск тош дарвозаси орқали тупроқ кўтармага қараб ўтдик, кейин жуда чарчадик: Қирол дарво-засига суқилмоқчи бўлдик, кириш мумкин эмас экан, бошқа дарвозалар-га қараб кетдик, мумкин эмас, дейишди. Кичик Пиёдалар дарвозасидан Дубровенка дарёси томонга ўтмоқчи бўлдик – кириш мумкинмас. Шаҳар маъмурияти деҳқонларнинг шаҳарга ёпирилиб киришидан, хунрезлик ва исён кўтарилишидан кўрқар, шунинг учун ҳеч кимни киритмас эди.

Нихоят, яҳудийлар мактаби ёнидаги Олейний дарвозасидан кира ол-дик. Дарвоза тагида порох омборлари, дарвоза тепасида Биби Марям ико-наси бор эди. Могилёв аҳлини иконани сотиб, пулини войт, яъни оқсоқол билан биргалашиб ичиб юборишган, деб бекорга тегажоглик қилишаркан. Икона жойда турибди!

Пани шу ерда аравани тўхтатишни буюрди, аравадан тушиб, гўнг ва эриган қор аралаш балчиққа тўпиғигача ботиб, дарвозага қараб кетди. Мен отимдан тушиб, қараб турдим.

Бекам дарвозага яқинлашиб, голланд мўйнасидан тикилган олчаранг қўйлаги-ю, пўстинида ерга тиз чўкди, бошини ерга қўйди.

– Ё, Биби Марям, халоскоримиз, табаррук кўзимиз, бокирамиз. Ҳеч курса, сен гуноҳимиздан ўт. Оҳ-зорларимизни ўзинг эшит, дардимизни ўзинг енгиллат!

Юқоридан эса унга қўнғир сочли, шахло кўзли гўзал чехра қараб турар, бетларида соялар ўйнар, чунки ёнида ўчмас олов ёниб турарди. Биби Марям чехраси менга йиқилиб ётган одамга изтироб билан, ҳамдардлик билан қараб туради-ю, лекин ёрдам беролмайдигандек туюлди. Унинг қўллари нозик, орик, мовий енг ичидаги билаклари билан ўғилчасини енгилгина ушлаб турибди: “Агар енгил тортсангиз, олинглар, одамлар. Мен эса ҳеч нима қила олмайман. Иймон йўли оғирдир”.

Бекамнинг овози эса хириллаб қолган эди:

– Ё, Биби Марям, муҳаббат бермадинг, бахт бермадинг, лоақал унга раҳминг келсин. Кўриб турибсан, халқнинг бўйнига сиртмоқ солиш учун бўйнидаги бутини – эътиқодини тортиб олишяпти. У одам эътиқоди учун, сенинг қавминг учун азоб чекапти... Хўрлик кўришига йўл қўйма... Оловда азобланишига, болтада чопилишига йўл берма. Ўзинг халос эт, шафқатли қалбинг ила марҳамат кўрсат...

Мен уни, умидсизликка тушган, бошланг ҳолида аранг ердан кўтариб олдим. Агар шу топда уни пичоқлаб кетсалар ҳам сезмас эди. Биз шаҳар бўйлаб пиёда кетдик, чунки кўп ўтмай аравада юриб бўлмай қолди: бош кўчаларга жуда кўп одамлар тўпланган эди.

Ёғочдан қурилган, кўхна, безакдор Спасопреображенск черкови ёнида хушёрроқ мешчанлар гуруҳи энди нима қилиш ҳақида баҳслашарди. Бақирешарди, бир-бирларининг ёқаларидан олишарди, лекин кўриниб турибдики, бундан бир иш чиқмасди.

Бақир-чақир, тартибсизликни бостириш учун оқсоқолнинг ўринбосари келди, унга муздан эриган от гўнгини отишди, иккала бармоқларини оғизларига тиқиб, қочаётган тартиб посбонининг ортидан чийиллатиб ҳуштак чалиб қолишди. Қалъа кўчасида эса аҳвол бундан ҳам баттар эди. Шаҳардаги бадмастлик жуда оғир эди.

Бироқ бу бетартибликларнинг бари бефойда: икки кун ичида шаҳарнинг катталари Могилёвга шунча кўп кўшин олиб келишган эдики, кўчадаги ҳар учинчи одам совут кийган жангчи ёки қуролланган зодагон бўлиб чиқарди.

Биз фақат Ирина тирик эканлигини била олдик. Ёғоч дарвоза олдидаги Ветрений кўчасида жойлашган ертўлада, кафасда ўтирган экан. Ҳали ҳатто оловда ҳам синаб кўрмабдилар, оловга ташламасалар ҳам керак, унинг айби йўқлиги ҳаммага ойдин эди.

Шовқин, тўполон, чуввос, обкашларга илинган ёғоч челакларда олма олиб келадилар, мешчанлар музлатилган клюквани бошоғриғига деб қўлдан юлиб оладилар, мева сотиб юрганлар, суюқоёқ қизлар тиқилишадилар.

Бирдан волинкалар чийиллади, одамлар иккига ажралди ва худди икки девор орасидан ўтгандек шаҳар кўриқчилари, улар ортидан қимматбаҳо мовут кийимларда, бармоқларига олтин ва ноёб тошлар тақилган олти киши ўтди.

– Магистрат келяпти. Оқсоқол, – деб шивирлашди оломон орасидан.

Улар кўзларини ерга қадаб ўтишарди. Ҳозиргина Ракутовични ўз кўллари билан қалъа судига топширишди. Бошқа ҳеч нима қилиб ҳам бўлмасди, чунки зодагонлар қалъа адлиясига тобе. Фақат савдолашган-дек сўраб олишибдики, суд ратушада бўлсин, хайъатда оқсоқол билан ик-кита маслаҳатчи ҳам қатнашсин. Шунга ҳам раҳмат.

Пани Любка шаҳар бўйлаб бир неча кун сарсон бўлди. Уни ҳамма қабул қилар, меҳр кўргизар, ўзи бева, ўғли етим қолгани учун ачинарди. Бекамни огоҳлантириб, бош гувоҳ бўлишини, ҳукм чиқарилаётганда унга “оғир овоз”, яъни ўз фикрини айтиш ҳуқуқи берилишини айтишди. Пани оғир хўрсинди. Каптур ҳаками¹ ишни қай томонга бураётгани аниқ эди.

Қалъа майдонига шунча кўп одам ёпирилиб келган эдики, суқилиб ўтиб бўлмасди. Биз собиқ оқсоқол Славенскийнинг уйидаги айвончага аранг чиқиб олдик. Унинг ўзи ўттиз йилдан бери гўрида тинч ухлар, уйда эса унинг эсидан оққан зодагон хотини билан қари кизи яшар эди.

Тиқилинча турибмиз. Рутубатли захгарчилик.

Могилёв аҳли бирдан шовқин солиб, истар-истамас йўл очиб қолди. Мен аввало қора кийимга ўралган, бурни катта, бетлари тишларига ёпишиб қолгандек ботиқ чавандозни кўрдим. Боши яланг эди, ахир табақасига иснод келтирган нобилни суд қилишга тўғри келяпти.

Бурундорнинг ортидан парча, утерфин², сувсар кийимларга ўранган чавандозлар келишади. Қиличлари рангдор камалакдай товланади.

Десот-Зенович, Загорский, Сапега, князь Друцкий ратушага судга ўтиб кетишди. Ўзлари билан қирол зодагонларнинг нобиль Ракутовичга қандай ҳукм ўқисалар, ҳаммасига рози эканлигини билдириб жўнатган хужжатини олиб ўтишди. Улар ўтиб кетишга ҳам улгурмай девона зорлана бошлади, зодагонлар ортидан югуриб, қони қотган кўзларини бармоқлари билан ёпганча айтиш айтиб йиғлай кетди.

– Иблисларни кўряпман, қоп-қора ҳаммаси... учишяпти! Оппоққина кўзини сўйишмоқчи, ичак-чавоғини тишлаб судрашмоқчи!..

Оломон сесканиб, ўзини четга олди. Чавандозлар ратушага кириб, эшикни ёпиб олишди.

Улар кечгача қамалиб ўтиришди. Кейинги кун ҳам шундай қилишди. Иккимиз эса эшиклар ёнида ва айвончада турдик. Пани Любкани гувоҳ сифатида чақиритишди, лекин бекам Роман эримни жангда ўлдирди, иезуитлар уни заҳарламоқчи бўлишгани учун дорга остирди, қолганларни эса кўйиб юборди, деб айтди. Сўзи охирида эса ҳушидан кетиб йиқилди.

Суд бекамдан жуда норози бўлди.

Халқ эса ратуша олдида, майдонларда борган сари кўпроқ шовқин соларди. Сахтиён этик, тулки терисидан тикилган енгсиз камзул кийган бой мешчан йигит:

– Романни тилка-пора қилгани бермаслик керак, – деб бақирди. – У бобоси мўғуллардан сақлаб қолгандек, ҳақ эътикодни сақлаб қолмоқчи эди. Ҳамма билади-ку, Крутогорье ёнидаги жангда мўғулларни Миндов

¹ Исён ёки давлат тўнтариши юз берган вақтда зодагонлар орасидан каптур ҳаками сайланади.

² **Утерфин** – нозик тўқилган, жуда қимматбаҳо мовут.

кочирмаган. У – сассиқ пўстин, ёрликни ҳам тескари ушларди. Мўғул отликларини ким йўқ қилган? Ракута, Романнинг бобоси!.. Шунинг учун, мўғуллар теголмагани учун белоруслармиз!

Одамлар ратуша эшикларига отилишар, бақиришарди:

– Адолатдан эмас бу – нобилни суд қилиш.

Шунда уларга тирик айблов сифатида Кизгайланнинг хотинини кўрсатишди. Чақалоқ Якубни кўрсатишди, Ракутовични эса лаънатлашди:

– Бегуноҳ гўдакни онасининг қорнидаёқ етим қилди у. Газанда! Бор белорусларнинг душмани у!

Ратушада ҳам баҳслар қайнарди. Сапега ва Друцкий ўлим жазосини талаб қилар, лекин магистрат бунга қарши эди. Деспот-Зенович ва Загорский ҳам магистрат томонида эди. Бундан нуфузи пастлар ибрат олмасин, деб кўрқишарди. Овозлари бўғилгунча бақиришди, бир-бирларини кўппак деб, яна ярамас бир нарсалар деб аташди. Агар Луполово ва Подуспеньядан одамлар келмаганда, эҳтимол, ҳеч нарсани ҳал қилишмасди ҳам. Оломон орасида шу заҳоти тери ва мугузнинг сассиқ ҳиди тарқалди, одамлар энди бошқачасига қичқира кетишди:

– Уни ўлдирсанглар – исён кўтарилади! Могилёв исёни вақтида иштонинглари тўлдирганларинг эсдан чиқдимиз? Ҳозир ҳам шунақа бўлади. Энди сизлар кўрққан Стах Миткович, Гаврилка Ивановлар¹ йўқ-да, а? Эси тўмтоқлар! Суд залининг эшигини қанақа қилиб синдиришгани эсларингдан чиқдимиз? Бонг товушини анчадан бери эшитмадиларингми? Бошларингга тушади ҳали!

Шунда охирги сўзни Загорский айтди:

– Яхши. Нобилларни кундада ўлдирмайдилар. Авом ишонаверсин.

Биз айвончадан, кейин эса соябонли аравамиз деразасидан кўриқчилар қуршаган арава тепаликка чиқиб кетаётганини кўрдик. Аравада эса менга қальгага кўз-қулоқ бўлиб туришни буюрган одам ўтирарди. Чакка сочлари оқарган, ранги бўзарган, лекин хотиржам.

Фақат бир зумгагина безовталаниб қолди. Уни ратуша эшиги ёнига келтиришиб, аравани тўхтатишди. Шу пайт Славенскийнинг уйдаги деразадан унинг ақлдан озган хотини қаради ва фарёд кўтариб, бармоқларини боши тепасига мугуз сингари кўтариб, бақира кетди:

– Дажжол! Аслзодаларни ўлдирди, азоблади. Суд қилинглари уни, яхши одамлар, аяманглари уни. Агар анави қиз тагин уни кўрсами, панликка барҳам етди, деяверинглари, шавкатли шаҳар ғалаёндан адои тамом бўлади.

Кўплар бу ақлсиз гаплардан хижолат тортиб қолишганини кўрдим. Ҳатто айвонча зинасининг юқори поғонасида ёрлик ушлаб турган Друцкий ҳам бошини эгди.

Роман эса дарҳол ўзини ўнглади, ҳатто аллақандай бошқача бир табассум билан, кўзларини катта очиб ҳукми эшитди. Биз олисда тургандик, алоҳида-алоҳида етиб келган сўзлардан ҳукмнинг мазмунини аранг англаб олдик:

¹ **Стахор Миткович ва Гаврила Иванов** – Могилёв шаҳрида 1606–1610 йилларда қиролга қарши кўтарилган исён етакчилари.

– Мулкидан маҳрум этилсин... Исён қиличини кўтармасин учун қўллари чопиб ташлансин... Қалқони бадном этилсин... Бошқаларга ибрат бўлмоғи учун ҳар ердан, Городельский ёрлиғи ва тартиботидан ташқари ҳар бир низомдан исми ўчириб ташлансин...

Яна шуни тушундик: Мстислав воеводаси чегарасидан нарига – кичик қишлоқчага умрбод бадарға.

Отларнинг сағрисиға қамчи тушди. Ва Роман турмадан то қалъагача, у ердан то уйма тупроқ тоққача Қирқ жафокаш ибодатхонаси ёнидан то Спасск черковигача бўлган йўлни босиб ўтишга мажбур бўлди. Бутун шаҳар бўйлаб олиб ўтишди, бадкирдорлик қандай жазо топишини авом кўриб қўйсин, дейишди.

Майдонга кечга томон, қош қорая бошлаганда олиб келишди. Ўша ерда замбилга ётқизишиб, қўл-оёғини боғлашди, устига кафан ёпиб, ибодатхонага – тириклайин жаноза ўқигани олиб кетишди.

Мен буни умрбод унутмайман. Қорлар бинафша тус олганини, деразалардан қорға илиқ сариқ шуълалар тушганини. Муножот эса... Оҳ, мунчаам даҳшатли бўлмаса бу муножот!

Девона черков эшигининг ёнида сакрай кетди:

– Худони ароққа сотишди! Бунинг учун сизларни иблислар олиб кетади! Дарвозаларингиз қулайди, Мишаковдаги қабрлар бутун Николаевск тепалигини эгаллаб олади. Бутун тепалик суякларга тўлади. Қарғалар ўлаксага тўяди! Ерда қашшоқларнинг суягини кўрасиз, ундан ўлат келади.

Оломон шунақанги ваҳшат билан увилладик, эшитишга қулоқ чидамасди.

Романни олиб чиқишди, у чиндан ҳам мурдадан баттар бўзариб кетганди, ҳолбуки қадамлари дадил эди, уни супага чиқаришди, у ерда узун кизил қўйлак кийган жаллод турарди. Шундай қилиб, иккови ёнма-ён туриб қолди: бири алвон, бири оппоқ: чунки Романга кафанлик қўйлак кийгизишган эди.

Оломон бошига оғир сўзлар ёғила бошлади:

– Қиличини синдир, жаллод... Мана, унинг даласидаги омочнинг тишини бошқага бер, жаллод.

Нихоят, жаллод қалқонни қўлига олди, унинг ўткир учини болта билан чопди, юқори қисмига қатрон ва қоракуя суркади. Шу пайт оксуякларнинг хотинлари бирам чуввос кўтариб йиғлашдики, қулоқни беркитиб қочаёздим, зодагон насли учун бундан даҳшатлироқ қатл йўқ эди.

Ракутович эса уларга кўзларини катта очиб қаради-да, истехзо билан кулди:

– Ҳечқиси йўқ, энди у сизларнинг озода қалқонингизга ўхшамайди.

Ўзи эса супага ўтирди, тиз чўкмаслик учун кундани оёқлари билан кучди. Жаллоднинг кўзигача соқол босган юзи қорайиб кетди. Қўллари титрай бошлади.

– Дадил бўл, – деди унга Роман, овози вазмин чиқди.

Жаллод болтасини кўтарди.

– Шошма, – деди Роман. – Бармоқларимга охирги марта қараб олай.

Бармоқларини бир неча марта букиб-ёзди. Кейин қулочини кенг ёзиб, атрофга тўпланган оломонни чўқинтирди. Кейин қичқирди:

– Яна бир марта сен учун қилич чополмайман, ҳеч курса, охирги дуоларимни қабул эт, халқим.

Йиғи кўтарилди, ингрок кўзғалди. Роман кўлини кундага кўйди:

– Чопавер.

Ойболта кўтарилиб, тушди. Биз фақат бўғиқ зарб товушини эшитдик: “з-занғ!”

Омонат қурилган супа титраб кетди.

Роман ўрнидан турди, кўлларини тепага кўтарди. Ўнг кўли биллагининг тепароғидан кесилган, чапи эса – қия, ингичка қирқиндида жимжилоқ билан номсиз бармоқ қолибди. Жаллоднинг раҳми келганми, ёки нотўғри чопганми...

Шу заҳоти яхудий табиб беҳаловат типирчилади – сариқ боғич липиллаб қолди. Кесилган жойга нималардир суртди, қон шувиллаб оқишдан тўхтади. Салгина томиб турди. Роман шунчалик кучли эдики, ҳатто ҳушини йўқотмади, оёқда тик тураверди.

Ҳаммаси мана шундай тугади. Халқни кўрқитишдан иш чиқмади.

Энди фақат “қизгина”нинг тақдирини ҳал қилиш керак эди. Бу ҳукмни Роман бадарға қилинадиган кунда чиқармоқчи бўлишди.

Ҳукм арафасида пани Любка Ирина билан учрашишга рухсат ололди. Бекамга мен ҳамроҳлик қилдим. Ёғоч дарвоза ёнидаги ертўлага тушдик, мен панжара оралаб яна ўша кийикникидек кўзлар билан эгик қошларни кўрдим.

Любка унга кўрганларининг барини гапириб берди. Қиз эса истехзо билан кулимсиради:

– Мен учун-а... Мен бундан баттарини бошдан кечиришга ҳам тайёр эдим, фақат у муҳаббатимни кўра олса, бас.

Оҳ, қандай чиройли-я, бу кўзлар! Кулранг, чакноқ, порлоқ!

Пани Любканинг юзларида ғазаб кўринди.

– Жодуларинг билан нобилни ҳалок этдинг. Энди умри бадарғада ўтади. Тинч кўй уни. Жодуларингни еч.

– Йўқ, пани, бу жодуни ечиб бўлмайди. Агар еча олганимда ҳам ечмас эдим. У – қуёшим менинг. Бу ёғдуни фақат юрагим билан бирга тортиб оласан.

Любка ўрнидан турди, эшикка қараб юрди.

– Тинч кўймайсанми?

– Йўқ, пани. Умримизни хазон қилдинг, барибир ачинаман сенга. Боланг ҳаққи, азоблама, Романни таъкиб қилма. Мени эса ўлдирсанг ҳам майли. Барибир ачинаман сенга, ахир мен кучлироқман сендан.

Эртасига биз яна қалъа майдонига бордик. Иринанинг тақдири ҳал этилиши керак, чўрига эса унинг бекаси иштирокисиз ҳукм ўқиш мумкин эмас эди.

Оломон орасидан эндигина ўтиб эдикки, кўчаларни йиғи товушлари босди:

- Қизгина-я, бечора-я!
- Бирга бўлолмайсизлар энди!
- Кўзларинг кўрмайди энди уни.

Қирқ жафокаш ибодатхонаси томондан устига озгина сомон ташланган оддийгина арава келарди. Аравада кишанланган Ирина, эғнида оқ кўйлак билан оқ мовутдан тикилган қатл ридоси. Ясантиришибди. Кеча жулдур кийимда эди.

Келаркан, порлоқ кўзларини одамларга қадайди, каттагина оғзи жилмаяди. Хурсанд, ахир кўпдан бери одамларни кўрмаган. Шунақанги нозик қизки, иккита бармоғинг билан синдириб ташлай оласан.

Йиғи эса тўлқин-тўлқин бўлиб ўрлайди:

– Кўзи чакноғимиз бизнинг, ҳимоячимиз. Худо ўзи кечирсин сени. Сен ҳам бизнинг гуноҳимиздан ўт.

Қиз эса таъзимга эгилиб, шодиёна товушда – барибир қандайдир интиҳо бўлади-ку:

– Афв эт, православ аҳли, афв эт, – деярди.

Аравани баланд, энсиз уй – қалъа суди ёнида тўхтатишди. Иринани аравадан тушириб, ичкарига олиб кириб кетишди.

Залда узун стол, суянчиксиз ўриндиқлар турар, сиёх тўлдирилган чарм сиёхдонлардан бадбўй ҳид тараларди. Деразадан ёруғлик кам тушаётгани учун учта шам ёқиб қўйилибди. Биридан пастак гумбазсимон шифтга қараб ингичка қора дуд чўзилади.

Бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Фақатгина ўнгдаги деворда оғир эшик бор. Бу кийноқхонага олиб боради. Стол ортида Друцкий, Деспот-Зенович ва иккита котиб. Яна магистрат маслаҳатчиси.

Бекам ўриндиққа ўтирди ва ранги ўчиб, санамдек қимирламасдан ўтираверди. Қовоқлари юмуқ. Баланд соч турмагида хорижий патлар қадалган мўйна қалпоқча.

Муҳокама қисқа бўлди. Айбларини ёзиб чиқишди, лекин деҳқонлар подшоҳига бўлган майлидан бошқасини топишмади. Шубҳа қилишга ҳеч бир асос йўқ, исёнкорлар билан ҳеч қандай мажлислар қурмаган. Ва Роман билан кўришишга уринишидан бошқа бадниятлари бўлишини тахмин қилишга ҳам асос йўқ эди.

Нима қилиш керак?

Друцкийнинг бетларидаги териси тишларига янада қаттиқроқ ёпишди.

– Дорга осишга сабаб йўқ. Бекорга кийнаш бефойда. Лекин қўйвориш ҳам хавфли... Қалъа зиндонига умрбод қамоққа. Ёки яхшиси – оловда қатл этиш. Собиқ нобилни жодулаб олди бу.

– Нега? – сўрайди Деспот-Зенович.

– Бу ерда жодусиз иш битмаган, – ачитиб гапиради Друцкий. – Галилея Канасида Парвардигор бунақа муҳаббатни дуо қилмаган¹.

Деспот эса жилмаяди:

– Муҳаббат... Бунинг нималигини тушунасанми? У ҳар хил бўлади, муҳаббат деганлари. Парвардигор берадими уни, иблис берадими, бари-

¹ **Галилея Канаси** (Кана Галилейская) – Библияда тилга олинган жой номи. Бу ерда никоҳ бозми бўлиб ўтган, шунда Исо Масиҳ ўзининг биринчи мўъжизасини кўрсатган, яъни сувни шаробга айлантирган.

бир ундан яхши нарса йўқ. – Ва маслаҳатчига ўгирилади: – Сенинг фикринг қандай?

– Қўйвориш, – дея хўрсилади у. – Ўша газандага бериш. Ракутовичлар авлоди Роман билан тугаб қоляпти. Яхшимас бу.

– Тушунарли, – дейди Деспот.

Шу пайт князь Друцкий ўрнидан сакраб турди – шифт бўйлаб соя бетокат югургилади.

– Қўйвориш? Бервориш? Жафокаш Кизгайла ўлими олдидан қандай қасам ичган эди? Савдойи қиз яқиндагина нима деб башорат қилган эди? Абадулабад исён қўпишини истайсанми, панлик тугаб кетишини истайсанми? Жодугарга ўлим!

Ирина унинг рўпарасида турар, порлоқ кўзлари билан унга тик қарар эди:

– Кўриниб турибди, севмагансан сен, князь. Юрагинг ўрнида шамнинг ёниқ қолдиғи. Қандай жодугарлик бўлсин? – Ва Деспотга: – Афсунлаганим йўқ уни. Агар сеҳрлаган бўлсам, кўзим билан, овозим билан, сўзим биландир, эҳтимол.

Пани Любка қизга қаради-ю, кўзларини ерга тикди. Деспот-Зенович судланувчига узоқ тикилди. Унинг юзи силлиқ, лекин беўхшов эди. Кўзлари эса ақлли, худди итникидай.

– Ўзинг айт, пан, қандай жодулай? Чўқинтирилганман ахир.

Пан маъюс жилмаяди:

– Нима билан жодулаганингни кўриб турибман. Кўриб турибман, қизим.

Ва кўзларини юмиб олди. Мен пан нимани ўйлаётганини деярли билиб турардим. У Варшавада яшаганини, ёшлик пайти ғўрлик қилиб севганини билардим. Бу нима билан тугаганини ҳам билардим.

Лекин у узоқ ўйланмади. Бирдан киприклари пирпираб, Друцкийга қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади:

– Муҳаббат қачон келай, деб сўрамайди. Сатир Герани севиб қолиши мумкин. Гера ҳам уни севиши мумкин, ҳатто чакмоқотар Зевсдан қўрқмай¹.

– Сен яхшироқ биласан, – заҳар сочди Друцкий.

Лекин Деспот қовоқларини очган эди.

– Сен нима дейсан, пани Любка?

– Ракутовични Кистенга сургун қилиб бўлмайдими?

Деспот кўзларини қисди. Бекамга ер остидан назар ташлади. Гўё кесгандек деди:

– Йўқ.

Любка бошини кўтарди, Иринага синчиклаб қаради. Ва хўрсинди:

– Унга беринглар... Нима ҳам қилардик...

– Башоратчининг сўзлари-чи? – тутокиб кетди Друцкий.

– Барибир беринглар.

¹ Бу ерда қадим юнон афсоналари қаҳрамонлари назарда тутилмоқда. Сатир – юнон афсоналарига кўра, маъбудларнинг энг пастки табақаси, ярми одам, ярми эчки. Гера – юнон афсонасига кўра, олий илоҳа, маъбудлар подшоҳи Зевснинг хотини, никоҳ ва туғруқ маъбудаси.

Друцкий фолиантни¹ итариб, оёқ остига тушириб юборди. Кейин ўрнидан турди. Боши шифтга етаёзди.

– Хўш, шунчалик яқдил бўлсангиз, берақолинг. Лекин менинг гапим шу: Могилёвда жодугарликка ўрин йўқ, панликка барҳам бериш – йўқ. Шунинг учун жаллод аввало унинг кўзига мил тортсин.

– Эҳ, Друцкий, Друцкий, – бошини чайқади Деспот-Зенович.

Ва Иринага қаради:

– Кўрдингми, қизгина, нимага келиб тўхтадик. Ўзинг нима дейсан?

Қиз бутун вужуди билан у томонга талпинди:

– Марҳаматли пан, у билан бўлсам бас.

– Ўйлаб кўр, – аста гапирди пан. – Шундоқ қўйворишимиз мумкин.

Боравер. Эркак зоти кўп-ку...

Тўсатдан қизнинг кўзлари аввалгидан ҳам кучлироқ порлади. Шунақанги майин, кулранг, таърифга сиғмас кўзлар...

– Майли кўр бўлсам. Усиз дунё қоронғи.

– Шундоқ де, – Деспот тескари ўгирилди. – Айтганинг бўлсин... Боравер.

Эшикда жаллод пайдо бўлди. Қиз унга пешвоз юрди, шошилиб, оёқ учларида учиб борди. Худди ҳавода сузаётгандек. Қадамини борган саяин илдамлатаверди. Остонада эса ўгирилиб, бизга қаради:

– Раҳмат ҳаммангизга. Энди у билан бирга бўламан. У билан бирга.

Оҳ, кўзлари, кўзлари! Кулранг, мовий учкун сачраган, киприклари майин кўзлар.

Мен негадир қадимий немис кўшиғини эсладим. Эсимдан чиққан эди, ҳозир эса эсладим:

Ҳаёт шундай дер экан:

“Меникидир бу дунё.

Кулдан гул унади, очади чирой,

Чиринди тупроқдан унади бугдой”.

Ҳаёт шундай дер экан:

“Меникидир бу дунё”.

Кейин оғир эшик унинг ортидан гумбурлаб ёпилди. Ўша ерда, эшик ортида аланга ловуллади.

Мен бунга чидаб, қаролмадим. Усти ёпиқ айвончага чиқиб, устун ортига ўтиб турдим. Одамлар аллақайдан хабар топишган эди. Ҳовлида турганлар, атрофни ўраганлар устидан ингрок судралиб ўтди. Ҳамма баланд айвончага, суднинг эшигига қарарди.

Яна бир жуфт кўз қараб турарди – катта, ёруғ, тушунарсиз кўзлар. Айвончанинг таккинасида қўриқчилар ўраб олган арава турарди. Каттакон, тобутга ўхшаган, олтига қирчанги от қўшилган, сомон тўшалган арава. Арава тубига устун маҳкамланган, унинг ёнида эса узун занжир билан устунга белидан боғлаб қўйилган одам турарди. Хурпайган сочлар, тик пешона, қатъий қимтилган қайғули лаблар. Энди ҳатто Романга ҳам қарамас эди оломон.

¹ Фолиант – жуда катта ва қалин китоб.

Мен айвончадан тушиб, дарвоза ёнига келдим. Қор босган бўғотлардан сув томар, сумалаклар осилиб турар, оёқлар остида топталган, гўнгдан сарғайган донатор қор ғирчилларди. Шуларнинг барига осмондан кумушранг, баҳорий шуъла ёғилардики, унинг ёруғлигидан кўзда оғриқ турарди. Қор босган томлар, қор босган, жануб томони эриган гумбазлар, томларнинг яшил тусда кўринаётган кулранг тахтачалари... Буларнинг бари устига шу қадар чуқур сукунат чўкканки, одамни даҳшат босади. Бирдан ҳамма жим бўлди. Одамлар ҳатто оғирлигини бир оёғидан иккинчисига ҳам ташламасди. Кутарди.

Мана, эшик ғижирлади. Секин-аста очилди. Эшикда Деспот-Зенович кўринди. Ортида эса – Ирина. Бир қўли билан Деспотнинг қўлидан ушлаган, иккинчи қўли эса ҳавони пайпаслаяпти. Уларнинг ортидан жаллод отилиб чиқди. Тўхтади.

Жаллод унга раҳм қилибди. Фақат кўзининг нуруни олибди, кўзининг ўзини ўймабди. Қиз келяпти-ю, юрган йўлида ухлаётганга ўхшайди: кўзлари юмуқ, майин киприклари туширилган. Деспот – унинг биринчи етакчиси.

Улар зинага яқинлашган ҳам эдиларки, жаллод изларидан бир неча қадам ташлаб, тиз чўкди.

– Афв эт мени, афв эт, – деб шивирлади қалин лаблари билан.

Қиз жаллодга бошингни кўтар, дея сўради. Кейин кафтини жаллоднинг жундек дағал сочлари устига қўйди.

– Фалак афв этади сени, фалак. Сен бизни яна топиштирдинг.

Эшикдан айвончага, нақшинкор панжаралар ёнига князь Друцкий чиқиб келди. Майдондаги воқеаларни томоша қилиб, истехзоли илжайди. Оломон бу истехзони кўриб, ғижинди. Шунақа одамлармиз биз: истехзо билан тупургандан кўра бошимизни узганлари яхши. Жаллод бўл, аммо дилингда ёвузлик сақлама.

Анави иккови эса ҳамон айвончадан тушиб келишарди. Оҳ, бу йўл узок, жуда узок эди! Қолган бутун умрдан қисқа эмас эди. Тушаётганларнинг орқасидан Друцкий кичкириб колди:

– Ол уни, Роман. Ўзинг юрган ноҳақликлар йўлига бошла бунни ҳам. Болалар туғдир, ярми қарол, ярми кувғинди бўлади улар.

Роман бунга жавобан жилмайди. Бу шундай табассум эдики, Друцкий занжирбанд бу одамни бадном қилолмади, уни ерга уролмади, аксинча, унинг дилида сабот уйғотди. Князь чидолмади, эшикни қарсиллатиб ёпиб, кириб кетди.

Зина. Зина. Яна зина. Мўйнадан баҳя тикилган оқ этикчалар пастга тушиб келяпти.

Каердадир олисда кўнғироқ бонг урди. Бонг сукунатга худди сувга тушган тошдек чўкди. Шу заҳоти қарғалар чарх уриб, қағиллай кетди, бўғотлардан худди қурум бўлакчалари кўчиб чиқиб, яна кўнгандек бўлди. Қиз фақат уларнинг қағиллашини эшита оларди. Аммо у қайишқоқ, оғир, нам шамол одамнинг кафти сингари юзидан итарганини сезди. Қиз мана шу шамол истикболига юриб келарди.

Деспот қизни арава ёнига етаклаб келди.

– Ол. Сенга, одам зотининг душманига бунақа қиз увол.

– Майли, – деди Роман. – Сен билан менга вақтнинг ўзи ҳукм чиқаради. Уни етаклаб келганинг учун сенинг кўп гуноҳларинг афв этилиб кетади, Зенович. Агар бу дунёда насиб қилмаган бўлса, сен кутган учрашувни Худо нариги дунёда насиб қилсин.

– Бу сўзларинг учун раҳмат сенга, – деди Деспот ва жим бўлди.

Яна қўнғироқнинг ғамгин бонги эшитилди. Романнинг сочлари дик-кайди, у қизга қараб талпинар, юзи эса шундай дард, шундай меҳр билан кўзёшларисиз йиғлардики, бунақа манзарани ер юзидан излаб топиш қийин эди.

Қўнғироқ бонг урди. Қиз аравадаги одамга қўлларини худди кўзга кўринмас қуёш нурларига чўзгандек чўзди:

– Роман!..

Кимнингдир қўллари унинг қўлтиғидан олиб, аравага чиқаришиб юборди. У ерда, юқорида эса қизни иккита чўлтоқ қўл интиқ иштиёк билан, меҳр билан, эҳтиётлаб ушлаб олди-да, кўксига босди.

Роман устунга куракларини тираб турар, қошлари қийшайиб кетган эди. Каттакон оғзи қизнинг сочларига тегиб турарди. Катта кўзларида шундай ифодалар бор эдики, Худо қарғаган, ёвуз, гуноҳкор ва муқаддас ер юзида буларни кўрмаган маъкул. Қиз бошини йигитнинг кўксига, уриб турган юраги устига қўйиб олган эди. Рангпар юзи, майин киприклари қуйи солинган. Худди бахтли туш кўраётган одамдай тинмай жилмаяди. Жангчининг юзи эса кўз ёшларисиз йиғлайди.

Мен қизнинг қанчалик нозик эканлигини кўриб, хайратда қолдим...

Одамлар эса жим туришарди.

...Нозиккина, нозик қиз.

Ёнгинамда юзини чандиқ босган қандайдир шляхтич – азада куладиганлар тоифасидан бўлган бир киши кўрслик билан деди:

– Нима қилади у қизни? Бу аблахнинг тагида отлар чидолмай қулайди. Ўзим кўрганман.

Мен шунча кундан бери жим эдим, чунки биламан: оғзимни очсам, ўкира бошлайман, бу ўкирик ҳеч қачон тўхтамайди... Лекин мен ортиқ жим туrolмасдим. Шляхтичга ўгирилиб, тишларимни қисганча дедим:

– Кишанни ҳурмат қил, аблах. Жим бўл, йўқса...

– Ҳўш? – сурлик билан сўради у.

– Йўқса ёмон бўлади. Ёнингда зодагон турганини кўрмаяпсанми? Овозингни ўчириб қўяман.

У жим бўлди. Бу яхши бўлди. Йўқса, иш қотиллик билан тугарди.

Қўнғироқнинг аста-секин урилган бонги қамчиннинг шувиллашини босиб кетди.

Қирчанғилар тиришиб қадам ташлади. Икки киши қапишиб турган устун одамларнинг бошлари узра сузиб кетди. Ракутович бошини кўтарди, тўсатдан кўзларида аллақандай оғир учкун йилтиллади. Бу ғазаб ўти эди. Кимга? У ҳатто жаллоддан ҳам ғазабланмаган эди-ку.

Мен у қараган томонга бошимни ўгирдим. Ёпиқ йўлакча устида, қалъанинг бурчагидаги дераза ортида бармоқлари билан нақшинкор пан-жараларни чангаллаб турган одамнинг буришган, кўрқинчли башарасини кўрдим. Ҳатто аҳмоқ ҳам унинг ингичка кўзларида ақл, Худо берган истеъдод, тийраклик борлигини сезган бўларди. Лекин мен унинг кўзларида яна ниманидир кўрдим. Бу ҳасад эди, иснод келтирувчи, тобутга ўхшаган аравада кетаётган инсонга нисбатан даҳшатли ҳасад.

Бу киши Сапега эди.

Тўсатдан бутун қалъа девори, ўтиш йўлаклари бўйлаб жангда эшитганда душманлар кўркадиган ёввойи, даҳшатли даражада кучли овоз таралди.

– Лев! Лев! – деб ўкирарди овоз.

Ўкираётган одамнинг пахмайган сочлари шамолда ҳилпираб, пешонасига тушарди. Унинг кийимлари йиртилган яланғоч кўксига эса кўзлари кўр гўзал бош эгилган эди.

– Лев, арслон эдинг, тулки бўлдинг! Агар бўрига айлансанг, итдек ўласан.

Деразадаги башара ғойиб бўлди. Унга энди фақат ўзини у ёқдан-бу ёққа отишу, ҳасад қилиш қолган эди, холос.

Арава тарақлади. Оломон араванинг икки томонига сўзсиз ажралди. Яланғоч бошлар устига кўнғироқнинг чидаб бўлмас сийрак жаранги йиқиларди. Шалоғи чиққан ғилдираклар эриб, сувга бўккан баҳор қорларига ўқигача ботиб қоларди.

Деярли йўл устида турган девона кўлини узатди, у титроқ бармоқлари билан ҳавони сўқир кишидай ушлаб кўрар, силар эди.

– Ўғлим... Ўғлим...

Кўрқинчли юз ва кўзлари кўр гўзал бош оломон устидан сузар, борган сари узоқлашиб борарди. Ақлсиз, рангини илғаб бўлмас кўзлар менинг юзларимга узоқ тикилди.

Яна кўнғироқ бонги таралди.

Арава узоқлашар, борган сари узоқлашар эди. Шамол эса пахмоқ сочларни ўйнатар, занжирбанд одамнинг юзларини, унинг бағридаги қизнинг кўр кўзларини силар эди.

Мен йиғлардим. Буни тан олишга уялмайман, кўз ёшларимдан ҳам уялмайман.

– Ё Парвардигор, шундай ўғилларни туғадиган ўлкага раҳминг келсин.

1961

ТАМОМ



Александр ЛЕВКОВСКИЙ

ИНСОН, УРУШ, МУҲАББАТ

Ҳикоя

Рус тилидан
Хушид ДЎСТМУҲАММАД
таржимаси

Ушбу ҳикояни АҚШда чиқадиган “Форум” газетасида ўқиб қолдим. Муаллифи номи бизнинг адабий доираларда нотаниш, эшитилмаган. Нью-Йоркда жойлашган газета таҳририяига қўнғироқ қилдим. Адабий нашрлар бўлими муҳаррири Мария хоним ҳикоя интернет саҳифаларидан олинганини, муаллифи ҳақида маълумот озлигини айтиш билан кифояланди. Александр Левковскийнинг ҳаёти ва ижодида тааллуқли мухтасар маълумот интернетдан топилди: у шўролар даврида Вильнюсда яшаган, илмий-оммабоп фильмлар киностудиясида бош муҳаррирлик қилган, бир муддат Исроилда яшагач, кейинроқ АҚШга кўчиб ўтган, айти пайтда Нью Жерси шаҳрида истиқомат қилади. Бир қатор китоблар чоп эттирган. Бир қадар оддий ва соддагина ўқиладиган ҳикоя замиридаги маънолар қатлами ўқувчини бефарқ қолдирмайди деб ўйлайман.

Таржимон

Ўн уч ёшимда фикри ҳаёлимни биргина мақсад эгаллаб олганди — афсонавий мактаб бўлса-да, у ерда фақат ва фақат адабиёт дарслари ўқитилса! Арифметика, физика, ботаника, зоологиянинг кераги йўқ! Алгебра, геометрия ва чет тилига тоби-тоқатим қолмаган! Кимёдан-ку, оғиз оча кўрманг! Кимга керак ўзи шу фан?! Оҳ-ҳо-ҳо-о, биринчи навбатдаги душманам — кимё. Болалик қалбингга мутлақо ўтиришмайдиган нарсани деб сўрасалар, мен ҳеч иккиланмай кимё дея ҳайқираман. Аҳвол шу даражага бориб етдики, бир-биридан кўрқинчли тушлар кўра бошладим, тушларимда аллақандай даҳшатли мавжудотлар кимё ўқитувчимизни эслатар, у кўз олдимга олтингутуртли азот ва тузли кислоталарни келтириб реакцияга кириштириш ҳақида, кимёвий моддаларнинг бирикиши ёки алмашиниши ҳақида ва албатта Менделеевдан мерос ёқимсиз жадвални кўрсатгани-кўрсатган эди...

Адабиётдан ташқари барча фанлардан баҳоларимни “уч”дан амалтақал қилиб “тўрт”га олиб чиқдим, лекин адабиёт, мен севган адабиётдан ҳамиша “5 +” олганман. Адабиётга бўлган ихлосим шу қадар кучайган-

дан-кучайдики, роман ёза бошлаганимни ўзим ҳам сезмай қолдим! Ўн уч ёшимда-я!.. Нима ҳақида дейсизми? Албатта севги ҳақида-да! Ўша ёшимга қадар Тургеневнинг севги-муҳаббат мавзуига бағишланган барча асарларини ўқийвериб сув қилиб ичиб юборгандим (“Ася”, “Биринчи муҳаббат” ва “Баҳор тошқинлари”), шунинг натижасида ҳар қандай севги-муҳаббат сир-асрорларига ақлим етадиган бўлиб улгургандим. Севги ҳақида ёзиш шу қадар осон ва ёқимли эди: масалан, қиз йигитни севади, йигит эса қизни хушламайди ва қиз бунга чидай олмай ўз жонига қасд қилади, вассалом! Қани, айтинг-чи, Тургеневнинг ёзганларидан қаери кам шундай асарнинг?.. Хуллас, мактабда ўқишни жиним суймаслиги шу даражага етдики, ўқув йили тугашига бир ҳафта қолганида дарсларга қатнашдан воз кечдим ва мактабга бормаи кўя қолдим.

Эрталабдан газниқоб ҳалтасидан ясалган портфелимни елкамга иламан, онам қолбаса ёхуд пишлоқ паррагини бир бурда нон орасига жойлаб бутерброд ҳозирлаб кўядилар – уни оламан, шоша-пиша нонушта қилган бўламан-да, мактабга жўнагандек уйдан чиқаман. Чиқаману Тошкентдаги 63-мактабимизга эмас, бошим оққан томонларга равона бўламан. Бошим қаёқларга оғарди? Албатта кинотеатрларда кундузги томошалар бошланишини кутиб туриб, чипта оламан-да...

* * *

Хуллас, июн ойи эди, саратон иссиғида Тошкентнинг марказий майдонига бориб қолибман. Қарасам, опера театри қурилишида асирга тушган немисларни ишлатишаётган экан... 1948 йил. Уруш уч йил муқаддам тугаган, лекин юз минглаб германия вермахти ва япон император армиясининг асирларига ватанларига қайтишларига ижозат берилмаганди. Улар тўрт йил давом этган уруш мобайнида ўзлари вайронага айлантирган жойларни қайта тиклаш ишларига маҳкум этилгандилар.

Тўғри, Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги опера театри биноси на немислар, на японлар томонидан вайрон қилинган, бироқ ўша пайтда ким ҳам бунга эътибор қаратарди дейсиз. Улар уруш йилларида “фрицлар” ва “макаки”лар деб ном орттирган, энди эса совет халқи олдидаги гуноҳларини ювиш учун бор куч-ғайратларини сафарбар этишга маҳкум эдилар. Олдиниға театр қурилишида кўпроқ захил юзли японлар ишларди, улар кунига ҳовлимизга келиб: “Қими-из!.. Ҳо-ой, хотиндла-ар!.. Биядан жангигина соғилган таза қими-из!” деб бўғилиб бақирадиган кекса қозоқ кишига ўхшаб кетишарди. Қурилиш майдонида ғимир-ғимирлаб ишлайдиган жуссаси митти японлар эътиборимни тортиб улгурган, уларга қизиқиб қолгандим. Илло немисларга – тирик фрицларга-я! – шу вақтгача бирор марта кўзим тушмаган, ваҳоланки, Тошкентдаги театр қурилишига немислар келтирилибди деган овозалар тарқаган эди яқинда.

Қадамимни секинлаштириб қурилиш майдонига яқинроқ бўлган йўлнинг нариги томонига ўтдим. Ахлату чиқиндилар сочилиб-уйилиб ётган йўлка бўйлаб борар эканман, устма-уст қалаштириб тахланган ғиштларга ўтириб олганча бир бурда нон билан нонушта қилаётган “фашист”ларга кўз қиримни ташлаб қўйдим. Уларни ҳеч ким

қўриқламаётган, яқин-атрофда елкасига “Дегтарёв” автоматини илган бирорта аскаримиз кўринмасди ҳам. Аслида, уларни қўриқлашнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Олмониядан минг чақирим олисдаги Тошкентдан қочиб кетиб бўлмаса...

– Болтакай! – тўсатдан қулоғимга бўғиқ товуш эшитилди. – Бярга ке...

Алангладим. Чакак-чакак бўлиб озиб кетган, бетини ажин босган қилтириқ немис қўлида тутиб турган ялтироқ ниманидир кўз-кўз қилиб мени ўзига чорлаётган эди. Мен иккиланиб-иккиланиб унга яқин бордим.

– Пийчақ керякми? – немис кулимсираб роса силлиқлаб ишланган қўлбола пичоқчани узатди. – Нонинг барму? Нон?

Нима қилишимни билмай дам немисга, дам у узатиб турган пичоқчага анграйиб қолдим... Унинг менга томон узатилган қўлидан узолмаётган кўз ўнгимда немис минаси портлаши натижасида мажруҳ бўлган отамнинг ўнг қўли пайдо бўлди.

Отам ўз қўли билан ясаган шиша ойна олдида туни билан ўтириб олиб омон қолган иккитагина бармоғи билан мижозларнинг суратларини бўйяб, уларга сайқал берарди. У фотосуратчи эди. Биз Дархон ариқ яқинидаги маҳаллада яшовчи кўп болали ўзбек аёли Халифа опоқининг икки хонали уйини ижрага олган, хоналарнинг бирини отам фотосуратлар чиқариш учун устахонага айлантирганди. Ҳатто отам у хона эшигининг пештоқига “Фото устахона” деган ёзув илиб қўйганди.

... 41-йилнинг июнига қадар биз Киевда яшардик. Уруш бошланиб қолди: отамни дарҳол фронтга олиб кетишди, мени эса онам билан лик тўла “теплушка” – одам ташишга мослаштирилган юк вагонига тикиб, шарққа эвакуация қилинаётган аҳолига қўшиб юборишди. Уч карра бомба остида қолдик. Ҳаво тревогаси эшитилган замони онам билан амалтақал теплушкадан чиқиб, унинг остига кириб олардик. Шпаллар узра юзтубан ётиб олганча ўламизми-қоламизми деган хаёлда нафасимизни ичимизга ютиб кутиб ётардик. Очик-яйдоқ ердагидан кўра, ҳар қалай, вагоннинг ости панароқ-да. Лекин Харьковга яқин жойда мен билан болалар боғчасида бирга тарбияланган Тамаралар оиласини вагоннинг остига яширинишганига қарамай немисларнинг фугас бомбаси уларнинг барчаларини бир лаҳзада нобуд қилган эди. Дастлаб биз Уфага келдик, ундан Чкаловга, сўнгра Қорақалпоғистонга бориб қолдик ва ниҳоят Тошкентга келиб тўхтадик. 45-йилнинг апрелида отам жароҳатланган аскар сифатида ҳарбий хизматдан озод этилди ва оиламиз кучоғига қайтиб келди...

* * *

...Немис пичоқчасини қўлимга олдим. Пичоқча шу қадар чиройли, шу қадар кўзни қамаштирадиган даражада ялтироқ эдики, азбаройи болалик қизиқишим дош беролмади ва онам сумкамга жойлаб қўйган бутербродни олиб, уни фригга узатдим.

– Шугина халасми? – сўради у ажабсиниб, кулимсираб. – Бошқа яқми?

– Йўқ, – дедим мен ҳамон пичоқчадан кўзимни узмай, уни сийпалаб кўяр эканман.

– Пул-чи? Пулинг барми? – деди немис. Мен яна сумкамни кавлаштиришга тушдим ва ғижимланиб кетган ўнта бир сўмликни узатдим. У пулни олди-да, қинғир-қийшиқ бармоқлари билан шошилмай санашга тушди.

– Эртага биир буханка нон киелтирсанг мен сенга чяқмактош бераман.

Онанг ошхонада гуйгурт изляб юрмайди, – шундай деб у онам нон ўраб берган газетани оча бошлади. – Ох, хо-хо! Колбасаям бар икан-ку!

Ичимдан қиринди ўтгандек бўлди. Ахир онам шугина ярим кило қайнатма колбаса ҳарид қилиш учун ярим кун навбатда турган, мен эса аллақандай фрицга ялтироқ пичоқча эвазига бериб юборяпман!

– Исминг нема? – сўради у.

– Виктор, – дедим мен.

– О, Виктор! – такрорлади немис. – “Ғолиб” дегани-да, маъноси! Сен, – у бармоғи билан кўкрагимга нуқди, – ғолибсан! Сен биз немислар устидан ғолиб чиқдинг!

– Сизнинг исмингиз нима?

– Рудольф. Руди десанг ҳам бўлаверади. Сиз сирашинг ҳам шарт эмас, тушундингми?.. Икковимиз бир-биримизни сенсирайвераимиз...

Эртасига онам яшириб қўйган нонлар орасидан қоп-қора, об-тобига етказилмай ёпилган нон ва бутербродни ўғирлаб олдим-да, уларни чакмоқтошга алмаштирдим. Эсимда, мен бу айирбошлашга фақат ҳеч бир ўртоғимда бўлмаган ажойиб чакмоқтошни қўлга киритиш мақсадидагина эмас, оч-наҳор немисга ачинганимдан кўнган эдим. Немис колбасанинг ҳар битта паррагини, онам қовуриб берган бақлажонни ҳидлаб-ҳидлаб, бармоқларини ялаб-юлқаб, кўзларини юмиб олиб очофатларча, заррача увок-ушоқни ерга туширмай, паққос туширди.

– Руди, – сўрадим ундан, – асл касбинг нима?

– Инженер, – деди у кавшанишдан тўхтамай, – инженер-кимёгар.

Кимёгар?! Уф-ф-ф!

– Биз немислар, – илова қилди у, – дунёда тенги йўқ кимёгарлармиз...

Кимёга қизиқасанми?

– Кўргани кўзим йўқ! – ҳайқириб юбордим жоним борица.

– Нега? Ниҳоятда ажойиб фан бу! Нимасини кўрарга кўзинг йўқ?

– Мутлақо ёқтирмайман!.. Шу фан туфайли кузги синовга қоладиганга ўхшаб турибман.

У колбаса парраги ўралган нон ўрамини очатуриб ўйланиб қолди.

– Бирга шуғуллансак нима дейсан? – сўради у тўсатдан нон орасидаги колбасага чанг солар экан. – Якшанба куни дарслигингни ола келсанг шуғулланишни бошлаймиз. Якшанба куни бизга дам беришади.

– Руди, рус тилини қаерда ўргангансан? – сўрадим мен.

У кўзларини чимирганча бошим устидан узоқ-узоқларга термилиб туриб қолди.

– Воркута кўмир конларида, – шивирлаб деди у. – 43-йилда асирга тушгандим, ўн йил беришган.

– Қандай айбинг учун?

У елкасини қисди.

– Ҳеч нарсадан ҳеч нарса... Немис бўлганим учун... Жонажон Германияни беш йилдан кейин, 53-йилдагина кўраман энди.

– Германиянинг қаерида яшагансан – Берлиндами?

У бош чайқади.

– Йўқ, Дрезденда.

– Дрезден чиройли шаҳарми?

У устма-уст тахланган ғиштлардан ясаган “курси”да ўтирганича кўзларини юмиб, бошини солинтириб, тебрана-тебрана сукутга кетди.

– Бир замонлар чиройли эди!.. Ҳозир Дрезден йўқ... Вайрон қилиб ташлашди... Бирорта уй-жой омон қолмади... Аҳолиси ҳам қирилиб кетди... Ўғлим бор эди – Вилли. Сен тенги, ҳаёт бўлганида ўн учга тўларди. Онаси билан бомбанинг остида қолиб кетишди... Сен, Виктор, менга ўғлим Виллини эслатяпсан, – деди у бирдан аянчли кулимсираб, – сочлари ҳам сеникига ўхшаб кетарди, кўзлари ҳам худди сеники сингари мовий эди, кулгичларини айтмайсанми...

Хуллас, ҳаётимда юз берган энг ғалати дўстлашув – ўзимдан йигирма етти ёш катта бўлган асирликдаги немис билан дўстлашувим шу тариқа бошланди.

* * *

Якшанба куни Олой бозорига ён дарвозасидан кираверишда учрашдик, баланд ўсган терак соясидаги ўриндикдан жой топдик. Бозор бозорда, рўзғор ташвишидаги уй бекалари борми, тарвуз сотаётган ўзбек деҳқонлар, қўлсиз-оёқсиз мажруҳлар, дайди ароқхўрлар, пичоқ чархловчи туркманлар, ямоқчилик орқасидан кун кўрадиган Бухоро жухудлари, гилам-шолчафуруш пирсиёнлар тўлиб-тошган...

Рудига икки бўлак бутерброд келтирдим.

У кимё дарслигимни қўлига олдию, дастлабки дарсимиз бошланди.

Аниқ эсимда, у шу қадар астойдил ва шиддат билан ўқитишга киришдики, унинг дарс ўтиш йўсини мактабимиздаги кимё ўқитувчисининг ўқитиш услубига мутлақо ўхшамасди. Руди қандайдир формулалар ва реакциялар ҳақида тушунчалар бериш билангина чекланиб қолмас, уларга қўшимча машҳур кимёгарларнинг ҳаётидан, улкан кашфиётлар тарихидан мисоллар келтирар... ирғиб ўрнидан туриб кетар, бошим тепасига энгашиб олганича азбаройи бўғилиб қичқиришдан тўхтатолмасди ўзини:

– Виктор, – қарийб хайкирди у, – сен жудаям ақлли боласан! Наҳотки тузнинг чўкиндилик хусусиятини билмасанг? Жудаям осон-ку, бу!.. Сен дангасасан! Сенга немисча интизом етишмаяпти, холос! Отанга айт, сени немисча интизомга одатлантирсин!

У мен ҳаётим мобайнида учратган тенги йўқ ва мактабимиздаги барча ўтакетган зерикарли дарслар ўтувчи ўқитувчиларимизнинг мутлақо тескариси бўлган муаллим эди...

Икки соатларда икковимиз ҳам толиқиб қолдик.

– Бугунча етар, – деди у. – Энди бир-икки сўм ишлаб топишимга тўғри келади.

Шундай деб у увадаси чиққан нимчаси қўйнидан пуфлаб чалинадиган гармонча чикарди. Ҳайрон бўлиб қолдим, у катта айвонли немис шапкасини оёғимизнинг остига тўнкариб қўйди-да, гармончани оғзига тутди. Ва чала бошлади. Одамлар мени ҳам тиланчига чиқармасинлар деган хавотирда ўзимни четга олдим. Шеригим ажойиб, ёқимли куй чаларди. Зумда атрофимизда мусиқа ихлосмандлари тўпланди. Шапкага пуллар ёғилди. Вальс, мазурка, фокстрот, ҳатто унутмаган бўлсам, мумтоз нағмалардан ҳам чалди... “Манчжурия тепаликларида” вальсини янаям берилиб ижро этди. Каттаю кичикка манзур бўладиган “Катюша”ни-ку, сайратиб юборди. Бироқ навбатда чала бошлаган куйи мутлақо кутилмаганди, мен ҳам билмаган-эшитмаган куйни шу қадар берилиб, шу қадар дардли ижро этдики! Дастлаб тўпланган мухлисларга қарата баланд овозда эълон қилди:

– Навбат “Лили-Марлен” дея номланган аскарлар қўшиғига!

* * *

...Кечга томон Олой бозоридан Пушкин кўчаси орқали қайтаётганимизда шу қўшиқнинг немисчасини оҳиста хиргойи қилиб куйлаб берди, шунда унинг кўзлари жикқа ёшга тўлганини кўрдим. Иосиф Бродский уни қуйидагича таржима қилган:

*Оқоларда қўрқувдан топмасам ўлим,
мерганлар биқинимдан очмасалар дарча
ўзим-да, асирга тушмасам магар
муҳаббатимиз яна
этажак давом
сен билан, Лили-Марлен,
сен билан, Лили-Марлен...*

* * *

Орадан бир ой ўтди. Якшанба куни қош қорайиб дарсларимиз тугач, қайтаётиб дилимни ёрдим:

– Руди, – дедим мен, – биласанми, мен роман ёзаяпман...

– Йўғ-е! – деб юборди у қулоғига ишонмагандай. – Зўр ёзувчи бўлиб кетарсан ҳали?! Бизларни Гётега, Хейнега ўхшаб!

– Билмасам, – дедим, онамнинг менинг ёзувчиликка ишқим тушгани устидан мазах қилишларига қўниқиб кетганимдан ўнғайсизланиб.

– Романинг нима тўғрисида? – худди таниқли ёзувчидан сўраётгандек ҳурмат бажо келтириб савол қотди Руди. Горький номидаги боғнинг овлоқ бир гўшасидаги ўриндиққа ёнма-ён ўтирдик.

– Нима десам экан, – ўйлаб олиб дедим мен. – Руди, воқеа Германияда, Лейпцигда бўлиб ўтади...

– Нега айнан Германияда? – ҳайрон бўлиб сўради у.

– Тургенев ёзган-ку, – дедим мен, – унинг учта лирик қиссасининг иккитаси муҳаббат мавзуйига бағишланган. Икковида ҳам воқеалар Германияда бўлиб ўтади.



– Ҳали муҳаббат мавзусида ёзпман дегин?! – ҳайратини яширмай сўради у. – Севги-муҳаббатни тушунаман деб ўйлайсанми?

Бу савол менга ёқмади. Бепарво қўл силтадим.

– Нимаси тушунарсиз? – дедим пинагимни бузмай. – Ҳаммаси оддий нарса.

– Ҳаммаси оддий нарса, – дея ғўлдиради у. – Йўқ, бу гапинг тўғри эмас, ҳаммаси оддий нарса деган гапингга қўшилолмаيمان... Энг мураккаб нарса бу! Қулоқ сол, бўлғуси Гёте, мен сенга укубату изтиробларга тўла муҳаббат ҳақида сўзлаб бераман – бу воқеа менинг Германиямда эмас, сенинг Воркутангда юз берган!.. 45-йили Воркута кўмир конида ишлаётиб зўриқиш оқибатида чуррам тушиб қолди. Қамокхона касалхонасига ётқизишди. Агар Лилия Мажвилайте деган ҳамшира бўлмаганида ўлигим чиқиши муқаррар эди ўша касалхонадан...

– Фамилияси ғалати экан – Мажвилайте!

– Литвалик, – тушунтиришга тутинди Руди. – 40-йиллари минглаб литваликлар шимолга ва Сибирь томонларга қўчирилган. Унга беш йил беришган экан; муддатини ўтаб бўлгач ҳам юртига жўнаб кетмаган, балки қамокхона касалхонасида эркин ҳамшира сифатида ишлаб қолган... Махбусларга ёрдам бериш ниятида кетмаган. Мен тамом ҳолдан тойганман, шу десанг, қирқ беш кило бўлиб қолганман... Лилия менинг тепамда

ўз фарзандини боққандек парвона бўлди. Ўз улушидаги сут билан боқди мени. Ғарбий украиналиклардан лаққа ёғ олиб келарди. Катта тоғорага солиб чўмилтирарди... Мен уни Лилия деб эмас; менинг Лили-Марленим деб чақирардим...

– Севиб қолганмидинг?

– Ҳа, – деди у. – У ҳам севиб қолганди мени... Қулоқ сол, – хайқириб юборди у тўсатдан, – менга қара, унга менинг номимдан хат ёзсанг-чи? Ўзим аллақачон ёзардим, лекин рус тилида ёзолмайман. У яшайдиган жойни айтаман. У сенга хатни талаб қилиб олинадиган почта бўлимга жўнатади.

– Нима деб ёзай?

– Менинг севгим-муҳаббатим ҳақида ёз, – кулимсиради у. – Севги ҳақида ёзиш жуда осон дединг-ку, ўзинг... Иложини топса, айт, бу ерга, Тошкентга келсин. Мен орзиқиб кутаётганимни ёз...

* * *

Олисидаги Лилияга дўстим Рудининг муҳаббати ҳақида ёзиш нақадар оғир кечди! Болалик таассуротларим асосида тўқима муҳаббат изтиробларини роман қилиш анчагина осон эди! Бу ўринда Руди ҳақ эди – чинакам муҳаббат жўн нарсаси эмас, у ҳақда ёзиш эса янаям мушкулроқ экан. Бироқ амалладим, севги мактубини битиб почта қутисига ташладим.

Эртаси куни фалокат юз берди – биз ижарада яшайдиган уй соҳибаси Халифа опоқи мени Олой бозорида немис одам билан юрганимни кўриб қолибди, кўрибди-ю оқизмай-томизмай ваҳима кўтариб онамга айтиб берибди!

– Ярамас! – деб бошлади онам кўз ёшларини тия олмай. – Ўша отинг ўчгур немислар Сёмани ўлдирдилар, сен эса ўша қотиллардан бири билан ўртоқлашиб юрибсан!

Онамнинг укаси Сёма 41-йили Житомир остонасида асирга тушганди.

Немисларга ёқмаган икки “жинояти” бор эди Сёманинг: биринчидан, яҳудий эди, иккинчидан комиссар бўлган. Уни етти юз нафар Қизил армия командир ва комиссарларига қўшиб, ўзларига хандақ кавлатиб, тиз чўктириб отиб ташлашган.

– Рая, – дея онамни юпантиришга уринди отам, – йиғидан нима фойда, қўй, энди.

Ваҳима қиладиган ҳеч нарсаси юз бергани йўқ. Биласан-ку, Витянинг кўнгли бўш, ҳар қандай бахтсиз, ҳимоясиз одамга ачинади, шу холос.

– Ҳеч қачон ачинмаслик керак! – ҳамон ўзини босолмай ғазабини сочишда давом этди онам. – Сёмани қандай ўлдиришган бўлса, уларнинг ўзларини ҳам шу кунга солиш керак!

– Мен уларни ўлдиришни истамайман, – деди отам. – Тўрт йил урушда юриб озмунчасини қириб ташладимми! – Бирдан отамнинг товуши бўғилиб чикди: – Қотиллар, қотиллар деб бақиришингни қара! 45-йилнинг апрелида Шарқий Пруссияга кириб борганимизда совет солдатлари

нималар қилганини биласанми?! Мемел деган жойда немис қишлоғида ҳеч зоғ қолмаган экан, қизиллар аллақаерлардан топиб-сургаб келтиришган йигирма-ўттизтача чол-кампири майдонга териб қўйишди-да, тиз чўктириб битта қўймай тарилатиб отиб ташлашди! Ўз кўзим билан кўрдим...

Отам менинг кўлимдан тутиб ҳовлига етаклаб чиқди-да, чўнтагидан 50 рубль чиқарди.

– Ма, – деди у, – немис ўртоғингга бер. Оти нима?

– Руди.

– Унга айт: “Руди, отам бериб юборди. У ҳам урушда аскар бўлган”, деб айт.

* * *

Орадан бир ярим ойлар ўтгач вокзалда ёшгина Лилия холам билан учрашдим. У келишиб олганимиздек, кўлида “Лилия” деб ёзилган картон қоғозни тутиб турган эди. Бир чеккага чиқдик, шундоққина унинг жомадони устига ўтириб суҳбатлашдик.

– Лилия хола, – деб гап бошладиму ўпкам тўлиб, ҳўнграб юбордим, – Рудольф амаки йўқ. Уни бошқа немисларга қўшиб олиб кетишди.

– Қаёққа?

– Киевга дейишди, стадион қурилишига.

У жим бўлиб бошим узра аллақанча вақтлардан буён сув тегмаган вокзалнинг ирkit ва хира ойналарига термилиб қолди.

Алҳол ўрнидан турди.

– Нима ҳам дердим, – деди у, – сенга раҳмат, Витя. Энди мен Киевга равона бўламан.

Шундай деб у эски жомадонини кўтариб аллақанча одамлар ўралашиб турган чиптахона томон юрди.

– Сенга хат ёзаман! – деб бақирди у орқасига ўгирилиб...

* * *

У бошқа хат ёзмади. Мабодо жўнатган бўлса, менга етиб келмади...

Орадан кўп йиллар ўтди. Болаликдаги дўстим Рудини, унинг литвалик дугонаси Лили-Марленни излаб аввал Германияни, сўнгра Литвани кезиб чиқдим. Бироқ Дрездендан ҳам, Мюнхендан, Берлиндан ҳам Рудольф Хольцманн исм-шарифли инсонни тополмадим.

На Вильнюсдан, на Каунасан, на Клайпеддан Лилия Мажвилайте исмли аёлни топдим. Улар дом-дараксиз кетдилар, назаримда улар ҳаётда бўлмагандек, бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳамма-ҳаммаси – Тошкент ҳам, Олой бозори ҳам, опера театри қурилишидаги немислар ҳам, Лилия билан вокзалда кўришганимиз ва Руди билан кимё фанидан ўтган дарсларимизни гўё тушимда кўргандекман. Рудининг пуфлаб чаладиган гармончасидан Лили-Марленга бағишланган оғир, маъюс нола таралгани ҳам ҳушда эмас, тушда юз бергандек эди...

Манба: “Форум” газетаси. 2018 йил, 12–18 июл

МУМТОЗ ТУРК ШЕЪРИЯТИДАН

Султон Сулаймон МУҲИББИ

(1495–1560)

Турк тилидан
Эрпўлат БАХТ
таржимаси

* * *

*Рухсори шамъин юзина арз айлади жононалар,
Қўй, туташсин жону дил, шамга муштоқ парвоналар.*

*Чаими пурхунни қўлга ханжар олгондан, дўстлар,
Қасди будур: бағрим ичра қоним ичуб қоналар.*

*Мурғи дил сайдина олмишдур сари зулфунг тузоғ,
Қоп-қора холи анинг ичинда тўкмиш доналар.*

*Гул юзунинг олдинда, десам, қамар, маъзур тур,
Гоҳ ўлур айлар такаллум, аблаҳу девоналар.*

*Истар эсанг дарднишин, тўк аччиқ ёшлар, эй кўнгул,
Қаъри дарёда, Муҳибби, билунур дурдоналар.*

* * *

*Бир сенигдайин рухсори гул ёр қўлга кирмас,
Бир менигдайин булбули гулзор қўлга кирмас.*

*Бир менигдайин йўлинда тарк айлаган жонни,
Бир сенигдайин дилбари айёр қўлга кирмас.*

*Бир сенигдайин борми табиби дилу жон, оҳ,
Бир менигдайин дард ила бемор қўлга кирмас.*

*Бир менигдайин борми ичар жоми муҳаббат,
Бир сенигдайин кўзлари хумор қўлга кирмас.*

*Бир сенигдайин борми сотар васл матоҳин,
Бир менигдайин анга харидор қўлга кирмас.*

*Бир менигдайин дарди дили бечора Муҳибби,
Бир сенигдайин ёри жафокор қўлга кирмас.*

* * *

*Жабри чўх пуржафони ким севмас?!
Меҳри йўқ бевафони ким севмас?!
Тўтиёдур кўзумга хокипойи,
Гул учун тўтиёни ким севмас?!
Кўринур зулф ичинда орази ёр,
Шаби тор ичра ойни ким севмас?!
Майл этар кўз ёшига сарв киби,
Бу жаҳон ичра майни ким севмас?!
Соя солса, гадони шоҳ айлар,
Мисли зулфи ҳумони ким севмас?!
Кечалар бу Муҳибби булбулвор
Ингранар, оҳу войни ким севмас?!
Ҳамдулллаҳ, Муҳаммад умматимиз,
Жон ила Мустафони ким севмас?!
* * *
Бир парипайкар малакрухсора тушиди кўнглимиз,
Оҳким, кундан-кунга овора тушиди кўнглимиз.
Кўзлари ханжар чекиб қонлар тўкса, гар ғам эмас,
Лаблари жонлар бағишлар ёра тушиди кўнглимиз.
Дўстлар, мавжси бало офат эмас бундан бери,
Баҳри ишққа, лужжаи афкора тушиди кўнглимиз.
Базми ҳуснинда кўруб шамъи жамолин дилбари,
Ёнмоға парвонави ул нора тушиди кўнглимиз.
Чора йўқ бундан бери, дил дардига ўлмас даво,
Эй Муҳибби, ул кўзи маккора тушиди кўнглимиз.
* * *
Оҳим – аждар кўринур, бу сийна зоридур денгиз,
Ҳар ёнаким сочилур, оздур шароридур денгиз.*

Кўринган бошум эмас, балки бало кўҳсоридур,
Икки кўзим қайнаюб оқар, каноридур денгиз.

Бир назар-ла сийнаси, бағрин тилган ошиқларнинг
Шул камонабрў гўзалнинг гамзакоридур денгиз.

Тикса қабрим узра давронлар маломат тошини,
Кўрубон бир ошиқи шайдо мозоридур денгиз.

Инграсун булбул киби, қилсун Муҳибби нолалар,
Хусни ёрнинг гулиани тоза баҳоридур денгиз.

* * *

Ҳар қачон ўлса ҳавас бошида, дилу жон ухламас,
Кеча сайёра кезар, дийдаи гирён ухламас.

Ухламаса не ажаб, сийнаси пуротани бўлган,
Нечукким, субҳидайин шамъи шабистон ухламас.

Шоналар кўрсам агар зулфини, уйқум қочадур,
Бу масалдур: ўлажаск киши паришон – ухламас.

Фитна таълимун этар кўзлар Нуҳ гамзаларин,
Кўп замондур кўрурам, ул кўзи фаттон ухламас.

Орттирур ноласини кўрса, Муҳибби, руҳини,
Фасли гулда, нетакким, мурғи хушалхон ухламас.

* * *

Кўҳи гамда ҳушу йўқ кўнглум ажаб шайдо эмиш,
Кўҳкан анинг қатида ақл ила доно эмиш.

Истадум девона кўнглум ҳолини билмак яна,
Билолмадум, ул жунун дастинда нопайдо эмиш.

Дедим: истар бўсангни, ол жоними, анга эваз,
Ҳосили йўқ, деди, бошинда бу бир савдо эмиш.

Кун юзунги зоҳиди кўз кўруб, инкор этар,
Эй Муҳибби, гам ема, ул чунки нобино эмиш.

* * *

Машварат этмага келса бир ерга ул икки қош,
Моҳрўйлар ҳар тарафдан эгадирлар анга бош.

Доглар кийдирди манга, дўстлар, бир шоҳ кўйлак,
Ашки чашим тўлишида киймишам рангин қумаш.

*Кўйина дорушиишо дерлар ё нечун, дўстим,
Неча йиллардирки анда қолмишам соҳибфарош.*

*Кун юзун кўрмак тиларсам, соям ортимча келур,
Менга лозим бўлди дўниб, этсам анинг-ла саваш.*

*Кетди сабру ақлу фикрим бир дағи кирмас қўлга,
Эй Муҳибби, кўрмасайдим ул бемехрни кош.*

* * *

*Неча дамлар инграбон най каби қилдим мен нафас,
Ҳамдулиллаҳим, висоли ёрга бўлдум дастҳавас.*

*Нақадар фарёд этса-да менгзамас фарёдима,
Олмагай бу ноламга бир пардада най ҳам нафас.*

*Мисри ҳуснунг ҳаққи чун шул турли тўкдим кўз ёши,
Кўзларим бўлди бири Нилу, бири жўйи Арас.*

*Зоҳидо, сув узра солсанг гар бу кун сажжодани,
Ринд бўлгонлар десалар сенга ниҳоят хору хас.*

*Нола қилма кўнглунга келса хаёли чашми ёр,
Қайда бемор бўлса этма, Муҳибби, анда сас.*

* * *

*Лаъли нобинг фикри қилди бағримни қон оқибат,
Оқмоқ ила кўздан ул қон бўлди уммон оқибат.*

*Зоҳир этди кўйи шиқ ичра жунунум оламга,
Нақш бўлган санги жафодан жисми урён оқибат.*

*Фикратинг берди халал гарчи бу дил бунёдига,
Лашқари ғам келди, этди жумла вайрон оқибат.*

*Кимки васл истаса, дилбар деди, этсин тарки жон,
Ҳамдулиллаҳим, бу душвор бўлди осон оқибат.*

*Жоми жам сун, соқие, бир дам ганиматдур ҳаёт,
Чун ичар жоми мамотни жумла инсон оқибат.*

*Журъаи шиқни, Муҳибби, чун азал нўш айлади,
Бўлмасайди охир ул расвойи даврон оқибат.*

Зеус ҚАБАДАЙИ

МЕНИ ТАШЛАБ КЕТДИНГ

*Турк тилидан
Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ
таржимаси*

БИР КУНИ АЛБАТТА ИШҚ ҒОЛИБ БЎЛАР¹

Бир куни ўзингни ҳеч ким сени севмайдигандай ҳис қиласан. Ана шундай кунлардан бирида... Сен ҳеч “Мени нега севмадинг?” деб сўрадингми? Мен сўрадим, у жавоб бермади. Жавобини ўзим билар эдим.

Мен севиш мумкин бўлган одам эмасман: ичкилик ичаман, тамаки чекам, бир вақтлар қилган ёмонликларимдан афсусланаман. Мени ким ҳам севарди? Сен севармидинг?

Бир куни қилмишларим сабабли ўзимни ўзим севмай қўяман. Шундай экан, у мени қандай севсин?

Баъзан ўйлаб қоламан: қанча ёмонликлар қилдинг, зарарлар бердинг, йиқдинг, парчаладинг! Энди биров чиқиб, “Сени севаман” деса, унда нима қиласан? Бунга ишона оласанми?

Миллионлаб одамлар орасидан кимдир мени севиб қолса... Ҳаяжондан ўлиб қолсам керак.

Чунки ҳақиқатан ҳам кимдир мени севса ва мен ҳам уни севиб қолсам, ахир ўйласанг-чи, бунинг номи ишқ, ёлғон аралашмаган, том маънодаги покиза ишқ бўлади...

Барчадан, ҳамма нарсадан узоқда ишққа ғарқ бўлишни жуда хоҳлар эдим. Шундай бир кишини кўз олдингга келтир: у сени севади, сенга ёлғон сўзламайди, алдамайди унга кўзинг тушгандаёқ “Худди мана шу!” дейсан... Одамлар бир табассум туфайли ошиқ бўларкан, менинг бутун борлигим билан севишим хийла мушкул. Агар абадийлик дегани бор бўлса, у шунчаки яшашга эмас, ўлганга қадар севишга оид бўлмоғи даркор. Мен уни абадий севишим, у ҳам мени абадий севиши керак. Тошжорак одамлар бекати сингари... Биров келиб бекатда кутади, ниҳоят автобус келиб, уни олиб кетади. Борган жойида ҳам ўзи хоҳлаган ҳаётга эришади, ҳузур-ҳаловат топади. Мен шундай бўлишни жуда хоҳлайман.

¹ Давоми. Бошланиши аввалги сонда.

Қўлларимни кўкка узатаман, қўлларим булутларни йиртади. Ҳаммаёқ шунақа бир толесизлик, зулмат ичидаки... Бир куни кимдир келармикан? Бу – номаълум. Лекин мен ишқ изтиробини ҳам севаман. Бироз жанжалкаш ҳам бўлиши керак, уни кўрдим дегунча, титрашим даркор. Масалан, олдимга чойимни опкелиб қўйиши, икковимиз чой ичиб, жим ўтиришимиз лозим. Бир нигоҳи билан мени ерга киргизиб юборгудай бўлса ҳам уни барибир севишим керак.

Мени севадими-йўқми, билмайман. Бу шунчаки хомхаёл...

Ўзимни қўлга олишим хийла мушкул, аммо имконсиз эмас. Имконсиз деган гап менга ярашмайди. Шу чокқача қанча орзу қилган бўлсам, ҳаммасига эришдим. Бирортасига эришмай қолмадим.

Севги борасида ҳам ўзимни жиловлаганим йўқ. Барча севгидан қочган, ҳеч ким мени севмаган бўлса-да, қайсарлик билан севдим. Ўжарларча ошиқ бўлдим. Боз устига ҳечам ранжиганим йўқ, ранжимайман ҳам...

Ишқ – ўзингни ҳурмат қилиш деганидир. Мен ўзимни жуда ҳурмат қиламан. Бир куни менга кимдир кутилмаган ҳадя келтиришидан умидворман. Сен умид қилмайсанми? Бир куни зулмат қаърида қолишинг мумкин-ку. Бу зулматни бир куни нур ёритади-ю, сен “Шу кунгача бу зулматда нима қилдим?” дея ўкинасан.

Кейин бўлса, бу зулматни ёритган киши сенинг юзларингни кафтлари орасига олади ва: “Сени севаман!” дейди.

Ўша кун, албатта, келади, қалбимда севги алангаланаяди.

Маъқулми?

Маъқул...

Сен боис қалбим зулматда қолди, лекин бу зулматдан қутуламан.

Сени ранжитишиганда, майли, азоб торт, лекин бир нарсани – ўзингни ҳурмат қилишинг кераклигини асло унутма.

ПУЛНИНГ ЎЗИГИНА ҲАЛОВАТ КЕЛТИРМАЙДИ

Мен бир умрга “акам” дейдиган бир киши билан танишган эдим. У бадавлат, кўркем, маданиятли одам эди. Шу акам ошиқ бўлиб қолди. Биласизми, шунда нимани билдим: пул ҳеч нарса эмас экан! Қанча кўп бўлса бўлавермайдими...

Сиз ҳамма нарсани харид қила олишингиз, нени кўрсангиз сизники бўлиши мумкинлигини бир ўйлаб кўринг. Ҳа, ҳар нарса... Бу акамиз ҳам умри бўйи истаган нарсасини сотиб олди, аммо яхши кўрган қизи уни севмади. Ҳар кун бир-биримизга кўнғироқ қиламиз, бир-икки оғиз суҳбатлашамиз, охирида эса, “Энди биз янада кучлимиз” деб қўямиз.

Ҳаётда ҳамма нарсани сотиб олиб бўлмайди. Масалан, мен не қилсам-да, онамни тирилтира олмайман. Миллиард, триллион доллар берсангиз ҳам, паймона тўлган бўлса, қўлингиздан ҳеч нарса келмайди. Ҳаётда кўп нарсани сотиб олишингиз мумкин, лекин бахтни сотиб ололмайсиз. Тасаввур қилинг, ҳашаматли уйингиз, машинангиз, ҳовузингиз, боғингиз, хизматкорларингиз бор. Лекин бу уйда ёппа-ёлғизсиз, кеч тушганда “Яхши ётиб туринг” дейдиган бирон яқинингиз йўқ, бунақа пулга лаънат бўлсин!

Дўстни пулга сотиб олиш мумкинми? Мумкин.

Дўст сотиб олинадими? Олинади.

Севги сотиб олинадими? Олинади.

Аммо буларнинг ҳаммаси пуч, сохта, сароб эканини билиб турасан.

Уларни сотиб олганингни биласан.

Сени ҳеч ким юракдан яхши кўрмаса, яшашдан не маъно?

Ичаётган чойинг бемаза бўлса, уни ичишдан нима наф бор?

Бирор гўзал манзарани, жиллақурса, бирор яқининг билан томоша қилолмасанг, томоша қилишнинг не маъноси бор?

Менга қолса, ҳаёт баҳам кўриш билан гўзал. Ўрганганларинг ва ўргатганларинг билан гўзал. Бу ерга нега келганимни биласанми? Бугун акам билан суҳбатлашар экан, бундай деб сўрадим: “Ака, кўп пул одамни бахтли қиладими?” У кулимсираб “Йўқ” деди.

Ҳаётда ҳамма нарсани сотиб олишинг мумкин, лекин бахтни сотиб ололмайсан.

Мен ўша вақтда қарз олишни ўйлаётган эдим. Шунинг билан, ҳаётда ҳар нарсанинг ўлчови бор, кимнингдир дастидароз, кўкларда парвоз қилади, кимнингдир қўли калта, бир бурда нонга зор.

Мен кўп курашдим, кўп тиришдим, неча бор ранжитилдим, қанча кучли кишиларни ҳам кўрдим.

Бахт дегани қушга ўхшайди, учади кетади, тутолмайсан.

Буни менга ўргатганинг учун сенга катта раҳмат, ака...

РОЗИ ЭМАСМАН

Мен ҳеч кимни қарғамаганман, лекин сени қарғадим. Чунки мени ташлаб кетар экан, бутун меҳнатимнинг ярмини олиб кетдинг... Қўлимда моддий ва маънавий неки бўлса, ярмини сенга бердим, фақат кет, мени тинч қўй дея...

Сезяпман, алмойи-алжойи баҳоналаринг бор. Келиб менга айтганингда, “Марҳамат қилиб, буларни менга сўзлаб ўтирма!” дейман. Сендан шу қадар нафратланганманки, ҳатто исмингни эшитишни ҳам хоҳламайман. Ҳатто, кўчада кетаркан, бирорта дўкон устида сенинг исминг ёхуд фамилиянг ёзилган бўлиб чиқсами... Ўшанақа жойлардан, ҳатто, савдо ҳам қилмайман.

Меникидан ҳамма нарсангни олиб кетдинг. Бахтли бўлсанг керак, дея умид қиламан. Кимгадир бу ҳақда гапириб қолсанг, “Нақадар сабрли экансан. Ўрнингда мен бўлганимда бошқача бўларди”, дейишади.

Нима қилай? Нима ҳам қилишим мумкин? Тўғрироғи, нима ҳам қила олардим?

Сени ҳақиқатан ҳам жуда яхши кўрдим. Аввалбошданоқ бениҳоя севдим. Ёнингда ҳеч ким бўлмаган вақтларда ҳам мен доим бор эдим.

Хўш, сен нима қилдинг?

Айт, менга буни қандай раво кўрдинг? Умрингда ҳеч ким сенга шундай муносабат қилмаса-да, менинг умримни хазон қилишга нега бунчалар уриндинг? Мендан айрилиб кетганингга қарамай, орқамдан ёмонлашни тўхтатмадинг. Майли, лекин жуда бўлмаса, ёлғон гапларни

гапирма! Сенинг ёлғонларинг сабаб дўсту ёронларим менга душман бўлди. Мен нима деганимни биласанми? Менга қорангни кўрсатмасанг, ёнимга йўламасанг, учрашмасанг бўлди, дедим, “У нима деса тўғри, мендан узоқ туринг”, дедим.

Менга ишонганлар мен томонда қолди, сенга ишонганлар сен томонда турди. Лекин сенга ишонганлар ҳам менинг дўстларим эди. Лекин, барибир, сенга ишондилар.

Майли...

Нима бўлган бўлса ортда қолди, улардан ҳам розиман.

Биласанми, сен илк танишган кунларимиздагидек қолганингда эди, ҳозир ҳеч нарсага парво ҳам қилмаган бўлардим.

Сен менга кўп озор етказдинг. Сен билан нонимни баҳам кўрган, умр йўлдошинг бўлган эдим.

Севгили, завжа, ота бўлган эдим.

Мендан розимисан-йўқми, билмайман.

Мен рози эмасман...

Чунки, ишонавер, сен мени шунчалар ранжитдингки... Йил давомида ҳеч кимга ишона олмадим. Ҳатто отамга ҳам.

Дилимни вайрон қилиб кетганинг сени бахтиёр қилдим, йўқми – энди менга фарқи йўқ.

Аммо билиб қўйки, сендан рози эмасман!

ОДАМ БЎЛИШНИНГ ҚАДРИНИ БИЛ

Айрилиш қанчалик осон-а, тамом, бўлди, дейсан-да, кетаверасан, шундай эмасми? Орқангда нима қолди, бирон фалокат бўлдим, кимдир ранжидими, йиғладими – сенга қизиғи йўқ. Ўйлаб ҳам ўтирмайсан, тамом, дейсан ва кетасан... Хўш, шунча ой бирга яшаганинг қаерда қолди? Ҳатто, бир йил! Ўзингни роса севдириб, кейин ташлаб кетишимди ниятинг?

Ўкситишни жойига қўйдинг! Шуми қўлингдан келгани?

Гўзаллик яратиш ўрнига нега чиркинликни яхши кўрасан?

Ҳозир бир гап айтаман, хафа бўлма: ташлаб кетганимдан кейин қаттиқ ранжийди, ўзини еб тамом қилади, деб ўйлаганмидинг? Айтайлик, телефонимнинг янги модели чиқди, сенингча, эскисини отиб юборайми?

Ҳеч кимнинг ўрни бўш қолмайди. Биз фақат сиздайлар учун эмас, биргаликда яшаган гўзал кунлар ҳаққи-ҳурмати хафа бўламиз. Бошқаларни билмайман-у, мен шунақаман. Мени кучганларингни, бирга кезган жойларимизни, томоша қилган фильмларимизни эслаб эзиламан.

Мени тарк қилганларнинг биронтаси шу кунгача мени йиқолмади, йиқа олмайди ҳам. Ташлаб кетиш билан мени ҳеч ким қайта тарбия қила олмайди. Чунки бир марта “тамом” дедимми, тамом-вассалом! Лекин мен учун мана шу “тамом” деган калимани айтиш шунчалар мушкулки, буни тушунтира олмайман.

Рўпарамдаги кишининг ҳар нарсасини: очми, тўқми, яхшими, ёмонми, оиласи, яқинлари, ҳатто оғайниларининг оғайнилари ким, қандай – буларнинг ҳаммаси ҳақида ўйлайман. Мен бирортасини севсам, уни севиш билангина чегараланмайман, унинг оламини, муҳитини ҳам

севаман. Лекин мен “тамом, битди” десам борми, осмон ағдарилиб тушса ҳам, унга қайта яқинлашмайман.

Одам севган кишилари қадрини қачон билади? Биз қай маҳал ҳузур-ҳаловат ва шод-хуррамлик ичида бўламиз, энг муҳими – хотиржам ҳолда роҳат қилиб ухлай оламиз? Ҳеч қачон, деб ўйлайман... Чунки қачон орқага ўгирилсам, орқадан зарба ейман. Қачон қайрилиб қарасам, ортимда севган кишим бўлмайди. Бу осон эканми? Садоқатсиз киши ишига, ўзига, оиласига – ҳеч нарсага садоқатли бўлмайди... Ҳар ким ташлаб кетавериши мумкин.

Бу одамлар қачон бунчалик ғаддор бўлди? Қачон манфаатини деб севган ҳар нарсасидан воз кечди?

Одам ҳар нарсадан воз кечиши мумкин, аммо ўзлигидан воз кечмаслиги даркор... Баъзи бировлар ўз манфаатини деб ғурурини поймол қиладиган, имкон бўлса, бутун дунёни сотадиган ҳолга тушдилар.

Ҳаёт бунақа сип-силлиқ бўлмаслиги керак, севги бунақа осон оёқ-ости қилинмаслиги даркор.

Ҳар нарсани оёқости қилиш даражасига бордингми, демак, одам эмассан.

Ўзингдан қуйидагиларни севишинг, асрашинг, бирга фильм томоша қилиб, шеър ўқишинг, уларга илтифот кўрсатишинг керак, шундан кейин ўлсанг ҳам майли.

Одам бўлиш аслида ҳам унчалик қийин эмас.

Лекин қийин экан, уддасидан чиқолмасанг, қийин экан.

Одам бўлишингни кутганим учун узр сўрайман.

Мана энди кетишинг, ўз манфаатингни деб, одамийликдан воз кечишинг мумкин.

Одам бўлмаганларни эсингиздан чиқаринг. Истасангиз, дарахтлар, булутлар билан сўзлашинг, улар сизни манфаати деб ярим йўлда ташлаб кетмайдилар. Аксинча, булутлар, дарахтлар бошингиз устида соя бўлади, ўзинг эса, одам эканингдан қувоонасан, яшарасан, гуллайсан...

Одам бўлишни қадрла...

ШУНДАЙ ҚИЛГАНИМ ЯХШИ БЎЛГАН ЭКАН

Бувим: “Тоғдай бўл, кимсага бўйин эгма, ҳеч кимнинг олдида тили қисик бўлма” – дер эди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Умрим давомида кимки мени эзишга ҳаракат қилса, олдида эгилмадим, ғоз турдим. Ҳеч кимнинг олдида тилим қисик бўлмади. Ҳаёт шунақа: сени навниҳолдай эгишга уринадилар, аммо сен не бўлса ҳам эгилмаслигинг даркор. Эгилсанг, синдирадилар.

Лекин сенга ниҳол бўл, демайман.

Сенга чинор бўл, дейман! Чунки ҳаётда мени ниҳолдай эгишга уринганларга кўп дуч келдим.

Мен кўп жафолар чекдим, пешонам деворларга урилди. Инсонда, энг аввало, оила бўлиши керак. Агар оиласиз, ёлғиз бўлсанг, чинор бўлишинг керак.

Одамлар сенинг соянгда ҳузур қилишади.

Мен чинор бўлишни танладим; ким ёнимга келса, кучоқ очдим. Кучдим, далда бердим, бу қўлингдан келади, дедим.

Менимча, буни сен ҳам қилишинг мумкин. Балки бир куни келиб, соянгда ўтирарман. Нима дейсан?

Балки елкангга бош қўйиб йиғларман. Бу дунёда кимгадир елка тутмоқ қанчалик қийин эканини биласанми?

Ҳамманинг ўзига яраша дарди бор. Ҳаммага ҳам қийин. Ҳар қандай киши ҳам ёлғизликни ҳис этади. Шунда сен кучли елкадош бўлиб, “Кел, мен ёнингдаман” дейсан. Бу осон эмас, жуда қийин... Лекин ўзингни қўлга олишни билишинг керак. Ёз келадими, қиш ўтадими, фарқи йўқ. Кучли бўлишга мажбурсан.

Бир куни япроқларинг тўкилиши, тананг қорайиши мумкин. Аммо баҳор яна қайтади, унутма!

Ҳар бир одам ҳаётида қиш бўлгани каби, баҳор ҳам, албатта, бор. Фурсат етиб, сен гуллайсан, япроқ чиқарасан, яшилликка бурканасан, атрофдагиларни масъуд қиласан. Ана шунда масъуд бўлган кишилар соянгда ором олади. Сен ҳам уларнинг кўзига тикилиб, “Бу ҳам ўтиб кетади, – дейсан-да, қўшимча қиласан: – ташвишланма, ўтиб кетади... Қўрқма! Ҳаммаси изига тушади”.

Ҳозир мен сенга шундай демоқдаман. Одамлар сени хафа қилишлари, ўкситишлари ва ёлғиз ташлаб кетишлари мумкин. Хавотирланма, азизим, ўтиб кетади.

Ўша гўзал кунлар яна келади!

Шуни ҳам асло эсдан чиқармаки, у сени севади.

Ҳаётдаги мушкулотлар учун эзилиб ўтирма, арзимаиди... Севсанг-да дилингни очишни сўйламоқ истасанг, сўйла!

Ичингда қолиб кетганидан кўра, эшитсин у! Югурмоқ хоҳласанг, югур, сўзлагинг келмаса сукут сақла. Бу ҳаёт сеники, роҳатланиб яша. Ким нима деса, деяверсин, парво қилма. Биров бир гап айтса, нима бўпти, қандай фарқи бор? Шуни деб, енгилиб ўтирасанми?!

Жирканч душанбаларнинг сўнгги йўқ – жим ўтирадиган кунларинг кўп бўлади. Бир куни эрталаб кўзгуга қараганингда, юзингдаги ажинларнинг ҳар бирида бир ҳикоя, бир севги кўрасан.

Алданишлар, тарк этилишларни билдирувчи ажинлар кўпроқ бўлади. Лекин ўзингга ўзинг: “Ўтиб кетади, бу ҳам ўтиб кетади!” дея олишинг керак.

Ҳаёт доимо ўзгариб туради, ҳеч бир нарса олдингидай бўлмайди. Тонг отганида “Ҳар бир кеча ортидан кундуз келади”, дейсан. Кунлар кунларни қувиб ўтаверади, энг охирида ўзингга ўзинг бундай дейсан: “Шундай қилганим яхши бўлган экан. Яхшиямки, севишимни айтган эканман, яхшиямки хатолар қилган эканман...”

Сени сен қилган нарсалар ана шулар, бошқаси эмас. Сен ўз-ўзингча гўзалсан, унутма...

Ҳаёт ўтқинчи, кеча бор эдинг, эртага йўқсан...

КАМЧИЛИКЛАРИМ БИЛАН ЖОЗИБАЛИМАН

Бу ҳаёт мени кўп эзди. Лекин танишларим “жилмай”, дейишади. Кулгили бўлмаган нарсага қандай жилмайишим мумкин? Биргина кулгили нарса бор – у ҳам бўлса ўзим...

Тушунтирай, сўнгра кулаверинг.

На еган овқатимдан маза қиламан, на борган жойимдан. Тўйиш учун эмас, яшаш учун овқат ейман. Чексиз зулмат қаърида нур бўлсин, дейман. Чунки нур – умид демакдир... Мен умид қилавериб чарчадим. Қачон бирон нарсадан умид қилсам, салгина жилмайсам ҳаёт юзимга шапалоқ тортади. Энг ёмони – шапалоқ есам, жоним оғримайди, бакрайиб ўтиравераман. Нариги юзимни тутаман, етарли бўлмади, бу ёғига ҳам ур, дейман. Бу одатимга ўрганиб қолгансан.

Сенинг-ча, кулгили эмасми бу?

Менимча, кулгили эмас! Энди на умид қиламан, на кула оламан.

Соатларча кўзгу олдида ўтириб, ўзимни томоша қиламан. Баъзан ташқарига чиқиб, соҳилга бораман-да ҳеч қачон меники бўлмайдиган нарсаларга боқиб ўтираман. Одамларнинг кулишларига тақлид қилмоқчи бўламан, аммо ҳеч ҳам уларникига ўхшатолмайман.

Камчиликсиз одам бўладими, дейишади.

Мен унақа одам эмасман, ўзимни қусурли ҳис қиламан. Гўё мен қусурнинг ўзиман, улар эса одам.

Нукул мен енгилaveraманми? Ҳа!

Нукул ёлғиз қолавераманми? Ҳа!

Нукул индамай ўтиравераманми? Ҳа!

Лекин ёлғиз ўзим жозибалиман. Ёлғизлик жуда бўлмаганида сизни алдамайди, ёлғизлик сизга ёлғон сўзламайди, ёлғизлик сизни тарк этмайди. У доимо ёнингизда.

Мен ҳам шундай қилдим: энг яқин дўстим – ёлғизлик, дедим. Лекин телефонимга қарасам, исмлар, дўст-оғайни, деганларим кўп.

Лекин уларнинг қўнғироқ қилишдан мақсади битта: ё пули тугаган бўлади, ё шунга ўхшаган бир юмуши чиқади...

Ҳеч ким севмаслигини билиш менга янада кўпроқ куч беради. Чунки “Менинг сизларга эҳтиёжим йўқ, сизларга эса мен керакман”, дея оламан.

Улар менчалик кучли эмаслар. Ёлғиз қолишса, тугаб, соб бўлишади. Агар сен ҳам менга ўхшаб ёлғиз бўлсанг, чўчима, ҳеч кимга эҳтиёжинг йўқ! Зотан, буни нега айтиб ўтирибман, ўзинг ҳам яхши биласан-ку...

Сен ва мен ёлғиз бошимиз билан кучлимиз. Шу боис ҳаётда бир юзимизга шапалоқ тортишганида бошқа юзимизни ҳам тутиб берамиз.

Чунки биламизки, бизга енгилиш деган нарса ёт!

Мен ҳаётда қусурнинг ўзи бўлишим мумкин, лекин камчиликларим билан жозибалиман. Мени одам сифатида эмас, қусур сифатида яқин олмоқчи бўлганларга “майли” дейман. Ҳамма бошқаларга муҳтож бўлган бир вақтда мен ўзимга муҳтожман.

Бошқалар мен учун унчалик муҳим эмас. Қуёш чиқса ҳам, чикмаса ҳам менга барибир... Кимдир “Сени севаман” деса-да, демаса-да, барибир... Мен ўзимни севаман, шуниси менга кифоя.

Одам дегани аввало ўзини севмоғи керак.

Агар сен ҳам ўзингни севсанг, буни ўзингга айт, чунки ҳеч ким сенга бу гапни юракдан, самимий айтмайди.

Энди эса, ўзингга ўзинг юракдан “Сени севаман”, дегин.

Одамлар одамлигича қолаверсинлар. Сен бўлса, қусурлигингча қол.

Улар роль ўйнасин, сен ҳаётда қандай бўлсанг, шундай бўл.

Сен қусур бўлсанг ҳам жуда жозибалисан; бу гал сен мен бўл!

ОНАСИЗ КЕМТИК БЎЛИБ ҚОЛАСАН

Ҳеч бир кишининг кўнгли ярим бўлиб қолмаслиги керак. Инсон яшагани сари яшагиси келади. Кемтиклигича қолиб кетгиси келмайди. Бутун бўлиш неъматми? Ҳа, неъмат! Хўш, кимнинг бутун бўлгиси келмайди? Ким кўнгли ярим бўлишини хоҳлайди? Ҳеч ким!

Яратганга арзи ҳол қилмоқчи бўлсанг, не деган бўлардинг?

Мен, онамни қайтариб бер, деган бўлардим.

Онамни бор вужудим билан соғиндим, десам, тушуна олармикансан? Вужудимнинг ҳар бир ҳужайраси “Онажон, сизни жуда соғиндим” демоқда, лекин буни тушунтира олмайман. Баъзан севгинг бутун бўлиши мумкин, лекин онасиз қолиш кўнглингни ярим қилади. Отам ҳар куни эрталаб “Хайрли тонг” дейди, лекин менга эмас. Онажон, сиз қазо қилганингиздан кейин ҳаётим шу қадар қийинлашдики, буни таърифлашга қалам ожиз...

Мени биласан, барча ишни режа асосида амалга ошираман. Эртага нима ейишимдан тортиб, қаёққа боришимгача, қачон таътилга чиқишимгача режалаштираман. Тўғри тушундинг, ҳар бир ишим режа асосида. Аммо онамнинг вафот этиши ҳеч бир режамда йўқ эди. Менга онам ҳеч қачон ўлмайдигандай туюларди. Ўз ҳаётимда ҳар бир нарсани режалаштирганман, лекин онамнинг вафотини режалаштириш ҳаёлимга ҳам келган эмас. Мен ҳозир мана шулар ҳақида ёзмоқдаман, лекин ўзимга ўзим, кошкийди саводим бўлмасайди, демоқдаман.

Чунки ҳеч бир фарзанд онасининг қабр тошидаги ёзувни ўқигиси келмайди.

Буни қанчалик хоҳламай, ҳаёт менга бу ёзувни ўқитди, ўқишга мажбур бўлдим, онажон.

Энди қандайсан, дейсизми? Энди режа тузишдан воз кечдим. На қандай овқат ейишим, на қандай гап айтишимнинг аҳамияти бор. Ҳаёт қаёққа йўлласса, ўша ёққа кетаман, кимни сев деса, ўшани севаман. Отамнинг айтишига қараганда, бир йигит уйланадиган қизини онасига қиёслаб танлаган экан.

Мени сиздай севган кишини учратмадим, онажон...

Аслида ҳам мени ҳеч ким сиздай севмайди, сева олмайди...

Шу тариқа ўттиз бир ёшга тўлдим, онажон.

Вафот этганингизга саккиз йил бўлди.

Саккиз йилдан бери мени шамол у ёқдан-бу ёққа учуриб юрибди. Қаёққа олиб боради – энди менга бунинг қизиғи йўқ. Кўнгли ярим одамга қаёққа боришининг қизиғи бўлмай қоларкан.

Энди сизга бир сирни айтайми, онажон? Отам ҳеч қачон ўлмайди.
Чунки сиздан кейин у ҳам дунёдан ўтса, кўтара олмасам керак.
Сизни севадиган ўғлингиз, Сержон.

БИРОВНИ ДЕБ ЎЗИНГДАН ВОЗ КЕЧМА

Узоқ-узоқларни қўмсайман, лекин у ёқларга кета олмаяпман, бунга куч-мадор йўқ. Қани энди уддалай олсам, дейман ўзимга ўзим, аммо кўлимдан келмаётир...

Кетаман, салом, дейман, танишаман. Бир-биримизни билиб оламиз. Ноз-қарашмалар даври, севилиш вақти келганида у мени кемтик қилиб ташлаб кетади. Ана сизга оқибат, у ёғи қайғу-ҳасрат...

Ўзимга ўзим: “Нимани ҳам кутган эдинг, одамлар ёмон, дейман. Бу дунё ҳеч қачон сен ўйлагандай бўлмади, бўлмайди ҳам...”

“Хўш, менинг дунём қаерда ўзи?” деган саволимга жавоб тайёр, аммо ҳаёт менга лом-мим демайди.

Қолбуки, жавоб маълум: “Сенинг дунёнг сени тарк этди!”

Мен уни қаттиқ севдим. Чиндан ҳам унга “Сен менинг борлиғимсан”, дедим-у бор-йўғимни унга бахшида қилдим...

Уйғоқ эканман севдим, уйқуда эканман – севдим, едим – севдим, ичдим – севдим. Одам дегани ҳар жойда севиши мумкинми? Сева оларкан.

Масалан, бир кеча ўрнимдан туриб, унга мактуб ёздим. Охирги жумлаларим бундай эди: “Мени ҳеч қачон ташлаб кетма, чунки мен сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман”.

Хаёлингдан кечган гап ҳаётингда юз берар экан.

Кошкийди, ўша хатни унга юборсайдим.

Балки ўқигач, мени ҳеч ташлаб кетмаган бўлармиди.

Бир мактуб туфайли ташлаб кетмасмиди, деяётган бўлсангиз, айтайки, унинг устимдан кулишини истамадим.

Бир мактуб кўплик қиладими? Ҳеч бўлмаса мактубим самимийдир, ўзимни мажбур қилганим йўқ. Лекин эртага кўришишимни билган ҳолда ўтириб олиб, хат ёзипман...

Шу ҳақда ўйлайман: уни нега бунчалик севдим?

Нима фарқи бор? У ҳам одам...

Икки қўли, икки оёғи, икки кўзи бор, лекин биргина нарса: қалб йўқ экан унда... Буни кўрмабман.

Унинг қалби йўқ экан.

Буни кўра олмабман. Одам дегани севса, сўқир бўлар экан.

Ҳой, кўзингга қара, кўрмисан, дейишади-ку! Кўр эканман.

Лекин, биласанми, атрофимдигилар буни кўрган, мени огоҳлантиришга уринишган, лекин мен қулоқ солмаганман. Ҳар ҳолда қар ҳам бўлсам керак...

Эсимда бор, бу ҳақда менга кўп гапиришган, аммо мен ўша вақтда унинг табассумидан бошқа нарсани ўйламас эдим. Қачон учрашамиз, нималар қиламиз деганга ўхшаш нарсаларни ўйлардим, холос.

Ёнимга келса, дақиқа эмас, сонияларни ҳисоблаб ўтирардим.

Ўша кезлари менга тушунтирган, гоҳо шипшиган, ҳатто бақирган кишилар бўлган, лекин мен тингламаганман.

Сўнгра ўзим жуда севган, хаёлимдан чиқара олмаган ўша киши мени ташлаб кетди. Ёлғиз қолдим. Лекин у кетаркан, “Кетма!” дея олмадим.

Ҳам кўр, ҳам кар, ҳам соқов эканимни энди англадим.

Бу ишқ дегани барча сезгиларимни қарахт қилиб, мени ташқи дунёдан узиб ташлаган экан. Одам ошиқ бўлгач, нима қилишини билмай қолар экан, мен ҳам қаттиқ адашдим.

Аммо, кейин нима бўлганини биласанми?

Энди эшита, кўра оламан, ҳатто, сўзлай ҳам оламан. Мени алдамоқчи бўлган нокасларнинг кўзига ўша ондаёқ тик қараб, “Йўқол, даф бўл!” дея оламан...

Энди ҳақгўй кишиларни севишни ўргандим, энди на кўр, на кар, на соқовман. Янада кучлироқ бўлдим. Мени қанча чалсалар чалсинлар, ўзим ёлғиз оёққа тура оламан. Бировни деб ҳеч қачон ўзингиздан воз кечманг, менга ўхшаманг. Ҳаёт кемтик қилиб ташлаб кетишни севади – ёртингни топдинг дегунча, уни йўқотиб қўйма.

Бутун бўлишдан воз кечма. Ёлғизлигинг билан ҳам жуда жозибалисан.

СЕН КЕТГАНИНГДАН СЎНГ

Ёлғизлик – мен учун эркинликдир. Чунки ёлғиз бўлганимда мени хафа қилганларнинг барчасини тарк қиламан. Ёлғиз қолиш нақадар азоб. Ичим куйиб кетяпти. Тинглайдиган қўшиқларимнинг сафоси қолмади, қайси бирини эшитмай, уни эсга солади. Боқаман, лекин кўрмайман. Сўзлайман, лекин овозимни эшитмайман. Майли, лекин нега?

Қайси қўшиқни эшитмай, уни ёдга солиши учунми? Чалинган ҳар бир куй уни эслатса, нега эшитишим керак? Мендаги барча нарса сеники деганим учун ҳаммасини, ҳатто, борлиғимни ҳам олиб кетишга мажбур эмасдинг-ку! Кетаркан, жуда бўлмаганида борлиғимни ташлаб кетганингда эди, дейман. Чунки сен кетганингдан сўнг қалбимда ўзимники бўлган ҳеч нима қолмади. Ҳаммаси сеники экан. Энди на йўлда юришдан, на таом ейишдан лаззат топаман...

Балки ёнимда бўлсанг, мана шу денгизга шўнғиган бўлармидик.

Ёки уни жимгина томоша қилган бўлармидик, иккимиз бирга бўлсак кифоя эди. Мен сени томоша қиламан, сен эса, денгизни... Ҳар биримиз ўз манзарамизга боққан бўлардик. Чунки умримда кўрган энг гўзал хилқат сенсан. Биласанми, сен йўқ экансан, мен жуда ўзгардим. Масалан, энди кўп сўкинадиган, тез асабийлашадиган, керакми, йўқми ҳар нарсага тирғаладиган бўлдим. Ҳолбуки, сен борлигингга мен бутунлай бошқача эдим. Жимгина ўтирар, ташқарига боқар, ҳатто товушим ҳам чиқмас эди. Сўзлаш навбати меники бўлса-да, бўлмаса-да, овозим чиқмасди.

Гоҳо эса тамоман тескарисси – кўп бақирасан, дейишади. Сен борлигингга миқ этмасдим, энди йўқлигингга, ҳеч бўлмаса, овозимни

эшитишларини хоҳлайман. Энди бақирсам ҳам ўз овозимни ўзим эшитмайман...

Биласанми, баъзан нима бўлади? Ўзим билан ўзим келиша олмай қоламан. Бир куни бир рангни ёқтириб қоламан, эртасига эса бошқасини... Ўзгаришга ҳаракат қиялпман, лекин бўлмаяпти, гоҳо сенга ўхшаган ҳар бир кишини сендан рашк қиламан.

Кўчада йигит-қизлар жанжаллашаётганини кўриб қолсам, ёнларига бориб “Қўйинг, жанжал қилманг!” дегим келади. “Бас қилинг!” демоқчи бўламан, лекин бўлмайди, айта олмайман. Ким ҳам айта оларди? Улар худди икковимизга ўхшайдилар, ҳаммасидан ҳам мана шунга қувонаман. Ғавғо кўтаришади, лекин бири бўлмаса бошқаси, албатта, муросага келади, ширин сўзлар айта бошлайди. Кошки мен ҳам шундай қилган бўлсам. Сенга “Майли, кет!” дейиш ўрнига, “Қол!” десайдим. Айта олдимми? Айтолмадим.

Нега айта олмадим? Ўзим ҳам билмайман. Билганим – сени соғинганим ва сенсиз кўнглим яримлиги.

Одамларга сен ҳақда кўп гапирдим. Ҳамма энди сен нимани севишингу, нимани ёқтирмаслигини жуда яхши билади. Вақти келганида ўзим ҳам шошиб қоламан. Улар “Йўқ, кеча бундай дегандинг”, дея мени тузатишади. Ҳаётимни ҳикоя қиларкан, энг гўзал ҳикоя яна ўзинг бўлиб қолаверасан.

Ҳозир нима қиялпсан, дейсанми? Ўтириб олиб, эски кунларимни эсламоқдаман. Хаёлимда фақат сен ва биргаликда қилган орзуларимиз.

Баъзан йўлка тошларининг нақадар қаттиқ эканини ўйлаб қоламан, улар худди сенинг кўнглингга ўхшайди... Сен йўлка тошларини босиб ўтганинг каби, устимдан босиб ўтдинг. Бу тошлардан менинг қандай фарқим бор? Менимча, ҳеч қандай фарқ йўқ.

Мен сенсиз тунд ва тошжорак одам эканман.

ҲАР КИМ ЎЗ ҚАРИЧИ БИЛАН ЎЛЧАЙДИ

Ташвишлар сени каж қилиб қўяди. Яхшилик қилмоқчи бўласан-у, аммо айбдор бўлиб чиқаверасан. Нима бўлса, бўлсин, бошингга не тушса, тушсин, яхши одам бўл! Чунки бу дунё ёмонларнинг дунёси, ёмонлар топишга ва кейин йўқотишга маҳкумдирлар.

Мен жаннат борлигига ишонаман. Сен нимага ишонсанг ишон, лекин ҳамиша яхши инсон бўлиш ҳаётинг фалсафанинг бўлсин!

Халқ айтганидай, нени эксанг, шуни ўрасан.

Куч-ғайрат хоҳласанг, уни, албатта, бир куни билагингда хис этасан. Барча нарса ўзаро таъсирда... Аллоҳ дейсан, чунки унинг Жаннати бор.

Ёмонлар ҳамиша ғолиб келиши, доим шоду хуррам бўлиши мумкин. Кўрқма! Дунёда неки бор – ўткинчидир. Ҳатто, кўлингга ушлаб турганинг ҳам... Нега дейсанми, ўша тутган ёки кўрган нарсанинг бу дунёдан кетгач, қайтиб кўрмайсан, тута олмайсан ҳам. Шу боис ҳам бу дунёда пул, шуҳрат, қисқаси, ҳар нарса ўткинчидир.

Бу дунё – бир синов. Сен сев, яхши одам бўл. Агар ишонсанг, бошқа нарсалар ўз-ўзидан келади...

Кўрқув сени жарга улоқтирмоқчи бўлса-да, қаддингни ғоз тут.

Кўявер, сохтакорлар қўлидан келганича сени ранжитишга урина-версин, ёлғон сўзласин, алдасин, хоҳлаганини қилсин.

Сенинг улардан ягона фарқинг – яхши одам эканингдир... Яхши бўлсанг, амин бўлаверки, барча сени яхши тушунади. Ёмонлик қилишга уринадиганлар илк дафъа ўйлаб қолади. Чунки биладиларки, севганлари, орқасида турганлари кўп. Кўявер, сендан кўрксинлар. Кўйиб бер, ёлғон сўзлаганида юз-кўзларига қараб жилмай. Мана шу табассум билан уларни тарбияла.

Севганинг сени алдадими? Алдаса нима бўпти?

Ёлғиз қолдингми? Қолавер.

Биров сўкдими? Сўкаверсин.

Парво қилма... Ҳар бир киши ўз қаричи билан ўлчайди. Ҳар ким ўз юкини ўзи ташийди.

Шунинг учун ҳам одамлар вақти келганида ўша юк остида қоладилар.

Ёмоннинг яхши бўлганини ҳеч кўрдингми ўзи? Албатта, уларнинг ичи ёнади, қош-қовоғи осилади. Ундан кейин баттар ёмон бўлди. Нафрат – нафратни, ёмонлик ёмонликни чақиради.

Сен ўзингни бил, шунинг ўзи кифоя. Мен бундай қиламан: ҳар куни эрталаб ойнага қараб ўзимга “Хайрли тонг” дейман, янги кунни чой дамлаш билан бошлайман. Қанча тез енгилсанг, шунча йўқотасан. Йўқотма. Ўзинг ва яқинларинг ғолиб бўлиши учун ҳаракат қил... Чарчаган вақтингда мени эсла.

Мен ўзимни бундай овутаман: бу дунёга одамларга яхшилик қилиш учун келдим, дейман. Ўзимнинг бахтли бўлишим бошқа гап. Мен ўзимни одамлар гўзал қалб эгаси бўлишига бағишладим. Ҳар куни бирор кишига яхшиликни ўргатмасам, адо бўламан. Сўнгги нафасимгача бу дунёда йўқотиб, топадиганларимнинг ёнида яхши одам бўлиб қоламан.

Олдин ўзимнинг кейин сенинг олдингда сўз бераман. Сўзми? Сен ҳам сўз бер ва шуларни ўқигач менга истаган жойингдан мактуб ёз. Инстаграм, Твиттер ва ҳоказо... Ўша пайтда қаерда бўлсанг ҳам, менга хабар юбор ва мана шу сўзни ёз:

“СЎЗ!”

Ўзим тушуниб оламан...

Пушаймонлик азобини юрак-юракдан ҳис қилганингда менга айтган охирги жумлангни эсла. Шундай эслаки, виждонинг қайтиб унутмасин.

Йўқотган бўлсам-да, енгилмаслик тўғрисида ўзимга сўз бердим.

КЎНГЛИ ЯРИМ ҚОЛГАНЛАРГА

Кўнглим ярим қолгач, нима қилишим кераклигини ўргатганинг, биров мени алдаса, ўзимни қандай асрашни ўргатганинг учун ташаккур билдираман. Биров ёлғон сўзласа, уни қандай унутишни сен туфайли билганим учун миннатдорман. Агар фарзандли бўлсам, уни қандай тарбия қилишим кераклигини ўргатганинг учун ташаккур айтаман.

Ҳаётни янгидан бошлашни, айрилгач, йиқилмаслик кераклигини ўргатганинг учун раҳмат дейман. Ёлғиз ҳолда нонушта қилишни ўргатганинг учун ташаккур.

Мени ташлаб кетганларга ташаккур. Оилам, дўстларим, оғайниларим, суйганларим – ҳаммангизга ташаккур.

Ҳаммасига чидаб, янада кучли бўлишни ўргатганингиз учун бисёр ташаккур.

Бу ҳаётда пешонам кўп ғурра бўлди. Аммо ҳозиргача неки жароҳат олган бўлсам, ҳаммасини боғладим, даволадим, фақат изи қолди, холос. Бу жароҳатлардан сабоқ олдим.

Сиз туфайли бундан кейин дўст танлар эканман, янада ҳушёр бўламан, токи унинг хиёнатидан жабрланиб, касалхонада ўзимга ачиниб ўтирмай.

Сиз туфайли дўстни ўйлаб танлайман, энг оғир пайтларимда ҳўнграб йиғлаганимда бир дўст ёнимда бўлади.

Бир куни менга ҳам фарзанд ато этилса, сизнинг сабоғингиз туфайли унинг энг ажойиб оилада катта бўлишини, асло ранжимаслигини таъминлайман. Ўзим ўқий олмаган барча китобларни фарзандимга ўқитиб, унинг оёқлари остига бутун дунёни тўшайман.

Сиз туфайли ниҳоятда гўзал оила қураман ва биламанки, ҳаётимга кириб келадиган ўша яхши инсон мени на алдайди, на менга номуносиб муомала қилади.

Унга бутун борлигимни ва дунёларимни бахш этаман. Бу ҳаётда ярим қолган кўнглим у билан ўлади. Бу ҳаётда бир юзимга еган шапалоққа нариги юзимни ҳам тутаман ва юз-кўзимга энг ярашиқли табассум қиламан.

Ҳаёт, ур юзимга, яна бир марта ур! Истаганингча ур... Чунки оилам, дўстларим, йўлиқтирган суюклиларим боис кўзимни катта очдинг.

Энди олдингда туриб, жилмаядиган ҳолга келдим, мени ҳали енга олмадинг...

Мен бу ҳаётда ёрти қолдим дегунча бошқа ярмимни қучдим. Ҳамма мендан бирон нарса олиб кетишни ўйлар экан, аслида фақат ўзларига тегишлисини олдилар, холос. Мендагиси, ўзимда қолди...

Ҳа, ёлғиз қолган бўлишим мумкин. Ҳеч кимим бўлмаслиги мумкин. Аммо, ҳой, сўтаклар, ҳали мени енгадиган сизмисиз?!

Мени тупроққа қормоқчи бўлган сизмисиз?!

Ранжитиш, ёлғон сўзлаш, севмаслик орқали мени енга оламан, деб чиндан ўйладингизми?!

Енгилишим учун бундан ҳам кўпроқ чора кўришингиз даркор. Чунки мени бу тарзда енга олмайсиз.

Мен ва менингдек ҳар бир кишига бундай дейман: ўзингизни севинг, ўзингизни ардоқланг! Ҳаёт мушкул бўлиши мумкин, қоқилишингиз мумкин, аммо нима бўлса-да, оёққа қалкинг! Сизга осмонларни орзу қил, дерлар, лекин қанотларингизни қирқарлар. Сизга бахтни кўрсатарлар, лекин дўзахга отарлар. Буларнинг барчаси алоҳида-алоҳида юз беради. Лекин нима бўлса-да, сиз осмонларни орзу қилишдан воз кечманг. Бир

куни сиз осмону фалакда қанот қоқиб учганингизда қанотларингизни қирққан аблахлар балчиққа коришган ҳолда сизга лол бўлиб тикилади.

Барча қалби яримларга мендан салом!

Ҳар бир якунига етмаган эзгуликнинг, албатта, давоми бор.

Чунки ҳамма нарсанинг охири бор.

Буни қалби яримлар билади...

ҚАЕРДА БАХТЛИ БЎЛСАНГ, ЎША ЕРДА ҚОЛ

Кошки ҳеч кўрмасайдим, ошиқ бўлмасайдим, қўлидан ушламасайдим, бағримга босмасайдим. Қабоҳатга шу қадар ботганманки, бўғилишни хоҳлайман, аммо уддасидан чиқа олмайман. Баъзан сўрайман: мендан нима истаган эдингиз, сўтаклар?!

Ўзимга хос, камтарона ҳаётим бор эди. Сен менинг ҳаётимга кирмоқчи бўлдинг. Кирдинг ҳам, мени ўзингга ошиқ қилдинг, кейин бўлса, орқангга бир боқишни ҳам эп кўрмай, ташлаб кетдинг? Нега? Ҳеч бўлмаса охирги марта кўзларимга тикилиб, ўзингни бир кўрсайдинг. Бунга арзимадимми? Бутун борлигини севгисига бағишлаган, оғир кунларингга ёнингга турган камина билан охирги марта кўришиб, “Ўзингни эҳтиёт қил”, дейишингга арзимадимми?

Такдиримиз ўз қўлимизда бўлиши мумкин, лекин ҳис-туйғуларимизчи? Туйғуларни босишни қачон ўрганамиз? Биринчи учрашувдаёқ у аслида сенга аталмаганини ва сени ҳечам севмаганини кўра-била туриб, бир аҳмоқ сингари ёлғондакам кулгусига қандай учдик? Қандай қилиб кўра-била туриб, ютқаздик? Шу даражада аҳмоқ бўлганимни, қалбим бунчалик куйганини ҳеч эслай олмайман... Ҳолбуки, у билан илк бор учрашганимда кўнглида не борлигини билмаган эдим. Сени нима менга етаклаб келганини билганимда сени севган, юзларингни кафтларим орасига олиб, бир ота каби ёноқларингдан ҳидлай-ҳидлай ўпган бўлармидим?

Бўйинг ҳали димоғимдан кетмасдан турибоқ сен мени қандай қилиб ёлғиз ташлаб кета олдинг? Одам дегани чексиз севгини ўз қўллари билан қандай қилиб иткитиб ташлаши, ўзи вужудга келтирган, ўзи истаган, ўзи ишонтирган бу севгидан қандай қилиб воз кечиши мумкин, дея ўйлаб қоламан.

Қанча бағритош киши бўлса-ю, келиб бизни топса, азиат чекадиган биз бўлиб қолаверамиз-да... Сен келдинг-да мени ишонтирдинг. Боз устига ишқ, севгидан беҳабар киши бўлишингга қарамай, “Йўқ, унақа эмас”, деддинг. Ҳой, мендан истагинг нима эди ўзи?

“Бу жуда сабрли киши экан, унга ишқ нималигини бир кўрсатай” деб, мени чоҳга ташлаб кетишмиди ниятинг?

Мени зулмат қаърига ташлаш сенга шунчалик ёққанмиди?

Сендан кейин нима еганимни, нима ичганимни билмайман, ишончим йўқолди, бўғилавердим. Бир йўқлик денгизига лангар отдим, ҳамон ўша ҳолимча турибман. Дамимни ичимга ютганман, ҳис-туйғуларим йўқолган, кимсасиз сўппайиб турибман.

Энди сендан шуни сўрайман: сендан кейин кимга ишона олай, кимни сева олай? Кимнинг бўйларини ҳидлаб, болам каби қучоғимда ухлатай? Энди кимга ишонай?

Инсонларга бўлган ишончимни, меҳр-муҳаббат чечагимни кўпориб, чоҳга отдинг. На юқорига чиқа оламан, на илдиз отиб, гуллай оламан.

Унинг ҳолини бир кўринг, демоқчи бўламану, лекин шунга ҳам тилим бормаиди. Чунки мен сени қандай бўлсанг, шундайлигингча севганман. Сен шуни ҳам билмайсан...

Ҳолингга, туриш-турмушингга алдандим. Хомхаёлга берилиб, бир оила курдим. Энди на хаёл, на оила, на ишонадиган севгим қолди...

Агар қаердадир бахтли бўлсанг, ўша ерда қол...

Чунки мени бахтсизлик чоҳига итардинг,

Тушиб бўлганимча йўқ, ҳалиям тушмоқдаман...

МЕНИ ЎЗ ҲОЛИМГА ҚЎЙ

Сен-ла ўзим билан ўзим сўзлашгандек сўзлашаман: юракдан, самимий, қандай бўлсам, ўшандай.

Айтиладиган гаплар кўп бўлса-да, фақат “кет” дейишни хоҳладим. Чунки кўзимга тикилиб туриб, ёлғон сўзлаган эди. Нима қилишим керак эди? Ишониб, яна ёлғонлар тўқишингни кутишим керакмиди?

Зотан одамлар ана шундай эмасми? Бир марта бўйин эгсанг, устингга чиқиб олишади, асло тушмайдилар.

Бу дунёда ёмон одамлар қанчалар кўп! Нима эмиш, мени жуда яхши кўрганидан шундай қилган эмиш. “Сенга нима қилдим?” деб сўрадим, у эса “Бошқасини топдим”, дея жавоб берди. Ана, холос! Демак, мендан асабийлашганинг учун шундай қилдинг, ўзинг хоҳлаганинг ёки сенга шу ёққани учун эмас?! Бечорасан! Бунақа хатти-ҳаракатнинг бошқача таърифи йўқ.

Хўш, нима бўлди? Нима бўлганини мен айтай, нима десанг дединг, сен билан бирга бўлолмаслигимни тушундим, охири сени ўзимдан узоқлаштирдим ёки узоқлаштира олмагач, ўзим кетдим.

Охири мана шу қолди, холос...

Мен бу фожиани мана шундай билиб олдим. Энди менга асабийлашганинг учун бошқасини топганингни айтасан. Аслида, бу ерда ким айбдор эканини топмоқчи бўлсак, яна ўзим айбдор бўлиб чиқаман. Чунки сени ўзим асабийлаштирганман ва шу боис сен бу ишни, бу разилликни қилгансан. Узр сўрайман, азизим, мен аҳмоқман! Сени асабийлаштириб, бошқасини топишингга сабабчи бўлганим учун ғирт эшакман! Айбдор топиш жуда осон экан-ку...

Айбсиз бўлиб чиқиш ҳам...

Тўғри, барчада ҳам камчилик бор. Лекин бундоқ қарасанг, барча беайб, барча фаришта... Фаришта бўлгандаям, ажал фариштаси каби... Не қилсанг, қил, қанча севсанг, сев, барибир, охирида жонингни олади.

Сен ҳам менинг жонимни олганингни биласанми? Энди кечиришим керакми ёки ўзимни айбдор кўрсатиб, мени афв қилишингга эришишим керакми? Энг яхшиси, биласанми, бундай қиламиз. Сен энди бу ердан кет-

да, ва қайтиб мени излама. Аввало ўзимга, сўнгра сенга бўлган ҳурматим сабабли шундай демоқдаман, тўғриси ҳам шу!

Энди сен яқинларингга “Мени шундай қилишга мажбур қилди, мен ҳам кутулишни, эркин нафас олишни хоҳладим”, деб тушунтиряпсан. Улар ҳам “Тўғри қилибсан”, дейишяпти. Аммо сенга бир гап айтмай, сенга ким “Тўғри қилибсан” деса, ундан қўрқ. У сенинг дўстинг эмас, душманингдир, буни билиб қўй!

Лекин қовун қовундан ранг олади-да... Сен қандай бўлсанг, сенга “Сен ҳақсан” деган киши ҳам шундай...

Энди ким бўлсанг бўлавер, ким кимга нима қилса, қилсин, сен бориб у билан гаплашасанми ёки у келиб сенга бир нима дейдими – булар парвойимга ҳам келмайди.

Яхшиси, мени ўз ҳолимга қўй ва марҳамат қилиб мени қидирма...

Агар шундай одамлар билан яқинлашиб қолсангиз, уларни дарҳол ўзингиздан узоқлаштиринг. Бир марта ёмонлик қилган киши яна ёмонлик қилади. Бир марта шапалоқ тортган киши яна юзингизга уриши мумкин. Бир марта ёлғон сўзлаган киши яна албатта ёлғон сўзлайди. Бир гал алдаган киши яна алдайверади.

Бу ҳаёт такрордан иборат.

Одам яхши ишларини такрорламайди.

Ёмон ишларини эса такрорлайди.

Қандай ачинарли... Қандай ёмон...

УНИ ИЛК БОР УЧРАТГАНИМДА

Уни илк бор учратган кунимни эслайман, у қайсидир фотосуратга ўхшар эди. Биргина кулимсираши билан ўша куни эрталаб менга бутун дардларимни унуттирди. Уй ижараси, тўлов хабарномалари, ғавғолар эсимдан чиқди-қўйди...

Қулоқларимга кимдир шипшигандай бўлди: “Ўтиб кетгани рост бўлсин, олдинда янги мақсадлар пайдо бўлди”. Бу мақсад – у билан танишиш, унга ёқиб қолиш ва йўлини топиб, ўзимга ошиқ қилдиришдан иборат эди. Ўзгаларнинг табассуми менга аталиши кераклигини болаликдан ҳис қилган эдим. Ҳалиги, болалик бирор ўйинчоқ олиб беришларини хоҳлаб бақира-бақира йиғлайсан, олиб беришганидан кейин ниҳоятда хурсанд бўласан-ку... Бу кулимсираш, шодлик ҳам худди шунга ўхшарди. Дунё остин-устун бўлиб кетса ҳам, лекин у меники бўлиши керак.

Кейин кунлар ўтаверди фақат узоқдан боқиш билан чекландим. Бир куни кўпчилик бўлиб ўтирар эканмиз, бир савол бердим. Аслида бунақа қилиш табиатимга ёт. Кимдир менга, “Ошиқмисан?” деди, мен ҳам, “Ҳа, лекин бунинг имкони йўқ”, дедим. Ўша киши менга, “Қанақасига имконсиз бўлар экан, гапни олиб қочма”, деди. Жуда ҳаяжонланиб, оёққа қалқдим ва, “Шундай, имконсиз”, дедим. Гап айланди, айланди, охири, “Ўша мен ошиқ бўлган одам сенсан”, дейишгача бордим.

Қотиб қолди...

Кейин об-ҳаво, сув, ҳаёт, хуллас, у ёқ-бу ёқдан анча суҳбатлашдик...

Ўша кеча “Яна кўришайлик”, деган сўзлар билан тугади. Бунга тайёрни ёки йўқлигини сўрадим. Чунки яна ўн уч йил умрим бекорга кетиши мумкин эди.

Биз яна бир неча марта учрашдик. Унга бир неча бор телефон рақамимни бердим. У билан сўзлашишни жуда хоҳлаб қолардим... Сўнгра қарасам, у киноларда телефон рақамлари беришларини кўрганини айтиб қолди. Уялиб кетдим... Ёзишмаларини ўқиганимда янада уялдим. Неча бор телефон рақамимни берган бўлишимга қарамай, у қайсарлик билан на қўнғироқ қилган, на ёзган эди.

Чўзиш дегани шу бўлса керак...

Сўнгра нима бўлди, дейсизми?

Бировни севиб қолди...

Мен ҳам шуни англадим: имконсиз нарсаларга уринишдан воз кечиш даркор. Воз кечишимиз ҳам керак...

У ҳам ўзича ҳақ эди, мени бошига урадими? Унинг учун бахтли бўлишдан бошқа чорам йўқ. Ўша куни севгилисини кўрганимда қўнғилнинг дарз кетиши нима эканини жиддий тушуниб етдим. Ҳеч қачон меники бўлмаган одамни деб, қўнғилим ярим бўлиб қолди. Лекин нима бўлганида ҳам ўз умримда энг гўзал табассумни кўрган эдим... У меники бўлганида мен дунёдаги энг масъуд инсон бўлардим.

Ўзимни якка-ю ягона имконини бой берган одамдай ҳис қилдим. Шунча вақт кут, кут, кут, сўнгра шарманда бўл... Сиз ҳеч шарманда бўлганмисиз, билмайман, аммо бу умримдаги энг гўзал шармандалик эди.

Уялдим. Жуда уялдим, лекин шуни билиб олдим: нима бўлса, бўлсин, ҳаёт сени қаёққа бошласа, бошласин, лекин кимнидир севсанг, айт! Эҳтимол, мен айтиб йўқотгандирман, лекин сен топишинг мумкин.

Агар айтсанг ва топсанг, менга ёзиб юбор, хўпми?

Жуда бўлмаганида мана шундан қувонарман.

Дунёнинг ҳоли не кечса, кечар, лекин ўша табассум ҳамиша ёдимда бўлади.

Мен учун чала қолган ҳикоя унинг учун ҳали ҳеч ўқилмаган китоб кабидир...

Муқоваси бор, ичида нима ёзилгани номаълум...

ҲАЁТ ХАТОЛАР БИЛАН ГЎЗАЛ

Отам кўз олдимда онамга илк шапалоқ тортганида англаган эдим, ҳаёт жуда мураккаб, бироқ мен уни қандай яшаб ўтишни билмасдим.

Ҳали бола эканман, шафқатсизлик қандай бўлишини кўрдим ва улғайганимда ҳам ана шу манзарани ҳеч унута олмадим. Шу боис ҳам ўзгалар саволига кўп бор жавоб бериш менга тўғри келди. Нега бу манзара кўз олдимдан ҳеч кетмади?

Чунки менинг болалигим қийинчилик ва машаққатлар остида ўтди. Тасаввур қилинг, умрим нуқул жаҳлдор, қовоғи осилган ва асабий одамлар орасида кечган. Ўзим ҳам уларга ўхшайман...

Ўша пайтда шундай хулосага келгандим, бир куни яхши инсонни учратиб, оила курсанг ва бир мўъжиза рўй бериб, фарзандлик бўлсанг, унинг болалиги сеникидай бўлмаслигига ҳаракат қил... Қара, сенинг турмушинг шунчалик қийинчиликлар ичида ўтди, энди боланг бу қийинчиликларни бошидан кечирмаслиги керак. Буни-ку уддаларман, аммо болалигимдан қолган хотираларни қандай унутишим мумкин?! Буни билмайман. Чунки қаёққа бормай, шунга дуч келаман. Кўчада бир ота ёки она боласига бақриб қолса, қандайдир таниш фильмни томоша қилгандай бўламан, ўзимни ҳам бу фильм ичига сингиб кетгандай ҳис этаман. Баъзан бу шу қадар ҳаётий бўладики, кўлимда нима бўлса, уриб синдиришни хоҳлаб қоламан.

Агар бир куни ота ёки она бўлсангиз, нима бўлишидан, нимага дуч келишингиздан қатъи назар, болангизнинг ёнида асло жанжаллашманг, уришманг!

Мана шунинг учун ҳам уйга қайтишни истамадим. Онам билан отамни бир дастурхон устида кўришни хоҳламадим. Умримнинг кўп қисми кўчада бўлмағур ишлар билан ўтди.

Нега?

Чунки уйда доим жанжал бўларди...

Чунки уйда хузур-ҳаловат топмасдим...

Чунки уй дўзахга ўхшарди...

Ана шунинг учун ҳам эрталаб соат тўққизда ўрнимдан турар, ҳеч қандай ишим бўлмаса-да, кўчага чиқиб кетар, қиладиган машғулот топмасам, бирор шериксиз, бир ўзим соатлаб, кун ботгунга қадар баскетбол ўйнар эдим...

Кўрганлари боланинг хотирасида қолади. Агар менга болалик давринга оид барча хотираларингни миянгдан ўчириб ташлаймиз, майлими, дейишса, ҳеч иккиланмай “Ҳаммасини ўчиринг” деган бўлардим.

Ҳеч нарсани эслашни хоҳламайман.

Энг аччиқ дамларни, бадбин ҳис-туйғуларни болалик давримда бошдан ўтказганман.

Ҳаётда мени қачон ҳурмат қилишди, биласизми?

Сиз мени севган вақтда. Мен сизга олийжаноблик, ишқ, одамларга яхши муносабатда бўлишни тушунтирган вақтдан бошлаб, яъни мени ҳам севадиган кишилар пайдо бўлганидан кейин улар назарида шу мавқега етишдим.

Бу ёзувларни ўқиётган, сўзларимни эшитаётган, қаердадир яшаётган бўлсанг унутмаки: бир куни она ёки ота бўлганингда фарзандингга менинг бошимга тушганларни солма. Қўйиб бер, нимани хоҳласа, шуни қилсин.

Хато қила-қила, тузата-тузата катта бўлсин...

Мен кўчада кўп хатолар қилдим, аммо оёққа туришни ҳам ўша ерда ўргандим...

Ҳаёт хатолар билан гўзал...

БАЪЗАН...

Баъзан ҳеч кимга кўринишни истамайман. Болалигимизда беркинмачоқ ўйнаймиз-ку, худди ана шундай... Қаёққадир қочаман, яширинаман, ҳеч ким топмаслигини иштайман. Мени фақат у топсин.

Хўш, у қаерда?

Қаердасан, эй яхши инсон?

Яхши инсонни қидиравериб, янглишишдан кўрқиб қолдим. Рисоладагидек одам бўлишга уриниб, хато иш қилишдан кўрқаман, ўша киши билан топишгунгача ёмон одам бўлиб қолмасайдим, дея чўчийман...

Ҳар бир кишининг ўз жуфти бўлишига ишонаман. Хўш, менинг жуфтим қаерда? Кошкийди уни кўрсатадиган бирон дори ёки машина бўлса-ю, дарров топиб олсанг. Мен умрим давомида бир неча марта “Ҳа, бу гал топдим” дедим, аммо нукул бунинг акси бўлиб чиқди.

Сен ҳам ёлғиз бўлиб кўрганмисан?

Мен кўрдим.

Қолипга айланган бу дунёда сув каби оқдим. Лекин ҳеч бир қолипга туша олмадим.

Соҳилга бориб, севгилим билан қуёш ботишини томоша қилишни иштайман. Шунга ҳам ҳаққим йўқми? Қуёш ботиб боряпти, биз уни томоша қиляпмиз. Ёки фақат у хоҳлагани учун Текирдоғга бориб, котлет еймиз. Бу нарсалар ўз-ўзича гўзал, сабабнинг кераги йўқ, шундоқ ҳам жуда бахтиёрсиз.

Бироз ғалати туюлиши мумкин, лекин бировлар хасталанса-да, уни бориб кўрмайдиганлар топилади. Бахтга режа орқали эришиб бўлмайди. Режаларинг хомхаёл бўлиб чиқиши мумкин.

Масалан, мен бетоб бўлиб қолдим. Ўн саккиз кун вакцина олдим. Касалхонага мени кўргани бир киши келди, холос.

У ҳам бўлса, Ўқон Ақар укам.

На келиб кўрган, на ҳол сўраган яқиним бўлди!

Бунақа пайтларда ёнингда бирор инсон бўлишини хоҳлайсан, лекин менинг ана шундай инсоним йўқ эди. Касалхонадан чиқишимга оз қолганида қўнғироқлар қила бошлашди.

Одам яхши инсонни топсам, дейди, лекин бунинг бир ёққа қўйиб тур, ҳатто дўст топа олмайди. Балки ўзи шундай бўлиши керакдир, сенга нега энди яхши инсон учраши керак?.. Энди яхши инсоннинг ўзи қолмади-ку. Ўша ишқ, севги деган нарсани киноларда кўрганмиз, холос. Ҳаммаси бир чеккага улоқтириб ташланди...

Тупроққа беланганча кутяпман. Радиода ўзинг яхши кўрадиган анави ашулангни эшиттириб қолишади, бироқ унинг охириги қисмини эшитишга улгурасан, холос... Мен бундай бўлишни истамайман. Менинг ўз кўшигим келсин ва мен уни умрим охиригача эштай.

Бир умрлик кўшиқ...

Ҳеч ботмайдиган қуёш...

Бағридан қўйиб юборилмайдиган қўлларни хоҳлайман...

Умрим давомида учрамайдиган нарсани хоҳлайман шекилли...

Учрайдими? Балки учрар...

Вақт дарёдай оқиб кетяпти. Сониялар – менга ғаним, кечаларим – бедор.

Ҳеч нарсанинг маза-матраси йўқ.

Тундан сўнг тонг отади, лекин ёлғиз нонушта қилишдан сиқиласан. Ҳеч бўлмаса, кимдир келиб, салом беришини хоҳлайсан. Сўққабош бўлсанг, на кунингда тот, на уйғонишингда маъно бор.

Абадий уйкуга кетмасдан олдин охирги бор севгилимнинг кўзларини кўришни истайман. Сени севаман дея, уни жаннатда кутишни хоҳлайман...

“Албатта бир куни шундай бўлади”, дея умид қиламан.

Лабларимда ярми чекилган тамаки, олдимдаги кулдон қайғу ичида...

ИШҚ ШИЖОАТ ИСТАЙДИ

Отам “Худди тошлардек каби қаттиқ бўл”, деган эди. Мен ҳам айтганидай қилдим, лекин ҳаёт тез ўтиб кетаверди. Ҳаётда ҳеч нарса мени ранжита олмайди, деб юрганимда бир аёлнинг “Яхши қол” деган сўзига енгилдим...

Кейин бир уй олдига келиб ўтирдим. Унинг деразаларини томоша қиларкан, йўлка тошларига: “Мен сиздай бўлмоқчи эдим, аммо бўла олмадим”, деб ўрнимдан кўзгалдим. У ерда ўтириш одамни тошга айлантларар экан. Совуқ тош устида ўтирганида кишини тушуниб етар экан. “Хайр” деган сўзни эшитиш шунчалик оғир экан. Сен-ку “Яхши қол” дединг, аммо мен яхши бўла олармиканман?

Сен кетяпсан-ку, мен қанақасига яхши бўлай?!

На яхши қолдим, на унутдим. Аммо бора-бора, отам айтганидай, тошга айландим. Менда на ҳис-туйғу қолди, на бировга ишонч. Ишончсизликнинг оқибати нима бўлишини биласизми? Кимни учратсангиз, бу ҳам кетиб қолади, дея чўчий бошлайсиз. Сизга бир гўзал яқинлашса, ўртага тақиқловчи чизиқ тортилади, бу чизиқдан на ўта оласиз, на ўтказа оласиз.

Ўзимни бор туйғуларини тортиб олингандай ҳис қилмоқдаман.

Энди ҳеч ким менга кучоқ очмасин, ҳеч ким қўлимни тутмасин, ҳеч ким “Сени севаман”, демасин. Ҳеч ким “Мен ҳамаша ёнингдаман”, демасин. Чунки биламанки, на мени севади, на ёнимда бўлади, кучиши ҳам сохта бўлади.

Ким сохта нарсага ишонарди?

Кейин нима бўлади?

Кейин менга ўхшаган кишилар кўпаяди, улар ҳар жойда изғиб юради. Бирига, “Кел” десангиз юз марта ўйлаб олади, келган тақдирда ҳам ўзини яқин тутмайди.

Ёнингдаги кишининг нақадар узоқда эканини ҳеч ҳис қилганмисан?

Агар ҳис қилган бўлсанг, билки, кимдир унинг қалбини вайрон қилган, ранжитган. Нима қилиш керак, деб сўрасанг, жавоб бундай: ҳеч нарса!

Уни ўз ҳолига қўйиб бер. Унга қилишинг мумкин бўлган энг катта яхшилигинг “Мен шу ердаман”, дейиш, холос.

Сен унинг ёнида бўл. Агар ўзи истаса, мақбул вақт ва мақбул жойда ўзи сен бир гап айтмасдан турибоқ, қўлингдан тутати. Кўнгли ярим кишига йўл-йўриқ кўрсатгандан кўра, уни ўз ҳолига қўйиб берган дуруст. Агар у ҳам, сен ҳам истасанг, узоқ деганимиз яқин бўлади. Ўшанда нима туғилади, биласанми?

Ишқ туғилади...

Ишқ шижоат истайди...

Агар кучинг, шижоатинг ва сабринг бўлмаса, севгини кутма...

Ишқнинг жафоси бўлади...

БЎШ КЕЛИШ ЙЎҚ!

Эже биринчи марта хасталанганида нима бўлганини билмас эдим. Чунки менга айтмаганди. Менга қўнғироқ қилишди, Эже ётиб қолди, лекин аҳволи тузук дейишди. Апил-тапил кийиниб, у ишлайдиган касалхонага бордим. Эшик олдида мени Кўкхон кутиб олди. “Хавотирланма, ўзи яхши”, деди. Мен бўлсам, касалхона даҳлизида туриб, фақат, “Кўкхон, рафиқамни кўришни истайман”, дея бақиравердим. Ўшанда Эбро ичкарига кирди. Иккаласи оғзимни ёпиб, ташқарига олиб чиқишди. Хавотирланма деган бўлса-да, бир ёмон иш бўлганини фаҳмлаган эдим. Яхши бўлганида дарров ёнига олиб киришган бўларди, деб ўйладим.

Сўнгра Эбро юзимга бир тарсаки тортди, мен ўзимга келдим. Эбро, “Бўлди-да энди, бу нимаси”, дея уришиб берди. Ичкарида ётган хотиним эканини айтдим, у бўлса, “Дунёда сенинг хотинингдан бошқа хотин йўқми”, деди. Ҳа, дунёда биргина Эже бор эди мен учун... Жим қолдик.

Кўкхон, “Мен кўриб келай”, деди. Мен нега боролмаслигимни сўрасам, “У ер, хотинларнинг жойи, сенга нима бор? Нима, сен доктормисан? Кут, хабар бераман”, деди. Тамаки тутатдим. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтди. Кўкхон мени чақирди, рафиқам ётган хонага чопдим. Эшикни очиб, “Яхшимисан, Эже?” дедим. Кўзларини очиб, зўр-базўр, “Ягона...” дея олди. Ўзимни тута олмадим, кўзларимга ёш келди. Қўлини ушлаб, нима бўлганини сўрадим.

“Хавотирланма, ҳеч нарса бўлгани йўқ”, деди. Кўкхоннинг нигоҳига кўзим тушди. Унинг йиғлаганини кўриб, нима бўлганини сўрадим.

Менга ёлғон гапирган экан, бизни бундай ҳолда кўриб, ўпкаси тўлиб кетган эмиш. Кейин билдимки, Эже саратон касалига йўлиққан экан...

Ўша кундан кейин кўп курашдим. Эже кимётерапия муолажалари ола бошлади. Бу муолажалар уни жуда ҳолсизлантирарди. Аммо биз бир-биримизга, “Бўш келиш йўқ!” дедик.

Бўш келмадик, аммо мен уни йўқотишим мумкинлигига ўзимни қандай ишонтирганимни билолмадим...

Баъзан кечалари сассизгина уйғонар, тўшагида қаддини ростлаб ўтирар, ёстикларни чангаллаб, жимгина йиғлар эди. Гоҳо оғриқлар шу даража кучли бўлардики, тўшакда нариги томонга ўгирилиб, йиғлар эди. Мен ҳам билдирмаслик учун ўгирилиб олар, овоз чиқармай инқилларди. У менинг йиғлаганимни билмаса-да, мен унинг йиғлаганини билардим.

Сочини биринчи марта қиришган куни мен ҳам сочимни олдирдим. У ҳамиша бошимга уриб қўяр, эркалаб “Кал”, дер эди. Кулишардик.

Кўп кунларни азоб ичида ўтказдик. Охири Кўкхон, “Энди Эжени касалхонага ётқизиш керак”, деди. Ҳаётда яна қанча зарба ер эканман, деб ўйлар эканман, ўша куни энг оғир зарбани едим.

Эже шифохонага ётди, мен ўзимга машина олдим. Машинани шифохона олдига қўйдим. Ҳар куни эрталаб плакат тайёрлар, унга, “Салом, сени севаман, бўш келиш йўқ!” деб ёзар ва плакатни кўтариб турардим. Балки олти ой давомида шундай бўлгандир, уйга фақат чўмилиб олгани кетардим. Касалхона деразасидан менга боқадиган рафиқамнинг кундан кунга озиб-тўзиб кетаётгани, ҳолдан тояётганини кўриб, эзилардим.

Орадан ойлар ўтди, бирдан умид пайдо бўлди. Машина ичида мудраётганимда Эбро машина ойнасини бор кучи билан тақиллатди. “Тур, уйғон”, деди. Нима бўлганини сўрадим. Эжега бир нарсa бўлдимикан, дея юрагим орқага тортиб кетди. Эмронинг кўзлари ёшга тўлганди, “Муолажалар натижа бера бошлади!” деди қувонч билан. Шу заҳоти юқоридаги ойнага боқдим. Эже қўлида “Бўш келиш йўқ!” деб ёзилган қоғозни кўрсатиб, жилмайиб турарди...

У дераза олдида, мен пастда ҳўнграб юбордик.

Кун сайин яхши бўла борди. Бир йил курашди, ғолиб чикди.

Агар бирон бир сабабдан ишончингизга путур етса, мана шу ҳикоямизни эсланг!

Бўш келиш йўқ...

Улар умидингни чиппака чиқаради, сени ташлаб кетади, юрагингни қайғуга ботиради, лекин ҳикояни сен ёзасан.

Охир-оқибат оёққа турасан!

Табассумни эсдан чиқарма!

Бунни сендан ҳеч ким олиб қўя олмайди.

УМИД ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАЙДИ

Хотиржам яшамоқ керак. Шошма-шошарлик қилсак, бор-будимиздан айриламиз. Гоҳо ҳеч насага улгуролмаслик мумкин. Жуда тез ҳам эмас, жуда секин ҳам эмас... Бунни ҳаёт дейдилар, бирор бекатга борасан-да, тушасан, балки ўша ерда қолиб кетарсан.

Нима қилсанг, қил, лекин ёнимда қол, дегандим. У ҳам не қилса қилди, ёнимдан кетди. Кетиш учун роса ғайрат кўрсатди. Масалан, “Сени севаман” десам, у ҳам “Мен ҳам сени севаман” дер, аммо лаблари кинояомуз илжая бошларди. Сен энтикиб кучоклайсан, у эса совуқкина кучади... Яъни, “Тамом, ҳаммаси битди!” дегандай бўлади... Ҳаммасига барҳам бермоқчи бўлганини тушунаман, аммо бунга ҳеч қўлим бормади. Зотан “Бўпти” десам, у “Хўп” деган ва югуриб кетган бўларди.

Охирида нима бўлди?

“Мен ажраламан”, дедим. У, “Қанақасига?” деди. Мени севмаган кишини кучоклашни истамаслигимни айтдим. У жим қолди. Мен ҳам. Кўзидан бир томчи ёш думалади, мен дарҳол артиб қўйдим. “Сенга яхши

бўлиши учун кетяпман, сени хафа қилиш учун эмас!” дедим. У оғиз жуфтлаган эдики, кафтим билан ёпдим.

“Изоҳнинг кераги йўқ, мен ҳаммасини биламан”, дедим.

Йиғлади... Роса йиғлади... Дераза олдида ўтиб, тамаки тутатдим. “Икковимиз ҳам бунга лойиқ эмасдик”, дедим.

“Бир-биримиздан сир сақламаймиз деган эдик-ку”, деганимда “Сенинг амин бўлишингни кутаётгандим” дея жавоб берди.

Амин бўлиш нимаси? Унинг учун жонимни беришга тайёр турганимда, у мени амин бўлишимни кутган эмиш.

Тамаки битгач, кўзларига боқиб, кулдонга отдим. Ўшанда у ҳамма гапни тушунди, аслида, йиғлашим керак эди, аммо ўзимни зўрға босиб турардим.

Оёққа қалқдим-да, бор жасоратимни тўплаб, “Бўлди, энди кет!” дедим.

Бас энди кет!

Ўзимни зўрға босиб турардим. У мени яхши биларди, ҳеч кимнинг олдида йиғламас эдим. Ўрнидан турди, “Кўп йиғлама, яхшими?” деди. “Мен йиғламайман!” дедим. Шундай деярканман, овозим титради.

У овозимни эшитиб, шу заҳоти йиғлаб юборишимни тушунди, ўгирилиб, сумкачасини олди-да, чиқиб кетди. Ҳурмат қилди. Ҳеч бўлмаса, бу ҳолда кўринишни хоҳламаганимни англади ва дарҳол чиқиб кетди.

У эшикдан чиқди-ю, мен чўқдим-қолдим. Хайҳотдек хонада ёлғиз қолдим. Ўйлаган ягона ўйим – нега ёлғиз бўлиб қолганим эди. Умримда онамдан кейин ҳеч қачон бундай ёлғиз қолмаган эдим. Умр ҳамроҳимни иккинчи ярмимни топган, қучган эдим. Энди ўзимнинг ярмим ҳам у билан кетган ва бутун ҳис-туйғуларим йўқолган эди. На йиғлай олар, на бақира олардим.

Кейин нима бўлди?

Эҳтимол, ўша ҳолда икки соат тўшақда ғужанак бўлиб ётгандирман. Бўлган воқеа-ҳодисаларни эсладим. Эсимга гўзал онлар эмас, уни қучганимда совуққина туриши, ўпганимда тезроқ бўлақолсайди, дея тоқатсизланиши келаверди ва илк айтган калимам: “Жонинг омон бўлсин!” деган сўзлар бўлди.

Энди оғриқ қалбимдан вужудимга кўчган, бутун борлиғимни камраган эди, ўзим ҳам бунга рози бўлган эдим.

Орадан кунлар ўтди, бир куни уни қахвахонада бошқа эркак билан кўриб қолдим. Нима қилишимни билмай, дарҳол узоқлашдим. Атрофга боқдим. Юрагим потирлар, қинидан чиқай дерди. Кўксимни чангаллаганча бир уй зинапоясига ўтириб қолдим. Шунда бир қўл дастимдан тутди.

Бу кўзлар умрим давомида кўрган энг гўзал кўзлар эди. Ташвишланма, ўтиб кетади, дер эди улар. Ўтиб ҳам кетди.

Энди ҳар гал уйга қайтганимда эшикни ўша қўллар очади.

“Хаётим, борим”, деган аёлимдан айрилиб, ўша зинапояда маъюс ўтирганимда у билан танишдим. Ўша кундан бери олдинги хатоларимни такрорламадим.

Биласанми, энди сени севаман, деганимда, унинг дудокларида табассум кўраман...

УНГА МЕҲР-ЛА ҚАРА

Умрим бўйи кўрмаган жойларимга боришни орзу қилдим, бўлмаган нарсаларни ҳақиқат деб билдим. Ҳаммага кўлимни силтаб, ўзимга ишондим – қаёққадир кетишни хоҳладим. Кетдим ҳам... Уйдан чиқар экан, “Тонгга қолмай келаман”, деди. Лекин шу кетганича на ўзи, на хабари келди...

Кейин “Турмушга чиқди”, дедилар. Мен ҳам ўша кеча хаёлан тўй қилдим. Унга келин қўйлаги кийдирдим. Пешонасидан ўпдим ва янги бегонага йўлладим. Ажойиб кеча эди, осмонда ой порларди. Мен бўлсам, буткул хотиржам эдим.

Ажабо, болалари кимга ўхшар экан? Унгами ёки эригами? Менга қолса, унга ўхшасин. Чунки у мен учун дунёнинг саккизинчи мўъжизаси эди.

Мен омадлиман. Чунки кўп одамлар бу мўъжизаларни кўрмай дунёдан ўтиб кетадилар. Мен балки етти мўъжизани кўрмагандирман аммо саккизинчисини кўриш насиб этди. У “Тонгга қолмай келаман”, деганида ўша охирги хайрлашув айрилиқ хайрлашуви бўлганини қаердан ҳам билай?! Лекин сўнгги марта уни чин юракдан кучган, ҳеч қўйворгим келмаган эди. Буни ақлим билан англамасам-да, қалбим билан ҳис этдим. Одам севган кишисини қўйиб юборгиси келмайди, аксинча, “Кетма!” дегиси келади, лекин айта олмайди.

Кейинги вақтларда нима қиялман? Тўхтовсиз мусиқа эшитаман. Ҳечам ўйламасликка ҳаракат қиламан. Унинг учун ва ўзим учун кўлимдан келганини қиялман, чунки қаттиқ соғинсам, қўнғироқ қилишим мумкин. Қўнғироқ қилсаму, тополмасам, чорасиз қоламан. Шу боисдан қўнғироқ қилмайман. Ўзи қўнғироқ қилсин, дейман. Мени дарров топади... Одам дегани бир жойда қолдириб кетган нарсасини унутадими? Қаерга қўйган бўлса, ўша ерда турган бўлади. Мен ҳам у қаерда қолдириб кетган бўлса, ўша ердаман-ку!

Аммо қанийди, ҳақиқатан ҳам соғинса...

Демак, соғингани ҳам йўқ, хоҳлагани ҳам йўқ... Нима қилай, истамаса, истамасин. Бировни мажбурлаб соғинтириб бўлмайди.

Биров зарур бўлиб қолмагунча қолдириб кетган нарсасини хаёлига ҳам келтирмайди. Кетганнинг иши қолганга тушмайди, тушса ҳам ташлаб кетган у, мен эмас!

Сабр қиялман, ўзим учун ҳам, унинг учун ҳам...

Нега унинг учун сабр қиялман? Ажралишганимиздан кейин дастлабки кунлари унга кўп қўнғироқ қилган бўлишим мумкин, балки жуда безовта бўлгандирман. Сабрли бўлганидан бирор ёмон гап айтмади.

Мен унга қачон қўнғироқ қилдим? Жуда соғиниб кетганимда, кўришни жуда хоҳлаганимда. Оғайнимнинг уйида тўй таклифномасини кўргач, қаттиқ ранжидим. Чунончи, менга ҳам таклифнома юборса, ўлиб қолмасди-ку. Шу вақтгача унинг ёнимда кулганини ёки бахтиёр бўлганини кўрмадим. Севиб қолган ўша кишисининг ёнида кулишини кўришни хоҳлардим. Чунки одам фақат бахтли бўлганда самимий кулади.

Мен унинг юракдан кулганини ҳеч кўрмадим. Ваҳоланки, кулишини истайман.

Ҳеч бўлмаса, узоқдан томоша қилар, кулиши шунақа экан-да, дердим. Менга шу таклифномани ҳам кўп кўрди, майли, омон бўлсин.

Мени хафа бўлади, деб ўйлаган бўлиши мумкин. Аммо мен унга ҳамиша, “Сен бахтли бўлсанг, бўлди”, деганман. Бу етарли эмас экан... Қанийди, етарли бўлганини бир кўрсайдим. Унга бахт берган кишини кўрган, балки ўрناق олган бўлармидим.

Майлига! Жуда омадли экан. Дунёнинг саккизинчи мўъжизасини кучибгина қолмай, унга уйланыпти.

Офарин...

Уни авайла.

Мен авайлай олмадим.

Сен авайла...

БИР КУНИ САҲАРДА УЙҒОНИБ...

Бир куни эрталаб уйғониб, ойнага қарагандим, кўрқиб кетдим. Неча марта ойнага қараганман, лекин ўша тонг жуда бошқача бўлди. Ойнадан менга енгилган, мағлуб бўлган одам боқиб турарди. Уни севишдан воз кечгандим. Мен қанчадан бери уни севганим учун, севмасдан қандай яшашимни, нима қилишимни билмасдим. Аслида, ғолиб чиққан, аммо енгилган эдим. Чунки ўша қаттиқ севган кишим эшикни тақиллатса, “Келдим” деса, очмаган бўлардим. Оча олмасдим. Чунки ундан воз кечгандим...

Ўша тонгда қалбим яралари тузалганини, такрор севишим мумкинлигини англадим. Ҳам шоду хуррам бўлдим, ҳам ғам-алам босди. Тушунсанг-чи, тилка-пора бўлган юрагим яна ура бошлади. Бир томонда тубсиз бўшлиқ бор... Ўша бўшлиқ мени ойлаб қайғуга солди. Балки ойлаб кўчага чиқмагандирман. Яқинларим бошқа қизлар билан таништиришга ҳаракат қиларди, мен бўлсам, “Йўқ” дердим. Лекин бу тубсиз бўшлиқ ҳалиям йўқолгани йўқ...

Бирорта қиз билан танишишим, унга салом беришим, нонушта пайти унга гул инъом этишим мумкин эди. Бу туйғуларни такрор бошдан кечиришни истаган лаҳзамда кўз ёшларимни тўхтата олмасдим. Чунки умримда илк бор унга ачинмаётган, уни деб йиғламаётган, бахтиёр бўлганимдан йиғлаётган эдим. Ўзимга ўзим, “Уддасидан чиқдинг”, дедим. Уддасидан чиқдим! Энди бошқасини севишим, қўлини ушлай олишим мумкин.

Сўнгра юз-қўлларимни ювдим, деразаларни очдим, соф ҳаводан маза қилиб симирдим.

Унинг бўйини энг зўр деб эслаб юрардим, бу гал боғимдаги гуллар ифорини хидладим. Биласизми, мен неча ойлардан бери бу гуллар ифорини сезмаган ҳам эдим. Кўзларимга ёш келиб, ўзимга нонушта тайёрладим, қаҳва қайнатдим... Қаҳвадан бир қултум ичдим. Ҳа, неча ойлардан кейин қаҳва мазасини сездим. Одам дегани йиғлаб қаҳва ичадими? Мен ичдим...

Бир умр “Борми?” деб юрган саволим жавоби ўша қаҳва таъми билан қоришиб кетди. Ойлардир қалбида фақат бўҳронлар гупурган мендек одам ўша тонгда қўлда қаҳва ушлаганча йиғлар эканман, биргина ўйлаганим – бундан кейин яхши бўлади, деган хаёл эди.

Ҳаётда ёлғиз қолишингиз мумкин, лекин ҳали ҳам бошқа ярмингиз борлигини унутманг.

Мен энг охирида шунинг фаркига бордим – ўз-ўзимча бутун бўла олишим мумкин экан.

Ҳеч кимга боғлиқ эмасман, қалбим – очик. Шундай хаёл билан турдим. Чуқур нафас олдим. Ўзимга, “Янгидан бошла”, дедим. Яна ошиқ бўламан! Эски дардларимни унутгач, “Энди йўлинг порлоқ”, дедим ўзимга ўзим. Энди қалбим тинч, гуллар ифори сочган боғимда қўлда қаҳва тутганча маъшуқамни кутмоқдаман.

Агар сен ҳалиям уни севсанг, балки бугун эмас, балки эртага эмас, балки индин эмас, лекин албатта бир куни тонгда қўлингда қаҳва, кўзингда ёш билан “Ғолиб бўлдим!” дейсан.

Сўзимга ишон...

Куйинма...

СЕВСАНГ БЎЛДИ

“Мени севса бўлди”, дея қўлимдан келганини қилдим. Ўзимни ўзгартирдим. Туриш-турмушимни ўзгартирдим. Уйимни, балки ҳар нарсамни ўзгартирдим. Хўш, нима учун? Мени севса бўлди, дея...

Хўш, нима бўлди?

Нима қилсам ҳам, мени севмади. Мени ҳақиқатан севишини жуда хоҳлаган эдим. Умрим давомида кўрган энг гўзал табассумли қизнинг мени севмаслиги... Шу манзарани тасаввур қилинг: куёш нур сочиб турибди-ю, аммо иситмайди. Кўзинг бор, лекин сўқирсан. Кимдир сўзлапти, аммо эшитмайсан. Мен ҳеч нарсани эшитганим йўқ. Сени севаман, дейишини ҳеч эшитмадим. Ҳолбуки, эшитишни жуда хоҳлар эдим...

Севгилинг юзингни кафтлари орасига олади-да, чин дилдан “Сени севаман”, дейди-ку... Менда бу ҳол ҳеч бўлмади. Нукул ёлғиз қолдим, нукул ёрти... Негадир ҳаётим ҳеч изга тушмади. Ҳолбуки, бунини жуда истаган эдим.

“Кел, қўлларимдан ушла, эй менинг орзуим. Кел, хаёлларимга ҳамнафас бўл, сенга умримни бағишлагга тайёрман”, дедим. Мен тайёр эдим, аммо у тайёр эмас экан. У тайёр бўлмагунча, мен орзуимга эриша олмадим. Бир мартагина “хўп” десайди...

У “Осмону фалак қандай гўзал” десайди, мен унга жонимни берган бўлардим.

Хохламади.

Аслида, биламан, барча осмону фалакда унишни орзу қилади. Гап унинг истамаслигида эмас. Гап мени истамаганида...

Гап осмону фалакда эмас. Гап менда эди. Мени истамади, мен ҳам, “Омон бўл”, дедим.

Ошиқ бўлиш нақадар соз. Аммо севги бир ёклама бўлса, ярим-ёртига айланасан, қолган ярмингни кучасан, лекин бу етарли бўлмайди.

Кейин воз кечасан. Рўпарангга ўтқазиб, “Бирор муаммо борми?” дейсан. У худди шу саволни кутгандай, “Ҳа, бор, мен сендан кетаман”, дейди.

Сен ҳам, “Кетавер!” дейсан. Кетишга аҳд қилган одамга “Қол” демайдилар.

Қаердадир ғурур севгидан устун чиқади.

Мен ҳам “қол!” демадим...

Уни қучоқлаб, “Қаёққа кетасан, марҳамат қил, қол”, дейишни хоҳладим. Хоҳлаш билан чекланмадим ҳам. Беш қарич нарида ўтириб, кўзларимни юмганча, ичимда “Марҳамат, қол”, дея ёлворар эдим. Ёлворардим, у бўлса, ҳеч эшитмас эди.

Оёққа қалқди, сумкачасини олди. Бир дугонасидай, қўлимни сикди ва, “Ўзингни эҳтиёт қил!” деди. Мен ўша кундан бери кўзгуга боқмайман, ўзимга қараёлмайман.

Воз кечдим...

Кўзгуга боқолмайман, чунки, биламанки, ўша куни қовоғим қанчалик солиқ бўлса, орадан неча ойлар ўтган бўлса-да, ҳамон ўшандай сўлғинман.

Ўзим хоҳламасам-да, қовоғим солинди, юзим сўлди. Энди на кулишимга сабаб бор, на жим ўтиришга даъвом бор...

(Давоми келгуси сонда)



АБАЙ

(1845–1904)

КИТОБИ ТАСДИҚ*(тўғрилиқ, ростгўйлик китоби)*

*Қозоқ тилидан
Баҳодир КАРИМ
таржимаси*

Эй, юрагимнинг қуввати бўлган фарзандларим! Сизларга одам ўғлининг ахлоқий тарбияси тўғрисида бир-икки оғиз сўз ёзиб қолдирмоқчиман. Ихлос билан ўқиб, уқиб олинглар. Зеро, муҳаббатнинг тўлови – муҳаббатдир. Аслида одамнинг одабийлиги ақли ва илмидан маълум бўлади. Бу икки неъматнинг топилиши учун биринчидан – ҳаваси салим ҳамда тан сихатлик лозим. Булар туғма бўлади. Қолган барчаси яхши ота, яхши она, яхши қариндош, яхши устоздан бўлади. Талаб, тушунча муҳаббат орқали юзага чиқади. Илм-билимга муҳаббат қўйиш бошида айтилган учовидан бўлади. Илм-билимни дастлаб боланинг ўзи изланиб топмайди. Бошида болани билимга мажбуран ёки авраш билан ўргатиш, йўналтириш керак. Кўникиб ўзи изладиган бўлгунча шундай қилингани маъқул. Қачон болада илмга меҳр-муҳаббат пайдо бўлиб, мустақил ўрганишни бошласа, шундагина унинг оти “одам” бўлади. Шундан кейин Аллоҳ таолони таниш, ўзини таниш, динини таниш, ўз одамлигини бузмайгина барча манфаатларни англаш, зарарларни даф этишни билиш каби илмни ўрганса, унинг билим олишидан умид қилиш мумкин. Бўлмаса – йўқ, ёки бўлса ҳам – чала. Ота-оналар кўпинча болаларини ёшлигидан иккиюзламачилик касалига чалинтириб олади. Шу кайфият билан муллага берса ёки болаларининг ўзлари борса, бирор фойда топмайди. Иккиюзламачи болалар ўз талабига ҳам, илм ва устозига ҳам, ҳатто иймон-этиқодга ҳам хиёнат қиладиган бўлади. Бу иккиюзламачилар ярим одам, ярим мулла, ярим мусулмон саналади. Уларнинг комил инсон ўлароқ камол топиши жуда қийин. Сабаби шуки, ҳақиқат ва ростлик йўли билан Аллоҳ таолони таниш мумкин. Ҳақиқат билан ростлик эса хиёнатга душман. Хўш, душмани орқали чақиртирилса дўст келадими? Кўнглида бошқа муҳаббат бўлгани ҳолда ҳақлик топилмайди. Одамнинг илми, билими рост ва ҳақиқатга хумор бўлиб, ҳар нарсанинг

асос-туби ва ҳикмати билишга интилади. У Аллоҳнинг илми эмас, ҳамма биладиган, илмга интиқликнинг ўзи ҳам одамга билим беради. Шунинг учун Аллоҳнинг ўзига ошиқлик муҳим. Илм – Аллоҳнинг сифати, У – ҳақиқат, Унга ошиқлик, аслида ҳақлик ҳам одамийлик саналади. Зеро мол, мактанчоқлик, обрў ва иззат-хурмат изидан чопиш кабиларга муҳаббат қўйиш билан илм-билимнинг ҳақиқати топилмайди. Мол, обрў, иззат-хурмат – буларнинг ўзи одамни излаб топса, одамнинг феъли айнамайди, балки улар одамнинг кўркига айланади. Агарда одам ўзи уларга топиниб-сиғиниб юрса, топсин-топмасин бунда барибир одамийлиги йўқолади.

Агар ҳақиқатни севсанг ва чинни билиш хуморинг бор бўлса, одамийликка лойиқ ихлос билан гапимга қулоқ солгин. Энг аввал Ислом дини йўлидаги бандалар иймон ҳақиқатини билсин! Иймон деганимиз биргина инончининг ўзи эмас, сен Аллоҳ таолонинг бирлигига ё Қуръони карим Унинг сўзи эканига ёки Пайғамбар Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васаллам Унинг тарафидан элчи қилиб юборилганига инонишинг шарт. Хўш, бўлдимиз? Сен Аллоҳ таолога Аллоҳ таоло учун иймон келтирасанми ёки ўзинг учун иймон келтирасанми? Сен иймон келтирмасанг ҳам, Аллоҳ таолода ҳеч бир камчилик бўлмайди. Ўзинг учун иймон келтирсанг, ҳа, инончинг фақатгина қуруқ ишониш билан чекланиб қолса, сенга фойда бермайди. Шунинг учун сен ўз инончингдан фойдаланишинг керак; фойдаланишни ният қилсанг, фойда беради, иймонинг комил бўлади. Дарҳақиқат, фойдани қандай олиш йўлини билмоқ керак.

Сиз: “Аманту биллаҳи кама ҳува би асмаиҳи ва сифатиҳи”¹, дедигиз. У исмуллоҳлар ҳамда Аллоҳ таолонинг феъли азимларнинг отлари, уларнинг маъносини бил ҳамда саккиз сифати зотиялари нима эканини ҳам мукаммал ўрганиб ол. Ўзингни Унинг кули билиб, ўзингга муслим от қўйиб, таслим бўлганингга тугал ишонч ҳосил қиласан-да, ўз феълларинг шунга муносиб бўлишини шарт қилгин. “Аллоҳ таолога муносиб бўламанми?” дея нодонлик билан бу сўздан қочма, ўхшамоқ, муносиб бўлиш, деганда айнан маъно-даъвоси билан эмас, балки шунга муносиб бўлишга интилиш тушунилади. Аллоҳ таолонинг Ҳаёт, Илм, Қудрат, Басар, Сомеъ, Ирода, Калом, Таквин каби сифатлари бор. Бу саккизтадан Аллоҳ таолодаги каби камолот, азамат билан бўлмаса-да, бандаси фитратида ҳар биридан ўз ҳолича мавжуд қилиб яратгандир. Ҳа, биз ўзимизнинг бўйнимиздаги саккизта митти отдош сифатимизни Аллоҳ таолонинг ўша саккиз улуғ сифатларидан бошқа томонга буриб, бошқа йўлга солинса, бизни муслим деб аташ мумкин бўладими? Бўлмаса керак. Ҳа, ўша номлари маълум саккиз сифатга мос сифатимизни Худога қандай йўналтирилади? Бунга қандай эришилади? Билиш керакки, Аллоҳ таолонинг зоти ҳеч бир сифатга мухтож эмас. Бизнинг ақлимиз мухтож. Юқорида ёзилган сифатларни билиш, таниш лозим. Агар ўша сифатларни билмасак, бизга маърифатуллоҳ, яъни Аллоҳни билиш жуда қийин бўлади. Биз Аллоҳ таолони Ўзининг билдиргани қадар биламиз, холос.

¹ Таржимаси: “Аллоҳга, унинг барча исмлари ва сифатларига иймон келтирдим”.

Зеро, тугал-мукаммал билиш мумкин эмас. Зоти тугул, ҳикматига ҳеч бир ҳакимнинг ақли етмайди.

Аллоҳ таоло – ўлчовсиз, бизнинг ақлимиз – ўлчовли. Ўлчовли билан ўлчовсизни билиш мумкин эмас, ахир. Аллоҳ таолони бир деймиз, бор деймиз, у бир демаклик ҳам ақлимизга мос фикрнинг тушунарли бўлиши учун айтилган сўз, холос. Аслида, бир демаклик ҳам Аллоҳ таолога лойиқ келмайди. Бунинг учун мумкинотнинг ичида нима нарсанинг вужуди бор бўлса, у бирликдан қутулмайди. Ҳар бир ҳодисага айтиладиган бир Қадимга таъриф бўлмайди. У бир деган сўз оламнинг ичида, олам Аллоҳ таоло қамровидадир. Худойи таборак ва таоло китобларда саккиз субутия сифати билан ё тўқсон тўққиз асмо ул-хусналари билан билдирилади. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг зотия, субутия ё феълия сифатларидир. Мен бунда сизларга тўрттасини тушунтираман. Улардан иккитаси: илм ва қудрат. Саккиз сифатдан қолган олтитаси – улар шарҳ. У олтитасидан бири – Ҳаёт, яъни тириклик. Аллоҳни бор дедик, бир дедик. Илм, Қудрат сифати билан сифатладик. Бу бирлик, борлик Илм, Қудрат олиш мумкин бўлган нарсаларми? Албатта, Илм, Қудрат бор бўлди. Ҳаёти – маълум, бири – Ирода, яъни – Хоҳламоқ. Илм бор бўлса, хоҳламоқ ҳам бор. У ҳеч бир нарсага ҳаракат бермайди, ҳаммага ҳаракат берадиган Ўзи. У Ирода илмнинг бир сифати, бир – Калом, яъни сўзлагувчи дегани, сўз ҳарфсиз, товушсиз бўлиши мумкинми? Аллоҳ таолонинг сўзи – ҳарфсиз, товушсиз, савтсиз¹. Энди эса, айтгандек қилиб билдирадиган қудрати, яна – Басар, Сомиъ, яъни Кўргувчи, Эшитувчи деган сўз. Аллоҳ таолонинг кўриши, эшитиши бизлардаги каби кўз ва қулоқ билан бўладиган ҳодисалар эмас, кўргандай, эшитгандай билинадиган илмнинг бир сифати, бири – Таквин, яъни борлиққа келтирувчи деган сўз. Агар борлиққа келтиришининг ўзи алоҳида сифат бўлиб, Аллоҳ таолонинг сифати Ўзидек Қадим ҳам Азалий, ҳам Абадий бўлишда ҳамиша борлиққа келтирувдан ажралмаса, бир сифати бошқа сифатидан катта ё кичик бўлишга ярамайди. Ундай бўлса, Илм, Қудрат сифатлари шаклан ажралмай ҳар вақт яратишда бўлса, бир ихтиёрсизлик чиқади. Бу ихтиёрсизлик Аллоҳ таолога лойиқ эмас. Унинг борлиққа келтириши Қудратигагина бир шарҳ. Илм ва Қудрат – бу икки сифат билан саккиз сифат ҳар жиҳатдан тугал бўлади. Илм ва Қудрат ҳам ҳеч бир ниҳоясиз; илмида ғафлат, қудратида эпсизлик ёки ночорлик йўқ. Сониъни санъатига қараб биласиз. Бу кўзга кўринган, кўнгилга сезилган белги-аломатни қандай ҳикмат билан яраштириб, қандай қудрат билан ўрнаштирган – ҳеч бир одам боласининг ақли етмайди. Бироқ бандасида ҳам ақл – ҳукмчи, ғайрат ва қувват – хизмат қилувчидир. Сўнг қараб ўйлайсан: Аллоҳ таолонинг сифатига шундай қараш ўринлидир. Бироқ аввалда айтганимиз Илм, Қудрат бизнинг уқишимизга кўра иккита ҳисобланади. Улар бирлашиб илмли қудрат бўлиши ҳам мумкин. Бундай бўлмаса сифатлар ўз ўрталарида бири – тобеъ², бири матбуъ³ бўлади-ку. Бу таъриф эса Роббиға муносиб эмас. Саккиз сифат қилиб яна у сифатлардан

¹ **Савт** (арабча) – овоз, товуш.

² **Тобеъ** – эргашувчи.

³ **Матбуъ** – эргаштирган.

“ла ғайру ва ла хува” (маъноси: бошқа ҳам эмас, у ҳам эмас) бўлиб, бундай айтганда, уларнинг ўзи олдига жамоат ёки жамият саналади. Бу эса келишмайди. Агар-да сифатларнинг ҳар бири бошқа-бошқа ҳисобланса, кўп нарсадан жамланиб иттифоқ билан Худо бўлган бўлади. Бундай дейиш ботил; чунки биргина Қудрат бандада мавжуд бўлган қувват, қудрат ва илм ақлдан бошқа нарса бўлар эди.

Аллоҳ таолода бўлган Қудрат – Илм ҳам Раҳмат. У Раҳмат сифати саккиз сифат ичида ёзилмаса ҳам, Аллоҳ таолонинг Раҳмон, Раҳим, Ғафур, Вадуд, Ҳофиз, Саттор, Раззоқ, Нофиъ, Вакил, Латиф деган исмларига бинноан улуғ сифатидан бири ҳисобланади. Бу сўзимга нақлий далилим – юқоридаги ёзилган Аллоҳ таолонинг исмлари, ақлий далилим – Худо таоло бу оламни ақл етмайдиган келишим-шакл билан яратгани, бундан бошқа биридан бирини фойда оладиган қилиб яратибди. Жонсиз яратганларидан фойда оладиган, жон эгаси ҳайвонларни яратиб, жонли ҳайвонларидан фойда оладиган ақлли инсонни яратибди. Ҳайвонларни асрайдиган жонсизларни эти оғримайдаган қилди. Жон эгаси бўлган ҳайвонларни одам боласини асрайдиган ва маҳшарда сўров бермайдиган қилиб яратди. Энди буларнинг ҳаммадан фойдаланадиган ақл эгаси ўлароқ яратган одам боласидан маҳшарда сўров оладиган қилиб яратганида ҳам адолат, ҳам муҳаббат бор.

Одам боласини қурт, қуш, бошқа ҳайвонлар сифатида яратмай, бу гўзал сифатни бериб, икки оёққа бостириб, бошини юқорига жойлаб, дунёни кўрадиган қилди. Бошқа ҳайвонлар шаклида озукани ўз боши билан олдирмай, ўнғайли икки қўлини бошга хизмат қилдириб, оғзига қўли ош берганда нима ичиб, нима еганини билмай қолмасин деб, ҳидини ҳидлаб, лаззатланиш учун оғиз устига бурнини қўйди. Унинг устига тозалигини пайқайдиган икки кўз бериб, улар нозиклиги учун зарардан қўриқлаб турадиган қилиб қабоқ яратди ва қабоқлар очиб-ёпилганда қирилмасин, деб киприк ясади. Манглай тери тўғри кўзга оқмасин деб, ушлаб қолишга қош бериб, ўша юзига кўрк қилди. Бир одам қўлидан келмайдиган ишни кўплашиб битириш, бировнинг ўйи-фикрини бошқа одамга уқтириш учун тилига сўз бериб яратиши бу муҳаббат, албатта. Хўш, ким сенга муҳаббат қилса, сенинг ҳам унга муҳаббатли бўлишинг қарз эмасми?

Ақл кўзи билан қара: қуёш қиздириб, денгиздан булут чиқаради. Булутлардан ёмғир ёғиб, ер юзида неча турли донларни ўстириб, емишларни ундириб, кўзга кўрк, кўнгилга роҳат, гул-бойчечакларни, оғоч-япроқларни, қанд-камишларни ундиради. Неча турли набототларни ўстириб, ҳайвонларни сақлатиб, булоқлар оқизиб, ирмоқ бўлиб, ирмоқлар бирлашиб дарё бўлиб, ҳайвонларга, қушлар ва моллар учун тирикчи суви, балиқлар учун яшаш жойи бўлади. Ернинг пахтаси, кандир, емиш, кони; гулларнинг гули; қушларнинг пати, эти, юмуртқаси; ҳайвонлар гўшти, сути, жуни, кучи, кўрки, териси; сувларнинг балиғи; балиқларнинг икриси-увулдириғи ва ҳатто арининг боли ҳамда болҳовузи; қуртларнинг ипағи – буларнинг бари одам боласининг фойдаси учун яратилди. Ҳеч би-

рини “Бу меники” дейдиган бир нарса йўқ, бари одам боласининг тугамас озиғи. Миллион ҳикмат билан ясалган машина, фабрика одам боласининг роҳати, фойдаси учун яратилса, бу Яратувчининг муҳаббат билан одам боласини суйганлиги эмасми? Ким сени суйса, уни севиш қарз эмасми? Одам боласи қаноатсизлик билан бу ҳайвонларнинг тухуми-уруғини қуритиб, олдингилар кейингиларга жабр қилмасин деб, молни одам боласининг ўз қўрғонида ҳимоя қилади. Бошқа ҳайвонларнинг бирини учкур қанотиға, бирини кучли қувватиға, бирини югурик оёғиға суянтиради. Улардан бирини улкан яратса, бошқасини қалин тўқайзорға, сердархт ўрмонға беркитади. Ҳар бирини ўсиб-унишға ҳумор қилиб, кичик вақтида шафқат меҳри билан бошларини силаб, ғамхўр қилиб қўйиши — одам боласининг ўсиб-униши учун узилмас наслиға тугамас озиқ бўлсин деганидир.

Ҳа, бу ҳикматларининг ҳаммасидан марҳамат ва адолат зоҳир бўлиб турибди.

Биз ўртада бу марҳамат ва адолатни иймоннинг шартидан ҳисоб қилмаймиз. Шунинг учун муслим бўлганда Аллоҳ таолоға таслим бўлиб, Унинг йўлида бўлмоқчи эдик, бўлганимиз қайси? Бу ой билан кундек маълум нарса эмасми? Феъли Худонинг ҳеч бирини ҳам қарор қилмаймиз, ўзгаларда бўлганини ёмон қўрмаймиз, ўзимиз тутмаймиз, бу мунофиқлик эмасми? Мунофиқликда барқарор турган одам — ё мусулмон эмас, нари борса — чала мусулмондир.

Аллоҳ таборак ва таолонинг бандаларига кўрсатган йўли қайси? Уни кўпчилик билмайди. “Тафаккару фи алаа-иллаҳи” (Маъноси: Аллоҳнинг неъматлари ҳақида фикр юритинг) деган ҳадиси шарифнинг, “Иннааллоҳа юҳиббул муқситин” (Хужурот сураси, 9-оят. Маъноси: “Албатта, Аллоҳ адолатлиларни севади”) деган оятларға ҳеч кимнинг ихлос қўнгли билан ақли етиб, маъқулаганини кўрганим йўқ. “Атаъмурунан-наса бил бирри” (Бақара сураси, 44-оят, Маъноси: “Одамларни яхшиликка буюрасиз...”) дегандай, “Ва аҳсину инналлоҳа юҳибул муҳсинин” (Хужурот сураси, 9-оят. Маъноси: “Яхшилик истанглар, албатта, Аллоҳ яхшилик истовчиларни яхши кўради”), “Валлазийна аману ва амилуссолиҳати улаика асхабул жаннати ҳум фиҳи холидун” (Бақара сураси, 82-оят. Маъноси: “Иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар эса, ана улар жаннат эгаларидир ва улар шу ерда мангу қоладилар”) каби оятлар Қуръоннинг ичи тўла “ъамалус солиҳ” (маъноси: “яхши иш”) нима эканини билмаймиз. “Ва аммо аллазийна аману ва аъмилус солиҳати файуваффиҳим ужуруҳум валлоҳу ла юҳиббуз-золимин” (Оли-Имрон сураси, 57-оят. Маъноси: “Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларға эса (Аллоҳ) мукофотни мукаммал берур. Аллоҳ золимларни яхши кўрмайди”) оятига қарасанг, ъамалус-солиҳ золимликнинг зидди экани аниқ бўлади. Шундай бўлгач, рифъат — баланд мартабаға эришишда кимнинг адолати бўлмаса, ҳаёси йўқ, кимнинг уяти йўқ бўлса, унинг иймони йўқ. Бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Ман ла ҳая лаҳу ла иймана лаҳу” (Маъноси: Кимнинг ҳаёси бўлмаса, унинг иймони йўқ), де-

ган ҳадиси шарифи далилдир. Энди билгинки, иймон қуруқ инонч билан бўлмайди. Адолат ва рифъат¹ билан бўлади. Амалус-солиҳ адолатли ва марҳаматли бўлмоқдир; бутун тана билан қилган бандаликнинг ҳеч бири адолатни, марҳаматни бермайди. Кўзинг ҳар куни кўради. Намоз ўқувчи, рўза тутувчиларнинг қандай ҳолатда эканига ҳам далил керак эмас. Билгинки, адолат барча эзгуликларнинг онаси саналади. Инсоф, уят – булар адолат туфайли юзага чиқади. Шунинг учун адолатли одамнинг кўнглига: “Мен кўнглимда “Холиқ мени билан шундай-шундай хулқлар билан муомала қилса экан”, деб ўйлаб туриб, ўзим шу хулқлар билан муомала қилмаслигим ярамайди-ку”, деган фикр келади. Шунинг ўзи адолат ҳам, инсоф ҳам эмасми? У ҳамма яхшиликларнинг боши эмасми? Ҳа, бундай хулқ билан шу фикр-мулоҳазани ўйлаган киши Халлоқига шукр қилишни нега ўйламасин?

Шукр қилиш, яъни шокирликдан ибодатнинг барчаси пайдо бўлади. Энди зинҳор-базинҳор адолат ва шафқатдан олис кетманглар. Агар олислашсанг, иймон ҳам, одамийлик ҳам – ҳаммаси йироқлашади. Сўфи Оллоёрнинг: “Бир пардадан юз парда бежой”, дегани хаёлга келади. Энди бизнинг бошдаги таъриф бўйича Худо таоло Илмли, Раҳимли, Адолатли, Қудратли эди. Сен ҳам ўзингга илм, раҳим, адолат – мана шу уч сифат билан сифатланиш ижтиҳодини шарт қилсанг, мусулмон бўласан ҳамда тўлиқ инсоний қиёфанг намоён бўлади. Билгинки, жувонмардлик уч хислат билан бўлар дейилади: сиддиқ, қарам, ақл. Бу учовидан сиддиқ адолат бўлиб, қарам шафқат саналади. Ақл – бу илмнинг бир оти экани маълум. Буни ҳар бир одам зиммасида Аллоҳ таборака ва таоло тахминан бор қилиб яратган, бироқ уни ривожлантириш ва гуллатиш учун одам имкони борица ўз нафсини камолотга етказиш ҳаракатида бўлиши лозим. Булар ўз ижтиҳодинг ва холис ният билан изласанггина эришиладиган нарсалар, акс ҳолда қуруқ қоласан. Бу айтилган уч хислат эгаларининг олд пешқадами – пайғамбарлар, ундан сўнг авлиёлар, кейин ҳакимлар, энг охири – комил мусулмонлар. Бу уч турли феъл Худонинг буюрганини бажариш, ўзини банда билиб, ўша феълларга ошиқ бўлишни авлиёларга пайғамбарлар ўргатди. Авлиёлар ўқиди, ошиқ бўлди, бироқ ухровий фойдасинигина кўзлади. Ошиқликлари шу ҳолатга етдики, дунёни, дунё туфайли келадиган фойдани унутди. Балки ҳисобга олмадилар. Ҳакимлар дунёдан келадиган фойдани сўйладилар. Ибрат кўзи билан қараганда, иккиси ҳам бир-биридан кўп йироқ эмас. Гарчанд ҳар бирининг сўзлаши, айтиши бошқача бўлса ҳам, Аллоҳ таолонинг санъатига қараб, фикр юритишни иккиси ҳам таъкидлайди. Фикрлаш натижаси ибратланиш бўлади. Бу ақл ва илм – ҳар иккиси ҳам ўзини ортиқча зўр ҳисоблашни, зулмни, одамнинг ўзидай бир одамни алдашни ёмон кўради. Бу – адолат. Ҳар иккиси ҳам марҳаматли ва шафқатли бўлишга буюради. Бу раҳм бўлса керак. Бироқ менинг ўйимга келади: бу икки тоифанинг ҳар иккиси ўзларига бир турли нафсини фидо қилгувчилар деб, яъни бандаликнинг камолоти авлиёлик билан бўладиган бўлса, бутун одамзод тарки дунё қилиб, “ху” деб тариқатга кирса, дунё вайрон бўлса керак. Буларни ким асрайди, мол-

¹ Рифъат – баланд мартаба.

ни ким боқади, душманни ким тўхтатади, кийимни ким тикади, тарикни ким экади? Дунёдаги Аллоҳ таолонинг бандалари учун яратган хазиналарини ким излайди? Ҳаром ёки макруҳ бу ёқда турсин, Худо таолони қувватинг, ижтиҳодинг, ақлинг билан топиб, роҳатини кўрмагинг учун берилган неъматларга, унинг ҳузурига совуқ кўз билан қараб унутиш ақлга, адаб ва инсофга тўғри келадими? Иккинчидан, бу йўлдагилар хор бўлиб, дунёда йўқ бўлиб кетиш хавфи ҳам бор. Ва кофирларга ем бўлиб кетиши ҳам ва қайси бир сабрсиз кимса йўлдан тойиб, сабр билан барқарор-маҳкам турайин, дегани ўлиб кетсалар ҳам керак. Агарда бу йўл – фақат ярим-ёртиларга айтилган бўлса, ярим-ёрти рост дунёда бор бўладими? Рост бўлса, ҳаммага бирдай рост бўлсин, чала-ярим ишда рост ва адолат бўладими? Шундай бўлгач, у эл-юртда ҳаёт йўқ бўлиб кетиши мумкин. Ҳолбуки, ҳаётнинг ўзи – ҳақиқат. Қайси ерда ҳаёт бўлмаса, унда камолот йўқ. Бироқ авлиёларнинг ҳам бари бирдек тарки дунё қилган эмас эди, аъшараи мубашшарадан ҳазрати Усмон, Абдурахмон ибн Авф ва Саъд ибн Абу Вакқос – ушови ҳам улкан бойлар эди. Бу тарки дунёлик ёки “Дунё лаззатиға алданиб, ижтиҳодим чала қолди” деб бўйсунмаслик ёки ҳарис-очкўз дунёдан авомнинг кўнглини совутиш учун ранжишга сабр этиб, ўзини фидо қилиб, “Мен жоним билан уруш қилганда халқ, ақалли нафси билан урушиб, ҳаю-ҳавас ва балойи нафс орзусидан тийилиб, адолат ва марҳамат муҳаббатида барқарор бўлар эканми”, деган умид билан бўлса керак. Шундай бўлса, демак, у ҳам эл-юртга қилинган чексиз муҳаббат ҳисобланади. Бироқ бу йўл – жуда чекка, жуда нозик йўл, бу йўлда меҳнат-машаққатларга бардош бериб барқарор туриб изланган кишигина ишининг камолотиға етади. Бу замонда нодир бўлган илмнинг ҳам зўри, сиддиқ ва ҳайратнинг ҳам зўри, Халлоқиға ва яратилган оламға муҳаббатнинг ҳам жуда кучлиси бўлиши керак. Булар жамланиб, уйғун бўлиши қийиннинг қийини, балки фитна бўлади. Ўзига ғалати бир ўзгачалик бериш одам ўғлини бузадиган иш; ҳар бир нодоннинг “Биз тариқатға кирдик”, деб юргани “Биз бузилдик” дегани билан баробарға ўхшаб қолди.

Ҳаким ва олим аслида бир сўз, лекин улар аърафа-билишда фарқланади. Дунёда илми зоҳирий бор, улар айтилмиш ёзилмишларни нақлия, деб ҳам айтадилар. Бу нақлияға муносиб шахслар олим, деб аталади. Аммо Худойи таборак ва таоло ҳеч бир нарсани сабабсиз яратмаган, бунга таъкидлаб “Тафаккару фи алаа-иллаҳи” (Маъноси: “Аллоҳнинг неъматлари ҳақида фикр юритинг”) деган ҳадисға биноан бу санъатини Худодан излаб ва унга талпиниб ибратланувчилар учун тийилиш йўқ, балки санъатидан сабабини билишға талпинишдан Сониъиға ошиқлик келиб чиқади. Аллоҳ таолонинг зотиға бандасининг нақадар ақли етмаса, худди шу қадар ошиқман дейиш ҳам ўринсиздир. Ошиқ-маъшукликда Яратгучи билан яралмиш ўртаси муносабатсиз. Аллоҳ таоло бандасини муҳаббат ва марҳамат билан яратганини билиб, муҳаббатига муҳаббат билангина жавоб беришини Худога ошиқ бўлди, деймиз. Шундай бўлгач, Худонинг ҳикматини ўз ақли етар даражада билсам, деган ниятда ҳар бир иш са-

бабини изловчиларга ҳаким дейилади. Булар ҳақ билан ботилни ажрата олиш ва сабабларни билишга тиришадилар. Ҳамма нарсани одам боласининг фойдаси, ўйин-кулги учун эмас, балки дунёдаги жамики лаззатни ўзлари учун аҳамиятсиз билиб, биргина ҳақни топиш ва ҳар нарсанинг сабабини билиш билан лаззатланадилар.

Адашмасдан тўғри йўлни излаб топган ҳакимлар бўлмаса, дунё вайрон бўлар эди. Феъли банданинг қозиғи – ўша яхши ҳакимлар. Ҳар нарса дунёда ҳакимларнинг хулосавий фикри билан ривож топади. Улар дунё иши билан кўп машғул бўлади. Лекин ўша ҳакимларнинг айтган ишлари – “Ад-дунё мазраъатул охирати” (Дунё охиратнинг экинзори) дегандай, охиратга экинзор бўладиган дунё шудир. Ҳар бир олим – ҳаким эмас, ҳар бир ҳаким – олим. Олимларнинг нақлияси билан мусулмон иймони тақлидга, ҳакимларнинг ақлияти билан эса иймони яқинга эга бўлади. Бу ҳакимлардан мурод – мусулмон ҳакимлари, бўлмаса ғайридиннинг ҳакимлари – гарчанд “фатлубний тажидний”¹ деганича, олам ва одам ўғли умрининг сирига етсалар ҳам, диннинг ҳақ маърифатига ета олмаганлар. Буларнинг кўпи иймоннинг етти шартидан бир Аллоҳни танишдан ғайри, яъни олтитасига кими шубҳали, кими мункар бўлиб, ҳақиқатни топа олмаганлар. Гарчанд улар динда устозимиз бўлмаса ҳам, диндаги йўлбошчимиз Худонинг элчиси – Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларида: “Хайрун наси ман янфаъун наса” (Маъноси: “Одамларнинг энг яхшиси одамларга фойдаси тегадиганидир”) деганлар. Бу ҳакимлар уйқу, тинчлик, ҳавас, қизиқнинг барини қўйиб, одам боласига фойдали ишлар этишни, яъни электрияни топиб, дунёнинг бир четидан тез жавоб олиб, ўт билан сув ҳйласини топиб, минг одам қила олмайдиган хизматлар қилдиргани ва хусусан одам боласининг ақл-фикрини ўстириб, ҳақ билан ботилни қандоқ ажратмоқни ўргатгани – буларнинг бари фойдали бўлгач, бизлар улардан миннатдор бўлишимиз табиий.

Бу замоннинг муллалари ҳаким отига душман бўлади. Булар билимсизлик, балки бузуқ феъл “Ал-инсану адуввун лима жаҳлиҳи” (Маъноси: “Одам ўзи билмаган нарсанинг душманидир”) ҳисоб. Уларнинг шогирдларидан кўпи бироз араб-форс тилини билиб, бир-ярим бемаъни баҳс ўргангач, сўнгра маст бўлиб, ўзига ўзгачалик бераман деб овора бўлишади. Эл-юртига фойдаси тегиш у ёқда турсин, кўпинча турли зарарлари тегади. Ҳой-ҳой билан, мақтаниш билан оддий авом халқни алдаб битиради. Буларнинг кўпи аслида жоҳил ҳам эмас, жоҳиллар қиёфасида юрганга ўхшайди. Улар қаерда ҳақ сўз келган бўлса дарҳол олиб, тезда инсофга қайтсин ва ибратлансин. Рост сўзга ўра қазиб, тўр яшаш – бу нима деган инсоф? Қуруқ ўзимчилик-манманлик ҳар бир одам боласининг феълини бузади. Ростнинг бир оти – ҳақ. Ҳақ – Аллоҳнинг исмларидан бири, бунга қарши тургандан кўра бу ҳақиқатни уқиб, адолат билан тафтиш этиш керак. Бундай феълда куфр хавфи ҳам йўқ эмас.

Ва яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Охир замонда бир йиллик бир кун бўлар” деганларида саҳобаи киромлар: “Бу бир йиллик бир кунда намоз неча марта бўлар”, деб сўрашади. “Унинг фатвоси-

¹ “Фатлубний тажидний” – мени изласанг, мени топасан маъносида.

ни ўша замон олимлари билади”, деган сўзидан ибрат олиб қарасанг, замона ўзгариши билан қоидалар ўзгаришини билдиргани маълум бўлади. Бу кундаги илм олиш усули эски мадрасалар урфида бўлиб, бу замонга фойдаси бўлмади. Кейинчалик Усмонияда мактаби ҳарбия, мактаби рушдиялар ташкил этилиб, янги низомлар майдонга келди. Бундагилар узок йиллар умр ўтказиб, илмга алоқасиз кўп баҳс-мунозаралар билан кунини кетказиб, дунё ҳаётидан беҳабар нодон бир одам бўлиб чиқади-да, ҳар бир ҳаракатга лаёқати бўлмагани учун одам овлаш, одам алдаш йўлига кирадилар. Кўпинча бундай нодонларнинг насихати ҳам таъсирсиз бўлади. Дунёнинг маъмурлиги бир турли ақлга нур бериб тургани нарсасидир. Йўқчилик туфайли одамларнинг ҳайвонлашиб кетган ҳоллари ҳам бўлади. Дунёни борича ва илмини билмаслик – жуда катта ва зарарли нодонлик саналади; бу ҳол Қуръони каримда мақталган эмас. Дунёда кимки ўзини бошқалардан ажратиш қасди билан молга муҳаббат қўймасдан, бу дунёда ёки эҳсонда қўлим қисқа бўлмасин ва ўзим ҳам бировга қарам бўлмай деб, эзгу ниятда ҳалоллик билан мол-дунё топса – у бошқача бўлади.

Биз илмни сотиб мол-дунё изламасдан, мол-дунё билан илм касб қилишимиз лозим. Ҳунарнинг ўзи ҳам мол-бойлик, ҳунарни ўрганишнинг ўзи ҳам ихлос, бироқ бу ҳунар адолатдан четга чиқмасин, шариатга мувофиқ бўлсин. Одамнинг ўз ҳолига мос қўли очик бўлиши – яхши иш, бироқ бошқаларнинг эҳсонига суяниш дуруст эмас. Муллалар у ёқда турсин, хусусан бу замон эшонларига жуда эҳтиёт бўлиш керак! Улар – фитнаи олам, булардан зарардан бошқа ҳеч нарса чиқмайди. Ўзлари ҳукм, шариатни тоза-яхши билмайди, кўпи нодон бўлади, бундан ҳам ошиб, ўз-ўзини аҳли тариқат билиб, яна бировни руҳан тарбиялаш даъвосини қиладилар. Бу иш уларнинг сабоғи эмас, буларнинг тарбияси амримаҳол. Улар одамни йўлдан оздиради, ҳатто динга ҳам зарар етказади. Буларнинг суйгани – нодонлар, сўйлагани – ёлғон, далиллари – тасбиҳ ва саллалар, ундан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Энди билингиз, эй фарзандлар! Худо таолонинг йўли деган йўл Аллоҳ таолонинг ўзидек ниҳоятсиз бўлади. Унинг охири-ниҳоясига ҳеч ким ета олмайди. Бироқ шу йўлда юришни ўзига шарт қилиб, ким қадам босадиган бўлса, у тоза мусулмон, тўлиқ одам дейилади. Дунёдаги асосий мақсаднинг ўз фойданг бўлса – ўзинг ниҳоятлисан, у йўл – Худонинг йўлимас. Оламдан йиғилсин, менга қуйилсин, ўтирган ўрнимга оқиб келаверсин демоқ – бу инсофдан эмас. Қандай бўлса ҳам, ё дунёнгдан ё ақлингдан ёки молингдан адолат-шафқат шаклида бировларга яхшилик қилиш мақсаднинг бўлса, у йўл – Худонинг йўлидир. У туганмас йўл, шу чексиз йўлга оёғингни қаттиқ қўйсанг, ниҳоясиз Худога яқинлашув ҳосил бўлиб, хос эзгу қулларидан бўлиш умиди бор. Бошқа йўлда қандай умид бор? Аллакимларнинг бутун ҳунари ва мақсади: кийимини тузатиш, юриш-туришига қараш бўлади-да, шунинг ўзини улкан давлат билади. Бу ишларнинг бари ўзини кўрсатиш, ўзини бозорга солиб, бутун ҳаёли ўзи каби аҳмоқларга “баракаллоҳ” деб айттиришдир. “Биз ҳам шундай

бўлармиканмиз” деб бировлар талпинишади, бировлар “Шундай бўла олмадик” деб куйинишади. Бундан нима фойда чиқади? Шунча овора бўлиб, ташқи кўринишининг бир севган қавмингга ўхшатарсан. Кўринишининг бе-хосият. Аслида Аллоҳ таоло қарайдиган қалбинг покиза, ихлосинг хосиятли бўлиши лозим. Бу кўйда юрганларнинг ақли қанчалик ўсади? Агар ақл ўсадиган бўлса, у чексиз ва теран яхшиликни севиш билан ўсиши мумкин. Худо таоло дунёни мукамал маҳорат билан одам боласи ўсиб-унсин деб яратган экан, шу ўсиб-униш йўлида инсон изланиши лозим ва бу йўлдаги жуда муҳим иш – бу даставвал дўст кўпайтиришдир. Дўстни кўпайтиришининг усули эса қўлингдан келганича бошқалар билан дўстлик мақомида муомала қилишдир. Кимга дўст бўлсанг, дўстликка чақиради. Яна муҳими, ҳеч кимга ёмонлик қилмаслик ва ўзини кўрсатиш учун тили ёки қилиғи билан ўзига ортиқча бино қўйишдан йироқ бўлишдир. Ўзи-ўзига ортиқча бино қўйиш уч турли бўлади. Биринчидан, ёмонлик қилиши мумкин бўла туриб, одамнинг одамлигини бузадиган бундай ёмонликдан қайтиш – бу инсон учун нур бўлади. Иккинчидан, ўз-ўзини ўзгача қилиб сохта равишда кўрсатиш – бу одамийлик нури, гулини бузади. Учинчидан, ёмонликни қасд қилмоқ, бировни хўрлаш ва камситиш – булар душманликни чақиради. Шунингдек, ўзини бошқача кўрсатишга уриниш негизида мақтанчоқлик ётади. Ҳар бир мақтанчоқ одам бировдан ошаман деган ҳасад билан ёнади, бундай ҳасад ортидан улканроқ ҳасад пайдо бўлади. Бундай бемаъни қилиқнинг йўқлиги одамнинг кўнглига тинчлик беради. Кўнгил тинч бўлган ҳар бир одам хотиржам яшайди.

Жамики одам боласини хор қиладиган уч нарса бор. Ундан қочиш керак. Аввали – нодонлик, иккинчи – ялқовлик, учинчи – золимликдир. Нодонлик – илм-билимнинг йўқлиги, дунёдан ҳеч бир нарсани илмсиз билиб бўлмайди. Билимсизлик ҳайвонлик билан тенг бўлади. Ялқовлик – дунёдаги барча ҳунарнинг душманидир. Ишончсизлик, кўрқоқлик, уятсизлик, гадойлик бари шундан чиқади. Золимлик – инсон боласининг душмани.

Одам ўз боласига душман бўлса, одамгарчиликдан чиқиб, йиртқич ҳайвон қаторига қўшилади. Буларнинг даъвоси Яратганга муҳаббат, махлуқотларга шафқат, ғайрат, тўғрилиқ ва адолат учун яхшини ёмондан фарқлайдиган билим зарур бўлади. Билим, илм Худо йўлига мос бўлиши керак. Яъни Аллоҳ таоло бу оламни яратди, эринмади, гўзал қилиб, ҳикмат билан мукамал бир йўлга солиб бунёд этди. Бунинг натижасида ичингизда бир яхшилик биноси пайдо бўлсин, ҳамма ҳавас қилишга муносиб гўзал бўлсин у. Яна Аллоҳ таолонинг яратган ҳар бир нарсасида хилма-хил фойдали ҳикмати бор. Сенинг ҳам ичингдан бирор зарарли иллатлар чиқиб кетмасдан, балки фойда берадиган бир умидли иш юзага чиқсин. Буларсиз иш – иш эмас. Балки буларсиз тоат – тоат ҳам эмас.

Билгилки, Худо таоло ҳеч бир нарсани ҳикматсиз яратмади ва ҳеч бир нарсага ҳикматсиз таклиф қилмади. Барининг ҳикмати бор, барининг сабаби бор. Бизнинг авом бу ёқда турсин, илмга муҳаббати бор одамларга фарзларни билиш учун ижтиҳод лозим. Сизлар бирор амал қилсангиз,

эзгу ниятда қиласиз. Эзгуликка эса қатъий қасд этиб, яхши ният қилмоқ лозим. Ният унинг фарзларидан ҳисобланади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифида: “Иннамал амалу бин ният” (Маъноси: “Амаллар ниятга боғлиқ бўлади”) деб айтганлар. Дейлик, таҳорат олиш, намоз ўқиш, рўза тутишга ният қилдингиз, бу ибодатларда ниятингиз зоҳир бўлиб, ибодатнинг такомилга етмагани камчилик эмасми? Ботиннинг покизалиги иймонга дахлдор, ҳалиги зоҳирий ибодатлар иймон келтиргандан кейингина фарз бўлади. Зоҳирий ибодат ботиндаги иймоннинг кўланкаси бўлиб, иймоннинг нурланиб туришига кўрк бағишлайди. Шунинг учун уламолар: “Иймон икки эмас, биттадир, бироқ эзгу тоат-ибодат билан нурланади, тоат йўқ бўлса кунгиртланади, эҳтимол сўниш хавфи ҳам бор”, деган. “Агар нодонлар ибодатнинг ички моҳиятини англамай адо этса, аста-аста иймони сўниши ҳам мумкин”, дейишган. Менинг хавфим бор, улар: “Хўш, Худонинг бизга буюргани, шу ибодат экан, биз уни бажарсак, комил мусулмон бўламиз”, деб ўйлайди. У ибодат сақловчи эди. Ҳа, соқчи ўзи қўриқлаётган нарсасининг омонлигини ўйламай, фақатгина уйғоқ туришни қасд қилган бўлса, бу қандай ҳам соқчилик бўлсин? Қўриқлаётган нарсаси нима бўлади? Мақсад сақланаётган нарсанинг омонлиги, тозалиги эмасми?

Эй, ишоратдан хабарсиз одам, қарагин!

Бу ибодатнинг энг улкани – намоз, у намоздан аввал таҳорат олиш ва ундан кейингина намоз ўқиш лозим. Таҳоратдан олдин истинжо қилмоқ керак. Буни жиддий бир ўйлаб кўр.

Сўнгра икки оёқ ювилади. Буларнинг ҳаммаси кўрсатма-ишоратдир. Истинжо деганда кетингизни ювасиз, табиийки, буни ҳам биров кўрмайди. Шунинг билан сезиларли тоза бўлганингни, комил ихлосингни кўрсатасан. “Ичимнинг софлиги сўнггида халқ кўрар сиртимни ҳам пок этаман ҳамда кўзга кўринмайдиган аъзоларимни ҳам пок этаман, бу поклик билан Аллоҳга дуо қиламан”, деб ҳозирланасиз.

Энди намознинг оти “салот”, “саловат” дуо маъносини билдиради. Оёқ билан бўйинга масҳ тортиш – бу ювиш эмас, балки ювилганликка ишоратдир.

Гарчи Аллоҳ таоло юқорида деб макон бермасанг-да, намоздан аввал кулоқ қоқасиз ва бу: “Кераксиз сўзлаш билан адабсиз бўлиб, гуноҳ дарёсига ғарқ бўлдим, яъни мени дунё ҳавасига ғарқ қилмай, қўлимдан торт, яъни қутқариш учун ёрдам бер” деган ишорадир.

Бундан сўнг қиёмда туриб, қўл боғлаш, кул хожа олдида туриш – бу фуқаро подшоҳ олдида турганидан ортиқ Аллоҳ таолонинг қодирлигига ўзининг ожизона иқрорини кўрсатиш ишораси бўлади.

Қиблага қарамоқ, гарчи Аллоҳ таоло бирор ўринда деб эътиқод қилиш мумкин бўлмаса-да, зиёратини фарз этган томонга юзингни қаратиб, шундаги дуолар қабулига яқин бўларми экан, деган ишоратдир.

Ундан кейин қироат, яъни Фотиҳа сурасини ўқийсан, бунда сўзим чўзилиши мумкин. Чунки Фотиҳа сурасининг маъноларида кўп сир бор.

Рукуъ, бош эгиш олдинда Худо ҳозирга ўхшаш – бу ҳам ишорат.

Саждалар – аввал ер-тупрокдан яралганга иқро, иккинчиси яна ерга қайтишга иқро, бош кўтариш яна тирилиб, сўров беришга иқронинг ишорати.

Қаъдатул охир дуонинг охирида Аллоҳга таҳият, ундан ташахҳуд, кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат ва саломлар айтасиз. Яъни, Аллоҳ таолодан нима тилаб дуо қилдингиз, у дуонинг хазинасини бутун мусулмонларга йўналтириб, уларга ҳам саломатлик ҳамда раҳмат тилаб ибодатни битирасиз.

Хўш, бу сўзлардан қандай ибратлар олдик?

АБАЙНИНГ АВАЙЛАНГАН АСАРИ

Қозоқ миллатининг чўнг шоири Қўнонбой ўғли Абай (Иброҳим)нинг ижодий мероси барча туркий халқлар учун бирдек ардоқлидир. Тарихийлик тамойили нуқтаи назаридан қараганда, шоир яшаган муҳит унинг шеърлари кенг оммалашган шўро замонага нисбатан бошқача эди. Халқ мусулмон, юрт мусулмон, хону подшоҳлари ҳам мусулмонча дастур ва урфга кўра эл сўрар, сиёсат юритар эди. Бироқ бадъатлар урчиган муҳит ислоҳга муҳтожлиги, илғор қарашли зиёли аҳли элу юрт тараққиётини қўмсаётгани ҳам аниқ эди. Абай шу улуг йўлни танлади ва ўз миллатдошларини илм-маърифат нуридан баҳра олишга чақирди: “Мен ўлан ёзаман тушунганга, Авлодимга бир сабоқ бермак учун”, деб ёзди у. Сўзини зийрак ва кўнгил кўзи очиқ одам уқишидан умид қилди. Абай шоир сифатида қалбини, халқининг орзуларини, дарду аламларини шеърга солди. Айни дамда уларга насихат қилишни ўзининг маънавий бурчи санади. Ўзбек тилига бир неча бор таржима қилиниб, ўқувчиларига тақдим этилган “Насихатлар” (45 қорасўз)и шу тарихий миссия ижроси ўлароқ майдонга келди. Абайнинг бу туркумидаги “сўзлар” ҳажми ихчам, мазмуни тушунарли ва ҳикматли, албатта. Бироқ бу “сўзлар” таркибидаги “Ўттиз саккизинчи сўз” ажралиб туради, яъни қозоқ тилидаги нусхаларида бу фасл бошқа сўзлардан услубан фарқли, ҳажман анча кўламдор – бир неча саҳифаларга чўзилгани маълум. Қозоқ абайшунослари ўз изланишлари натижасида бу “сўз”даги ўзгачалик сабабини бугунги замонларга келиб очиқ айтиш имконига эга бўлди. Аслида ўша ўттиз саккизинчи сўз “Китоби тасдиқ” (ростгўйлик, ҳақиқат китоби) деб номланган алоҳида рисолача эди. Ўз вақтида Абай “Насихатлар”ини нашрга тайёрлаган аллома адиб Мухтор Авезов ўша “Китоби тасдиқ”ни замонавий қозоқ адабий тилига биров мослаштириб, “Ўттиз саккизинчи сўз” сифатида эълон қилади; Абайни ҳам, ўзларини ҳам ҳукмрон мафкура зуғумларидан авайлашди. Бу эҳтиёткорона тадбир ортидан қозоқ ўқувчилари кўп йиллар “45 қорасўз” воситасида адибнинг ажойиб бир асаридан баҳра олишди. Лекин ўзбек ўқувчилари “Китоби тасдиқ”нинг бир бетлик қисқартирилган нусхасини ўқиди. Бу рисола аслида чиғатой туркчасида ёзилган бўлиб, “45 қорасўз” орасида ўз баён тарзининг ўзгачалиги, нисбатан мураккаблиги билан ажралиб ҳам туради...

Абайнинг “Китоби тасдиқ” рисоласи 2021 йилда Олмаота шаҳридаги “Қозоқ университети” нашриётида алоҳида китоб кўринишида қайта нашрдан чиқди. Китобни заҳматкаш олим, филология фанлари номзоди Оқжўл Калшибек ўзининг шогирди Азимхон Исабек ҳамда таниқли уламо Абдулла Жолдас билан бирга қозоқ ўқувчиларига тақдим этди. Асар таркибида келган форсча, арабча сўзлар, айрим оят ва ҳадиси шарифлар учун бир қанча изоҳлар ёзишди. Оқжўл Қалишбек сўзбошида “Китоби тасдиқ” бошидан ўтган кунлари, Абайнинг айна китоби қўлёзмасини ўқиш жараёнидаги қийинчиликлардан сўз очади. Матншунос ноширлар асарнинг 1905, 1907 ва 1910 йилги қўлёзма нусхаларидан уйғун бир матнни юзага чиқаришади. Сўзбошида нашр учун охириги нусха асос қилиб олингани ва транскрипция тамойиллари хусусида ҳам фикрлар баён этилади.

Асарнинг ўзига келадиган бўлсак, диний-фалсафий моҳиятга эга бўлиб, мазмуни тўқ, матни жуда тифиз ва ибратга муносиб ҳаётий ҳикматларга бой. Абай ёзади: “Шукр қилиш, яъни шокирликдан ибодатнинг барчаси пайдо бўлади. Энди зинҳор-базинҳор адолат ва шафқатдан олис кетманглар. Агар олислашсанг, иймон ҳам, одамийлик ҳам – ҳаммаси йироқлашади”. Бошқа бир саҳифада илм ва ҳунар қадрини таъкидлайди: “Биз илмни сотиб мол-дунё изламасдан, мол-дунё билан илм касб қилишимиз лозим. Ҳунарнинг ўзи ҳам мол-бойлик, ҳунарни ўрганишнинг ўзи ҳам ихлос, бироқ бу ҳунар адолатдан четга чиқмасин, шариатга мувофиқ бўлсин”. Бу каби одамийлик сабоқлари “Китоби тасдиқ” муаллифининг дунёқарашидан хабар беради. Дарҳақиқат, бу ихчам асар орқали ўқувчилар Абай қолдирган адабий мероснинг яна бир янги қирраси билан танишади: адибнинг эзгу мақсади, ислоҳатчилик кайфияти, миллатпарварлиги, ўзи хуш кўрган янгиликларни ўз қадрдон миллатдошларига ҳам илингани каби қатор жиҳатларни уқиб олади. Энг муҳими, Абай “Китоби тасдиқ” асарида шарқдаги мумтоз дидактик адабиёт анъаналарини давом эттиргани, зарур ўринларда ўз фикрини Аллоҳнинг каломи ва Расулulloҳ алайҳиссалом ҳадиси шарифларига таяниб ифода этгани кузатилади. Тирик маҳали жаннатий ўлароқ башорати берилган улугъ саҳобаларнинг исмлари келтирилиб, уларнинг дунё ва охират ишларини баробар бажаришгани ҳақида ёзади. Руҳий яқинлиги боис Абай бир ўринда Сўфи Оллоёрнинг “Сабот-ул ожизин” асаридан кўчирма ҳам беради.

Ҳадиси шарифга кўра “Одамларнинг энг яхшиси одамларга фойдаси тегадиганидир”. Бу муҳим ҳикмат. Зеро, қозоқ абайшунослари фикрича, “Китоби тасдиқ” Абайнинг кейинги авлодлар учун қолдирган васият сўзидир”. Бу сўз одамларга фойдали. Абайнинг муаззам шахсияти, тарихий хизматлари ва яхши инсон экани шундан ҳам аён, азизлар.

Журнал ўқувчиси “Китоби тасдиқ”ни ўқиш билан ўша мўътабар ва фойдали сўзлардан баҳраманд бўлади, албатта.

Таржимон



Михаил ЗАДОРНОВ

ҲАЁТИЙ ҲАЖВИЯЛАР

*Рус тилидан
Расулжон МУХТОРОВ
таржимаси*

Мутлақо хотиржамман

Бугунгидек қийин кундан сўнг фақат аутоген машқларини бажариш йўли билан ухлаб қолиш мумкин. Организмни емирувчи уйқу дориларидан воз кечиш вақти келди. Аутоген машқлари орқали ўзимизни тинчлантираемиз ва уйқуга кетамиз. Бундан осони йўқ. Фақат бу масалага илмий жиҳатдан ёндашиш керак бўлади.

Шундай қилиб.., аввало осмонга қараб ётиб оламан. Меридиан чизигидек узун каравотдаман – танамни бўш қўяман, бир маромда нафас оламан, калламда бирор муаммо ҳақида фикр йўқ, у бўм-бўш! Кўзларим тепадаги бир нуқтага қадалиб қолган – уйимиз шифтини икки йилдан бўён оқ рангга бўйя олмаймиз-а!

Бас! Чалғимаслик керак. Яхшиси кўзларни юмиб олиш лозим!

Ухлаб қолиш учун одам ўзини чалғитиши зарур, бунинг учун қандайдир мавҳум тушунчалар билан банд бўлиши, яъни, кўнгилни бениҳоя кенг, баданни йоглар қуёшни тасаввур қилишгандек қайноқ ҳис этиши керак!

– Мен – қуёшман! Мен – қуёшман! Мен – қуёшнинг улкан чамбаригиман!

Болаликдаги қўшиқ эсимга тушиб кетди: “Ҳар доим қуёш бўлсин! Ҳар доим осмон бўлсин!” Бўлди, жим, тинчланишим керак. Алламбало нарсалар билан диққатни банд этмаслик зарур! Мен – қуёшман!

Мен – улкан қайноқ қуёшман! Мендан иссиқлик таралмоқда. Уйимизга иссиқ сув келмай қолганига парво ҳам қилшмайман. Қўл панжаларим шусиз ҳам қизиқ турибди, товонларим қуёш алангаси каби қайноқ, бошим, бошим эса... Дарвоқе, Бошим қани? Мана у, менинг бечорагина бошим! Яқин кунларда у бутунлай сочсиз қолади. Йўқ, йўқ, яна бир марта йўқ. Энди ҳеч қачон сочимни шампун билан ювмайман. Совунни ўзим тайёрлайман. Жавдари нон устига қайнаётган сувни қуяман, меъёрга

қараб унга пиёз суви қўшаман, бир жуфт тухумни чақиб аралаштираман, кичитки ўтқи майдалаб соламан, бир оз сирка, яхшироқ қўпириши учун ўзимизнинг қўлбола пепси-коладан томизаман. Озгина, озгина қалампир аралаштириб, бироз қайнатаман. Қарабсизки, қўлбола совун тайёр-да! Соч учун жуда фойдали. Шунинг учун ҳам қайноқ қуёшман, лекин ботаётган қуёшман.

Бас, уйқу олдидан ёшинг ҳақида ўйламаган маъқул. Уйқуга ётишдан аввал аутоген машқлар асосида ёқимли нарсалар тўғрисида ўйлаш керак, масалан, бошлиғимизнинг мени чет давлатга саёҳатга боровчи-лар рўйхатиға киритмаганлик воқеаси. Қаранг, Ўрта Ер денгизи бўйлаб саёҳат бўлса, у хотинчаси билан ҳамиша тап-тайёр, картошка теришга бўлса мен балогардон. Бу адолатданми?

Бўлди энди, шундай давом этаверса, уйқу тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Тинчланишим керак. Аутоген машқлар қоидаларига қўра ўзимни хотиржам сезишим даркор. Топдим, ҳозир овоз чиқармай санайман: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти... Дарвоқе, қўшнимиз етти йилдан буён мендан олган қарзни бермайди. Икки кунда қайтараман деганди, виждонсиз. Жим, тинчланишим керак. Ҳамма нарса жойида. Ҳамма нарса жойида. Асабимни бузадиган ҳеч нарса содир бўлгани йўқ. Икки кун илгари тунда “Москвич”имнинг ойнак тозалагичларини ўғирлаб кетишгани унчалик кўнгилсиз воқеа эмас. Кеча кечқурун машинамнинг ўзини ўмариб кетишгани олдада бу шунчаки арзимас дилсиёҳлик.

Ўзи тўғри қилишибди. Аллақачон “Жигули” сотиб олишим керак эди. “Москвич”имни ўғирлаб кетганлар мендек бир қийналишсин. Шунинг учун мен ўзимни яхши ҳис қилаяпман, ҳамма нарса жойида. Зўр ҳудуддан янги уй беришди-я. Йигирма йил навбатда туриб, ниҳоят шунга эришдим. Тўғри, Москвадан узоқ, лекин Петербургнинг чекка шаҳарларига яқин. Уймисан уй. Панеллик, деворларидаги ёриқларнинг ўзи бир олам. Лифти иккита: одамлар ва юклар учун. Менинг уйим биринчи қаватда. Бурчақда кир ювиш цехи бор. Унга гап йўқ. Бир ой олдин ювиш учун еттита адёл ғилофи топширган эдик, кеча ўн тўртта чойшаб қилиб олдик. Лекин мен хотиржамман. Мен хотиржамман. Мен бутунлай хотиржамман. Кўзларим ўз-ўзидан юмилиб кетяпти.

Рост-да, нима учун улар очик бўлишлари керак? Ахир менда ҳамма нарса жойида-ку. Зўр оилам бор. Ўғлим яқинда чекишни ташлади. Уни мактабдан ҳайдашмоқчи, у ҳам, дадасининг ўғли-да, хотиржам. Қизим онасининг нусхаси. Ўзидан бир поғона баланд турадиган эрини хотиржам ҳолда ҳайдаб солди. “Дада, ойликка кўз тикиб ўтирган эрнинг даражаси ҳеч қачон мендан устун бўлолмайди” – дейди. Шунинг учун мен ҳам хотиржамман. Мен мутлақо хотиржамман. Бунинг устига муз каби совуқман. Мен – музман. Музлаб қолганман. Чунки, мен ўралиб олган адёл калта, бошқаси йўқ. Ҳозир аутоген машқларни бажариб, исиниб оламан. Мен пулман. Мен – бир уюм пулман. Эй Худо, бу уюмнинг ўзи қанақа бўлади? Йўқ, дабдала бўлиб кетсам кетаманки, аммо “Жигули”

учун пул тўплашдан тўхтамайман. Парча-парча бўлиб кетсам ҳам, барибир, пул йиғаман.

Эй, Худойим-эй! Тўйиб ухлаб олган одамдек бўлиб қолдим. Субтропик иқлимли ўлкаларда яшовчи йогларга мазза экан. Банан дарахти таги-га ўтириб олиб, сочиқ билан бошини танғиб, ўзини сотувчидек ҳолатга солиб кўрсатса бўлди экан, ҳеч қанақа муаммо йўқ, уйку ҳам жойида. Бизда-чи? Бизда эрталаб уйғотадиган соат аллақачон бонг урди. Тунни бунчалик тез ўтиб кетганини қаранг!

Айни пайтда шунақа уйкусиз тундан сўнг фақат аутоген машқлар орқали ўриндан туриш мумкин. Бошқа илож йўқ. Чап оёқни йиғамиз, сўнг иккала оёқни узатамиз: “Бир ва икки!” Тез-тез такрорлаймиз: “Мен уйкуга тўйдим! Мен уйкуга тўйдим! Мен уйкуга тўйдим! Менинг ҳамма ишларим беш!”

Кимни ишдан бўшатай?

Менга ходимлар бошқармасидан: “Сизнинг бўлимингизда одамлар сони кўпайиб кетди, ҳеч бўлмаганда бир нафарини қисқартириш керак”, –деб қолишди. Кимни қисқартирай? Кулаковними? Маъзур тutasиз... Келинг, бундоқ қалпоқни ечиб, каллани ишлашга мажбур қилайлик. Бошқа бўлимларда узунликка сакрайдиган, кроссда югурадиган, граната улоқтирадиган, газеталар соврини учун сузадиганлар кимлар? Улар “Саломатлик” гуруҳининг уч-тўрт иштирокчиси ҳамда бесўнақай гавдасига кўра бузғунчиликка мойил, феъл-атвори туфайли маррага навбатсиз қўйиб юбориладиган олти-етти нафар аёллар. Бизда-чи? Сиз ўша Кулаковни ҳеч кўрганмисиз? Вақт топиб бир келинг, кўрасиз. Устки кийими 68, бош кийими 74-ўлчам. Пойафзалидан қорда қоладиган из чемодандан қолган изга ўхшайди. Икки шиша ароққа етадиган пулга ўнта рубль учун у ҳар кимга ГТО (“Меҳнат ва ҳимояга тайёр!”) кўкрак нишони нормасини бажариб беради. У туфайли бўлимимиздаги барча ходимлар нишондор бўлишган. Нима учун мен уни ишдан бўшатишим керак?

Филиппов штатини қисқартириш ҳам ғирт нодонлик. У ҳар бир байрамга атаб 27 метр узунликда бўлган деворий газетани қойилмақом қилиб чиқаради. Бу ҳазил ишми? Биринчи май байрамига бағишланган сонни муддатидан анча илгари – 1 апрель куни деворга илиб қўйди.

Горяев эвазига ўтган йилги социалистик мусобақада биз олтмиш беш очко тўплادик. Ютуқлардан руҳланиб, у “Ҳар куни ишга келайлик!” деб номланган янги ташаббус билан чиқди. Қойилмисиз?

Иванов бутун йил давомида қон топшириш шохобчаларида бўлим ходимлари учун балогардон бўлиб юради. Унинг қони камдан-кам учрайдиган хилидан экан.

Ўтган йили Козловни ишдан бўшатмоқчи бўлдим. У кутилмаганда бир тентаклик қилиб қўйди. Муз остидан балиқ тутиш бўйича ўтказилган бутуниттифоқ мусобақасида ғолибликни қўлга киритса бўладими? Мана сизга истейдод. Ўзи ўйлаб топган янги парма билан белгиланган вақтда

бошқалардан ўн маротаба кўп балиқ овлаш учун муз чуқурчасини ўйиб ташлабди, азамат.

Симоновни ишдан четлатишга йўл қўя олмайман. У экстрасенс. Қиш пайтида иссиқлик беришни тўхтатишганида, ўзидаги тафт билан жонимизга оро киради.

Маша хорда ашула айтади. Петров ўрма ишдан буюмлар тўқиш билан шуғулланади. Эртадан кечгача шу иш, яъни макраме санъати. Нина Олеговна каратэчи. Уни ишдан бўшатиш ўта хавфли, чунки жаҳли чиқса ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Мен уни доимо социалистик мусобақа якунларига бағишланган йиғилишларга юбораман. У раҳбариятдан очко олиш йўллари биледи.

Қримовнинг отаси туман ўт ўчирувчиларининг каттаси. Уни ишдан олсак, бўлимда электр чой қайнатгич ишлатишни ман қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Рудаковни тепадан бўлган қўнғироқ асосида ишга қабул қилганмиз. Бекорга уни ҳамма “Бизнинг қўнғироқ билан иш битирувчимиз”, деб аташмайди.

Полежаевга тенг келадиган ходим жамоада йўқ. У атиги 25 дақиқада 500 та пуфакни шишириб ташлайди.

Давидовнинг қизи вазиримиз ўринбосари котибасининг қизи билан битта боғчага қатнайди. Тўрт ёшга кирганига қарамай, бўлимимиз ходимлари учун уч марта қўшимча маош тўловини амалга ошириб берди. Мен бу қизчанинг отасини ишдан бўшатиб, унга нисбатан кўрнамаклик қилолмайман-ку, ахир!

Гапнинг қисқаси, бизда лавозимидан бўшатадиган ходимнинг ўзи йўқ. Кимдан айб қидирма, қаерга калла сукма, барчасига ишончли сабаблар тайёр. Ҳатто Максим Николаевични ҳам қисқартира олмайман. Албатта, у эртадан кечгача ёзув-чизув, ҳисоб-китоб қилишни биледи. Ўта кетган танбал, бошқа ҳеч нарса қилмайди. Бироқ, бутун бўлим режасининг тақдири унинг бир ўзига юклаб қўйилган-да.

Хуллас, ҳеч кимни ишдан ололмайман. Агар яхши ўйлаб кўрилса, бу шарт ҳам эмас. Нима, мен бундай топширикни тепадан биринчи марта оляпманми? Мана шу 25 йил ичида агар бошлиқларнинг кўрсатмаларини бажариб, ходимларни қисқартирганимда, ҳозир бўлимимизда ҳеч ким қолмасди. Уларнинг барчаси тенги йўқ, алмаштириб бўлмайдиган инсонлар! Ҳар бири ўз ўрнига зап ярашиб тушган! Биз эртага корхонамизда штатлар қисқариши бошланганининг йигирма беш йиллик тўйини бир жон, бир тан бўлиб кутиб оламиз! Шунинг учун яхшиси, ҳар доимгидек, раҳбариятга нима учун ҳеч кимни қисқартириш мумкин эмаслигини далиллар билан исботловчи расмий маълумот юбориб қўяёламан! Барча ходимларни эса байрам муносабати билан фахрий ёрлик билан тақдирлайман. Мендан ташқари барчани, албатта. Чунки, ўзимга-ўзим фахрий ёрлик топширсам, ходимлар нима деб ўйлашади? Шунинг учун, барча раҳбарларга ўхшаб, ўзимга мукофот ҳамда пуллик совға ёзиш билан чегараланаман, менга шу ҳам етади!

Таклиф

Виталийни мен болалик пайтларимиздан буён танийман. Кейин биз узоқ муддат кўришмадик. Мен уни олийгоҳга талаба бўлиб қабул қилинганимдан сўнг учратиб қолдим. У севган қизи ёнига шошиб турган эди. Мен ҳам. Мен унга уйланаётганлигимни айтдим. У бизлар бир-биримизни қачондан буён билишимизни сўради. Танишганимизга бир ой бўлганини маълум қилдим. У бошини сарак-сарак қилиб шундай деди:

– Бу – яхши ўйланмасдан қабул қилинган қарор. Уйланиш – ҳаётда қўйиладиган жиддий қадам. Турмуш қуришдан аввал ҳар иккала томон бир-бирини яхши ўрганмоғи зарур. Бўлмаса одам ўзига ўзи кўп кўнгилсизлик орттириб олиши мумкин! Турмуш курсанг-у, бироқ, ҳар кимнинг қарашлари бошқа-бошқа бўлса! Ажрашишга тўғри келади, бу эса бутун ҳаётинг давомида сенга руҳий зарба бўлади. Мана, биз Люба билан ярим йилдан буён учрашиб юрамиз, бир-биримизни севсак ҳам, мен барибир уни ҳозиргача синайман: кино, театрга борамиз, ўқиган китоблар тўғрисида суҳбатлашамиз.

Мен уни эътибор билан тингладим, шу-шу у билан уч йил кўришмадик. Кунлардан бир куни хотиним бетоблигида дўконга боргандим, уни навбат кутиб турганлар орасида учратиб қолдим. Деярли ўзгармабди. Фақат юзи оз-моз тўлишган, қорнининг шакли, қадди-қомати келишган йигитчалар уйлангандан кейинги биринчи йиллари пайтидагидек бошқача. Биз уёқ-буёқдан гаплашдик. Мен ундан талабалик йиллари севган қизи билан турмуш қурган-қурмаганлигига қизиқдим. Виталий унга уйланмаганини айтди.

– Сен уни жуда севар эдинг-ку, бир-бирингиздан айрилганингиз яхши бўлмабди, – дедим мен.

– Бизни ажралишди, деб сенга ким айтди? – ҳайрон бўлиб сўради Виталий.

– Унда ҳалигача уни синаб юрибсанми? – ажабланганимни яширмай сўрадим.

– Шундай десак ҳам бўлади. Бизнинг қизиқишларимиз бир хил бўлиб чиқди. Мен бунинг охирига етдим. Лекин, биласанми, – тушунтира бошлади у, – оила қуриш – жиддий қадам! Одамлар бирга яшай бошлашганидан сўнг ўзларини бошқача тута бошлайдилар. Оилавий ҳаёт – кино ёки театр эмас. Сўнгги пушаймон эса ўзингга душман! Уйландинг ҳам дейлик, қўққисдан у овқат тайёрлашни билмайдиган, уйни ўз вақтида тозалламайдиган ёки телефон орқали ғийбат тарқатиб юрадиган чиқиб қолсачи?! Бу нарсаларга мен тоқат қилолмайман. Хуллас, биз муҳаббатимизни одамни ғоят ваҳимага соладиган нарса – оилавий турмуш шароитида синаб кўришга келишдик. Икки йил бўлди, у менинг уйимга кўчиб ўтганига. Зўр бўлар экан! Биз ҳозиргача бир-биримизни севамиз. Шунинг учун агар бу ҳолат шундай давом этаверса, мен унга албатта уйланаман!

Бу учрашувдан сўнг биз ўн йилча кўришмадик. Бу сафар мен Виталийни шаҳар боғида болалар майдончасида кўриб қолдим. Виталий чет

эл кийимларига ўралган фариштадек чиройли эгизаклар билан қумдан кема ясаб ўтирарди. Ўтган ўн йил ичида у жуда ўзгариб кетибди.

– Ўзингникими? – эгизакларни кўрсатиб, сўрадим мен.

– Ишонмаяпсанми? – мийиғида кулиб қўйди у.

– Табриклайман! – дедим мен.

– Нима билан? – тушунмади у.

– Нима билан, деб сўрайсан-а! Ниҳоят уйланибсанда-а!

– Ким сенга мени уйланди, деб айтди? – зардаси қайнади унинг. Мен ҳали турмуш қурганимча йўқ!

– Унда... – мен гапимни охирига етказолмадим.

– Биласанми? – Виталий костюмларига илашиб қолган қумни қўли билан туширар экан, қаддини ростлади, нафасини ўнглаб олгач, тушунтиришни бошлади:

– Оила қуриш – бу жуда жиддий иш! Биз турмушда бир-биримизга мосдирмиз, лекин уйланишинг билан фарзандлар туғилади. Хотининг эса уларни қандай тарбиялашни ҳам, парвариш қилишни ҳам билмайди, унда нима бўлади? Қуйиб қолишинг мумкин! Хотин – бу биринчи галда она! Мен унинг қандай она бўла олишини синаб кўрмоқчи бўлдим. Эгизаклар дунёга келишди! Биласанми, ҳаммаси яхши! Уддалаяпмиз! Уйланишга тайёргарлик кўраяпман.

Такдир тақозосига кўра, биз Виталий билан яна йигирма йил кўришмадик. Хиёбондаги скамейкада узок бирга ўтиришимизга қарамасдан, биз бир-биримизни дарҳол таний олмадик. У қўлида ҳасса ушлаган, похол шляпа кийиб олган ҳолда газетадан “Об-ҳаво ва кайфият” мақоласини ўқиб ўтирар эди. Мен уни югуриб келган ўгил болага:

– Набирагинам, юр энди уйга қайтайлик, бўлмаса Люба хола бизни уришиб беради, – деган пайтида овозидан таниб қолдим.

Қучоқлашиб кўришдик. Унинг набираси менинг набирамдан бир ёш катта экан.

– Эгизаклар эсингда борми? Улардан бирининг ўғли! – ғурур билан деди у. – Шунақанги шўх, тўполончики...

– Ҳалигача синаяпсанми? – сўрадим мен.

– Нимани синайман? Оила қуриш – бу ғоят жиддий иш. Қуйиб қолишинг мумкин. Қачондир набиралар туғилади. Хотининг эса улар учун арзирли буви бўла олмаса-чи? Устига-устак, бизнинг замонамизда барча рўзғор ишлари бувилар зиммасига юклатилган. Шунга кўра, уйланишдан аввал хотининг набираларингга муносиб буви бўла оладими-йўқми, текшириб кўриш керак! Шундайми?

– Тўғри гапираяпсан! – дедим хурсанд бўлиб.

-- Биласанми, у бувиликни қойиллатаяпти. Тез кунларда менга турмушга чиқиши ҳақида унга таклиф айтаман.

Бир неча кундан сўнг мен уни яна ўша жойда учратдим.

– Қалай, таклифингни унга айтдингми? – сўрадим мен.

– Йўқ. Биласанми, бир оз кутишга қарор қилдим. Тез орада мен нафақага чиқаман. Иккаламиз оладиган нафақага у рўзғорни тебрата оладими-йўқми, синаб кўрмоқчиман. Нафақага чиқишим муносабати

билан менга ишхонадагилар шаҳар чеккасидан ер ажратиб беришди. Бу ишларни у эплай оладими-йўқми, синаб кўришим керак. Акс ҳолда, куйиб қолиш ҳеч гап эмас! Ўзинг биласан, мен кимгадир пишиб етилмаган хом-хатала таклифларни айтадиган ёшда эмасман.

Шундай бўлдики, унга берилган ер участкаси ёнидан менга ҳам ажратишди. Унинг тахтадан қилинган ўйинчоққа ўхшаш кичкина уйчаси олдига келиб, уларнинг полизда аҳиллик билан меҳнат қилаётганларини кўрдим. Виталий ёнимга келиб, қулоғимга пичирлаб шундай деди:

– Ишляпмиз! Қулупнай экаяпмиз. Қулупнай кўчатлари кўкарса, унга сўзсиз уйланаман.

Шундан буён биз тез-тез учрашиб, бир-биримизникига меҳмонга бориб турдик. Бир куни эрталаб у бизникига хафа ҳолда кириб келди ва хотини уни ташлаб кетганини айтди. Мен бу ҳолатнинг сабабини сўрадим.

– Ўтган йиллар мобайнида у менинг қатъиятлилиқ сифатларимни синаб кўрибди. Ишонасанми, қатъиятсиз бўлиб чиқибман! Журъатсизлигимни аниқлагунча қирқ беш йил ўтибди. Бу нарсани олдинроқ билса бўлмасмиди? Ахир ўртамизда фарзандлар, набиралар дунёга келди, ҳадемай чеваралар туғилади. У мени севади, мен ҳам уни севаман. Шунча йил бирга яшадик, бирон марта ҳафалашмадик. Такдирнинг ҳазилини қара, мен энди унга тўғри келмас эмишман!

Виталий ғазабини босолмай турди, кейин дадиллик билан деди:

– Бас, етар! Мен кетдим.

– Қаёққа? – сўрадим мен.

– Бозорга. Гул сотиб оламан-да, сўнг унинг кўлини сўрайман. Мен унга журъатсизлигимни бир кўрсатиб кўяй!

Хотиним билан унинг қарорини маъқулладик. Бизнинг гапимиздан у жуда қувониб кетди, волидол дорисини ичибоқ, ташқарига отилди. Тўсатдан у эшик ёнида тўхтаб, бизга ўгирилди ва деди:

– Аммо-лекин бир нарсадан хавфим бор. Юрак курғур анча чарчаб қолди, агар кўкқисдан бирор кор-ҳол юз берса, унинг бир ўзи шундай катта оиламизни қандай эпларкин, мен тўғримдаги хотираларни қай даражада сақларкин? Шу нарсани ҳам бир синаб олиш фойдадан холи бўлмас эди-да! Сизлар нима деб ўйлайсизлар? Бўлмаса, куйиб қолиш ҳеч гапмас!

Тўққизинчи вагон

Ушбу воқеа бир тасодиф туфайли юз берди. Москвадан Ленинградга боришим зарур бўлиб қолди. Иккинчи вагонга чипта беришди. Вокзалга келиб, чиптада кўрсатилган поездни топдим, лекин, айтсам ишонмайсиз, поезднинг дастлабки уч вағони йўқ эди.

Тўқсонга яқин чамадон кўтарган, болаларини етаклаган йўловчилар, кузатувчилар бу ҳолатни тушунолмай, ҳайрон бўлганча состав бошидаги вагонларни қидиришар эди. Менинг ҳам асабим таранглашганди. Ўзим журналист бўлганим, фелъетонлар бўлими билан боғлиқ эканлигим учунми, “Ҳозир поезд бригадирини топаман ва бу бедодлиқнинг тагига етаман!”, деб ўйладим. Бироқ поезд бригадирини ҳеч қаердан тополма-

дим. Вокзал бошлиғига кириб, ўзимни мағрур тутган ҳолда, жаҳл билан “Поезд бригадири қаерда?” – деб сўрадим. – У поезднинг олд томонидаги учта вагондан бирида бўлади”, – деди вокзал бошлиғи.

Унинг хонасидан ҳеч вақони тушунмай чикдим.

Биз жабрдийдалар бошқа вагонларга жойлашдик. Ким тамбурда, ким тикка туриб, яна кимдир манзилгача чамадони устида ўтириб кетди.

Уйга қайтгач, газабим босилмагани сабабли поезд рақами, айрим темирйўлчиларнинг фамилияларини кўрсатиб, ушбу воқеа тўғрисида фельетон ёздим. У номдор газетада босилиб чиқди. Ажабтовур воқеалар шундан кейин бошланди, менимча. Киев шаҳрида яшовчи бир газетхондан менга мактуб келди. Унда “Менинг темир йўлда бошимдан кечирганларим олдида Сиз ёзган воқеа бир пул, Киевга келинг, уларни сўзлаб бераман, афсусланмайсиз”, – деб ёзилган эди.

Мен Киевга келдим, унинг ҳикоясини тинглаб, шунча йўл босганлигимдан афсусланмадим.

Воқеа бундай бўлган эди. Биз йўлга чиққан поезд таркибида дастлабки учта вагон йўқ бўлган бўлса, Киевдан жўнаган поездга иккита тўққизинчи вагонни улаб юборишибди. Йўловчилар, шубҳасиз, эс-хуши жойида бўлган одамлар, тўққизгача санашни амаллашади, шунинг учун уларнинг вағони ўнинчи вагон олдидагиси эмас, балки, саккизинчи вагондан кейингиси эканлигини беш қўлдаи билишади. Шу боис, улар жадаллик билан биринчи тўққизинчи вагонга ўтирадилар.

Поезд жойидан жилгач, бирорта йўловчи чиқмаган иккинчи тўққизинчи вагон проводниги ҳайрон бўлганча поезд бригадирига учраб: “Бизнинг вагон бўм-бўш, хувиллаб ётибди, инсон зоти йўқ”, – дейди. Проводникнинг гапига бригадир ҳайрон қолади ва: “Назаримда, ҳар доимгидек, чипта сотувчилар ишни чалкаштиришиб юборишибди шекилли”, дейди ва кейинги станцияга тўққизинчи вагонга чипта сотилиши ҳақида радиохабар юборади.

Кейинги станцияда тўққизинчи вагонга чипта сотиб олганлар ҳам эс-хуши жойида, тўққизгача санашни биладиган одамлар эди. Шунинг учун улар шошилиб, биринчи тўққизинчи вагон томон югурадилар.

Йўловчиларни чойларини ичириб, уйкуга кузатган биринчи тўққизинчи вагон проводниги уларни кўриб ваҳимада: “Ўртоқлар, намунача кўпсизлар, сизларни ит қувладими? Менинг вагонимда биронта бўш жой йўқ. Тезроқ поезд бригадири олдига югуринглар, у биринчи вагонда. Поезд атиги уч дақиқа тўхтаб туради. Сизларни у биринчи вагонлардаги бўш ўриндиқларга жойласин”.

Поезддан кеч қолишни ўйлаб, юклари, болаларини кўтариб олган йўловчилар кузатувчилар билан биргаликда биринчи вагон томон ким ўзарга чошиб кетишади. Уларни ҳайратдан кўзлари ола-кула бўлиб кетган поезд бригадири кутиб олади ва дейди: “Жаноблар, бу оломон яна қаердан пайдо бўлди, кимсизлар?” – “Биз ҳаммамиз тўққизинчи вагонданмиз, дейишади улар. Бригадир ниманидир тушунмаётганини сезади, лекин айнан нимани тушунмаётганига ақли бовар қилмайди. Поезднинг бу станцияда тўхтаб туриши уч дақиқа қилиб белгилангани учун у шо-

шилинич равишда йўловчиларни биринчи вагондаги бўш ўриндиқларга жойлаштиради.

Бир пайт биронта йўловчи ўтирмаган иккинчи тўққизинчи вагон проводниги бригадирга келиб: “Менинг вагоним ҳалигача бўм-бўш, нима бўляпти ўзи, ҳеч нарсага тушунолмаёпман” деб қолади. Бригадир ақлдан оза бошлайди. Проводникнинг сўзларига ишонмай, иккинчи тўққизинчи вагонни бориб кўради, ҳақиқатдан ҳам у ўғри урган уйдек бўм-бўш эди.

Вагонларни санаб чиққач, бригадир йўл қўйилган хатони англаб етади ва ердан пул топиб олган боладай севиниб кетади. Ушбу чалкашликка бутунлай чек қўйиш мақсадида келгуси станцияга тўққизинчи вагонни составдан чиқариб, олиб қолиш ҳақида радиохабар жўнатади.

Қоқ тунда бу ишга киришган олдиндаги станция ишчилари ҳам ақли расо, тўққизгача санашни биладиган инсонлар-да, биринчи тўққизинчи вагонни составдан узиб, хотиржам уйқуни ураётган йўловчилар билан заҳира йўлга олиб бориб қўядилар ва бу ҳақда бригадирга хабар берадилар.

Бригадир жуда катта ғам-ташвишдан халос бўлганидан енгил тортиб, поезднинг жўнашига буйруқ беради ва ухлаш тараддудига тушади. Унинг киприклари бир-бирига илашиб улгурган ҳам эди, лекин... бригадир қаршисида яна ўша иккинчи тўққизинчи вагон проводниги қаққайиб турар, бир сўзни қайта-қайта такрорларди: “Менинг вагоним ҳамон бўм-бўш...”

Поезд бригадири ақлдан бира тўла оздими, йўқми билмайман, лекин кейин нима бўлганини менга ўша биринчи тўққизинчи вагоннинг йўловчиси – ҳамсухбатим сўзлаб берди.

Тун ярмида у чекиш учун ташқарига чиқибди. Узоқ чекибди ва ўйлаб қолибди: “Намунча узоқ тўхтаб турибмиз?” Деразадан ташқарига қараб танг қотибди: олдинда ҳам, орқада ҳам бирорта вагон йўқ. Антика манзара: тақир чўл, мудраётган ой ва ит топмас жойга ўрнатилган заҳира йўл.

Шошилинич йўловчиларни уйғота бошлабди. Хавотирга тушган йўловчилар эса ким онадан янги туғилган ҳолатда, ким ярим яланғоч коридорга отилиб чиқишади ва қаерга етиб келганларини суриштиришади.

Шунда мен ўзимни кулгидан тўхтата олмадим. Жабрдийда танишим юзидаги изтиробни яширмай менга деди: “Сиз бекорга кулаяпсиз, бу воқеанинг ҳеч кулгилик жойи йўқ. Ахир ушбу вагондаги барча йўловчилар туристик йўлланма билан Венгрияга жўнаб кетаётган эдик-да!”

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ижодий кенгашларида*

СЎЗ ВА ФИКР ЎЗ ЎРНИНИ ТОПСА...

**“Жаҳон адабиёти” журналида
2022 йилда эълон қилинган шеър
таржималар таҳлили**

Бадий таржима – бу фақат муайян матн, сўзлар, жумлалар таржимаси эмас, балки шу унсурлар воситасида қалб таржимаси, кўнгил таржимаси, фикрлар, нуқтаи назарлар таржимаси, адабиётларнинг бир-бирини бойитиши, тўлдириши, янгилаши ҳодисаси ҳамдир. Шу сабабли ҳозирда бир хорижий тил ёки бир неча тилни ўрганиш ҳамда бадий асарларни аслият тилида ўқиб-тушуниш, биринчи манбани мутолаа қилиб завқланиш ва эстетик завқ олиш борасида техник, методик, иқтисодий шарт-шароитлар жуда кенгайганига қарамасдан – бу борада Интернет тармоқларининг ўзида қанча-қанча имкониятлар мавжуд – бадий асарлар таржимаси тўхтаб қолгани йўқ.

Аксинча, бу соҳа изчил ривожланиб, ўсиб, кенгайиб бормоқда. Газета-журналларда ҳар куни янги таржима асарини ўқиш мумкин. Таржима қилинган китоблар кетма-кет нашр этилаётир. Бу таржималар жанри, мавзуси, услубига кўра ҳар хил. Жўрофияси ҳам ғоят кўламли. Яхши таржималар кўп, албатта. Лекин баъзи таржималарни ўқиб, таҳлил қилиб, муаллифнинг услуби, маҳорати, бадий санъатларни қўллаш маҳорати ҳақида муайян тасаввурга эга бўлолмайсиз. Шундай пайтда савол туғилади: Услубсизлик аслиятга – биринчи муаллифга хосми ёки таржимонга – иккинчи муаллифгами? Таржима асарларининг сифат-савияси, аслиятга яқин ёки аслиятдан йироқлиги қай даражада бўлиши керак?

Шу ва шу каби саволларга жавоб излаб, “Жаҳон адабиёти” журналида ўтган – 2022 йил мобайнида эълон қилинган таржима асарларини ўқир эканмиз, ҳаёдан ўтган айрим мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Журналнинг 1-сонида “Словак халқ кўшиғи” эълон қилинган. Уни рус тилидан таниқли шоир Яхё Тоға ўзбек тилига таржима қилган.

Биз кўшиқ деганда кўпинча ҳажман унчалик катта бўлмаган, лирик кечинмалар ифодаланган шеър-кўшиқларни кўз олдимизга келтира-

миз. Лекин “Словак халқ қўшиғи” ҳажман катта битта асар. Аслида уни дoston деса ҳам бўлади. Чунки асар яхлит сюжет асосига қурилган, яъни воқеабанд. Ҳодиса-воқеалар, яъни сюжет ҳаёт зиддиятлари ва курашларда ўсиб ривожланади. Қаҳрамонлар, персонажлар, иштирокчилар тўлақонли катта асардагидек ҳаракатланади, тўлақонли ҳаёт билан яшайди.

Халқ қўшиқлари қайси тилда бўлмасин, ўзбек тилидами, словак ёки бирор бошқа тилдами, умумий руҳи, халқона фикр тарзи, енгил ўқилиши, равонлиги, ҳатто шакл ва қурилиши жиҳатидан бир-бирига яқин бўлади. Шу нуқтаи назардан барча халқ қўшиқларини бир-бирига қариндош, деб айтиш мумкин.

*Қўшиқлару наволар,
Қайдан бўлгансиз пайдо?
Тушганмисиз ҳаводан,
Ердан чиққанмисиз ё?*

“Осмондан тушганми, ердан чиққанми?” деган ўзбекона ибора ва тушунчани таржимон асарга шундай осон сингдирган, енгил уйғунлаштирганки, ўқувчи бу топилмани жуда табиий қабул қилади, ҳатто сезмайди. Чунки у асарнинг “умумий вужуди”га бир аъзо каби пайванд бўлиб кетган. Асарда ёки таржимада муаллиф ёки таржимоннинг бадиий топилмасини ўқувчи сезмай ўқиса, табиий қабул қилса, асарни яхлит матн сифатида қоқилмасдан ўқишда давом этаверса, бу, шубҳасиз, муаллиф ва таржимоннинг маҳоратини намоён этадиган нуқта бўлади.

*Илк хониш на самода,
На ер қаърида қолган.
Қизлар излаб афтода,
Йигитлар топиб олган.*

“...самода... афтода; қолган... олган” каби жарангдор ва силлиқ қофиялар таржимоннинг словак халқ қўшиғини ўзбек халқ қўшиқлари руҳига, енгил ўқиладиган ва осон тушуниладиган тизимга, шаклга солганини, бу билан бадиий матннинг пишиқлиги, таранглиги ортганини кузатиш мумкин.

Асарни ўқишда давом этар экансиз, таржимон, айти пайтда, словак халқининг феъл-атвори табиатини, шу ўлка табиатининг манзараларини рассом каби чизганига ишонч ҳосил қиласиз.

*“Йиғлайверма, англадим,
Яхши отга бир қамчи.
Кўзанг учун
Малагим,
Юрагимни берсам-чи?”
Шу ўхшайди керакка,*

Қолгани қиз нозидир.

“Кўза учун

Юракка

Юрагим ҳам розидир”.

Аввало, қофияларга аҳамият берайлик: “*англадим, малагим, қамчи, берсам-чи... керакка, юракка, нозидир, розидир*”.

Таржима асарида оддий сўзларнинг ўрни топиб ишлатилгани сабабли улар нодир сўзлар каби яраклаб очилиб, таржиманинг залворини оширган. Шу тўлиқ, силлиқ қофияларнинг ўзиёқ Яхё Тоғанинг нозик дидли, сўзларни чертиб-чертиб ишлатадиган шоир эканига далилдир.

“Словак халқ кўшиғи” таржимасида асарнинг қизиқарли ва ғаройиб сюжетиға путур етмаган. Ўқувчини хаяжонга соладиган воқеалар жараёни, ҳодисалар ривожини киши кўз ўнгидан кинолентадек ўтади. Қаҳрамон ва персонажларнинг портретлари шеърхон тасаввурида тўлақонли ҳолда гавдаланади. Уларнинг характерлари, хос одатлари аниқ-тиниқ намоён бўлади.

Журналнинг 2-сонида Хитой мумтоз шеъриятидан намуналар, хусусан, уч нафар шоир – Гуан Ханьин, Цяо Цзи, Чжан Кэцзюнинг шеърлари “Тўлкинларда рақс тушади ой” умумий сарлавҳаси остида журналхонларга тақдим этилган. Шеърларни шоир Турсун Али рус тилидан ўзбек тилига ўгирган.

Маълумки, Хитой мумтоз шеърияти Хитой маданияти, Хитой тарихи каби шаклланиш, такомиллашнинг узун йўлини босиб ўтган. Шу сабабими, жуда нозик, нафис ва ўзигагина хос ингичка хусусият ва белгиларга эга. Бу шеърини санъат ихчам ифода, қисқа ва оз воситалар билан кўламдор маъноларни акс эттиришга йўналтирилган. Хитой шеъри пировардида, мутахассисларнинг эътирофи этишича, нарсаси ва ҳодисаларнинг қоқ моҳиятига, яъни олий ҳақиқатга етишга интилади.

Хитой шеъриятида табиат манзараларини тасвирлашга алоҳида эътибор қаратилади. Табиат манзаралари орқали инсон руҳияти манзаралари таҳлил этилади. Гуан Ханьиннинг “Куз”, “Қиш”, “Баҳор” сарлавҳали шеърларида ҳам худди шундай ҳолатга, тасвирга дуч келамиз.

“Баҳор” шеърида:

Баҳор ҳам қайтади.

Қайтармисан, азизим?

Толнинг момиқлари учар дарё узра,

Чарчади

менинг қалбим соғинишдан.

Қушдек хабар юборармисан

бир кун баҳорда?

Ўзларига ин қураётган

қалдирғочларга

нақадар ҳавас қиламан мен!..

Мазкур ўринда, матнга кўра, баҳор қайтди, лекин ёр қайтадимиз ёки йўқми, ноаён. Шу ноаёнлик лирик қаҳрамон кайфиятини намоён этади. Шундай вазиятда тол момиклари дарё узра сузади. Бу манзарани соғинч манзараси деб айтиш мумкин.

Ҳар қандай шеърда, таржима қилинган шеърларда ҳам, фикрдан ташқари ҳаяжон, эҳтирос, шавқ бўлиши талаб этилади. Бу – шеърнинг азал қонуни. Юқоридаги шеърнинг қиёмига етмаган жойи шундаки, унда насрга хос фикр оқими мавжуд. Аммо назмга хос пўртана, қайнаб-тошиш сезилмайди. Гарчи Хитой шеърлятида ҳиссий майинлик, руҳий сокинлик хусусиятлари устувор бўлса-да, табулар, қолиплар яхши маънода бузилса, инкор этилсагина яхши шеър пайдо бўлади.

Гуан Ханьиннинг “Куз” шеърида бир сатр “*Жала ажиб тарақ-туруқ этарди...*” тарзида таржима қилинган. Назаримизда, “*тарақ-туруқ*”ка “*ажиб*” сўзи сифат бўлиб қовушмагандек туюлади.

Яна бир Хитой шоири Цяо Цзининг “Фароғат” шеърида:

*Чойдишдаги қор парчаси
эриб борар ўчоқда...*

дейлади. Қор парчаси эмас, қор учқуни дейилса, ўринли бўларди.

“Куз хаёллари” шеърида:

*Яккаш гозларгина нимадир деб мингиллар
муздай булутга...*

Бизнингча, “мингиллар” сўзини фақат инсонларга нисбатан ишлатиш мумкин. Гоз ёки бошқа турдаги жониворларга нисбатан бу сўзни қўллаш тўғри бўлмайди.

Журналнинг 3-сониде турк шоирларининг шеърларидан намуналар берилган. 8 Март – хотин-қизларнинг халқаро байрами муносабати билан фақат оналар ҳақидаги, яъни оналар мадҳ этилган шеърлар таржима учун танлаб олинган. Шеърларни шоир Тоҳир Қаҳҳор она тилимизга ўгирган.

Аҳмад Қутси Тажар (1901–1967)нинг “Оналар” шеърида *Гул бутоғи* ва *Ғунча + Она* ва *Болага* қиёсланади.

*Ғунчага шундай дер гулнинг бутоғи:
Танимда ярасан, бир қўл тегмасин,
Титрайман, шамоллар қаддинг эгмасин.
Оналар дер бола бешикда чоғи:*

*Ёмонлик кўрма ҳеч, болам, оламда.
Умидим, тасаллим сенсан ҳар дамда.
Ғунчалар очилар, сел олар-кетар,
Оналар улғайтар, ер олар-кетар.*

Саккиз мисрали шеърда Гул булоғи Ғунчани шамоллардан асраб-авайлаши оналарнинг бешикда фарзандини асрашига қиёсланади. Шеър кучли фалсафий, ижтимоий хулоса билан якунланади: “*Ғунчалар очилар, сел олар-кетар, Оналар улгайтар, ер олар-кетар...*” Шеърнинг шундай қатъий оҳангда, кескин сатрлар билан якунланиши таржимон шеърнинг асосий нуқтасини – “жон жойи”ни топганини, шеърнинг руҳига кира олганини исботлайди.

Журналнинг 4-сонида Озарбайжон шоири Акбар Қўшалининг туркум шеърлари эълон қилинган. Шеърларни Озарбайжон тилидан Раҳмат Бобожон она тилимизга ўгирган.

“Шеър ўқидим мен Тошкент бўлиб...” шеърда шоир:

*Улар тирсак қўйган столга
Биз кўнгилни қўйгандик, ахир –*

деб ёзади. Шоир “*тирсак*” ва “*кўнгил*”ни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, ҳаётга, инсонга, ишқ-муҳаббатга муносабат борасида авлодлар – ҳиссиётлар, дунёқарашлар, нуқтаи назарлар, керак бўлса, маданиятлар ўртасидаги тафовутни, фарқни кўрсатади. Бу тасвир, бундай кенг планли лавҳа, манзара таржимада тўла акс этган.

“Олисдаги қаро ишқ...” шеърда шоир дунёнинг икки четидаги икки юракнинг бир-бирига соғинч билан талпиниши ҳолатини қаламга олган. Бу ҳолатни таржимон таржимага ҳам ёрқин тарзда кўчиришга эришган:

*Олисдаги қаро ишқ,
Энг қаро ишқлар кетди.
Кетмадим қаро ишқдек,
Сен келмадинг ёз мисол.
Кўзингдану сўзингдан
На бирон хабар етди.
Ботину зоҳирингда –
Сен тарафда не аҳвол?*

“Қиз қалъаси” шеърда шоир дунё ва кўнгил, олам ва қалб ўртасидаги муносабатни:

*Қалъа қалб бўлолмас,
Қалъа бўлар қалб –*

тарзида ифодалайди. Қалъа – дунё, у кўнгил, қалб бўлолмайди. Қалб эса, кўнгил эса дунё бўлиши мумкин. Таржимада шу тушунча маромига етказиб ифодаланган.

Шу шеърда “*Умрим оёгингга бўлсин поёндоз...*” дейилган. “*Умрим оёгингга*” эмас, “*умрим йўллaringгга бўлсин поёндоз*” дейилса, назаримизда, мантиқан тўғри ифодаланган бўларди.

Журналнинг 5-сонида ўқувчига Чили шоири, Лотин Америкасининг XX асрдаги энг кўзга кўринган вакилларида бири, Нобель мукофоти совриндори Пабло Неруда (1904–1973)нинг “Башарият кўшиғи” эпопеясида олинган бир парча, яъни “Мачу-Пикчу чўққилари” достони тақдим этилган. Уни шоир Рустам Мусурмон рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Достон ижтимоий мазмун, ижтимоий рух билан йўғрилган, озодлик ва куллик, эркинлик ва тутқунлик, мустақиллик ва мустабидлик, кураш ва тобелик ҳақидаги асар. Таржимон достоннинг ана шу юксак ижтимоий руҳини, ижтимоий пафосини ўзбек ўқувчисига етказиб бера олган.

Таржимада аслиятдаги миллийликни сақлаб қолиш жуда муҳим. Аслиятдаги миллий колорит, аслиятдаги бадиий бўёқдорлик таржима қилинаётган тил ва шу тил эгаси бўлган халқ миллий колоритига уйғунлашса, асар матнидаги бадиий бўёқдорлик таржима матнига ҳам кўчса, бу таржиманинг муваффақияти ҳисобланади, албатта.

Лекин фақат шугина эмас. Аслиятда асарнинг ўз ритми, яъни оҳанг ва фикр ифодаси борасида ўз мароми бўлади. Ана шу маромни сақлаб қолишга эришиш ҳам таржимондан талаб этилади.

Ана шундагина таржима асари қайта яратилган бўлади.

Ана шундагина таржима фақат хира фотонусхага эмас, соф ва асл ижод даражасига кўтарилади.

*Осмонларни тешиб ўтган
довон йўлдан кўтарилиб,
булутма-булут, шамолма-шамол
чошиб чўққиларга чиқдим;
пастда қолди сариқ чақа –
мис тангалар сочиб куз,
пастда қолди бугдой ўриб –
олтин бойлик йигиб ёз.
Чўққиларда навбаҳор,
буюк севгини кўрдим,
юзидан нур таратарди
ўн тўрт кунлик сулув ой.*

Таржимон “Осмонларни тешиб ўтган... булутма-булут, шамолма-шамол чошиб... сариқ чақа – мис тангалар сочиб куз... бугдой ўриб – олтин бойлик йигиб ёз... Чўққиларда навбаҳор... юзидан нур таратарди ўн тўрт кунлик сулув ой...” каби истиораларни қўллаб, матннинг бадиий жиҳатдан бўёқдор бўлишига эришган. Бундан ташқари, асарнинг биринчи сатрларида ноқ достоннинг бошидан охиригача яхлит сақланган ягона ритмни, маромни шакллантиради. Бу якранг, зерикарли оҳанг эмас. Аксинча, ўзгарувчан, маъно ва мазмунга, шаклга мос равишда янгилиниб боровчи оҳанг ва ритмдир.

Пабло Неруда ўз ижодида шаклий экспериментларни дадил қўллаган. Изланиш ва тажрибалар заминиди ўз услубини яратган. Бу услуб фикр-мулоҳаза, ифода диапозонининг кенглиги, баъзан сокин, баъзан жўшқинлиги, баъзан кўпириб қайнаши, фалсафийлиги, сўзларнинг чиройли эмас, балки ўткир, кескир бўлиши, асосий мақсадни ифодалаш, баён этиш учун хизмат қилишга бўйсундирилиши билан изоҳланади.

Таржимон аслиятнинг шу хусусиятларини сақлаб қола олган.

Шоир дostonда инсон ҳаётининг маъно-мазмунини, умр якунида ўз аъмоли олдидаги сарҳисоб, ўз умрига, ўз ҳаётига кишининг ўз баҳоси қанчалик ҳолис, тўғри бўлиши борасида баҳс юритади.

Шу маънода таржимон дostonнинг асосий ғояси, асосий мақсади нимага йўналтирилганини топа билган, қандай “нишон”га қаратилганини англаган ва шуни таржима ўқувчисига етказиб бера олган.

Журналнинг 6-сониди болгар шоираси Лиляна Стефанованинг (1929-2021) “Деразамни ювсин ёмғирлар” деб номланган умумий сарлавҳаси остида бир туркум шеърлари эълон қилинган. Шеърларни рус тилидан Мавсума Мансурова таржима қилган.

Таржима ҳам ижод, ҳам санъат. Таржима асарларига мустақил шеърдан пастроқ бўлса ҳам бўлаверади, деб қараш, пировардида таржиманинг муваффақиятига соя солади. Афсуски, Лиляна Стефанованинг “Апрель” шеъри таржимасида шунга ўхшаган ҳолни кузатиш мумкин.

*Апрель,
Менинг оппоқ гуллаган ойим,
Меҳрибон эркалар ширин висолинг.
Боқий бўл сеҳрли эртас мисоли.
Деразамни ювсин ёмғирлар доим.
Бу ойнинг кунлари тугамасин ҳеч –
Апрель кунларингни кўпроқ чўз, саҳий.
Бу тонгда ойнинг тунлари тугамасин ҳеч,
чиққан қуёш ботмасин боқий.
...Машаққатли йўл,
Апрель,
Юрагимда оғриқли яра.
Апрель,
Кетиб қолма бунча тез, эрта.
Апрель,
Яна биров ёнимда бўлгин.*

Таржимада шеърга, баҳорга, апрелга ҳос завқ, жўшқинлик, кўтаринки кайфият яққол сезилмайди. Масалан, “... гуллаган ойим... меҳрибон эркалар ширин висолинг... Боқий бўл сеҳрли эртас мисоли... Апрель, кунларингни кўпроқ чўз, саҳий... чиққан қуёш ботмасин боқий... Апрель, кетиб қолма бунча тез, эрта...” каби ибора ва мисралар оддий ва сўник сўзлардан иборат экани таржимага кўтаринки шеърини руҳ, кайфият бағишлай олмаган.

Таржима жараёнида аслият ва таржимада дунёқарашлар, ахлоқ мезонлари номутаносиб келган ўринлар пайдо бўлиши, тушунчалар ҳар хиллигига дуч келиниши мумкин.

“Нилуфар”, “Шамол” шеърлари таржимасида таржимоннинг ижодий излангани, лирик қаҳрамоннинг дунёқарашини акс эттиришда миллий заминга таянишга урингани сезилади. Лекин “Нилуфар” шеърида “*Бамисоли “НИЛУФАР” сўзи Атоқлимас, турдош от каби...*” деган жўн мисраларни ўқишга тўғри келади.

Журналнинг 8-сонида жаҳон адабиёти вакиллари ижодидан намуналар тақдим этилган. Шеърларни рус тилидан шоир Йўлдош Эшбек ўгирган. Шеърлари таржима қилинган шоирлар турли мамлакатлардан, турли халқларга мансуб бўлсалар-да, уларнинг асарларини озодлик, мустақиллик, эркинлик, зулм ва истибдодга қарши кураш руҳи бирлаштиради. Дарҳақиқат, ўтган XX асрда Ер юзини инқилоб руҳи, озодлик руҳи қамраб олган эди.

Йўлдош Эшбек таржима учун XX асрда озодликка, мустақилликка интилган халқлар адабиётидан шеърий асарлар танлаган. Бу шоирлар – ўз халқларининг эрк ва озодлиги учун курашган, шу йўлга, шу тақдирга умрини бағишлаган фидойи шоирлар. Уларнинг шеърлари хуррият руҳи билан суғорилган.

Америка шоири Лэнгстон Хьюзнинг “Озодлик ўтлиси”, “Ҳаёт гўзал”, “Туғилиш” шеърлари таржима қилинган. Таржимон “Озодлик ўтлиси” шеърида газетани – кунсўз, поездни – ўтли, радиони – унсўз, вагонни – қатор деб таржима қилади. Гарчи таржимон томонидан “қайта тирилтирилган” ушбу сўзларнинг тилдан тилга, асардан асарга ўтишига шубҳа билан қарасак-да, барибир, бундай ўзига хос топилмаларни албатта олқишлаш зарур. Яна бир жиҳати, бу сўзлар мазкур шеър ёзилган пайтда тилимизда фаол муомалада бўлган. Таржимада шу сўзлар ишлатилиши эса асарда ўша давр манзарасини тиклаш учун хизмат қилади.

“*Бундан-да қимматли сўз йўқ жаҳонда, Ҳайқираман. Яшасин Озодлик!..*” Шоир озодлик сўзини катта ҳарф билан ёзади.

Лэнгстон Хьюзнинг “Туғилиш” шеърини тўлиқ келтиришни жоиз деб топдик:

*Ў, юлдузлар тугилган
мўъжизалар майдони,
нур сочди қуёш,
ёритди ой
ва мен – шоир,
зулматга ёғмоқ учун,
чақиндай чақмоқ учун,
юрakни ёқмоқ учун
қилиб қандайдир нишон
тунларга тақмоқ учун
ва қандайдир сўз билан
порлаб,*

тўлиб,
сочиб нур,
нур бўлиб боқмоқ учун,
янграб,
жаранглаб
яна
шуъладай балқмоқ учун!

Конго шоири Нгампика-Мперенинг “Тун” шеърида:

Ҳаво тинч
хурмолар ухлади.
Мовий уйқуга чўммоқда дунё.
Уйғонаркан,
тўшагидан қўзғалади порлоқ ой...

сатрларини қоғозга туширган. Ушбу шеърда “ухламоқ”, “уйғонмоқ”, “қўзғалмоқ” каби сўзлар бош сўзлар бўлиб, шеърнинг бир қарашда сокин, аммо жасур ва исёнкор руҳини ифодалайди. Таржимон шеърнинг юрагини очиб кўрсатадиган аосий муҳим сўзларни топа олган.

Тасаввуфда мавлавия тариқати асосчиси саналган Мавлоно Жалолиддин Румий ғазаллари журналнинг 9-сонида ўқувчиларга тақдим этилган. Ғазалларни Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид форс тилидан ўзбек тилига ўгирган. 17 та ғазал таржима қилинган.

Ўтган XX асрнинг тўқсонинчи йилларигача ўзбек тилига жаҳон адабиёти, Шарқ, ҳатто қардош халқлар адабиёти намуналари воситачи тил – рус тилидан амалга оширилган таржималар орқали кириб келарди. Сўнгги ўттиз йилда бу хунук анъана тобора барҳам топиб бормоқда. Энди Шарқ адабиётининг ўнлаб нодир намуналари бевосита аслиятдан таржима қилинаётир. Турк, форс, араб, хитой, корейс ва бошқа қардош халқлар тилларидан қилинаётган таржималар эҳтимол бугун жуда пишиқ-пухта эмасдир, лекин вақт ўтиши билан, яъни келгусида албатта кам-қўстлардан холи бўлиб бораверади.

Таржима учун аслият намунасини танлаш, уни бутун ҳолда тушуниш, “ичига кириш”, асар яратилган халқ тарихини, айти пайтда асар тарихини ўрганиш, асарни юзага чиқарган муҳитдан, шарт-шароитдан хабардор бўлиш, янги муҳитда, бошқа муҳитда, таржима қилинган тил муҳитида таржима асарининг қандай қабул қилинишини ўйлаш ва бу ҳақда имкон қадар тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, таржима услуби ва усулини аниқлаш – булар таржиманинг муваффақиятини таъминлайдиган жуда муҳим омиллардир.

Мавлоно Жалолиддин Румий таржималари Сирожиддин Саййид томонидан аруз қоидалари ва мезонларига риоя этилган ҳолда, айти пайтда ўзбек тилимизнинг сўз бойлиги, кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда таржима қилинган.

“Била...” радифли ғазалга диққат қаратайлик:

*Ўтди умрим дилни савдоси била,
Дил ғами ҳам дилни парвоси била.*

*Дил менинг қасдимни айлар ҳар замон,
Мен юрибман дилни даъвоси била.*

*Ёр зулфин ҳалқасидир унга жой,
Дилга хушдир бўлса шайдоси била...*

Бутун ижоди илоҳий ишқ билан йўғрилган улуғ шоирнинг битикларини таржима қилишга қўл уришдан аввал уни синчиклаб ўқиб, “ўзиники” қилиб олиш керак. Шундагина ҳар бир ғазални тушуниш ва уни таржима қилиш учун йўл очилади.

Юқорида биз кўздан кечирган таржима-ғазал равон ўқилади. Оҳангги табиий. Сўзлар ва фикрлар маъно ва шакл нуқтаи назаридан ўрнини топган. Таржима эмас, ўзбек тилида ёзилган ғазалдек таассурот уйғотади.

Умуман олганда, таржимон-шоир услуб ва шакл нуқтаи назаридан ўз услубига яқин шоирларнинг асарларини таржима учун танлагани маъқул. Сирожиддин Саййиднинг арузда ёзиш тажрибаси, малакаси катта. Бир томондан кўплаб ғазаллар битган бўлса, бошқа томондан Саккокий, Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аваз Ўтар, Ҳувайдо каби улуғ шоирларнинг ғазалларига дилтортар мухаммаслар боғлаган. Унинг мумтоз шоирларимизнинг ғазаллари билан баробар пардада, баробар даражада жаранглайдиган ғазал, мухаммаслари оз эмас. Шу маънода, ушбу ғазал таржимаси ҳам муваффақиятли чиққанини, шеърхоннинг юрагига етиб боришини эътироф этиш лозим.

Таржимада оҳангдош товушлар шеърнинг оҳангдорлигини оширганлини “бўлган” радифли ғазал мисолида кузатишимиз мумкин:

*Ҳавоингда ҳаво этган, бу дил борин наво этган,
Бу жоним ҳам жамолингдан ўчиб буржи ҳамал бўлган.*

“Ўзим” радифли ғазалида қатор аллитерация қўллангани ғазални куй-қўшиқдек жаранглайиб юборади. Мумтоз адабиётимиздаги кўплаб ғазаллар қўшиққа айлангани бежиз эмас.

*Эй сен, ғазалхон булбуло, ширинзабон, эй тўтиё,
Қанду шакар истар эсанг, қанду шакардирман ўзим.*

Журналнинг 10-сонидан испан шеърятидан намуналар берилган. Испан шоири Леон Фелипе (1884–1968)нинг бир туркум шеърларини рус тилидан иқтидорли шоир Даврон Ражаб таржима қилган.

Шоир “Оғрик” шеърда шундай ёзади.

Мен ўз юзимга
дунёнинг барча кўёшлари ила
қараш учун келдим.

Бу сўзлар шоирнинг бутун ижод йўлини белгилаб берган сўзлардир.
“Мен биламан” шеърининг якуни:

Ҳа, мен кўп нарсани билмайман,
бу – *рост*.
Бироқ айни шу *рост* мени
эртаклари билан заҳарлаб борар.
Мен буни биламан.

Ушбу шеър фалсафаси – Шарқона фалсафа: Билганингиз сари билмаслигингизни билиб борасиз. Лекин таржима у қадар силлиқ чиқмаган: “Ҳа, мен кўп нарсани билмайман, бу – *рост*. Бироқ *айни шу рост* мени эртаклари билан заҳарлаб борар. Мен буни биламан”.

Ушбу ўринда *рост* сўзи ўрнига, масалан, *ҳақиқат* сўзи қўйилганда маъно кучли, равшан ва ойдин ифодаланган бўлар эди.

“Гил” шеърида:

Цезар хоки аралашган гилдан
Хом гиштдан қурилган
Аянчли капанинг
Шамолда униққан деворлари сувалган.

“Капа” бўлгандан кейин қурилган эмас, тикланган дейилса, тўғри бўларди.

Журналнинг 11-сонида дунёга машҳур қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоннинг бир туркум шеърлари берилган. Шеърларни шоира Ойдиннисо рус тилидан ўгирган. Ўлжас Сулаймоннинг шеърлари аввал ҳам Шавкат Раҳмон, Мирпўлат Мирзо ва бошқа шоирлар томонидан таржима қилинган ва ўз ўқувчисини топган.

Бадиий асарда ҳис-туйғу, инсон ва табиат, ҳаракат ва ҳолат тасвирлари муҳим ўрин тутади. Аслиятдаги шу муҳим унсурлар албатта таржимага кўчган бўлиши керак.

Ўлжас Сулаймоннинг “Бир уруш тугади” шеъри воқеабанд шеър. Лирик қаҳрамоннинг отасининг акаси – амакиси урушга кетди. Урушда қаҳрамонарча ҳалок бўлди, деган хабар келади. Қаҳрамоннинг отаси – бобо набирани ёнига олиб, ўғлининг қабрини излаб боради. Рус ўрмонларининг бир четида аканинг сўнгги манзили топилади. Ўғлоннинг хокини она юртга олиб келмоқчи бўладилар. Лекин уй-уйидан чиқиб келган қишлоқнинг ёшу қари аёллари умумий қабрга тегинишга қўймадилар. Чунки бу ерда – бир жойга 18 нафар аскар дафн этилган.

Маълумки, Ўлжас Сулаймон асарларини рус тилида ёзади. У катта рус адабиётини қозоқ даштлари, қозоқ менталитети, қозоқ ҳаёти, қозоқча

кулги ва йиғи, яъни Шарқ тасвирлари билан бойитди. Бу янгилик бўлгани, миллий ва умуминсоний аҳамиятга эга экани учун шоир рус адабиётида кадр ва эътибор топди.

Шу шеърни рус тилида ўқиганда оғир кайфият ўқувчи руҳига кўчади. Аслиятдаги оғир кайфиятни олиб ўтишга таржимада ҳам, умуман, эришилган.

Таржимада:

*Эсланим... вагонлар,
учар аскарлар...*

дейилади. Аскарлар учмайди-ку.

Аслиятдан, яъни рус тилидаги матндан четга чиқмасдан таржима қилинса:

*Эсланим...
Учиб (ёки елиб) бораётган вагон деразаларидан
қараб кетаётган аскарлар...*

тахминан шундай ўтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Журналнинг 12-сонида машҳур қалмоқ шоири Давид Қуғилтиновнинг шеърлари берилган. “Она тили”, “Чин дўстлик синалар”, “Фикрат ва вақт”, “Икки шахматчи” каби шеърларни рус тилидан Асрор Мўмин таржима қилган.

“Икки шахматчи” шеъри таржимасида маҳаллий тор ва чекланган шароитда қолиб, ўз иқтидорини ривожлантиролмаган, юзага чиқаролмаган шахматчи йиллар ўтиб, йироқларда маҳоратини тоблаб, тажрибасини ошириб, катта спортчи бўлган ўртоғига ўйинда ютқазади. Шеър сюжети шундан иборат.

Лекин бу ҳиссиз таржима шеърхонни қизиқтира олмайди.

*Урушдан қайтмаган шахид ботирлар,
Тирик вақтдагидай тушимга кирар.*

“тирикдек” деб ишлатилса, тўғри бўлади.

*Дунёдан ўтганлар яшайди бизда,
Уларни асрасак хотирамизда.*

“Яшайди бизда” эмас, “яшайди қалбимизда” ёки “яшайди орамизда” дейилса, сўз ва фикр ўрнини топган бўлар эди.

Баъзан таржимонга “таржимон – хоин” деб таъриф берилган. Таржимон аслиятга, бошқа бир тилда яратилган асарга хиёнат қилмаслиги, яъни уни аслиятдан паст даражада таржима қилмаслиги керак. Агар шундай йўл тutilса, бу чиндан ҳам хиёнат бўлади.

Журналнинг шу 12-сонида румин ёзувчиси, шоир ва таржимон Флорентина Далианнинг бир туркум шеърлари босилган. Шеърларни инглиз тилидан Шерзод Ортиқов таржима қилган.

Флорентина Далиан Бухарест шаҳрида 1968 йилда туғилган, асли касби кимё муҳандиси. Шу кунгача иккита романи, бир неча шеърый тўпламлари чоп этилган.

“Мактуб” шеъри матн сифатида жуда оддий. Баён ва тафсилотлардан иборатдек туюлади. Масалан:

*Кўкда қуёш порлар
Айни чошгоҳ пайт.
Бундай пайтда
Ҳис қилмоқ табиий
Ниҳоясиз жазирагани.*

Қисқа парчада “пайт” сўзи икка марта ишлатилган. “Чошгоҳ пайт” эмас, “чошгоҳда” тарзида ишлатилса, ифода ихчамроқ бўлар эди.

Шу ўринда ҳар қандай таржимон аввало ўз тилини, адабий тилни, шу билан бирга шеваларни ҳам пухта билмоғи, бунинг учун эса кўп китоб ўқиши, изоҳли луғатларни мудом кўздан кечириб, ўз сўз захирасини муттасил равишда тўлдириб бойитиб бориши керак, деган мулоҳаза ҳаёдан ўтади.

Агар шундай бўлмаса, қуйидагидек оби-тобига етмаган сатрлар қоғозга тушиши мумкин:

*Мен сенга ёзяман
Чулғаб олганча ҳайронлик нуқсин:
Қачон етиб бораркин
Сенга бу мактуб?*

Матнга кўра, лирик қаҳрамон “Ҳайронлик нуқсини” қамраб олган. Ваҳоланки, ҳайронлик лирик қаҳрамонни “чулғаб олганда” эди, жараён табиий бўларди.

Шунга ўхшаш маромига етмаган ифодага яна бир мисол:

*Сени севишим ҳам туюлар
Воқеликдан анча йироқдек.*

Таржима учун танланаётган асарнинг миллат менталитетига, ахлоқига мос ёки мос эмаслиги ҳам муҳим масала ҳисобланади. Бу фикрга мисол келтирсак:

*Чўққалар учаётган айни пайтда
Бир-биримизни кўришда илқис*

*рўй берадиган бачкана афсус,
Согинч, ваъдаларга қолдирманг ўрин.*

Шубҳасиз, “чўчқалар учаётган” деган сўзлар бошқача тарзда ифодаланса, яъни бошқа муқобили – синоними топилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

“Ярмарка томошаси” шеърида:

*Туюлди бўйи ўсгандек
Ўхшади унчалик ҳам аҳмоқ эмасга.*

“эмасга” сўзи ўрнига тушмаган.

Журналнинг бир йиллик таҳламлини варақлар экансиз, таржима асосий ижод билан банд бўлмаган фурсатларда, яъни бўш вақтларда қалам ёзишдан чиқиб кетмаслиги учун қилинадиган ўзига хос бир машқ эмас, деган хулосага келасиз. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Зулфия ва бошқа аллома шоирлар ҳам таржимага бегона бўлмаганлар. Таржима асарлари уларнинг ижодий таржимаи ҳолини безаб турибди.

Кейинги йилларда тегишли олий ўқув юртларида бадиий таржима билан, хусусан, хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима қилишга ихтисослашган таржимон-мутахассислар тайёрланаётгани бежиз эмас ва бу келажакда ўз мевасини беради, албатта.

“Жаҳон адабиёти” журнали ўтган 2022 йил давомида жаҳон адабиёти, жаҳон шеърияти мухлисларини дунёда эътироф этилган, услуби, ижодий йўналиши нуқтаи назаридан ҳар хил бўлган шоирлар ва шеърлар билан таништириб борди. Бу билан миллий адабиётимиз, шеъриятимиз уфқлари кенгайишига, янги-янги анъана ва тенденциялар билан бойишига муносиб ҳисса қўшди.

Салим АШУР



ҒАЗАЛ ВА ТАХМИС УЙҒУНЛИГИ

Озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий ижоди ўзбек адабиётидаги Бухоро, Хива ва Қўқон адабий муҳитига ўзининг кучли таъсирини кўрсатган. Ўзбек шеърятининг жуда кўп атоқли вакиллари уни ишқий ғазаллар яратишда ҳассос санъаткор деб билиб, асарларига назиралар битганлар, ғазалларига тахмислар боғлаганлар. Хусусан, XVIII асрда яшаган Хоразм ва Бухоро адабий муҳитининг ёрқин намояндаларидан бири, машҳур “Хусну Дил” достони муаллифи Муҳаммадниёз Нишотий ижодида ҳам Фузулийга издошликни учратамиз.

Манбаларга кўра, Нишотий Хоразмда туғилиб, саводини чиқарган бўлса-да, хонликдаги сиёсий аҳвол оғирлиги туфайли Бухорога келган, ғариблик ва муҳтожликда яшаган. Шоирнинг адабий мероси “Хусну Дил” достонидан ташқари “Қушлар мунозараси” манзумаси ҳамда 1500 мисра шеър – 38 ғазал, 14 мухаммас, 1 қасида ва мусаддасдан иборат.

Нишотий тахмисларидан бири Фузулийнинг куйидаги матла билан бошланувчи ғазалига боғланган:

*Дўст – бепарво, фалак – бераҳм, даврон – бесукун,
Дард – чўх, ҳамдард – йўқ, душман – қавий, толеъ – забун¹.*

Асос ғазал 10 байтдан иборат бўлиб, унда асосан ижтимоий адолатсизликдан шикоят қилиш руҳи устувор. Шу боис Нишотий ғазал таркибидан кўнглига яқин бўлган ишқий маънодаги 5 та байтни танлаб, тахмис боғлаган бўлиши мумкин. Шунингдек, ғазал рамали мусаммани маҳзуф (Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида ёзилган бўлиб, боғланган тахмисда ҳам айнан шу вазнга қатъий риоя қилинган.

Демак, тахмиснинг биринчи банди куйидагича:

*Ақл – маъдум, ҳуш – нодону хирад – нораҳномун,
Ишқ – золиб, шавқ – мухлик, бетараҳҳум – чархи дун,
Ёр – гофил, дард – мушкил, ҳажр – қотил, ашк – хун,
Дўст – бепарво, фалак – бераҳм, даврон – бесукун,
Дард – чўх, ҳамдард – йўқ, душман – қавий, толеъ – забун².*

Фузулий ғазалининг матлаидаги лирик қаҳрамон дўст бепарволиги,

¹ Расул Х. Фузулий М. Асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Девон. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968. – Б. 241.

² Нишотий М. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. –75–76.

“фалак” – тақдир бераҳмлиги, даврон, яъни замон бесукун – тўхтовсиз айланиши, кўнгилдаги дард кучлилиги, ҳамдард йўқлиги, боз устига душман қудратлилиги, толеъ – бахт ожизлигидан зада бўлган, муҳитдан норози шахсдай арз қилса, Нишотийнинг лирик қаҳрамони “ақл” – интеллект, “хуш” – хушёрлиги, “хирад” – донишмандлигидан асар қолмаган, кўнгли ишққа мағлуб бўлган, ҳалокатли висол шавқида дучор, раҳмсиз дунё, ғофил ёр, мушкул дард, қотил ҳижронга мубтало, қонли ёш тўкаётган ошиқдай фарёд чекади. Шу ўринда яна бир диққатга сазовор ҳолат шуки, Фузулий байтига орттирилган уч мисра Алишер Навоийнинг “(ёр ўз жамолини кўрсатгач) ақлу хушдан айрилдим, жону кўнглимдан асар ҳам қолмади, чунки ишқ қалбимни истило этгач, қилган барча тоатибодатларимни йўққа чиқарди, мендан қасос олди” мазмунидаги байтини ҳам эслатади:

*Хуш кетди, ақл итти, қолмади жону кўнгил,
Ишқ чекди зуҳд ила савдоларимга интиқом...¹*

Бундан Нишотий тахмис боғлаш жараёнида Навоийнинг шу каби байтларидан мутаассир бўлган деган хулосага ҳам келиш мумкин.

Юқоридаги бандда тахмис мисралари ўз бадийяти билан ҳам ўқувчи диққатини тортади. Ундаги қатор шеърӣ санъатлар тахмис муаллифи ғазал услубини тўла сақлаб қолишга муваффақ бўлганидан далолат беради. Масалан, ғазал матлаидаги “Дўст – бепарво, фалак – бераҳм, даврон – бесукун...” ва унга боғланган “Ақл – маъдум, хуш – нодону хирад – нораҳномун...” сингари сатрларда ҳам боғловчисиз келган кўшма гаплар кетма-кетлик, тадрижийлик асосида фикрни юзага чиқаргани учун теъдод санъати қўлланилган. Қайд этиш жоизки, Нишотий тахмис таркибидаги яна икки бандда ушбу санъатга такрор мурожаат қилган. Шу билан бирга, биринчи мисрада “ақл”, “хуш”, “хирад”, иккинчи мисрада “ишқ”, “шавқ”, учинчи мисрада “ёр”, “дард”, “ҳажр”, “ашқ” (Нишотийга тегишли), тўртинчи мисрада “фалак”, “даврон” (Фузулийга тегишли), “чархи дун” (иккинчи мисрада, Нишотийга тегишли), бешинчи мисрада “дард”, “ҳамдард” (Фузулийга тегишли) сўзлари маънавий боғлиқлиги нуқтаи назаридан таносуб санъатини, учинчи мисрадаги “ғофил”, “мушқил”, “қотил” (Нишотийга тегишли), бешинчи мисрадаги “чўх”, “йўқ” сўзлари (Фузулийга тегишли) ички қофия санъатини, тўртинчи мисрадаги “дўст” билан бешинчи мисрадаги “душман”, “қавий” (кучли) билан “забун” (ожиз, енгилган) (Фузулийга тегишли) сўзлари тазод санъатини ҳосил қилган.

Бу ўринда яна шуни айтиш мумкинки, ғазалнинг дастлабки байти ўқувчига унда ифодаланадиган воқеа-ҳодиса, ички кечинмалар ҳақида дастлабки маълумотларни бериш учун хизмат қилади. Фузулий лирик қаҳрамоннинг “толеъ – забун”лигига олиб келган олтига сабабни санаб ўтган бўлса, Нишотий киритган мисралар эса мазмунан ана шу оқибатни

¹ Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Олтинчи том. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-қибар, – Тошкент: Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, 1990. –Б. 298.

келтириб чиқарган яна ўнта сабабни қўшади, натижада хулоса янада те-ранлашади.

Тахмиснинг иккинчи бандида лирик қаҳрамоннинг “толеъ – забун”лиги сабаб руҳиятида кечаётган изтиробли кечинмалар силсиласи кучайтириб борилади:

*Ҳамдамим – оҳу нафас афғон балолиғ банд-банд,
Рух – маҳзун, жон – ҳазин, хотир – ғам(г)ин, сирҳат – газанд,
Марғ – ҳамсуҳбат, даво – ноёб, марҳам – мустаманд,
Ақл – дун, ҳиммат – садойи таъна: бир-бирдан баланд,
Бахт кам шафқат, балойи ишқ кун-кундин фузун.*

Иккинчи банднинг асос байтида Фузулийнинг лирик қаҳрамони бо-шида ишқнинг балоси кундан-кун ортаётгани, шу боис унга бахтнинг ҳам кам шафқатлиги, ақлнинг “дун” – пасткашлиги, унга кўрсатилаётган “ҳиммат” эса бир-биридан баланд янграётган “таъна”¹ – ҳақорат, мало-мат эканидан шикоят қилади. Нишотий тахмиснавислик анъанаси-га кўра, байтда ифодаланган бу ҳолатни янада чуқурлаштириб, лирик қаҳрамоннинг ҳамдами – бир-бирига боғлиқ ва балолиғ оҳ, нафас, афғон экани, унинг руҳу жони – маҳзун, хотираси – ғамгин, саломатлиги – “га-занд”, яъни ўта ёмонлигини, ҳамсуҳбати – ўлим, дардининг давоси – ноёб, сирдоши – ғам эканини баён қилади.

Мазкур банднинг биринчи мисрасида “оҳу нафас афғон”, иккин-чи мисрасида “руҳ”, “жон”, “хотир”, учинчи мисрасида “ҳамсуҳбат”, “марҳам” сўзлари (Нишотийга тегишли) таносуб санъатини, иккинчи мисрадаги “маҳзун” ва “ҳазин” (Нишотийга тегишли) сўзларининг ўзаги бир бўлгани учун иштиқоқ санъатини, учинчи мисрадаги “марғ” яъни, ўлим билан “даво” (Нишотийга тегишли) сўзлари тазод санъатини рўёбга чиқарган.

Нишотий тахмисни давом эттирар экан, Фузулий баён этган фикрни ҳар тарафлама бойитишга ҳаракат қилади:

*Ваҳ, нечук айлай гумон ўзни бу ҳолатда ҳаёт,
Хок аро пинҳонман андоқ, ахтариб топмас мамот,
Ўтда парри қоҳдек ақлу хирадга йўқ нажот,
Елда барғи лоладек тамкину дониш бесабот,
Сувда акси сарвдек таъсири давлат вожгун.*

Фузулий ошиқ ички кечинмаларини ифодалар экан, табиатдан улар-га мос ҳолатларни излаб топади. Унинг таъкидлашича, “Ошиқнинг ақлу илми шамолдаги лола баргидек бесабот (беқарор), таъсири давлат (ёр висоли) эса сувдаги сарв аксидек вожгун (тескари), яъни у висолдан маҳрумдир”. Кўриниб турибдики, бу ўринда Фузулий табиат манзараси-дан жуда усталлик билан фойдаланади. Дарҳақиқат, ел эсаётган пайтда лола барглари ўта беқарор ҳолатда бўлса, сув бўйида ўсган сарвнинг акси те-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2020. – Б. 29.

скарӣ кўринади. Нишотий таҳмис ёзар экан, дастлабки мисрада: “Қандай қилиб мен ўзимни ҳаёт (тирик) ҳисоблашим мумкин?” – дея савол қўяди ва кейинги мисраларда бу саволга жавоб берар экан, Фузулий изидан бориб, ошиқ кечинмаларини табиат билан боғлайди. Фузулий мисраларида ел, лола, сарв ва сув тасвири берилган бўлса, Нишотий тупроқ ва ўт (олов) тасвирига мурожаат этади. Унинг таъкидлашича, ошиқ тупроққа шу даражада сингиганки, ҳатто ўлим ҳам уни қидириб тополмайди, ўтда учаётган сомон парчасидек, ишқ оловида ёнмасликнинг ҳам иложи йўқ. Бу фикрлар асос байт мазмуни билан уйғунлашиб, ошиқ кечинмаларининг мукамал лирик талқинига айланиб кетган.

Шоирлар банднинг биринчи, иккинчи мисраларидаги “ҳаёт” ва “мамот” сўзларида (Нишотийга тегишли) тазод санъатини, учинчи мисрадаги “парри коҳдек” – учаётган сомон парчасидек (Нишотийга тегишли), тўртинчи мисрадаги “барги лоладек” – лола баргидек, бешинчи мисрадаги “акси сарвдек” – сарв аксидек (Фузулийга тегишли) форсий изофалар ёрдамида ташбеҳ санъатини; банднинг иккинчи мисрасидан бешинчи мисраларидаги илк сўзлар тўрт унсур – “ҳок” – тупроқ, “ўт” – олов (Нишотийга тегишли), “ел” – шамол, (ҳаво), “сув” (Фузулийга тегишли) – сув сўзлари орқали таносуб санъатини яратганлар.

Таҳмиснинг тўртинчи банди мумтоз бадииятнинг энг гўзал кўриниши бўлган китобат санъати устига қурилган:

*Ҳамроҳим – ғам, мунисим – дарду рафиқимдир – ано,
Маҳрамим – меҳнат, шафиқим – марг, ҳамдардим – қазо,
Тутғали қад била қошинг он то жон ичра жо,
Ҳар сиҳи қад жилваси бир сели тўфони бало,
Ҳар ҳилол абрў қоши бир сарҳати машқи жунун.*

Нишотий банднинг биринчи, иккинчи мисраларида юқоридаги анъанавий услубни давом эттириб: “Ҳамроҳим – ғам, мунисим (меҳрибон дўстим) – дард, рафиқим (ўртоғим) – ано (машаққат), сирдошим – меҳнат (азоб-уқубат), шафиқим (шафқат қилувчим) – марг (ўлим), ҳамдардим – қазо (тақдир) эканини таъкидлар экан, буларнинг сабабини учинчи мисрада очиқлайди. Мумтоз адабиётда араб алифбосига тегишли ҳарфлардан етук бадиий санъат намуналари яратилганини кўп кузатганмиз. Ёрнинг қаддини “алиф”, қошини “нун” ҳарфларига ўхшатилиши анъанавий ҳол. Лекин Нишотий Фузулий сингари шу анъанавийлик доирасида ҳам новаторлик – янгилик қилишга муваффақ бўлади. Чунончи, ёрнинг “алиф”дек қадди, “нун”дек қоши билан қўшилса “он” – “у” (ёр) сўзини ҳосил қилади. “Он” ўз навбатида “жон” сўзининг таркибидан олингани кундай равшан. Алалхусус, банддаги асос байтга боғланган уч мисра маъноси шундай: ошиқ жони орасида севиклисининг алифга менгзалган қомати, нун янглиғ қошининг ишқини пинҳон тутиши (сақлаши) учун барча изтироблар (ғамни – ҳамроҳ, дардни – дўст ва ҳоказо)га дучор бўлишга рози. Албатта, Нишотий мисраларидаги бу фидойилик сарчашмаси Фузулийнинг “Ёрнинг “сиҳи” – тик қоматининг ҳар “жилваси” – тебранишидан

ошиқ кўнглида бало сели шаррос қуйиб, тўфон кўтарилади” мазмунидаги асос байтига бориб такалади. Агар гўзалнинг қадди шунчалик жафолар қилса, қоши ошиқ бошига ундан “батаррак” ситамларни солиши аниқ. Яъни, ёрнинг янги чиққан ой – “ҳилол”дай қалам қоши ошиққа “жунун” – телбалик дарсида “сарҳат” – чиройли ёзишни машқ қилдиради. Шу ўринда “жунун” сўзида яширин китобат санъати қўлланганини қайд этиш лозим. Эътибор берилса, мазкур сўзда арабий “нун” ҳарфи икки марта қўлланган бўлиб, Фузулий бу билан ёрнинг нунсифат икки қошига ишора қилган. Шунингдек, мазкур бандда “ҳамроҳ” сўзи билан “мунис”, “рафиқ”, “маҳрам”, “шафиқ”, “ҳамдард” сўзлари, “ғам” билан “дард”, “ано”, “меҳнат” сўзлари, “марг” билан “қазо” сўзи (Нишотийга тегишли), “сих” сўзи билан “қад” сўзи, “сел” билан “тўфон” сўзи, “ҳилол” билан “абрў”, “қош” сўзлари, “сарҳат” билан “машқ” сўзи (Фузулийга тегишли) таносуб санъатини ҳосил қилган.

Ва, ниҳоят, сўнгги бандда ҳам Нишотийнинг Фузулийга муносиб равишда издошлик қила олганини кузатамиз:

*То кўнгул боғида тутди маскан ул нозик ниҳол,
Богбонинг тобъи ўлди гул каби рангин хаёл,
Истабон бу ваз ила топмай Нишотийдек мақол,
Чехраи заррин¹ Фузулийнинг дутубдур ашки ол,
Кўр анга не ранглар чекмиш сипеҳри нилгун.*

Нишотий тахмиснинг якуний бандида боғ, ниҳол ва боғбон тимсолларига мурожаат этади ва улар ёрдамида “Ошиқнинг кўнгил боғида нозик ниҳолдай ёрнинг ишқи жойлашгач, боғбон – ошиқнинг хаёли севги таъсирида рангин тус олди. Бу ҳолатни таърифлашга Нишотий сўз топа олмай қолди. Зеро, бу каби муҳаббат туфайли Фузулийнинг заррин (тилларанг) юзини ашки ол (қизил кўз ёши) тутибдир (қоплабдир), қара, сипеҳри нилгун – дунё, тақдир уни не кўйларга солди”, – мазмунини ифодаловчи лирик манзарани яратади.

Мазкур бандда ҳам “боғ”, “ниҳол”, “боғбон”, “гул” (Нишотийга тегишли), “заррин”, “ол”, “ранг”, “нилгун” (Фузулийга тегишли) сўзларида таносуб санъати мавжуд.

Хулоса қилиб айтсак, Нишотий тахмис ёзар экан, Фузулийнинг санъаткорлик даражасига кўтарилиб, унинг “панжасига панжа уриш”га муваффақ бўлган. Мазкур тахмис мисолида икки туркий халқ адабиёти орасидаги ўзаро адабий таъсир, адабий мусобақа ва фикрий муштараклик каби ижодий ҳодисаларни кузатиш мумкин.

*Рустам МИРВОҲИД,
мустақил тадқиқотчи*

¹ Мазкур “заррин” сўзи бошқа манбаада “зардин”, яъни “сарик” маъносида келган. Қаранг: Расул Х. Фузулий М. Асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд девон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б. 241.

●● Историко-документальная монография российского историка Эдварда Радзинского “Князь. Записки стукача” написана как воспоминания императора Александра Второго. Читатель знакомится с дворцовой средой династии Романовых, где царила беспощадная борьба вокруг трона, внутренний конфликт между великими князьями. В произведении раскрываются причины крушения империи, процветавшей в течении трех столетий. Монография переведена на узбекский язык Джалолиддином Сафоевым.

●● Литературоведы США характеризуют поэму лауреата Нобелевской премии Томаса Элиота “Полые люди” как самое цитируемое произведение XX века. Поэт описывает сложность эстетического мира человека, его драмы и страдания. Произведение переведено с английского языка Шерзодом Камил Халилом.

●● Роман современного турецкого писателя Зеуса Кабадаи “Ты бросила меня” создан особым стилизованным решением: это монолог главного героя, его разговор с самим собой и откровения, написанные его рукой. Горький рассказ молодого человека, которого покинула любимая жена, не оставит читателя равнодушным. Страдания не смогли сломать его, наоборот, он становится сильнее. Произведение переведено на узбекский язык Бабаханом Мухаммад Шарифом.

●● Рассказ выдающегося русского писателя Антона Чехова “Поцелуй” удивляет читателя искренностью, чистотой помыслов и чувств главного героя. Писатель пишет о том, что настоящая любовь сильнее всяких бытовых вопросов, она сильнее смерти и войны, всегда спасает человека. Рассказ переведен с языка оригинала Хумоюном Акбаром.

●● Historical and documentary essay “Prince. Memoirs of a Traitor” by the famous Russian historian Edward Radzinsky is written in the spirit of the memoirs of Emperor Alexander II. While reading the work, the reader learns about the bad environment of the Romanov castle, about the fierce struggle for the throne, about the secret confrontation between the heirs to the throne, and the immorality of high society. In this work, reliable facts show the causes of the destruction and collapse of the evil empire that ruled for three centuries. Jaloliddin Safoev translated it from Russian.

●● The poem “The Hollow Men” by the American poet and critic Thomas Eliot consists of five parts. In this work, according to American literary critics, composed of the largest number of quotes in the twentieth century, it tells about conflicting feelings, about the complexities of the aesthetic worldview and the inner tragedies of a person. Sherzod Komil Halil translated it from English into Uzbek.

●● The story “You Left Me” by the modern Turkish writer Zeus Kabadayi is distinguished by a peculiar style of writing. Zeus Kabadayi is also a singer, screenwriter and director. This original work is written in the spirit of a monologue, a conversation of the main character with himself, about his written confession. The bitter story of a desperate guy whose wife left will not leave the reader indifferent. These sufferings did not break him, he came out of the abyss of longing for his beloved even stronger. I have to be strong, he says. This work was translated into Uzbek by Bobokhon Muhammad Sharif.

●● The story “The Kiss” by the great Russian writer Anton Pavlovich Chekhov surprises the reader with the naivety, kindness and pure thoughts of the protagonist. The writer in a magnificent form proves that love is stronger than domestic problems, life’s rewards and even war. Humoyun Akbar translated it from Russian.

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин РАҲИМ
Техник муҳаррир: Ғиёсиддин ЎНАРОВ
Мусаххих: Дилфуза МАҲМУДОВА
Компьютерда саҳифаловчи: Муаттар АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 13.06.2023 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 7800 нусха. 13 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб,

“Yetakchi nashriyoti” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани., Бешкўрғон 2 мавзе, 9 уй.

© Жаҳон адабиёти, 2023 й.